

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган Давлат университети

Ҳуқуқшунослик факультети

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи

Муаллифлар:

**юридика фанлари номзоди, доцент М.Жиянов,
катта ўқитувчи О.Чубоева,
И.Атамирзаев**

Наманган - 2007 йил

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин давлатшунос ва ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эътиборни ҳисобга олиб, давлат ҳокимияти турли органларида ишловчи кадрларни етуклигини таъминлаш мақсадида олий ўқув юртларида янги мутахассислик ўринларини ташкил этилди. Шунингдек дарсликларнинг янги авлодини яратишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик, миллий истиқлол ғояси: маънавият асослари ва ҳуқуқ, ижтимоий маданий фаолият йўналишлари ташкил этилиши ҳуқуқшунослик ва давлатшуносликни ўргатувчи фанларга ҳам янги талабларни қўйди. Ёзилаётган ушбу ўқув материали 454-миллий истиқлол ғояси: маънавият асослари ва ҳуқуқ таълим йўналиши талабаларига белгиланган таълим стандарти талабига биноан тайёрланди. Ушбу ўқув материалида ҳуқуқшунос ва давлатшунос мутафаккирларнинг фикрларига таянилди. Ўқув материали ўзига ҳос камчиликларига эга бўлиши мумкин. Келажакда бу фанни такомиллаштириш мақсадида ўз фикрларингизни билдирасиз деган умиддамыз.

1-қисм

1-мавзу: Жамият давлат ва ҳуқуқий тизимнинг вужудга келиши шаклланиши ва ривожланиш қонуниятлари.

Давлат ҳокимияти.

Режа:

1. Жамият тушунчаси.
2. Ибтидоий жамият: ижтимоий бошқарув ва ижтимоий нормалар.
3. Давлат тушунчаси ва моҳияти.
4. Давлатнинг асосий белгилари.
5. давлатнинг типлари.
6. Жамиятнинг сиёсий тизими.
7. Давлат тизимлари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро муносабатларини белгиловчи тамойиллар.

Жамият- бу тарихий тараққиётнинг муайян босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар маҳсулидир. Жамият-бу кишилар ўртасидаги ўзаро турли хил (иқтисодий, оилавий, маънавий, синфий, гуруҳий, диний ва бошқа) муносабатлар ва алоқалар йиғиндиси.

Ибтидоий жамоа тузумидаги ижтимоий ҳокимиятнинг қуйидаги белгилари мавжуд:

- Ибтидоий жамоа тузумида кишиларнинг уруғ ёки қабилага мансублиги қон-қариндошлигига қараб аниқланган.
- Ибтидоий жамоа тузумида давлат органлари, армия турма ва бошқа муассасалар мавжуд бўлмаган. Ижтимоий бошқарув уруғ оқсоқоллари, саркардалар, умумий йиғин доирасида амалга оширилган.
- Ибтидоий жамоа тузумидаги кишилар ўртасидаги муносабатлар ахлоқ, урф-одат мифлар ва анъаналар асосида тартибга солинган.
- Ижтимоий нормаларга амал қилиш асосан кўникмалар ва ихтиёрлик асосида бўлиб, уни бузган шахсларга жамоатчилик таъсири ва бошқа турдаги жазолар қўлланилган. Масалан: уруғ-қабиладан хайдаб юбориш.

Жамият, давлат ва ҳуқуқни ўзаро боғлиқлиги. Давлат ва ҳуқуқ тушунчаларига нисбатан жамият тушунчаси кенгроқ маънога эга, жамият ривожланишининг маълум босқичида давлат пайдо бўлган. Давлат ўз навбатида сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш мақсадида ҳуқуқни (юридик маънода) вужудга келтирган. Давлатнинг шаклланиши узок муддат давом этган жараён бўлиб, турли халқларда турлича юзага келган.

Давлат бу- муайян ҳудудда олий ҳокимиятни амалга оширувчи, махсус бошқарув ва мажбурият аппаратига эга бўлган жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий гуруҳларнинг манфатларини ифода этувчи, уларни бирлаштириб ва мувофиқлаштириб турадиган сиёсий ташкилот.

Давлат-бу иқтисодий ва сиёсий жихатдан ҳукмрон бўлган синфнинг маънфаатларига хизмат қилувчи сиёсий ташкилотдир.

Давлат мохияти- деганда унинг мазмуни мақсади, давлат хокимиятининг қайси ижтимоий-сиёсий гуруҳларга мансублиги ва у кимнинг манфаатларига хизмат қилиши тушинилади.

Давлат хокимияти- бу давлат мажбурлов кучига таянадиган субъектлар ўртасида хукмронлик ва тобелikka асосланадиган оммавий-сиёсий муносабатлардир. Давлат хокимиятини характерловчи куйдаги белгилар мавжуд:

- Хокимият бутун жамият миқёсида тадбиқ этилади.
- Хокимият оммавий-сиёсий характерга эга;
- Давлатнинг мажбурлов кучига таянади;
- Хокимият махсус шахслар томонидан амалга оширилади.

Давлатнинг асосий белгилари:

- Ахолининг худудий асосга кўра бирлашганлиги;
- Суверенитетга эгалиги (ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда мустақиллик);
- Махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратининг мавжудлиги;
- Хуқуқ тизимининг мавжудлиги
- Солиқ тизимига эгалиги.

Давлатнинг тип- муайян давлатларга хос бўлган бир-хил муҳим ва умумий белгилар йиғиндисидир. Давлатларни типларга ажратишда форматцион ва сивилизацион ёндашувлар мавжуд. Жамиятнинг сиёсий тизими-мамлакатнинг давлат ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этувчи давлат, ижтимоий ташкилотлар ва институтларнинг йиғиндисидир. Сиёсий тизим тузилиши:

- Давлат
- Жамоат ташкилотлари (сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар, ижодий, диний, спорт ташкилотлари ва бошқалар).

Давлат тизимлари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро муносабатларини белгиловчи тамойиллар:

- Хамкорлик
- Ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ёрдам бериш:
- Келишувга келиш ва унга киришиш;
- Биргаликдаги фаолиятни мувофиқлаштириб бориш.

Мавзуга доир назорат саволлари.

1. Жамият тушунчасига таъриф беринг?
2. Ибтидоий жамиятда-ижтимоий бошқарув ҳамда ижтимоий нормалар амал қилишини тушунтириб беринг?
3. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларни сананг?
4. Жамият давлат ва хуқуқнинг ўзаро боғлиқлигини тушунтиринг?
5. Давлат тушунчасини шарҳланг?
6. Давлат мохияти тушунчасига таъриф беринг?

7. Давлатнинг асосий белгиларини сананг?
8. Давлатнинг типлари нима?
9. Давлатни типларга ажратишдаги ёндашувлар қайсилар?
10. Давлат хокимиятига шарх беринг?

Мавзуга оид адабиётлар

1. *Абдулаев М.И.* Теория государства и права: Учебник.-СПб.: Питер, 2003. -397 с.
2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик Масъул муҳаррирлар *Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев.* -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. -528 б.
3. *Исломов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). -Т.: Адолат, 2000. -272 б.
4. *Исломов З.М.* Общество. Государство. Право.-Т.:Адолат, 2001.-696с.
5. *Комаров С.А.* Общая теория государства и права: Учебник. 7-е изд. СПб.:Питер, 2004.-512 с.
6. *Комаров С.А., Малько А.В.* Теория государства и права Учебно методическое пособие Краткий учебник для вузов.-М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 1999. -448 с.
7. *Лазарев В.В.* Пробель: в праве и пути их устранения. М., 1974. 184с.
8. *Малько А.В.* Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на 100 возможных вопросов. Учебно-методическое пособия. -М.: Гардарика, 1996.-128 с.
9. *Марченко М.Н.* Теория государства и права: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 640 с.
10. *Саидов А., Тожиқонов У.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. -560 б.
10. Теория государства и права: Учебник/Под ред. *В.М.Корельского и В.Д. Леревспова.*-М.: Норма - Инфра, 1998. -570с. .
12. *Темнов Е.М.* Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. -М.: Экзамен, 2003. -320 с.
13. *Шмепева Г.П.* Конкретизация юридических норм в правовом регулировании. -Львов, 1988.

2-мавзу: Ҳуқуқ тушунчаси ва моҳияти (2 соат)

РЕЖА:

1. Ҳуқуқ тушунчаси
2. Ҳуқуқнинг функциялари
3. Ҳуқуқ тамойиллари
4. Ҳуқуқнинг моҳияти
5. Ҳуқуқнинг меҳнати ҳақида назариялар
6. Позитив ҳуқуқ белгилари.

Ҳуқуқ тушунчаси (юридик маънода) бу давлат томонидан ўрнатилдиган ёки маъқулланадиган, ёзида эркинлик, тенглик ва адолат тамойилларини ифодалидиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, бажарилиши муммажбурий бўлган юриш-туриш қоидалари йиғиндиси, ҳуқуқ-адолат ва озошлик ғояларига таяниб, кўп жихатдан қонунчиликда ва бошқа ҳуқуқий манбаларда ўз ифодасини топувчи ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий кўрсатмалар тизимидир.

Ҳуқуқнинг тамойиллари – бу ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатида моҳиятини ифодаловчи энг асосий қарашлар, ғоялар ва қоидалар, ҳуқуқ тамойиллари таъсир этиш доирасига кўра:

1. Умумҳуқуқий таомийлар: адолатлилик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, демократизм ва бошқалар.
2. Соҳалараро тамойиллар: жавобгарликнинг муқаррарлиги, ошкорлик ва бошқалар.
3. Соҳавий тамойиллар: масалан, фуқаролик ҳуқуқида мулкӣ муносабатларда томонларнинг тенглиги, жиноят жараёни ҳуқуқида айбсизлики презумцияси ва бошқалар.

Ҳуқуқнинг функциялари – бу жамиятда ижтимоий муносабатларга ва кишиларнинг юриш-туришларига ҳуқуқий таъсир қилишнинг асосий йўналишлари.

Ҳуқуқ функциялари икки хил:

1. Махсус юридик функциялар – тартибга солувчи (регулятив) ва қўриқловчи.
2. Умумижтимоий функциялар орқали жамият ҳаётининг турли хил йўналишларида юзага келадиган ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир етказиладиган Умумижтимоий функцияларга қуйидагилар қиради: иқтисодий, сиёсий, тарбиявий, экологик ва бошқалар.

Ҳуқуқнинг моҳияти деганда унинг мазмуни ва мақсади тушунилади, ҳуқуқнинг моҳиятига нисбатан фанда турли хил назариялар ва ҳуқуқ мактаблари мавжуд

Позитив ҳуқуқ давлат томонидан ўрнатилган, белгиланган ҳуқуқдир, ижобий ҳуқуқнинг қуйидаги белгилари мавжуд:

- ҳуқуқ - қонун даражасига кўтарилган ифодадир,
- қонуннинг расмий аниқлиги

- ҳуқуқнинг тизмилилиги
- ҳуқуқнинг жўшқинлиги (динализм). Бу қонунчилик қоидаларнинг тез ўзгариши имкониятида намён бўлади.
- ҳуқуқ - хилма-хил одамларга нисбатан тенг миқёсли меъёрдир.
- ҳуқуқнинг давлат томонидан жорий этилиши.
- ҳуқуқнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши.

Ҳуқуқнинг моҳияти ҳақидаги назариялар

Ҳуқуқнинг моҳияти ҳақидаги назариялар

Табиий ҳуқуқ назарияси

(Локк, Руссо, Монтескье, Радишчев) (XVII-XVIII асрлар)

Давлат томонидан яриладиган позитив (ижобий) ҳуқуқ билан бирга, унда ҳам юқорида турадиган инсонга у тугилишидан хос бўлган, ундан ажралмас табиий ҳуқуқ ҳам бор деб ҳисоблайдилар (яшаш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, бошпана ҳуқуқи ва бошқалар).

Реалистик ҳуқуқ мактаби (Р.Иеринг).

Ҳуқуқ бу давлат томонидан ҳимоя қилинадиган манфаат бўлиб, у давлат хоқимиятисиз ҳеч нарса эмас. Ҳуқуқ-ҳимояланган давлат манфаатидир.

Психологик ҳуқуқ мактаби

(Петражицкий, Росс, Рейснер, Мерил).

Кишиларнинг руҳияти жамият, ахлоқ, ҳуқуқ ва давлатнинг рисоҷланишини белгилаб берадиган омидир. Бу назария вакилларининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги руҳий кечинмалардир.

Ҳуқуқни тушунишга тарихий ёндашув (Г.Гуто, К.Савиньи, Ф.Пухта XVII аср охири XIX аср бошлари)

Қонуншунос, ҳуқуқ нормасини ўзининг иродаси билан ўрната олмайди, балки у шакланган нормани расмийлаштириб қўяди холос. Бу назария вакилларининг фикрича, ҳуқуқ тарихий жараён давомида ҳуди тил ёки муайян миллат каби бировнинг кўрсатмаси ёки давлатнинг аралашувисиз аста-секин таркиб топади ва ривожланади.

Ҳуқуқни тушунишда нормативлик назарияси (Г.Кельзен, Р.Штаммлер, Новгородцев XX аср)

Бу назария вакиллари ҳуқуқнинг бутун тизими, зинапоя тузилишига эга бўлиб, бу зинапоянинг бошида асосий (суверен) ҳуқуқ нормаси туради ва қуйи поғонасидаги нормалар юқоридаги суверен нормадан келиб чиқади деб ҳисоблайдилар.

Материалистик (синфий) ҳуқуқ назарияси (К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Ленин XIX-XX аср)

Бу назария вакилларининг фикрича, ҳуқуқ бу ҳукмрон синфларнинг қонун даражасига кўтарилган эрки бўлиб, унинг мазмуни жамият ҳаётининг иқтисодий шароитлари билан белгиланади.

Назорат саволлари

1. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти
2. Ҳуқуқ белгилари, принциплари
3. Ҳуқуқнинг тартибга солши роли хусусиятлари.
4. Давлат ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабат.
5. Ҳуқуқнинг ижтимоий қиймати, функциялари.
6. Ҳуқуқ ҳақидаги назариялар.
7. Позитив ҳуқуқ.
8. Табиий ҳуқуқ назарияси.
9. Ислом ҳуқуқ докторинаси.
10. психологик назария.

Мавзуга оид адабиётлар

1. Абдулаев М.И. Теория государства и права: Учебник.-СПб.: Питер, 2003. -397 с.
2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. -528 б.
3. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). -Т.: Адолат, 2000. - 272 б.
4. Исломов З.М. Общество. Государство. Право.-Т.:Адолат, 2001.-696с.
5. Комаров С.А. Общая теория государства и права: Учебник. 7-е изд. СПб.:Питер, 2004.-512 с.
6. Комаров С.А., Малько А.В. Теория государства и права Учебно методическое пособие Краткий учебник для вузов.-М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 1999. -448 с.
7. Лазарев В.В. Пробель: в праве и пути их устранения. М., 1974. 184с.
8. Малько А.В. Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на **100** возможных вопросов. Учебно-методическое пособия. -М.: Гардарика, 1996.-128 с.
9. Марченко М.Н. Теория государства и права: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 640 с.
10. Саидов А., Тожионов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. -560 б.
11. Теория государства и права: Учебник/Под ред. В.М.Корельского и В.Д. Леревцова.-М.: Норма - Инфра, 1998. -570с.

12. Темнов Е.М. Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. -М.: Экзамен, 2003. -320 с.

13. Шмепева Г.П. Конкретизация юридических норм в правовом регулировании. -Львов, 1988.

3-мавзу: Хукук шакллари (манбалари) 2-соат

РЕЖА

1. Хукук шакллари (манбалари) тушунчаси.
2. Норматив хукукий хужжат: тушунча ва турлари
3. Норматив шартнома
4. Хукукий одат.
5. Мусулмон хукукининг манбалари: Куръон, Сунна, Ижмоъ, Киёс.

Хукукнинг манбалари (шакллари)

Тушунча сифатида, хукукнинг давлат билан боғланганлиги бевосита ифодамайди. Агар хукукнинг мазмуни билан умумий юриш туриш коидалари йиғиндиси ҳисобланса, унинг ички шакли ҳар бир алоҳида хукук нормасининг ташкил топиши усуллари ва барча хукук нормаларининг бир тизимга бирлашишидир, унинг ташки шакли ёки хукукнинг манбаи эса, давлат эркини узига ҳос хужжатлаштириш усуллари йиғиндиси дир. Хукукнинг манбаи тушунчасини уни ташки ифодалаш шакли нуқтаи назаридан таҳлил қилганда, нормалари ҳокимият тепасида турган, халқнинг, бирор-бир синфнинг ёки гуруҳнинг манфаатларини ифодаловчи маълум бир сиёсий кунинг эркин қонун даражасига қутарилган ифодасидир.

Хукук манбаларини қуйдаги турт асосий турга бўлиш қабул қилинган:

1. Хукукий одат
2. Юридик прецедент
3. Норматив хукукий хужжат
4. Норматив шартномалари

Норматив ҳукукий ҳужжатлар

Норматив ҳукукий ҳужжатни ваколатли давлат органнинг белгиланган тартибда қабул қилинган юридик ҳужжати бўлиб, умум мажбурият ҳулк-атвор қоидаларини уз ичига олади. барча норматив ҳукукий ҳужжатларга қуйдаги белгилар ҳосдир:

А) Улар ҳукукий нормаларни белгилаб, узгартирадилар ёки бекор қиладилар:

Б) Уларда белгинган қоидаларини мазмуни баён этилади.

В) Белгиланган нормаларга умум мажбурий туз беради ёки илгари белгиланган нормаларнинг амалда бўлишини бекор қилади.

Норматив шартнома ҳам ҳуқуқнинг манбайи (шакли) ҳисобланади, у норматив – ҳуқуқий актга ухшаса ҳам, лекин ташкил топиши хусусиятларига қараб, ундан фарқ қилади.

Норматив шартномалар

Норматив шартномалари айниқса халқаро ҳуқуқда катта аҳамиятга эга. Норматив шартномаларига қирувчи халқаро шартномалари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқаро шартнома – 2 ёки ундан ортиқ давлатлар уртасида тузиладиган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини урнатадиган, узгартирадиган ёки бекор қиладиган битимдир.

Шартномалар – норма урнатадиган (масалан ядворий қуроқларни тарқатмаслик ҳақидаги шартнома) ёки таъсис қилувчи (масалан устақил Давлатлар Ҳамдустлиги ҳақида) бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий одат

Тарихан ҳуқуқнинг дастлабки манбаи (шакли) бўлиб, ҳуқуқий одат ҳисобланади.

Ҳуқуқий одат – узок давр мобайнида амалда бўлиши натижасида ва давлат томонидан умум мажбурият қоида ҳисобида тан олинган юриш туриш қоидадир.

Ҳар қандай одат ҳам, ҳуқуқий одатга айлана олмайди, балки маълум бир гуруҳ, синф ёки бутун жамиятнинг манфаатларига жавоб бера оладиган ва давлат томонидан санкцияланган одатгина ҳуқуқий одат бўлиши мумкин.

Ҳуқуқнинг манбалари тузилишида ҳуқуқий одатнинг роли ва урни турли давлатларда турлича бўлган.

Ҳозирги даврда ҳуқуқий одатнинг роли ва аҳамияти унча катта эмас ва у қамдан қам ҳолатлардагига қулланилади.

Қуйдаги ҳуқуқий ёдгорликларни ҳуқуқий одатга мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

Ҳаммурапи қонунлари, Мақу қонунлари ҳисобланган Х11 жадрвал қонунларини ва бошқалари.

Ҳуқуқий прецедент

Ҳуқуқий прецедент – лот *precedens* – «авалгиси, олдингиси» маносини айлатади.

Юридик прецедент – ҳуқуқнинг шундай манбаики, бунда муайян иш бўйича чиқарилган суд қарори келгусида шундай ишларни ҳал этишда қоидага айланишин.

Юридик прецедент иш буйича суд ёки маъмурий органнинг қарорига муайян номатив (умумий мажбурият) куч беришини билдиради.

Бундай қарор келгусида шундай ишларни қуриб чиқишда мажбур бўлади ва шу билан ҳуқуқий туз олади. Ҳуқуқий одат ва юридик прецедент бир қатор хорижий мамлакатларнинг қатта ҳуқуқ тузумида қатта аҳамиятга эга, лекин Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизимида қулланмайди.

Суд прецеденти Буюк Британия, АКШ, Канада, Австрияда ҳуқуқ манбаи ҳисобланади, бу мамлакатларнинг ҳаммасида суд ҳисоботлари чоп этилади. Уларнинг прецедентлари ҳақида маълумот олиш мумкин албатта, бу мамлакатларнинг ҳар бирида суд прецеденти турлича қулланилади. Прецедентни ҳуқуқ манбаи сифатида тан олиш қонун бўлмаган ёки шароитларда ҳам судга қонун ижодқорлиги вазифасини бажариш қонунини беради. Англияда ҳуқуқий прецедент қуйидаги қоидаларга боғлиқ бўлади.

1) Лордлар палатаси қабул қилинган қарор ҳама судлар учун мажбурдир.

2) Апелляция суднинг қарори барча қуйи турувчи судлар учун ҳам ва у суднинг ўзи учун ҳам (Жиноят ҳуқуқидан ташқари, мажбурий аҳамиятга эга).

Мусулмон ҳуқуқининг манбаалари

Ҳуқуқнинг манбаалари ҳақида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки ҳуқуқнинг тарихий ривожланиши даврида шундай ҳоллар учраб турадиги бунда ҳуқуқий доктрина ва ғоялар ҳам ҳуқуқнинг манбаи ҳисобланган.

Мусулмон ҳуқуқида эса диний манбаалар, ақидалар ҳуқуқнинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Мусулмон, ҳуқуқнинг қуйидаги асосий манбаалари мавжуд. Қуръон, сунна, ижмо қиёс.

1) Қуръон (ар қирроат укув) да Ислоҳ оқидалари эътиқодда лаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар ўз ифодасини топган.

Қуръон бир 114 та сура (қизма)дан иборат бўлиб, ундаги ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар кейинчалик шариат, тугри йул, қонунчилик) га асос қилиб олинган. Мусулмон ҳуқуқнинг иккинчи манбаи суннадир.

2) Сунна (ар одат анъана) Мухаммад алайҳи саломнинг сузлари, ишлари ва ҳатти ҳаракатлари сунна ҳақидаги ривоятлари, ҳадис (ривоят)ларда берилган ва улар тупламида акс этирилган. 3) Ишмъа (ар яндиллик билан қабул қилинган қарор) қуръон ва ҳадис)да аниқ қуръонга берилмаган. Ҳуқуқий масалани ҳал этишда факих (қонуншунос ва муштахид) интилувчилар тупланиб ягона фикрга келган ҳолда фатво бериши (ҳукм чиқириш)

4. Қиёс (ар такқослаш) қуръон ва суннада берилмаган. Бирор ҳуқуқий масала улардаги шунча ухшаш масала бўйича берилган қуръонга берилмаган такқослаш йули билан шарҳ этилади.

Мавзу юзасидан тест

1. Ҳуқуқ манбалари неча турга бўлинади ?

- A) 3 га хукукий одат, хукукий прецедент, хукуматнинг карорлари.
- B) 3 га Конституция, хукукий норма, конун ости актлари
- C) 4 га норматив-хукукий хужжатлар, юридик прецедент, одат хукуки, норматив шартномалар
- D) 3 га конституция, суд карорлари, юридик прецедент
- E) Тугри жавоб йук

2. Прецедент кандай маънони англатади?

- A) лотинча « хукукшунос»
- B) юнонча « коида, намуна»
- C) лотинча « олдинги»
- D) юнонча « шакл»
- E) англизча « тамойил»

3. Давлат ваколатли органлари томонидан урнатиладиган ёки макулланидиган хукукий акт нима деб аталади?

- A) юридик прецедент
- B) юридик шартномалар
- C) норматив хукукий хужжатлар
- D) суд карорлари
- E) барча жавоблар тугри

4. Куръон неча сурадан иборат ва кандай маънони англатади?

- A) 124 сура, сакламок
- B) 120 сура, чизмок
- C) 110 сура, кутармок
- D) 84 сура , кироат килмок
- E) 114 сура, укимок

5. Мухаммад (с.а.в) пайгамбарнинг сузлари, ишлари ва хатти-харакатлари нима деб аталади?

- A) Ишмоъ
- B) Хадис
- C) Куръон
- D) Сунна
- E) B ва D

1. Хукук манбалари (шакллари)
2. Хукукий одат
3. Норматив- хукукий акт
4. Норматив шартномалар
5. Хукукий прецедент
6. Куръон
7. Сунна
8. Ижмоъ
9. Киёс
10. Акт

Мавзу юзасидан назорат саволлар

1. Хукук шакли деб нимага айтилади?
2. Хукук шаклининг турларини санаб Беринг?
3. Хукукий прецедент кайси давлатда кенг кулланади?
4. Норматив хукукий хужжатлар турларини айтиб Беринг?
5. Норматив шартномалар кимлар томонидан тузилади?
6. Хукук шаклининг тарихан дастлабки манбаи нима?
7. Куръони Карим неча порадан иборат?
8. Куръони Каримни аниқлаштиришга ёрдам берувчи манбаа кайси?
9. Ижмоъ сузининг лугавий маъноси кандай?
10. Киёснинг узига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Мавзуга оид адабиётлар

1. Абдулаев М.И. Теория государства и права: Учебник.-СПб.: Питер, 2003. -397 с.
2. Давлат ва хукук назарияси. Дарслик Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. -Т.: Иқтисодиёт ва хукук дунёси, 2000. -528 б.
3. Исломов З.М. Давлат ва хукук: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). -Т.: Адолат, 2000. - 272 б.
4. Исломов З.М. Общество. Государство. Право.-Т.:Адолат, 2001.-696с.
5. Комаров С.А. Общая теория государства и права: Учебник. 7-е изд. СПб.:Питер, 2004.-512 с.

6. Комаров С.А., Малько А.В. Теория государства и права Учебно методическое пособие Краткий учебник для вузов.-М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 1999. -448 с.
7. Лазарев В.В. Пробель: в праве и пути их устранения. М., 1974. 184с.
8. Малько А.В. Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на **100** возможных вопросов. Учебно-методическое пособия. -М.: Гардарика, 1996.-128 с.
9. Марченко М.Н. Теория государства и права: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 640 с.
10. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. -560 б.
11. Теория государства и права: Учебник/Под ред. В.М.Корельского и В.Д. Леревспова.-М.: Норма - Инфра, 1998. -570с.
12. Темнов Е.М. Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. -М.: Экзамен, 2003. -320 с.
13. Шмепева Г.П. Конкретизация юридических норм в правовом регулировании. -Львов, 1988.

4-мавзу: Ҳуқуқ тизими (2 соат)

РЕЖА

1. Ҳуқуқ тизими тушунчаси.
 2. Ҳуқуқ соҳаси ва ҳуқуқ институти тушунчалари.
 3. Оммавий ва хусусий ҳуқуқ.
 4. Моддий ва просесуал ҳуқуқ.
 5. Қонунчиликни тизимлаштириш турлари: инкорпорация, кодификация, консолидация.
 6. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тармоғлари.
1. Жамият ижтимоий ҳаёти турли хил ижтимоий муносабатлар маконидир.
Ижтимоий муносабатлар хилма-хил бўлишига қарамасдан, айти пайтда мазмунан муайян гуруҳларга бирлашадилар, бошқача қилиб айтганда , улар маълум даражада ихтисослашади, натижада у яхлит бир тизимга бирлашади.
Ҳуқуқ тизими – ҳуқуқнинг ички тузилиши ички қурилиши- таркиби бўлиб у ҳуқуқнинг қандай қисмлардан иборат эканлигини ва қисмлар ўртасидаги муносабат ҳамда нисбатни кўрсатади.

Хуқуқ тизими – бу ижтимоий муносабатларнинг характери билан боғлиқ бўлган хуқуқнинг ички тузулиши бўлиб, у хуқуқ нормалари, хуқуқ институтлари ва хуқуқ сохаларининг қатъий илмий изчилликда жойлашган тартиби.

Хуқуқ тизими – бу ижтимоий ҳаётнинг умумий қонуниятлари асосида шаклландирган объектив хуқуқий ҳодиса. ЎХуқуқ тизими ката таркибий қисмлар бўлиши хуқуқ тармоғларига бўлинади. Давлатдаги ижтимоий муносабатларнинг хилма – хиллиги тармоғларга бўлишнинг асосини ташкил этади. Айнан шу муносабатлар хуқуқий бошқаришнинг предметни ташкил этади. Ижтимоий муносабатларнинг ҳар бир маълум тури тегишли хуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Бу нормалар хуқуқий тартибга солиш предметига кўра хуқуқ тармоқларига бўлинган.

2. **Хуқуқ тармоғи** – бу жамият ҳаётининг маълум соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ўзаро боғлиқ юридик нормалар йиғиндиси.

Хуқуқий тартибга солиш усули – бу хуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатишга ёрдамлашадиган йўллари усуллари, воситаларининг йиғиндиси.

Хуқуқий тартибга солиш предмети – ушбу хуқуқ тармоғининг нормалари таъсир ўтказадиган муносабатлар хуқуқий тартибга солиш усули эса – ушбу таъсир ўтказиладиган восита.

Хуқуқ тизими Хуқуқнинг қуйидаги асосий тармоқларини ўз ичига олади.

1. Конституциявий хуқуқ.
2. Маъмурий хуқуқ.
3. Фуқаролик хуқуқ.
4. Жиноят хуқуқи.
5. Ер хуқуқи.
6. Аграр хуқуқ.
7. Мехнат хуқуқи.
8. Ижтимоий таъминот хуқуқи.
9. Экологик хуқуқ.
10. Молиявий хуқуқ.
11. Фуқаролик процесуал хуқуқ.
12. Жиноят процесуал хуқуқ.
13. Хўжалик процесуал хуқуқ.

Хуқуқ институти – бу ўзаро ўхшаш бўлган ижтимоий муносабатларнинг муайян тури ёки томонларнинг тартибга солувчи хуқуқ нормаларининг йиғиндиси.

Хуқуқ институти – бу хуқуқ тармоғи таркибидаги маълум муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар йиғиндисидир. Хуқуқ тармоғи Хуқуқ институтларидан ташкил топган. Хуқуқ институтини турлича гуруҳлаш мумкин.

Энг авало биз уларни хуқуқ нормалари бўйича ажратамиз: маъмурий хуқуқ институтлари ва шу кабилар.

Хаётда шундай бўладики, муайян ижтимоий муносабат бир хуқуқ тармоғи институти билан тартибга солиниб қолмасдан, бир неча тармоқ институтлари билан тартибга солиниши мумкин. Шу муносабат билан тармоқ институтлари ва тармоқлар аро институтлар ҳамда оддий ва мураккаб регулятив (тартибга солувчи), қўриқловчи ва таъсис этувчи (мустахкамловчи) институтларга ажралади.

3. Жаҳон юридик фанида хуқуқ тизимини иккита хуқуқий мезонга ажратиш кўрсатиш мумкин:

Булар: **оммавий хуқуқ ва хусусий хуқуқ**. Оммавий хуқуқ давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Хусусий хуқуқ ўзаро мажбуриятлар асосида хуқуқларга эга бўлувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Хусусий хуқуқ алоҳида шахсларнинг эҳтиёжини қондириш ва манфаатини химоя қилишга қаратилган бўлса, омавий хуқуқ эса давлатнинг умумий манфаатларини муҳофаза этади. Омавий ва хусусий хуқуқнинг шаклланиши қадимги Римга бориб тақалади.

Рим юриши Улпианнинг фикрига кўра, омавий хуқуқ Рим давлатининг ҳолатига, хусусий хуқуқ эса алоҳида шахслари фойдасига таълуқлидир.

Хусусий хуқуқ - бу алоҳида шахсларнинг (жисминий ва юридик шахслар) эҳтиёжини қондириш ва манфаатини химоя қилишга қаратилган хуқуқ соҳаси.

Масалан: фуқаролик, оила ва меҳнат хуқуқи.

Оммавий хуқуқ - бу умумий оммавий ва давлат манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган хуқуқ соҳасидир.

Масалан: Конституциявий, жиноят, маъмурий хуқуқ ва бошқалар.

4. Хуқуқ тизимидаги тармоқлар моддий ва процесуал хуқуққа ҳам бўлинади.

Моддий хуқуқ - хуқуқ субъектларининг хуқуқ мажбуриятлари мазмунини аниқлаб берувчи нормалар.

Масалан: Конституциявий, маъмуриш, молия, ер хуқуқи, фуқаролик хуқуқи, жиноят хуқуқи ва меҳнат хуқуқи моддий хуқуққа киради ва улар инсонлараро хилма-хил тузилмалари аро реал таркиб топадиган муносабатларни тартибга солади. Бу муносабатлар мулк шакллари, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этиш, мулкни олиш ва сотиш, давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатлар фуқароларнинг меҳнат ва сиёсий фаолиятлари хуқуқ ва эркинликларининг амалга оширилиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Процессуал ҳуқуқ - ҳуқуқларни амалга ошириш, мажбуриятларни бажариш ва ижро этиш тартибини белгиловчи нормалар.

Масалан: Жиноят – процессуал ҳуқуқ ва фуқаролик процессуал ҳуқуқ тармоқлари киреди. Улар турли низолар келишмовчиликларни ҳал этиш, жиноят ва бошқа ҳуқуқ бузарликларнинг тергов қилиниши ва суда кўрилишининг таомилӣ ташкилий масалаларини тартибга солади. Масалан: жиноят ҳуқуқи нормалари қандай қилиниш жиноят эканлигини ваҳ у хатти – ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун бериладиган жазонинг умумий асосларини белгилаб берса, жиноят процессуал ҳуқуқки уни тергов қилиш, судда кўриш каби қатор масалаларни ўз нормаларида мустаҳкамлайди.

Моддий ҳуқуқ билан Процессуал ҳуқуқ яққол кўриниб турибди. Улар бир бирини тақазо этади ва умумийликда бир бутун яхлитлик касб этади.

5. Нормавий ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаш – бу нормавий – ҳуқуқий актларни тартибга солиш йўли билан муайян тизимга келтиришдир.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг турлари: **инкорпорация, кодификация ва консолидатция.**

1. **Инкорпорация** - қарорлар, фармонлар, ҳуқуқат қарорлари, фармойишлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунига ҳеч қандай ўзгариш киритмасдан, алфавит, хронологик, тематик ва бошқа тартибда тизимга солиб нашир этилиши. Инкорпарациянинг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) Расмий
- 2) Норасмий

- 1) Расмий инкорпарация - қонунчилик актларини уларни чиқарган ва ваколат берилган органлар томонидан туплам ва мажмуаларида тизимлаштириши.
- 2) Норасмий инкорпарация – бунда тўпламлар унга махсус ваколоти бўлмаган идора ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Кодификация - қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни кодекслар чиқариш йўли билан тизимга солиш.

Кодификация - бу норматив ҳуқуқий ҳужжатларни уларнинг мазмунига ўзгартириш киритиш орқали мантиқий асосда ягона норматив ҳужат кўринишида тизимлаштириш.

Кодификация қилиш жараёнида эскирган нормалар тугатилади, бутун нормалардаги қарама - қаршилиқ бартароф этилади, ҳуқуқий бўшлиқлар тўлдирилади.

Консолидатция – бу тизимлашнинг шундай шакли бўлиб, бунда норматив - ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунига ўзгартиришлар киритилмайди (лекин бу нормала юридик акт сифатида ўзининг кучини йўқотади)

6. Хозирги пайтда Ўзбекистонда мавжуд энг асосий ҳуқуқ тармоқларига, ва уларнинг ўзига хос ва мос ўрнига, уларнинг ўзаро фарқларига тўхталиб ўтиш жоиздир.

Конституциявий ҳуқуқ - бу конституциявий тизим асосларини инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини мамлакатнинг давлат тузулишини Президент Олий Мажлис ҳукумат суд тизими фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомини мустахкамлаб қўйади.

Маъмурий ҳуқуқ - давлат бошқаруви, ижройи ҳокимят соҳасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

Фуқаролик ҳуқуқи - мулк ва у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳасидир.

Жиноят ҳуқуқи – бу давлат қандай ижтимоий ҳавфли қилмишларнинг жиноий эканлигини ва уларни содир этганлик учун қандай жазолар тайинланиши мумкинлигини белгилаб берадиган нормаларни ўз ичига олади.

Ер ҳуқуқи – бу ерга эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Аграр ҳуқуқ - бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи тармоқдир.

Мехнат ҳуқуқи – бу меҳнат муносабатларини келиб чиқиши, ўзгариши ва тўхтатилиши шартларини белгиловчи, иш куни ва дам олишнинг давомийлигини, меҳнат интизоми, ўсмирлар аёлларни муҳофаза қилиш қабиларни белгиловчи ҳуқуқий нормаларни йиғиндиси.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ - бу судларнинг фуқаролик, меҳнат, ер билан боғлиқ ва молиявий муносабатлар каби бир қатор муносабатлар соҳасидаги фаолиятини тартибга солади.

Жиноят процессуал ҳуқуқ - бу судлов, тергов, прокуратура органларининг жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш фаолиятини тартибга солади.

Давлатнинг ички тизимидан ташқарии **ҳалқаро ҳуқуқ тизими** ҳам мавжуд. Унинг принциплари ва нормалари давлатлар, халқаро ташкилотлар ва Ушбу ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Назорат саволлари.

1. Ҳуқуқий тартибга солиш усули деганда нимани тушунасиш?
2. Ўзбекистон ҳуқуқ тизими қайси тармоқларни ўз ичига олади ва уларни сананг?
3. Конституциявий ҳуқуқ – бу нима?
4. Инкорпорациянинг қандай турлари мавжуд ва уларни тушунтириш?
5. Меҳнат ҳуқуқи деганда нимани тушунасиш?
6. Ҳуқуқий тартибга солиш предмети – бу ...?

7. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаш деганда нимани тушунаси?
8. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириришнинг турларини айтинг?
9. Ҳуқуқий тартибга солиш методи деганда нимани тушунаси?
10. Маъмурий ҳуқуқ – бу ...?

Тест саволлари.

1. Ҳуқуқ тизимининг таркибий қисмлари берилган каторни топинг?
А) ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқ институти, ҳуқуқ соҳаси
Б) ҳуқуқ нормаси, оммавий ҳуқуқ, хусусий ҳуқуқ
С) Ҳуқуқ институти, ҳуқуқ соҳаси, моддий ҳуқуқ
Д) оммавий ҳуқуқ, хусусий ҳуқуқ, моддий ҳуқуқ
2. Норматив - ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш турлари берилган каторни топинг?
А) бланкет, кодификация, консолидатция
Б) Инкорпаратция, диспозиция, санкция
С) Инкорпаратция, кодификация, консолидатция
Д) А ва С жавоблар тугри
3. Ҳуқуқ соҳаларини тартибга солиш предмети ҳисобланган ижтимоий муносабатларнинг маълум турига таъсир етиш усули – бу...?
А) Ҳуқуқий тартибга солиш предмети
Б) Ҳуқуқий тартибга солиш методи
С) Ҳуқуқий тартибга солиш йуналишлари
Д) Тугри жавоб йук
4. Инкорпорациянинг қандай турлари бор?
А) хусусий ва шахсий инкорпорация
Б) Расмий ва норасмий инкорпорация
С) табиий ва тарихий инкорпорация
Д) Норматив ва юридик инкорпорация
5. Узаро ухшаш булган ижтимоий муносабатларнинг муайян тури ёки томонларнинг тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларнинг йигиндиси бу ...?
А) Ҳуқуқ тармоги
Б) Моддий ҳуқуқ
С) Хусусий ҳуқуқ
Д) Ҳуқуқ институти
6. Қонунлар ва бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни кодекслар чиқариш йули билан тизимга солиш - бу ...?
А) инкорпорация

Б) кодификатция

С) Консолидация

Д) тугри жавоб йук

Мавзуга оид адабиётлар

1. Абдулаев М.И. Теория государства и права: Учебник.-СПб.: Питер, 2003. -397 с.
2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. -528 б.
3. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). -Т.: Адолат, 2000. - 272 б.
4. Исломов З.М. Общество. Государство. Право.-Т.:Адолат, 2001.-696с.
5. Комаров С.А. Общая теория государства и права: Учебник. 7-е изд. СПб.:Питер, 2004.-512 с.
6. Комаров С.А., Малько А.В. Теория государства и права Учебно методическое пособие Краткий учебник для вузов.-М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 1999. -448 с.
7. Лазарев В.В. Пробель: в праве и пути их устранения. М., 1974. 184с.
8. Малько А.В. Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на **100** возможных вопросов. Учебно-методическое пособия. -М.: Гардарика, 1996.-128 с.
9. Марченко М.Н. Теория государства и права: Учебник. 2-е изд., прераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 640 с.
10. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. -560 б.
11. Теория государства и права: Учебник/Под ред. В.М.Корельского и В.Д. Леревспова.-М.: Норма - Инфра, 1998. -570с.
12. Темнов Е.М. Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. -М.: Экзамен, 2003. -320 с.
13. Шмепева Г.П. Конкретизация юридических норм в правовом регулировании. -Львов, 1988.

5-мавзу: “Хуқуқий муносабатлар, Хуқуқни тадбиқ этиш, Қонунийлик” 2-соат

Режа:

1. Хуқуқий муносабат тушунчаси.
2. Хуқуқ муносабат таркиби: субъект, объект, объектив хуқуқ ва юридик мажбуриятлар.
3. Хуқуқ субъектлари тушунчаси ва турлари.
4. Хуқуқни тадбиқ этиш тушунчаси, хуқуқни қўллаш.
5. Хуқуқни тадбиқ этиш шакллари
6. Қонунийлик тушунчаси ва принциплари.
7. Қонунийлик кафолати: тушунчаси ва турлари.
8. Айбсизлик презумпсияси.

1-Хуқуқий муносабатлар-шахслар ўртасидаги юридик алоқа бўлиб, бу уларнинг ўзаро Хуқуқ ва мажбуриятларида ифодаланади. Ўзаро хуқуқ ва бурчларсиз Хуқуқий муносабат вужудга келмайди. *Хуқуқий муносабатлар* - бу ижтимоий муносабатларнинг Хуқуқ нормалари билан тартибга солинган бир қисми бўлиб, уларнинг субъектлари субъектив хуқуқ ва субъектив юридик мажбуриятларга эга бўлишади.

Хуқуқий муносабатлар юзага келиши учун *моддий асослар* (томонларнинг хошиш-истаги, манфаати) ва *юридик асослар* (мазкур ижтимоий муносабатни тартибга соладиган тегишли хуқуқ нормасининг мавжудлиги: томонларнинг хуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлишлиги: юридик фактнинг мавжудлиги) бўлиши лозим.

Хуқуқий муносабатларнинг белгилари:

- ижтимоий субъектлар ўртасидагина юзага келадиган муайян алоқалар;
- хуқуқ нормалари асосида юзага келади; иродавий характерга эга (чунки муносабат юзага келиши учун камида битта томоннинг истаги талаб қилинади);
- давлат томонидан қўриқланади ва таъминланади; муайян предмет ёки ашёга нисбатан юзага келади ва шу асосда субъектлар ўзларига тегишли субъектив хуқуқ ва бридик мажбурятларни амалга оширадilar.

Хуқуқий муносабатларнинг элементлари: хуқуқ объекти, хуқуқ субъекти, юридик фактлар (харакат ва ходисалар).

Хуқуқий муносабат объекти-бу хуқуқий муносабат субъектлари (иштирокчилари)нинг Хуқуқ ва мажбуриятлари қаратилган нарсалар, яъни хуқуқий муносабатлар нимага қаратилган бўлса, шу нарсалар унинг объектини ташкил этади.

Хуқуқий муносабат объектлари бўлиши мумкин:

- моддий қадриятлар (ашёлар, мулк ва б.);
- номоддий қадриятлар (хаёт, соғлиқ, шаън, кадр-қиммат ва б.)
- маънавий ижод маҳсуллари (адабий асарлар, санъат, мусиқа, фан, компьютер дастурлари ва б.);

Хуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг фаолияти натижа-лари (масалан: маҳсулот етказиб бериш шартномаси, капитал қурилиш пудрати асосида юзага келадиган муносабатлар); Қимматбаҳо қоғозлар ва ҳужжатлар (пул, акциялар, пластик карточкалар, дипломлар, шаходатномалар ва б.)

Хуқуқий муносабат субъектлари-хуқуқий муносабатларнинг субъектив хуқуқ ва юридик мажбуриятларга эга бўлган иштирокчилари.

Хуқуқ субъекти-бу қонунга биноан хуқуқга эга бўлиш ва зиммасига юридик мажбуриятларни олиш лаёқатига эга бўлган *жисмоний юридик шахслар*.

Жисмоний шахслар - булар муайян давлат фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Юридик шахслар - қонун бўйича фуқаролик хуқуқлари ва мажбуриятларининг субъектга бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар.

Юридик шахслар- ўз мулкида, хўжалик юритишда ва оператив бошқарувда алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкни ёки шахсий номулкий хуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотлар (корхона, муассаса ва б.).

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Хуқуқий муносабат субъектлари элементлари: *Хуқуқ лаёқати ва муамола лаёқати*.

Хуқуқ лаёқати - шахснинг қонунда назарда тутилган субъектив хуқуқ ва юридик мажбуриятларга эга бўлиши лаёқати.

Фуқароларнинг хуқуқ лаёқати у туғилган пайдан бошлаб вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

Муомала лаёқати - фуқаро ёки юридик шахснинг ўз ҳаракат-лари билан хуқуқга эга бўлиш ва ўзи учун мажбуриятлар яратиш қобилияти.

Муомала лаёқати - бу шахснинг ўз хатти-харакати орқали ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишининг қонунда белгиланган (тан олинган) имконияти. Муомала лаёқати фақат суд томонидан чекланиши мумкин.

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

Субъектив ҳуқуқ - бу субъектнинг *содир этиши мумкин бўлган* хатти-харакати тури ва ўлчови.

Субъектив юридик мажбурият - субъектнинг *содир этиши лозим бўлган* хатти-харакати тури ва ўлчови.

Юридик фактлар деб ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи фактлар (ҳолатларга) айтилади.

Ҳуқуқни тадбиқ этиш - бу давлат томонидан юридик жихатдан мустаҳкамланган ва кафолатланган имкониятларнинг амалга ошириши бўлиб, ҳуқуқ нормаларини кишилар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятида ҳаётга тадбиқ этилиши.

Ҳуқуқни қўллаш - муайян юридик ишлар бўйича юридик фактлар ёки муайян ҳуқуқ нормаларига асосланиб, ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар томонидан индивидуал характерга эга бўлган қарорни тайёрлаш ва уни қабул қилиш билан боғлиқ ҳокимлик фаолияти.

Ҳуқуқни қўллаш актларининг турлари:

- парламент актлари;
- давлат бошлиғи актлари;
- ижро Ҳокимияти органларининг актлари;
- суд Ҳокимияти органларининг актлари;
- маҳаллий вакиллик Ҳокимият (ўзини ўзи бошқариш) органларининг актлари;
- корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларининг актлари.

Ҳуқуқни қўллаш акти - бу муайян юридик иш бўйича муайян шахс(лар)нинг Ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва у(лар)нинг юридик жавобгарлик даражасини белгиловчи, юридик фактлар ва Ҳуқуқ нормаларига асосланиб ваколатли ёки мансабдор шахс томонидан чиқариладиган Ҳуқуқий акт.

Ҳуқуқни қўллаш актлари *асослантирилганлик, қонунийлик ва маъсадга мувофиқлик* тамойиллари талабларига жавоб бериши лозим.

Ҳуқуқни қўллаш актларининг хусусиятлари:

- ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан чиқарилиши;

- актлар қатъий индивидуаллашганлиги уларнинг муайян шахс ва Ходисаларга нисбатан эканлиги;
- давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланиши:
- Хуқуқни қўллаш актларининг бир маротаба қўлланилиши ва шу билан у ўз вазифасини тамомлаши (яъни унинг ўз кучини йўқотиши)

5, Хуқуқни тадбиқ этиши шакллари:

Хуқуқни тадбиқ этишининг норматив ҳужжатларда кўрсатилган қоидаларни қўлланиши даражасига қура:

- ҳуқуқий фаолият амалга ошириладиган умумий вазифалар ва тамойиллар ўз ифодасини топган қонунлар ҳамда моддаларнинг муқаддималарида кўзда тутилган умумий кўрсатмаларни тадбиқ этиш;
- ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий мақомини ҳамда ваколатлар доирасини ўрнатувчи умумий нормаларни тадбиқ этиш:
- муайян ҳуқуқий муносабатларда тегишли ҳуқуқий нормаларни тадбиқ этиш.

Хуқуқни тадбиқ этиши субъектларига кўра:

- Индивидуал;
- Жамоа томонидан.

Хуқуқни тадбиқ этувчи субъектлар фаолияти характериға кўра:

Хуқуқ нормаларига риоя қилиш;

- Хуқуқ нормаларини бажариш;
- Хуқуқ нормаларидан фойдаланиш;
- Хуқуқ нормаларини қўллаш.

Қонунийлик - бу ҳуқуқ субъектлари томонидан қонунлар ва қонун ости актларига тўла ва аниқ амал қилиниши.

Қонунийлик-хуқуқ ва ҳокимият, ҳуқуқ ва давлатнинг узвий боғлиқлигида ўз ифодасини топадиган, ижтимоий-сиёсий ҳаётга ҳуқуқий тус берадиган кенг маънодаги сиёсий-ҳуқуқий ходиса.

Қонунийликнинг асосий тамойиллари:

1. Конституция ва қонунларнинг бошқа ҳуқуқий актларга нисбатан устунлиги.

2. Хуқук субъектларининг конун ва суд олдидаги тенглиги.
3. Хокимият органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятида зўравонликка йўл қўйилмаслиги.
4. Инсон (фуқаролар) хуқук ва эркинликларини кафолатланганлиги.
5. Норматив ҳуқуқий хужжатларни мамлакатнинг бутун худудида бир хил қўлланилиши ва талқин этилиши.
6. Мақсадга мувофиқликнинг конунийликка қарши қўйилмаслиги.
7. Қонунийликнинг маданият билан узвий боғлиқлиги.

Қонунийликнинг кафолати - бу қонун ва қонун ости актлари амал қилишини таъминловчи, фуқароларнинг хуқукларини ҳамда давлат, жамият манфаатларини тўсиқларсиз амалга оширувчи усуллари, шарт-шароитлари.

Қонунийликни амалга ошириш кафолатининг турлари:

- 1) *Иқтисодий* (жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, мулкчиликнинг турли шакллари, иқтисодий эркинлик ва б);
- 2) *Сиёсий* (конституцион тузумнинг демократлаштирилиш даражаси, жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий плюрализм (фикрлар хилма- хиллиги) кўппартиявийлик, хокимиятнинг бўлиниши ва б);
- 3) *Ташкилий* (қонун ва қонун ости актларига амал қилинишини назорат қилувчи махсус органлар (суд, милиция, прокуратура ва б.)нинг фаолияти);
- 4) *Хуқуқий* (қонунийликни амалга ошириш учун барча ҳуқуқий нормаларни бажариш, ҳуқукбузарликларнинг олдини олиш, уни бузган кишиларга нисбатан тегишли жазо чораларини қўллаш);
- 5) *Жамоатчилик* (жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ҳамда фуқароларнинг қонунийлик ва хуқук тартиботни мустахкамлашда иштирок этиши)

Айбсизлик презумпцияси - гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда

назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Хукуқий тартибот- бу хуқуқ субъектларининг хуқуқ нормаларида белгиланган қоидаларга тўла ва аниқ риоя қилишлари натижасида ўрнатилган ижтимоий муносабатлар тизимидир.

Хуқуқий тартиботнинг хусусиятларига қуйидагилар қиради:

- У хуқуқ нормаларида кўзда тутилган бўлади;
- Муайян хуқуқ нормаларини ҳаётга тадбиқ этиш натижасида юзага келади;
- Давлат томонидан таъминланади;
- Кишиларнинг ҳаётини енгиллаштириб, уларнинг янада эркин бўлишлари ҳамда ижтимоий муносабатларни ташкилий жихатдан юзага келиши ва амалда бўлиши учун шарт-шароит яратади;
- Қонунийликнинг натижаси сифатида юзага чиқади.

Мавзуга оид адабиётлар

1. Абдулаев М.И. Теория государства и права: Учебник.-СПб.: Питер, 2003. -397 с.
2. Давлат ва хуқуқ назарияси. Дарслик Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. -Т.: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси, 2000. -528 б.
3. Исломов З.М. Давлат ва хуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). -Т.: Адолат, 2000. - 272 б.
4. Исломов З.М. Общество. Государство. Право.-Т.:Адолат, 2001.-696с.
5. Комаров С.А. Общая теория государства и права: Учебник. 7-е изд. СПб.:Питер, 2004.-512 с.
6. Комаров С.А., Малько А.В. Теория государства и права Учебно методическое пособие Краткий учебник для вузов.-М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 1999. -448 с.
7. Лазарев В.В. Пробель: в праве и пути их устранения. М., 1974. 184с.
8. Малько А.В. Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на 100 возможных вопросов. Учебно-методическое пособия. -М.: Гардарика, 1996.-128 с.
9. Марченко М.Н. Теория государства и права: Учебник. 2-е изд., прераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 640 с.
10. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва хуқуқ назарияси. 2-жилд. Хуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. -560 б.
11. Теория государства и права: Учебник/Под ред. В.М.Корельского и В.Д. Леревспова.-М.: Норма - Инфра, 1998. -570с.

12. Темнов Е.М. Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. -М.: Экзамен, 2003. -320 с.

13. Шмепева Г.П. Конкретизация юридических норм в правовом регулировании. -Львов, 1988.

Тест саволлари

1. «Тарихий таракқиётнинг муайян босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар маҳсули ... ?»
 - a) жамоа
 - b) тўда
 - c) жамият
 - d) партия

2. Ибтидоий жамоа тузуми даврида ибтидоий нормаларни бузган шахсларга асосан қандай жазо тури қўлланилган?
 - a) жамоатчилик таъсири
 - b) жамоатчилик айблови
 - c) уруғ жамоасидан ҳайдаш
 - d) а, с жавоб тўғри

3. Давлатнинг вужудга келиши ҳақидаги назарияларни аниқланг?
 - a) терминологик, синфий, шартнома
 - b) теологик, социологик, зўрлик
 - c) шартнома, синфий, геологик
 - d) материалистик, теологик, зўрлик

4. «Материалистик (синфий)» назария қачон пайдо бўлган, асосчиларини аниқланг?
 - a) Г Брюнинг, Г.Мен XVIII-XIX асрларда
 - b) Филмер, Ф.Пухта XVII-XVIII асрларда
 - c) К.Маркс, Ф.Энгелс ВХенин XVIII-XIX асрларда
 - d) тўғри жавоб йўқ.

Мавзуга оид адабиётлар

1. Абдулаев М.И. Теория государства и права: Учебник.-СПб.: Питер, 2003. -397 с.

2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. -528 б.

3. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). -Т.: Адолат, 2000. - 272 б.
4. Исломов З.М. Общество. Государство. Право.-Т.:Адолат, 2001.-696с.
5. Комаров С.А. Общая теория государства и права: Учебник. 7-е изд. СПб.:Питер, 2004.-512 с.
6. Комаров С.А., Малько А.В. Теория государства и права Учебно методическое пособие Краткий учебник для вузов.-М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 1999. -448 с.
7. Лазарев В.В. Пробель: в праве и пути их устранения. М., 1974. 184с.
8. Малько А.В. Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на **100** возможных вопросов. Учебно-методическое пособия. -М.: Гардарика, 1996.-128 с.
9. Марченко М.Н. Теория государства и права: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 640 с.
10. Саидов А., Тожиhoнов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. -560 б.
11. Теория государства и права: Учебник/Под ред. В.М.Корельского и В.Д. Леревспова.-М.: Норма - Инфра, 1998. -570с.
12. Темнов Е.М. Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. -М.: Экзамен, 2003. -320 с.
13. Шмелева Г.П. Конкретизация юридических норм в правовом регулировании. -Львов, 1988.

6-мавзу: Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш.

Режа

1. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш тушунчаси.
 2. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш усуллари.
 3. Ҳуқуқ нормасини расмий ,норматив шарҳлаш.
 4. Ҳуқуқ нормасини норасмий шарҳлаш.
 5. Ҳуқуқ анологияси.
- 1.** Ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини тўғри англсб олиш ва уларни шарҳлаш содир бўлган ижтимоий мунабатларга уларни тадбиқ этишдан олдин унинг маъносини тўғри англаш муҳумдир. Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш масаласи куйдаги учта муҳим масалани ўз ичига олади:

1. тадбиқ этиладиган ҳуқуқий нормаларни шарҳловчи субъектларни аниқлаш. Булар – давлат органлари, давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий вакиллик органлари, ижро этувчи органлар, президент, вазирлар маҳкамаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мансабдорлар ва фуқаролар.

2. тадбиқ қилинадиган ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини аниқлаш учун мантиқий, грамматик, тарихий ва систематик усуллар қўлланилади.

3. тадбиқ этилаётган нормаларнинг ҳажми бўйича ва юридик кучга қараб шарҳлаш.

Ҳуқуқий нормани шарҳларини ҳаётда тадбиқ этиладиган ҳуқуқий норма билан тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун бринчи навбатда бу ҳуқуқий норманинг маъноси ва мазмунини англаш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади

2. Ҳуқуқий нормаларни илмий томондан ишлаб чиқилган ва ҳаётда синаб кўрилган қатор махсус усуллар орқали амалга оширилади. Бу усуллар ҳуқуқий нормаларнинг маъносини ва мазмунини очишга ёрдам беради. Ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини аниқлаш учун қуйфаги усуллар ишлатилади:

А) Грамматик усул - бу норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва матнини, филология ва итл қоидаларига асосан таҳлил қилиб беришдир.

Б) Тизимли усул - бунда юридик норманинг мазмуни бошқа юридик нормалар билан солиштирилиб, унинг тегишли ҳуқуқ соҳаси нормалар тизимадаги ўрни аҳамияти аниқланади.

С) Мантиқий усул - бунда ҳуқуқни мантиқ фафнининг қоидалари асосида шарҳлаш.

Д) Тарихий – сиёсий усул ҳуқуқни қабул қилиш жараёнидаги муайян ва сиёсий шарт-шароитларни таҳлил қилиш ёрдамида шарҳлаш.

Е) Функционал усул – ҳуқуқни тадбиқ этиладиган шароит ва омилларга асосланиб қилинадиган шарҳлаш.

Ҳ) Махсус – юридик усул - махсус юридик белгилар асосида қонунчиликда қўланиладиган юридик терминларнинг мазмунини тушунтириб бериш тушунилади.

3. Ҳуқуқ нормасини шарҳлаш улар қўланиладиган субъектга қараб икки гуруҳга : расмий ва норасмий шарҳлашга бўлинади.

А) Расмий шарҳлаш - турмушда қўлланиладиган ҳуқуқий нормаларни расмий шарҳлаш ваколарини давлат органи томонидан амалга оширилади. Бу шарҳ барча субъектлар учун мажбурий бўлади. Олий мажлис, президент, Вазирлар маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, қорақолпоғстон жўғри кенгеси ва вазилар кенгаши ушбу фаолиятни амалга оширади.

Б) Норматив шарҳлаш.- Давлат ҳудудида ҳуқуқ нормаларини бир хилда бир хилда қўллаш мақсадида, қайси давлат органи чиқарган бўлса, шу органнинг ўзи томонидан шарҳланади. Бу шарҳланишнинг юридик адабиёт оғтинин (муаллиф томонидан шарҳлаш.) деб аталади. Ушбу

ҳуқуқ Президентга , Вазирлар маҳкамасига , вазирликларга Давлат кўмиталарига, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига ўзлари чиқарган ҳуқуқий ҳужжатлар бўйча берилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ва қонун нормаларини юридик кучига қараб шархлайдиган ягона орган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судидир.

4. Ҳуқуқни норасмий шархлаш, унга илмий шархлаш киради. Тадбиқ этилаётган ҳуқуқий нормаларни илмий шархлаш, илмий ходимлар, олимлар, жамоат ва давлат арбоблари томонидан дарсликларда, маърузаларда, китобларда в аилмий мақолаларда амалга оширилиши мумкин .

Норасмий илмий шархлаш натижалари давлат органлари, жамоат битлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлмасида ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини шархлаб, тушутириб беради. Бу шархлаш, ҳуқуқий нормаларни амалиёт билан боғъланишларининг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Норасмий шархлаш қонунларни токомиллаштиришга, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятини яхшилашга, қонунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ҳуқуқ нормаларини шархлаш ҳажми бўйча уч хил бўлади.

1. Сўзни тон маъносида шархлаш.
2. Чекланган шархлаш.
3. Тенг маънода шархлаш.

5. Юридик фанда ҳуқуқ ўхшашлиги ва қонун ўхшашлиги тушунчалари мавжуд. Ҳуқуқ аналогияси – ҳаётда учрайдиган кечишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқнинг умумий принципларига асосан тартибга солошдир. қонун аналогияси эса тегишли ишларни шу ишга ўхшаш бўлган қонун билан ҳал қилишдир. Ўхшаш бўйча ҳуқуқий нормалар жуда кам ҳолларда қўлланилади. Фақат давлат жамият ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўхшашини қўлланилади.

Аналогия фақат фуқаролик ишлари бўйча ҳуқуқий нормаларни қўллаш ва ҳаётда содир бўладиган тегишли ишларни ҳал қилишнинг мажбурий шартлари қуйдагича:

1. Тегишли ижтимоий муносабатларни кўриб, сикҳни ҳал қилаётганда, шу масалага оид ҳуқуқий норманинг ёқлиги.
2. Пайдо бўлган ҳодисани - яъне ижтимоий муносабатларни тегишли ҳуқуқий тартибга солишни тақаб қилишлиги.
3. Ҳаётда шу ҳодисанинг ёки ижтимоий муносабатларнинг ҳал этилиши жамият, давлат ва фуқаро манфаатлари билан боғълик бўлган объектив зарурият эканлиги.

Мавзуга оид адабиётлар

1. Абдулаев М.И. Теория государства и права: Учебник.-СПб.: Питер, 2003. -397 с.
2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. -528 б.
3. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). -Т.: Адолат, 2000. - 272 б.
4. Исломов З.М. Общество. Государство. Право.-Т.:Адолат, 2001.-696с.
5. Комаров С.А. Общая теория государства и права: Учебник. 7-е изд. СПб.:Питер, 2004.-512 с.
6. Комаров С.А., Малько А.В. Теория государства и права Учебно методическое пособие Краткий учебник для вузов.-М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 1999. -448 с.
7. Лазарев В.В. Пробель: в праве и пути их устранения. М., 1974. 184с.
8. Малько А.В. Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на **100** возможных вопросов. Учебно-методическое пособия. -М.: Гардарика, 1996.-128 с.
9. Марченко М.Н. Теория государства и права: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 640 с.
10. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. -560 б.
11. Теория государства и права: Учебник/Под ред. В.М.Корельского и В.Д. Леревспова.-М.: Норма - Инфра, 1998. -570с.
12. Темнов Е.М. Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. -М.: Экзамен, 2003. -320 с.
13. Шмепева Г.П. Конкретизация юридических норм в правовом регулировании. -Львов, 1988.

7-мавзу. Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик

РЕЖА

1. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва белгилари.
2. Ҳуқуқбузарлик турлари
3. Ҳуқуқбузарлик субъекти ва объекти.
4. Юридик жавобгарликнинг мақсади, функциялари ва тамойиллари.

Ҳуқуқий хулқ-атвор - бу ҳуқуқ нормаларига мос келадиган, юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган, ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлган, ҳуқуқ субъектларининг оқли равишдаги хулқидир.

Ҳуқуқий хулқ-атворни бир қатор асосларга кўра таснифлаш мумкин:

1. Фаол (актив) ҳуқуқий хулқ-атвор.
2. Одатдаги ҳуқуқий хулқ-атвор.
3. Суст (пассив) ҳуқуқий хулқ-атвор.

Ҳуқуқ нуқтаи назаридан хулқ-атвор ҳуқуққа мос келувчи, юридик бетараф ва ҳуқуққа зид келувчи бўлиши мумкин. Ҳуқуқий хулқ-атвор элементлари:

- субъектлар (жисмоний ва юридик шахслар);
- объектлар (предмет ва субъект хулқ-атвори);
- объектив томони хулқ-атворнинг ҳаракат ва ҳаракатсизлик кўринишлари);
- субъектив томони (субъектнинг масъулиятлилик даражаси).

Ҳуқуқбузарлик - бу ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишида содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмиш.

Бундай қилмиш қонун билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки зарар етказиш хавфини туғдириши мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг асосий белгилари:

- жамият ва шахс учун ижтимоий хавфли;
- ҳуқуққа зид ҳарактерга эгаллиги;
- айбли қилмиш;
- зарарли оқибат келтириб чиқаради;
- фақат кишилар томонидан (жисмоний шахслар) содир қилиниши;
- кишиларнинг эрки ва онгига боғлиқ булган ҳолда, улар томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида амалга оширилади ва.

Ҳуқуқбузарликнинг элементлари:

- Обьекти (ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар);
- Обьектив томони (ҳуқуқнинг бузилиши ва унинг ижтимоий хавфлилиги);
- Субьекти (ҳуқуқбузарликни содир этган шахслр);
- Субьектив томони (ҳуқуқбузарлик оқибатидан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли қилмишга бўлган онгли-психик муносабат).

Уз навбатида ҳуқуқбузарлик объектив томонингтг элементлари мавжуд:

- 2) зарарли оқибат;
- 3) ҳуқуққа қарши қилмиш ва зарарли оқибат ўртасидаги сабабий боғлиқлик;
- 4) жойи, вақти, усули ва муҳит.

Ҳуқуқбузарлик субъектив томонининг зарурий белгиси айбдир.

Айб-хукукбузарнинг хукукка хилоф хатти-ҳаракатига ва уларнинг ижтимоий хавфли оқибатига нисбатан қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги муносабати.

Қасд-шахснинг хукукка хилоф хатти-ҳаракатини содир қилаётганида, бу ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг хукукка хилофлигини, ижтимоий хавфлилигини, унинг оқибатини англаши ёки тушуниши (тўғри қасд), ёки бу муносабатнинг маълум оқибатни келтириб чиқаришига онгли равишда йўл қўйиши (эгри қасд).

Эҳтиётсизлик-шахсининг хатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олишни назарда тутиб, бепарволик билан ўзига-ўзи ишониб ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилиши. Ижтимоий хавфлилик даражасига кура хукукбузарликнинг жиноят (одам ўлдириш, ўғрилиқ, фирибгарлик ва ҳ.) ва ножўя иш кўринишидаги турлари мавжуд.

Ножўя иш кўринишидаги хукукбузарлик ўз навбатида фуқаролик-ҳуқуқий (моддий зарар етказиш, мажбуриятни бажармаслик ва ҳ.); маъмурий-ҳуқуқий (майда безорилик, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ва ҳ.к); интизомий-ҳуқуқий (ишга келмаслик, кеч қолиш ва ҳ.)ларга бўлинади.

Хуқуқий жавобгарлик (юридик жавобгарлик) - бу хукукбузарга нисбатан хуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллашдир. Бу чоралар: шахсий (озодликдан маҳрум этиш); мулкӣ (жарима); ташкилий (муайян хуқуқдан маҳрум этиш; ишдан бўшатиш) характерга эга бўлиши мумкин.

Хуқуқий жавобгарлик хукукбузарликнинг турларига кўра қуйидагиларга бўлинади: жиноий-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий, интизомий-ҳуқуқий.

Хуқуқий жавобгарликнинг тамойиллари: адолатлилик, инсонпарварлик, қонунийлик, асослантирилганлик, хуқуқ бузилган ҳолда жавобгарликнинг муқаррарлиги, мақсадга мувофиқлилик ва бошқалар.

Жиноий ва фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш суд томонидан амалга оширилади.

Хуқуқий жавобгарликни истисно қилувчи ҳолат юридий зарурий муҳофаа; охириги зарурат; буйрукни ёки бошқача тарздаги расмий вазифани бажариш; муомалага лаёқатсизлик ва ҳ.к.

Мавзуга оид адабиётлар

1. Абдулаев М.И. Теория государства и права: Учебник.-СПб.: Питер, 2003. -397 с.
2. Давлат ва хуқуқ назарияси. Дарслик Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. -Т.: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси, 2000. -528 б.
3. Исломов З.М. Давлат ва хуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). -Т.: Адолат, 2000. - 272 б.
4. Исломов З.М. Общество. Государство. Право.-Т.:Адолат, 2001.-696с.
5. Комаров С.А. Общая теория государства и права: Учебник. 7-е изд. СПб.:Питер, 2004.-512 с.

6. Комаров С.А., Малько А.В. Теория государства и права Учебно методическое пособие Краткий учебник для вузов.-М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 1999. -448 с.
7. Лазарев В.В. Пробель: в праве и пути их устранения. М., 1974. 184с.
8. Малько А.В. Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на **100** возможных вопросов. Учебно-методическое пособия. -М.: Гардарика, 1996.-128 с.
9. Марченко М.Н. Теория государства и права: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 640 с.
10. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. -560 б.
11. Теория государства и права: Учебник/Под ред. В.М.Корельского и В.Д. Леревснова.-М.: Норма - Инфра, 1998. -570с.
12. Темнов Е.М. Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. -М.: Экзамен, 2003. -320 с.
13. Шмепева Г.П. Конкретизация юридических норм в правовом регулировании. -Львов, 1988.

8-мавзу. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият

РЕЖА

1. Ҳуқуқий онг: тушунчаси, таркибий қисмлари, тизими.
2. Дуқуқий онг - ҳуқуқни ривожлантириш, мустақамлаш ва амал қилиш омили сифатида.
3. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият.
4. Ҳуқуқий тарбия

Ҳуқуқий онг - бу ижтимоий онгнинг шаклларида бири бўлиб, кишиларда ҳуқуқка, қонунчиликка, ҳуқуқ тартиботга ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан бўлган ғоялар, ҳис туйғулар, тасаввурлар йигиндиси.

Ҳуқуқий онгнинг асосий таркибий элементлари: ҳуқуқий руҳият психология ва ҳуқуқий мафкура (идеология).

Ҳуқуқий руҳият - алоҳида ижтимоий гуруҳ. шахс ёки бутун жамиятда стихияли равишда вужудга келадиган ҳуқуқий туйғулар, ҳиссиётлар, кайфиятлар, фикрлар йигиндисидан иборат.

Ҳуқуқий мафкура - бу синфнинг, жамиятнинг ҳуқуқий қарашлари, ғоялари, тасаввурлари ва талабларининг илмий тизимлаштирилган ифодасидир.

Ҳуқуқий маданият - бу кишиларнинг ҳуқуқий билим даражаси, қуқуққа нисбатан онгли муносабати, ҳуқуқни хурмат қилиш ва унга риоя қилиши.

Ҳуқуқий тарбия - бу жамият аъзоларининг юриш-туриш маданиятига ва онгига ҳуқуқ ҳақидаги билимларни доимий равишда мақсадга мувофиқ таъсир этиш орқали сингдириб бориш жараёни.

Ҳуқуқий тарбия воситаларига: ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий таълим, юридик амалиёт, ўзини ўзи тарбиялашлар киради.

Ҳуқуқий дунёқараш - бу жамиятда кишилар томонидан ижтимоий муносабатларни тартибга солишда бош ролни ҳуқуқ бажаради деб тан олиниси.

Ҳуқуқий нигилизм — бунда (*лот. "nihil" - "ҳеч нарса"*) ҳуқуқ субъект(лар)ининг амалдаги ҳуқуқ нормаларини менсимаслиги, уларга хурматсизлик муносабатида бўлиши ёки инкор қилиши тушунилади. Ҳуқуқий нигилизм қуйидаги қуринишларда намоён бўлади:

- назарий шакли (олимлар, мутафаккирлар, сиёсатшунослар томонидан муайян манбаларда ҳуқуқни инкор қилиниши);

- амалий шакли (фаол ва сушт (пассив)).

Фаол ҳуқуқий нигилизм - ижтимоий муносабатларда ҳуқуқни очикдан-очик иикор қилиш;

Сушт ҳуқуқий нигилизм - жамиятдаги кишилар томонидан амалдаги ҳуқуқ нормаларини менсимаслик.

Мавзуга оид адабиётлар

1. Абдулаев М.И. Теория государства и права: Учебник.-СПб.: Питер, 2003. -397 с.
2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. -528 б.
3. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). -Т.: Адолат, 2000. - 272 б.
4. Исломов З.М. Общество. Государство. Право.-Т.:Адолат, 2001.-696с.
5. Комаров С.А. Общая теория государства и права: Учебник. 7-е изд. СПб.:Питер, 2004.-512 с.
6. Комаров С.А., Малько А.В. Теория государства и права Учебно методическое пособие Краткий учебник для вузов.-М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 1999. -448 с.
7. Лазарев В.В. Пробель: в праве и пути их устранения. М., 1974. 184с.
8. Малько А.В. Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на **100** возможных вопросов. Учебно-методическое пособия. -М.: Гардарика, 1996.-128 с.

9. Марченко М.Н. Теория государства и права: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 640 с.
10. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. -560 б.
11. Теория государства и права: Учебник/Под ред. В.М.Корельского и В.Д. Леревспова.-М.: Норма - Инфра, 1998. -570с.
12. Темнов Е.М. Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. -М.: Экзамен, 2003. -320 с.
13. Шмепева Г.П. Конкретизация юридических норм в правовом регулировании. -Львов, 1988.

9-мавзу: Ҳуқуқ ва шахс. Ҳуқуқий онг.

РЕЖА

- 1). Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти ва унинг асосий белгилари.
- 2). Шахснинг ҳуқуқий ҳолати .
- 3). Шахснинг уз ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятлари.
- 4). Ҳуқуқий онг тушунчаси, таркибий элементлари.
- 6). Ҳуқуқий маданият тушунчаси ва унинг ҳуқуқий онг билан узаро боғлиқлиги.
- 7). Ҳуқуқий ниғилизм тушунчаси, унинг элементлари.

Ҳуқуқ ибораси кундалик ҳаётимизда куп кулланиладиган тушунча булиб, ҳақ ҳақиқат сузларидан олинган , Ҳуқуқ ҳозирги кунда куйидаги маънода кулланилади:

Биринчидан, муайян жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқи:

Иккинчидан, давлат томонидан урнатиладиган ва бажарилиши таъминланадиган , бажарилиши умуммажбурий булган коидалар йигиндиси.

Учинчидан, Ҳуқуқ –ижтимоий фан соҳаларидан бирининг номидир.

Ҳуқуқ—бу давлат томонидан урнатиладиган ёки маъқулланадиган ва муҳофаза қилинадиган узида эркинлик, тенглик ва адолат гоъларини мужассамлаштирган, бажарилиши умуммажбурий булган, юриш—туриш коидалари йигиндиси.

Афлотун ва Арасту фанга сиёсий ҳуқуқ тушунчасини киритган ва уни табиий ҳамда шартли ҳуқуқларга ажратган. Сиёсий ҳуқуқ , табиий ҳуқуқ ва шартли ҳуқуқ қисмларидан иборат.

1). Табиий ҳуқуқ—тан олиш ёхуд тан олмасликдан қатъий назар ҳамма жойда бир хил аҳамиятга эга булган коидалардир.

2). Шартли ҳуқуқ---инсонлар томонидан уларнинг хоҳиш—иродасига кура урнатиладиган қоидалар мажмуидир.

И.Кантнинг фикрича, ҳуқуқ табиий, исбот талаб қилмайдиган қоидалар мажмуидир, иккинчидан, ҳуқуқ қонун соҳиби эрки—иродасини ифодаловчи табиий қоида йигиндисидир, учинчидан, ҳуқуқ—адолатни амалга ошириш қоидаларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ҳуқуққа шундай таъриф берган: Ҳуқуқ ижтимоий ҳамжихатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситасидир.

Ахлоқ ва ҳуқуқ уртасидаги асосий фарқлар:

Ҳуқуқнинг асосий белгилари :

- Ҳуқуқнинг барча учун мажбурийлиги:
- Ҳуқуқнинг қонун ва бошқа аниқ шаклларда ифодаланган бўлиши:
- Ҳуқуқнинг давлат томонидан урнатилиши, муҳофаза қилиниши:
- Шаклан аниқликка эгалиги:
- Давлатнинг мажбурлов қучига таянади:
- Ҳуқуқнинг ижтимоий тартиб—интизом, эркинлик, адолатпарварлик, тенгликни таъминлаш воситаси эканлиги:
- Ҳуқуқнинг субъектив ва объектив ҳуқуқларга бўлиниши ва субъектив ҳуқуқлар орқали ҳаракат қилиши:
- Ҳуқуқ эҳтиросларни жиловлаш воситаси эканлиги.

Ҳуқуқнинг моҳияти деганда унинг моҳияти ва мақсади . Ҳуқуқни моҳияти ҳақидаги назариялар: Табиий ҳуқуқ назарияси, психологик назария, реалистик ҳуқуқ мактаби, ҳуқуқни тушунишга тарихий ёндошув, материалистик назария, позитив ҳуқуқ назарияси ва ҳоказо.

Шахс—бу жамиятнинг маълум бир бўлаги, унинг субъектидир. У жамиятдан ташқарида бўлиши мумкин эмас, Жамият ва шахс уртасидаги муносабатлар давлат пайдо сунг асосан давлат ва шахсга нисбатан акс этади. Шахснинг давлатдаги ҳолатини ҳуқуқий қоидалар билан мустаҳкамлаш натижасида янги тушунча—шахснинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси вужудга келди. Давлат пайдо бўлиши билан шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берадиган қоидалар давлатнинг қонуний ҳужжатларида акс эта бошлаган. Шахс ҳуқуқий ҳолатга эга бўлиши билан давлат ривожи , унинг таракқиётига улкан хисса қўшади. Давлатнинг қудратли, қучли бўлишида юксак малакали, ахлоқан барқамол шахслар керак.

Шахснинг фуқаролик жамиятидаги урнини И.А.Каримов шундай баҳолайди: „Биз оддий ҳақиқатни тушуниб етишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни биров четдан қелиб қуоиб бермайди. Унинг ҳаёти уз ватанинг қелажаги билан узвий боғлиқ бўлган биз узимиз, шу миллат фарзандлари бунёд этамиз.Ғ

Инсонларнинг хатти—харакати, феъл атвори шахсда уз ифодасини топади ваш у билан бирга жамиятда инсон у ёки бу ҳуқук ва бурчларга эга булиши натижасида шахсга айланади.

Шахс—дейилганда муайян ҳуқук ва эркинликларга эга булган узига хос интеллектуал, рухий, иродавий, шахсий белги ва сифатларга эга булган инсон тушунилади. Фалсафий жихатдан, шахс—бир инсонни жамиятдаги урнини билдиради.

Шахс давлат билан булган муносабатда фуқаро сифатида иштирок этади.

Фуқаро—бирор мамлакатнинг доимий аҳолиси деган маънони билдиради. Давлат ва алоҳида шахс уртасидаги доимий ва барқарор ҳуқуқий аълоқа фуқаролик булиб, бунда шахс давлат томонидан белгиланган барча ҳуқук ва эркинликлардан фойдаланади, бурчларни бажаради, шахс эса давлат ҳимоясида булади. Шахснинг ҳуқуқий ҳолати фуқароликбилан белгиланади. Фуқароликни мазмуни шахснинг республикага нисбатан ҳуқуқлар ва барчларини ҳамда республиканинг шу шахсга нисбатан ҳуқуқлари ва бурчларини уз ичига олади. Шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берадиган фуқароларнинг асосий ҳуқук ва эркинликлари деганда хар бир фуқаро учун Ўзбекистон Республикаси томонидан белгилаб берилган ва Конституцияда мустаҳкамланган имкониятлар тушунилади. Шахс уз ҳуқуқларини амалга ошириш учун конунда имкониятлар яратилган. Улардан бири фуқаро (шахс)нинг шахсий ҳуқук ва эркинликларидир, бу ҳуқуқлар халқаро ҳужжат ва қоидаларда мустаҳкамланган.

Назорат саволлари.

1. Ҳуқуққа таъриф
2. Ҳуқуқнинг асосий белгиларини гапиринг.
3. Шахсга таъриф беринг.
4. Ҳуқуқ ҳақидаги назарияларни гапиринг.
5. Ҳуқуқ тамойилларини гапиринг.
6. Ҳуқуқ функцияларини тушунтиринг.
7. Фуқаро узининг лугавий маъноси.
8. Ҳуқуқий онгга таъриф келтиринг.
9. Ҳуқуқий нигилизмга таъриф келтиринг.
10. Ҳуқуқий онгнинг асосий таркибий элементларини гапиринг.
11. Ҳуқуқий маъданиятни тафнифлаб беринг
12. Ҳуқуқий тарбия воситаларига нималар киради.
13. Сиёсий нормаларга таъриф келтиринг.
14. Ахлоқ ва ҳуқуқ уртасидаги фикрларни сананг.
15. Давлат ва ҳуқуқни бир—бирига узаро боғлиқлигини тушунтиринг.

Тестлар

1. Табиий ҳуқуқ назарияси асосчиларини тугри белгиланг.

- А).Гоббс, Локк, Радишчаев.
- В). Маркс, Юнгельс, Ленин.
- С).Г.Кельзен, Штаммлер, Г.Гуго.
- Д).Петражицкий, Росс, Рейснер, Мерил.
- Е).Ф.Пухта, К.Савиньи, Г.Гуго.

2. Хукук тамойиллари таъсир этиш доирасига кура нечага булинади.

- А).2га:
- В).3га:
- С) 4га:
- Д). булинмайди.
- Е).Т.Ж.Й.(тугри жавоб йук)

3. Хукукнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатида мохиятини ифодаловчи энг асосий коидалар бу....----

- А). Хукук нормалари.
- В). Хукук функциялари .
- С). Хукук тамойиллари.
- Д). Тартибга солувчи функция.
- Е). Тугри жавоб йук.

4,оркали жамият аётининг турли хил йуналишларида юзага келадиган ижтимоий муносабатларга хукукий таъсир утказилади.Нукталар урнига керакли терминни куйинг.

- А). Хукук принциплари.
- В). Умумижтимоий функциялар.
- С).Курикловчи функциялар.
- Д).Тартибга солувчи функция.
- Е) Махсус юридик функция.

5. Умумхукукий тамоиллар берилган каторни белгиланг.

- А) адолатчилик
- Б) Демократизм
- С) Ошкоралик
- Д) А ва Б
- Е)барча жавоблар тугри.

6. Жамиятда иштимоий муносабатларга ва кишиларнинг юриш - туришига хукукий таъсиркилишнинг асосий йуналиши бу....., функция

- В)Тартибга солувчи функция
- С).Хукук нормалари.

Д).Хуқук функциялари.

Е). Сиёсий нормалар.

Мавзуга оид адабиётлар

1. Абдулаев М.И. Теория государства и права: Учебник.-СПб.: Питер, 2003. -397 с.
2. Давлат ва ҳуқук назарияси. Дарслик Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси, 2000. -528 б.
3. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқук: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). -Т.: Адолат, 2000. - 272 б.
4. Исломов З.М. Общество. Государство. Право.-Т.:Адолат, 2001.-696с.
5. Комаров С.А. Общая теория государства и права: Учебник. 7-е изд. СПб.:Питер, 2004.-512 с.
6. Комаров С.А., Малько А.В. Теория государства и права Учебно методическое пособие Краткий учебник для вузов.-М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 1999. -448 с.
7. Лазарев В.В. Пробель: в праве и пути их устранения. М., 1974. 184с.
8. Малько А.В. Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на **100** возможных вопросов. Учебно-методическое пособия. -М.: Гардарика, 1996.-128 с.
9. Марченко М.Н. Теория государства и права: Учебник. 2-е изд., прераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 640 с.
10. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқук назарияси. 2-жилд. Ҳуқук назарияси. -Т.: Адолат, 2001. -560 б.
11. Теория государства и права: Учебник/Под ред. В.М.Корельского и В.Д. Леревспова.-М.: Норма - Инфра, 1998. -570с.
12. Темнов Е.М. Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. -М.: Экзамен, 2003. -320 с.
13. Шмепева Г.П. Конкретизация юридических норм в правовом регулировании. -Львов, 1988.

2-қИСМ

**1-Мавзу: Давлат ва ҳуқуқ тарихи фани тушунчаси, моҳияти,
фанлар тизимида тутган ўрни, фан тизими, ўрганиш услублари, фаннинг аҳамияти**

Режа:

1. Давлат ва ҳуқуқ тарихи фани тушунчаси, моҳияти,
2. Давлат ва ҳуқуқ тарихи фанининг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни, фан тизими
3. Давлат ва ҳуқуқ тарихи фанини ўрганиш услублари ва аҳамияти

Давлат ва ҳуқуқи тарихи фани ижтимоий фан бўлиб, уни асосан тарихий-ҳуқуқий фан деб атаймиз. Чунки у бевосита ҳам тарих фанига, ҳам давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги фанга алоқадор. Давлати ва ҳуқуқ тарихи ўз характери буйича юридик (ҳуқуқий) фан ҳисобланади. Шу боис у юридик олий ва урта махсус уқув юртларида ўрганиладиган асосий ўқув курсларидан биридир.

Тарих ўтмишнинг йиғилган, концентрациялашган тажрибаларини сақловчи, уни авлодларга асраб етказиб келувчидир. Ҳозирги замоннинг ҳар бир йирик масаласи ҳаётнинг қайси соҳасида бўлмасин, жумладан, давлат ва ҳуқуқий қурилиш соҳасида ҳам мавжуд бўлган тарихий тажрибаларни ҳисобга олмасдан, ундан унумли фойдаланмасдан, чуқур ўрганмасдан самарали хал этилиши мумкин эмас. Ўтмиш воқеа ходисаларини билмасдан туриб, ҳозирги воқеликни тўғри тушуниш, келажакни кўра билиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, "Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади... Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди... Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир."¹ Тарих фан сифатида жамият таракқиётининг объектив қонунлари ҳақидаги билимлар тизимини ўзида мужассамлаштиради, уларни тушуниш жамиятнинг келажакдаги ривожланишини кўра билишга имкон яратади. Шунинг учун ҳам умуминсоният тарихи фанининг таркибий қисми сифатида республикамиз олий уқув юртларида фанлар соҳалари буйича тарихий фанлар ўрганилади. Масалан, иқтисодиёт олий ўқув юртларида иқтисод тарихи, маданият олий уқув юртларида маданият тарихи, меъморчилик ўқув юртларида меъморчилик тарихи ўрганилади. Мамлакатимизда Тошкент Давлат юридик институтида, Ички ишлар вазирлиги Академиясида, университетларнинг ҳуқуқшунослик факультетларида, юридик коллежларда ҳам давлат ҳуқуқий характеридаги тарихий фанлар ўрганилади. Давлат ва ҳуқуқ жамиятга оид ходисалар бўлиб, жамият тарихининг ажралмас таркибий қисмидир. Жамият тарихи ва унга мос ҳолда давлат ва ҳуқуқ тарихи ўзлуксиз ривожланиш жараёнидан иборат.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро майдонга эркин чиқа бошлагандан сўнг, ўзбек тилида давлат ва ҳуқуқ тарихини холисона ўрганишга асосланган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш имкониятига, эга бўлинди.

Ўзбекистонда мустикалликка қадар ҳуқуқшунослик фанларини ўқитишни такомиллаштириш мақсадида республикамиз олимлари томонидан ўзбек тилида бир қанча ўқув қўлланмалари ҳамда дарсликлар яратилиб, кўп йиллик тажрибалар умумлаштирилган. Бу соҳада айниқса Х.С.Саматова, У.М.Ахмаджонов ва З.Муқимовлар бир қанча ишларни амалга оширганлар.

Улар томонидан ёзилган қўлланмалар талабаларнинг мазкур фанни ўзбек тилида ўзлаштириб олишларига яқиндан ёрдам бериб келган. Айни вақтда ушбу қўлланмаларга янги даврга хос қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб янгиланмоқда. Шунингдек, олимларимиз А. Саидов, З. Исломов, Х. Бобоев, Ҳ. Мухаммадиев М. Хамидовалар янги давр адабиётларини яратишди ва яратмоқдалар. Эндиликда янги давр талабига жавоб берадиган, давлат ва ҳуқуқ тарихини холисона ва атрофлича ёритиб берадиган пухта ва мукамал дарсликлар мукамаллаштириш ҳозирги кун ҳуқуқшунослик фанининг энг долзарб масалаларидан бирига айланган.

Давлат ва ҳуқуқ тарихи давлат ва ҳуқуқни бир бутун ҳолда олиб, бир-бири билан ўзаро алоқадор бўлган ижтимоий ҳодисаларни ўрганади. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳар қайсиси алоҳида бўлган давлат тарихининг ва ҳуқуқ тарихининг механик равишда қўшилиши эмас. Давлат ва ҳуқуқ тарихи бир-бири билан ўзаро ўзвий боғлиқ ва ўзаро алоқадор. У юридик фанларнинг муҳим пойдевори ҳисобланади. Давлат ва ҳуқуқ тарихи кенг тарихий ва далилий материалларга асосланиб, бу материалларни умумлаштириб ва синтез қилиб, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келишини: давлат ва ҳуқуқ турларининг изчил равишда бирдан кейин иккинчиси келишини, бунинг сабабларини, турли хил тарихий турдаги ва босқичдаги давлатлар ва ҳуқуқнинг моҳияти, мазмуни ва шакллари, турли ривожланиш босқичидаги ва шаклдаги давлатларнинг ўзига хос томонларини; ҳуқуқий манбаларнинг пайдо бўлиши, тўзилиши, амал қилиши, шакллари, қўлланилиши, уларда мустаҳкамланган ҳуқуқ соҳалари ва институтларининг моҳиятини ва шу сингариларни очиб беради. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ўрганадиган масалалар юридик фанлар тизимида марказий ўринни эгаллайди. Зеро, юқорида айтилган барча фикрлар давлат ва ҳуқуқ тарихига ҳам тўлалигича тааллуқлидир. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ана шу жиҳатлари билан давлат ва назарияси билан чамбарчас боғлиқ. Лекин давлат ва назарияси фақат ўзига хос хусусиятга, ўзи ўрганадиган фан соҳасига эга бўлиб, ўша жиҳати билан давлат ва ҳуқуқ тарихи дан фарқ қилади. Маълумки, давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳам давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Лекин давлат ва ҳуқуқ тарихи мантикий услуб ёрдамида тарихий жараённи абстракт (мавҳумий) шаклда, ҳар қандай тарихий тасодифлардан холи тарзда акс эттиради. У ўзининг умумҳуқуқий тушунчалари ва тоифалари тизимини ишлаб чиқди. Бундай тушунча ва тоифалардан биз ўз навбатида давлат ва ҳуқуқ тарихи укув курсида кенг фойдаланамиз.

Давлат ва ҳуқуқ тарихи давлат ва ҳуқуқ тарихидан фарқли ўлароқ давлат ҳуқуқий институтларни ва ҳодисаларни хронологик изчилликда ва маълум тарихий муҳитда ривожланишининг муайян жараёнларини ўрганади. Давлат ва ҳуқуқ тарихи давлат-ҳуқуқий жараённи унинг макон ва замонда белгиланган тарзда текширади ва муайян тарихий қонуниятларни аниқлайди. Давлат ва ҳуқуқ тарихи тарихийҳуқуқий изланишларнинг илмий натижаларига таяниб, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиши ва ҳаракат қилишининг энг умумий қонуниятларини ифодалайди ва очиб беради. Натижада давлат ҳуқуқий жараёнларнинг моҳиятини илмий асосланган тарзда очиш бу фанларнинг ўзаро алоқасини назарда тутди.

Тарих ўтмишни ўрганса, назария ҳозирги даврни ва келажакни ўрганади, тарих тарихий материал билан бошланган бўлса, назария ҳам тарихий материал билан, шунингдек давлат ва ҳуқуқнинг ҳозирги аҳоли билан ҳам боғлангандир. Умуман олганда, назариясиз тарих, тарихсиз назария бўлмайди.

Юқорида айтилганлар тўлалигича давлат ва ҳуқуқ тарихи фанининг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи билан ўзаро алоқасига ҳам тааллуқли. Зеро, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи қадим замонлардан то ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ғоялар тараққиётини ўрганар экан, бунда давлат ва ҳуқуқий таълимотларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини, ижтимоий самарадорлигини уларнинг тарихий муайянликда ва хронологик изчилликда ўрганади. Бу муаммоларнинг давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганишга нисбатан аҳамияти, аввало шу билан белгиланадики, уларни ўрганувчилар, одатда, маълум ғоя ва назарияларга, таълимотларга асосландилар.

У ёки бу мамлакатда маълум тарихий замонда ҳукмрон бўлган ғоявий назарий йўл йўриқлар хилма хилдир, шунингдек нисбатан мустақил ҳамдир. Шу боис уларнинг ўрганилаётган мамлакатларнинг давлат ҳуқуқий институтлари ривожланишига қай даражада ва қандай таъсир этганлигини аниқлаш муҳимдир.

Давлати ва ҳуқуқ тарихи хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқ фани билан ҳам чамбарчас борлиқ. Уларнинг ҳар иккиси ҳам тарихий ҳуқуқий фан олдида тўрган вазифаларни биргаликда ҳал қилади, лекин ўрганадиган масалалари доираси буйича бир биридан фарқ қилади.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихи хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқ тарихи Давлат ва ҳуқуқ тарихи ва сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар билан биргаликда тармоқ; юридик фанларнинг назарий, агар кенг маънода айтадиган бўлсак гносеологик асосларини ташкил этувчи назарий тарихий гуруҳини вужудга келтиради. Улар юриспруденциянинг тушунчаларга оид аппаратининг муҳим таркибий қисмини ифодалайди. Давлат ва ҳуқуқ тарихи, шунингдек бошқа ижтимоий фанлар: умумий тарих фалсафа, иқтисод назарияси, мантик; қаби фанлар билан ҳам яқин ва мустаҳкам боғланган. Айни вақтда бу фан улардан фарқ қилади.

Мазкур фан умумий тарихан фарқ қилиб, жамиятни тўла ва бутунлигича ўрганмайди, балки давлат ва юридик муассасалар мураккаб тизимининг тарихий ривожланиш жараёнини ҳамда ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва тараққий этиши жараёнини ўрганади. Шунингдек тутмоқ лозимки, умумий тарихан ўрганиладиган баъзи масалалар (масалан, урушлар, маданий ривожланиш, сулолалар тарихи ва бошқалар), агар давлат ва ҳуқуқда ўзгаришларга сабаб бўлсагина, давлат ва ҳуқуқ тарихининг предметига тааллуқли бўлиб қолади. Акс ҳолда, давлат ва ҳуқуқ тарихи ундай масалалар билан махсус шугʻуланмайди.

Маълумки, фалсафа бизни табиат ва жамиятга қарашлар тизими билан қурулантиради. Бу тизим уларнинг ривожланишидаги умумий қонуниятларни тушунтиради. Фалсафанинг ижтимоий онгнинг материяга, борлиққа муносабати, базис ва устқурманинг бир-бирига муносабати, устқурманинг фаол, кўмакчилик роли тўғрисидаги ва бошқа ҳулосалари давлат ва ҳуқуқ тарихига

бевосита тааллулидир. Фалсафа фани давлат ва ҳуқуқни умумий тарзда, ижтимоий тоифа сифатида кўриб чиқади.

Давлат ва ҳуқуқ тарихи курси жамиятнинг иқтисодий онунларининг амал қилишини ҳамда моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш қонуниятларини ўрганувчи иқтисод назарияси билан ҳам яқиндан боғлангандир. Моддий ҳаёт шароитлари давлат ва ҳуқуқни ривожлантиришда хал қилувчи роль уйнайди. Иқтисод назарияси жамиятнинг иқтисодий базисини ўрганса, Давлат ва ҳуқуқ тарихи иқтисодий базисдан келиб чиқадиган давлат ва ҳуқуқни ўрғанади.

Давлат ва ҳуқуқ тарихи мантиқ фани билан ҳам чамбарчас борлиқ. Чунки давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва ривожланиши, уларнинг бир шаклдан бошқа шаклга ўтиши сингари масалалар сўзсиз мантиқ қоидаларига буйсунади.

Шу ўринда давлат ва ҳуқуқ тарихи фанининг археология, семантика фанлари (тилларнинг келиб чиқиши фан) билан бўлган алоқасини ҳам алоҳида кўрсатиб лозим. Давлат ва ҳуқуқ; тарихи ана шу фанлар бўйича олиб бориладиган илмий изланишлар, археологик қазилмалар натижасида янги материалларга эга бўлади, уларни тарихий-ҳуқуқий таҳлил қилади. Масалан, агар францўз олими М.Шомпалён Миср миҳ хатларини ўқиш усулини топмаганда ёки Женульях экспедицияси подшо Ҳамураппи қонунларини очмаганда, биз Миср ва Бобил давлатлари қонунчилиги бўйича жуда кам маълумотга эга булган булур эдик деб бежиз таъкидламайди,- З. Мукимов.

Шундай қилиб, давлат ва ҳуқуқ тарихи бошқа юридик ва ижтимоий фанлар билан боғлиқ эканлигини ва у ўз кифоаси, ўз предмети ва ўз хусусиятларига эга эканлигини караб чиқдики, бу хол мазкур ўқув курсини ўрганишда янада аниқроқ ва тулароқ намоён булади.

Ҳар қандай фан нафақат ўўз предмети доирасига, балки ўз методларига ҳам эга бўлиши лозим. «Методология» сўзи юнонча «metodos» сўзидан олинган бўлиб, айнан маъноси «бирон нарсани ўрганиш йули» демақдир. Метод бу умумий маънода мақсадга эришиш усули, муайян тарзда изга солинган фаолиятдир. Метод бу махсус маънода билиш воситаси, ўрганиладиган мавзуни тафаккурда хосил қилиш йўлидир.

Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, давлат ва ҳуқуқ тарихини методологияси тўғрисидаги масала бир қатор жиддий муаммоларни хал этиш билан боғлиқдир. Бу холат яқин-яқингача фанда барча методлар умумий универсал ва шунинг учун барча фанлар, билим соҳалари, ўқув дарсликларига хос ҳамда умумий булмаган алоҳида методлар бўлиб келгани билан изоҳланади.

Коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган даврларда диалектик-материалистик методлар умумий ва айни пайтда энг тўғри метод деб ҳисоблаб келинди. ҳозирги вақтда кўпчилик жамиятшунос олимларнинг марксизм-ленинизмнинг ўзига ҳам, унинг давлат ҳуқуқий ходисалар ва жараёнларни тасвирлаш, тушунтириш ва истиқболни айтиб беришдаги қобилиятига ҳам қарашлари тубдан ўзгарди. Мазкур ўзгаришлар кўп қиррали характерга эга. Уларнинг айримлари бутун жамиятшуносликнинг умумий методологик инкирози билан боғлиқ. Баъзилари бутун илмий билимлар соҳасидаги чинакам туб ўзгаришларни акс эттиради. Бунда давлат ва ҳуқуқ тарихи диалектикматериалистик тушунчалар ўрнига аста-секин синергетикадан, ғайри ихтиёрий, ўз-ўзидан ташкил топадиган, тасодифий жараёнлар

тўғрисида шаклланаётган янга фандан келиб чиқадиган методологияни ўзига сингдириб юбориши кўзда тутилади. Бунда мазкур ўзгаришлар тобора кўпроқ мухлисларни ўзига тортаётганинигина эмас, балки жамиятшуносларнинг ҳеч муболағасиз бир ондаёқ ўз назарий карашларини ўзгартиришга мажбур қилаётган хужумкор характерини ҳам қайд этмаслик мумкин эмас.

Мисол тариқасида А.Б.Венгеров каби машҳур ҳуқуқшуносини олиб курайлик. Ўзининг 1995 йилда ёзган дарслигида материалистик диалектика тўғрисида гапираркан, у: «агар ушбу метод ёрдамчи, жўзъий, иккинчи даражали деб қаралган бошқа барча методларга зид бўлмаса» ундан бемалол фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблайди. 1996 йилда чоп этилган ўзининг шу номдага дарслигида у шундай ёзади: «Синергетика хозирдаёқ дунёнинг ўз тузилиши асосларидага зарурий (қонуний) ва тасодифий аддисаларни тушунишни тубдан ўзгартирувчи, дунёни янгича қуриш, янгича идрок этиш методи сифатида майдонга чиқмоқда. Жонсиз материя ҳамда инсон фаолиятининг иктисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқда ва бошқа соҳаларидаги тарихий жараёнлар ривожининг сабаблари ва шакллари янгича талқин этила боншланди. Ходисаларни биологик ва ижтимоий эволюциянинг мустақил омили сифатида янгича тушуниш, ўзидан ўзи ташкил булувчи жараёнларда унинг ролини эътироф этиш юзага келмоқда»⁸.

У яна шундай давом этади: «Хуллас, афтидан, сўз оз эмас кўп эмас ижтимоий фанлар парадигмаси (намунаси) ни янгилаш, детерминизм (табиат ва жамият барча ҳадисаларининг объектив қонунийлиги ва сабабий боғлиқлигини тан олувчи фалсафий концепция)ни аввалгича тушуниш ва эътироф этишдан воз кечиш ва, эхтимолки, детерминизмнинг янги кўринишларини кашф қилиш, ижтимоий фанларда эса, борлиқни илмий асосда билишнинг асосий методи сифатида материалистик диалектикани қайта мушоҳада этиш ҳақида боряпти.

Боз устига у, ижтимоий фанлар методологиясида янга парадигма «...ё синергетиканинг алоҳида методи сифатида диалектикани ўз ичига олади шунда ҳам фақат айрим соҳалар учун шуллаиди ёхуд уни борлиққа тамоман янгича ёндашувлар билан умуман алмаштиради», деб ҳисоблайди. Бунда иккинчиси афзал.

Олим, илмий ҳуқуқий билимларда ушбу янгиликларнинг ёйилиши мода кетидан қувиш эмас, «эски, одатий қоидаларни янга «синергетик жомалар»га кийинтириш эмас», дея таъкидласада, унинг нуқтаи назарига, мулоҳаза юритишдага айрим қатъий фикрларига қўшилиш кийин. Зеро, билиш ғоят мураккаб жараён бўлиб, шу йўлдаги бирон-бир методга устуворлик беришга мутлақо йул қўйиб бўлмайди. Буни биз бир бор бошимиздан кечириб кўрдик. Бизнинг фикримизча, материалистик диалектика методи Давлат ва ҳуқуқ тарихида метод сифатида ўз умриини бутунлай яшаб булгани йук. Мисол учун, шу нуқтаи назардан, давлат ва ҳуқуқда ҳам.

биринчидан, инсон табиати билан, ижтимоий иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа шарт-шароитлар билан белгиланади;

иккитидан, уларни бошқа ижтимоий ҳадисалар билан қиёслаш асосида жамиятдага ўрни ва ролини аниқлаш мумкин;

учинчидан, давлат ва ҳуқуқ муттасил ривож топиб боради. Жамият тараккиётининг ҳар бир муҳим босқичи улар ривожининг янги поғонасидир.

Мунтазамлилик тамойили. Бу ҳам давлат ва ҳуқуқ тарихи моҳият мазмунини ифодаловчи муҳим тамойиллардан биридир. Бу, энг аввало, анча мураккаб булган давлат ва ҳуқуқнинг ички тузилишига апокадордир. Давлат ва ҳуқуқ таркибий бўлинмаларини атрофлича, мунтазам ўрганиш давлат ва ҳуқуқ тарихи учун мажбурий методологик талабдир.

Мунтазамлилик тамойили қонунчилик ишининг ҳам зарурий шарти бўлиб қолиши керак. Жумладан, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни таъминловчи қонунлар, унинг сиёсий тузилиши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга доир қонунлар, умуман бутун қонунчилигимиз тўлалигича мунтазамлилик методига катъий асосланиши керак. Республикамизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар ҳам мунтазамлилик асосидагина муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, мунтазамлилик тамойили давлат ва ҳуқуқ тарихи методологик базасига чуқур сингиб кетиши ҳамда илмий тадқиқотларнинг муштараклигини белгилаб бериши, Давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганиш ва уқитишда руёбга чиқиши керак.

Объективлик тамойили. Объективизм номи билан аталган ушбу тамойил шўролар даврида буржуазия фани тамойили сифатида Давлат ва ҳуқуқ тарихидан чиқариб ташланган ва партиявийлик тамойили билан алмаштирилганди. Унга кўра ижтимоий фанлар ишчилар синфи манфаатларини таъминлаши, коммунистик истиқбол мақсадлари учун курашиб, коммунистик ғояларни ҳимоя қилиши керак эди.

Ҳозирги вақтда давлат тузилиши тамойилларида, бошқарув ва давлат қурилиши шаклларида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Бу даврда жамият давлат ва ҳуқуқ тарихи сифатида майдонга чиқувчи методологияга жуда муҳтож бўлади. Бироқ бу ерда ҳар қандай методология ҳам тўғри келавермайди. Назариётчи олимлар олдида объектив равишда илмий асосга эга бўлган, ҳаддан зиёд ғоявийлаштириш ва синфий ёндашувлардан холи методларни яратиш вазифаси кўндаланг бўлади.

Шўро тузуми даврида узоқ вақт мобайнида давлат ва ҳуқуққа оид тадқиқотларда мутлақ синфий ёндашув, ҳаддан ташқари мафқуралаштириб, мутлақлаштирилиб юборилганлиги нуктаи назарлар ҳукмрон бўлди. Бу эса, тарихнинг ўнқир чўнқир, нотекис йўлини ўтмиш маданий-маънавий меросига боғлаб ўрганиш имконини бермасди. Монополизм таҳлил воситаларининг бир ўлчовчилиги, фақат бир йўналишда ишлатилиши давлат ва ҳуқуқнинг зиддиятли, моҳиятини ҳисобга ололмасди. Синфий ёндашув аста-секин мафқуравий мурасасизликка олиб келди. Синфий ёндашув муқаррар равишда, Марксгача бўлган тафаккур, давлат ва ҳуқуқ ҳамда унинг роли ҳақидаги принципиал масалаларни нафақат очиб бериш, балки, ҳатто уларни тўғри кўйишни ҳам удалай олмасди, деган фикрга олиб келарди.

Методологиядаги катъий бир ёкламалик қадриятларга муносабатда ҳам хатоларга олиб келди. Ҳаддан зиёд мафқуравийлик давлат ҳақидаги тасаввурларнинг сохталаштирилишига сабаб бўлди. Давлатнинг функцияси оқибат натижада фақат эзувчиларни ҳимоялашга қаратилади, деб ҳисобланарди. Шу сабабдан ҳам давлатни таърифлашда унинг синфийлик жиҳатига урғу бериларди.

Ҳуқуққа муносабатда ҳам худди шундай ҳолат юзага келганди: «хукмрон синфнинг қонун даражасига кўтарилган иродаси» сифатида унинг императив синфий жиҳатлари таъкидланарди.

Шу даражада сохталаштирилган, нотўғри мафкуравийлаштиришнинг сабаблари нимада? Бундай сабаблар, афтидан, кўп бўлиб, уларнинг бирини XX асрда сохталаштирилган социологизмнинг ривожидан қидириш керак. Айнан шу даврда А. Я. Вишинский ўз издошлари ёрдамида мамлакатни маъмурий буйруқбозлик асосида бошқариш эҳтиёжларига муносиб ҳуқуқ назариясини қарор топтирди.

1938 йили собиқ совет ҳуқуқшунослик фани ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши томонидан илгари сурилган қуйидаги таклиф ҳуқуқни янгича тушунишга асос қилиб олинди: «Совет социалистик ҳуқуқи социалистик давлат томонидан белгиланган ёки тасдиқданган ҳамда ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар иродасини ифодаловчи ҳуқ атвор қоидалари (нормалари) мажмуи бўлиб, уларнинг қўлланилиши социалистик давлат томонидан мажбурлов кучи билан таъминланади».

Хозирги замон давлат ва ҳуқуқ назарияси учун объективлик тамойили ҳам катта аҳамият касб эта бориб, илмий хулосалар ва таклифларда ғаразгўйлик у ёки бу сиёсий тузилмага «яхши кўриниш» истаги каби иллатлардан фанни халос қилиш жараёни кечмоқда.

Бу тамойил илмий изланишларда мамлакатимиз ютуқларини хорижий тажрибани ўрганиш билан қўшиб олиб боришни методологик жиҳатдан уйдлашни кўзда тутади. Ўзбекистон ижтимоий иқтисодий ва ҳуқуқий ҳаётида юз бераётган янгилаиш жараёнлари шароитида инсон ҳақ ҳуқуқлари ва эркинликлари жаҳон андозаларини билиш, уларни республикамизда ижодий қўллаш заруриятга айланмоқда. Биринчи чақирик Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзга чиқар экан, Президент И. Каримов қуйидаги масалага эътиборни қаратди: «Навбатдаги муҳим масала республиканинг қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ холга келтиришдир. Жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасида бир неча ўнлаб стандарт қабул қилинган. Бу ҳужжатларда ҳуқуматнинг ўз фуқаролари олдидаги мажбуриятлари ва уларга нисбатан қўлиши шарт бўлган ишлар белгилаб берилган. Ўзбекистон хозирча бу стандартлардан бир неча ўнтасига қўшилган».

Бироқ, бу нарса мутлақо хорижий тажрибани кўркўрона ўзлаштириб олишни англамайди. Мазкур ишда халқимизнинг маданий ва маънавий анъаналарини ҳисобга олиш шарт. Бу эса, ҳар қандай тажрибани ўзлаштиришга жиддий ёндашишни талаб қилади.

Давлат ва ҳуқуқ тарихининг методология сифатидаги аҳамияти давлат фаолиятининг муайян соҳаларида ҳуқуқий тартибга солишнинг қоида ва шартларини ўрганувчи махсус соҳавий юридик фанлар унинг қонуниятларидан фойдалаишида ёрқин намоён бўлади. Бироқ давлат ва ҳуқуқни билишнинг ҳам махсус, ҳам алоҳида методлари шундай билиш воситаларини қўллашдан иборатки, улар фақат давлат ҳуқуқий реалликнинг ўзига хос соҳаларини ўрганишгагина ярайди. Алоҳида метод орасида, бизнингча, аниқ социологик қиёсий, ҳуқуқий, расман-юридик (катъий норматив), ҳуқуқий моделлаштириш, шунингдек математик, статистика, кибернетика ва бошқа методларни айтиб ўтиш керак.

Қабул қилинган қарорлар самарадорлигини, ҳуқуқий тартибга солиш ёки ҳуқуқий муҳофазанинг ўз вақтида ва таъсирчан бўлишини баҳолаш чоғида ҳуқуқий ва давлат институтлари фаолиятининг турли соҳаларини ўрганишда аниқ социологик метод кўпинча ягона тўғри йўл бўлиб чиқади.

Ушбу метод ижтимоий амалиёт эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда муҳим давлат ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга ёндашишга кўмаклашибгина қолмай, балки яқин келажакда биринчи навбатда ечилиши зарур бўладиган бир қатор муаммоларни аниқлашга ҳам ёрдам беради. Буни мисол ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Мамлакатимиз бозор иктисодиётига шахдам қадамлар билан кириб бормоқда. Бу жуда мураккаб ва қийин жараёндир. Бинобарин, бу ерда давлат ва ҳуқуқ ривожининг умумий қоида ва тамойилларини, хусусиятлари ва йўналишларини аниқлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Амалдаги муносабатларда бозор қандай фаолият кўрсатади, яна ҳам муҳимроғи, бутунича давлат, ҳуқуқ тизими ва унинг ҳар бир унсури доирасида самарали фаолият кўсатишини қандай таъминлайди, буни аниқ билиш лозим.

Республикамизда бу масалаларга катта эътибор бериб келиняпти ва уларнинг кўпчилиги муваффақиятли ҳал этиляпти. Жумладан, Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек бозор инфратузилмасини яратиш ва унинг фаолияти жараёнларини мувофиқлаштириб боришни таъминловчи қонун ҳужжатлари фаол шакллантирилди. Уларнинг асосий қоидалари банклар, банк фаолияти, пул тизими, тадбиркорлик тўғрисидаги, суғурта, биржалар фаолияти тўғрисидаги, қимматли қозғалар ва фонд биржаси тўғрисидаги ва бошқа қонунларда ўз аксини топди. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши билан бозор механизмларини ривожлантиришнинг мустахкам пойдевори яратилди¹².

Юқорида кўрсатилган муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун давлат ва ҳуқуқ тарихи анкета сўровлари, мулоқотлар уюштириш, тажрибалар ўтказиш каби қатор методлардан фойдаланади. Ниҳоят, буларнинг ҳаммаси ҳуқуқий ечимларнинг энг мақбул йўллари топиш, ижтимоий-ҳуқуқий ислохотларни ўтказиш соҳасида, жинойтчиликка қарши, унинг энг хавфли кўринишлари, уюшган жинойтчилик ва коррупцияга қарши курашда илмий асосланган истиқбол режаларини ишлаб чиқиш мақсадида олиб бориладиган аниқ социологик метод доирасига киради.

Ушбу методнинг асосий талаблари: илмий тавсиялар кўнгилдагидек бўлиши ёки бўлмаслиги, ижобий ёхуд салбийлигидан қатъи назар, барча ижтимоий омилларни атрофлича ўрганиш ва ҳисобга олишга асосланиш керак; ҳақиқий аҳволни аниқ ва ҳар томонлама баҳолаган ҳолда давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги қарорларнинг ижтимоий аҳамияти ва оқибатларини аниқлаш даркор. Жуда ўзоқ вақт мобайнида ушбу метод шўро фанида назар писанд қилинмай келингани, фактлар бузиб кўрсатилиб, давлат қурилиши, қонунчиликдаги мавжуд бузилишларни оқлаш учун хийла найранглар ишлатилиши одатий тусга кирганлигини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади. Энди ушбу метод ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллай бошлади ва биз унинг нақадар самаралилигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Қиёсий ҳуқуқий метод давлатшунослик ва ҳуқуқшунослик методологиясида аниқ социологик усул билан бир қаторда муҳим аҳамиятга моликдир. Қиёсий метод тушунчалар, ходисалар ва

жараёнларни солиштириш ҳамда улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашни кўзда тутати. Қиёслаш натижасида умуман ҳуқуқ тизими, давлат қурилиши ёки, масалан, алоҳида олинган ҳуқуқий институтлар ва нормаларнинг сифатий ҳолати аниқланади. Бироқ, бу ерда муҳим бир шартни ҳисобга олиш зарур яъни қиёсланадиган объектлар ҳақиқатан таққосланадиган бўлиши керак. Мисолларда тушунтирамиз. Ҳуқуқий тизимларни, давлат тузилмаларини, бир хил номдаги ҳуқуқий институтлар ва қоидаларни ўзаро таққослаш мумкин. Лекин, мисол учун, бутун бир ҳуқуқий тизимни айрим олинган юридик қоида билан солиштириш мумкин эмас. Мазкур объектларни ўз даражаси, ҳажми, мазмун ва белгилари бўйича бир-бирларига қиёслаб бўлмайди.

Айтайлик агар ўз таркибига кўра мураккаб бўлган юксак даражадаги объектлар (турли мамлакатлар ҳуқуқий тизимлари) таққосланса бу макроқиёслашга киради. Мўъжаз ҳажмли, таркиби жиҳатидан анча содда объектлар (ҳуқуқий қоидалар, республика вилоятлари бўйича жинойтчилик даражаси сингарилар)ни солиштирадиган бўлсак микроқиёслаш дейилади.

Бир вақтнинг ўзида ёки унинг турли даврларида мавжуд бўлган билишнинг ўхшаш объектларини таққосламай туриб давлат сиёсий ва ҳуқуқ амалиётини ислоҳ қилиб ёки такомиллаштириб бўлмайди. Турли тарихий хилдаги, турли мамлакатлар ва қитъалардаги, бир мамлакатнинг ўзидаги давлат ёки ҳуқуқий тизимлар солиштирилиши мумкин. Бироқ, улар ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларига оид бўлса, бундай қиёслашлар бирон аҳамиятга молик бўлолмайди. Муҳими битта ҳақиқатни топиш учун объектнинг миқдорий ва сифат жиҳатларини, унинг назарий ва амалий тавсифини таҳлил этиш керак.

Ҳуқуқшунослик, давлатшунослик ва юридик амалиётда қиёслаш методининг аҳамияти жуда катта. Жумладан, қиёслаш асоси ва натижасида давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг ҳар бир кейинги босқичи олдингисидан илғорроқ бўлиб чиққанлиги фанга маълум бўлди.

Фақат ҳуқуқий материалларни таққослаш ва натижалар олиш йўли билангина ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришнинг, қонунчилик ишларини яхшилаш, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашнинг аниқ йўллари белгилаш мумкин.

Ҳуқуқшуносликда ва юридик амалиётда қиёслаш методининг кенг қўлланиши ҳуқуқшунослик фани таркибида нисбатан мустақил йуналиш қиёсий ҳуқуқшунослик (юридик компаративистика)нинг шаклланишига олиб келди. Баъзи олимлар, ҳатто, уни ҳуқуқшунослик фанининг мустақил тармоғи деб ҳисоблайдилар.

Расман юридик (катъий норматив) методни ҳуқуқшунослик фанига хос, унинг табиатидан келиб чиқадиган, том маънода анъанавий метод деб аташ мумкин. Унинг моҳияти шундан иборатки, ҳуқуқ бутун борлигича ўрганилади. У ҳеч нарсага таққосланмайди, иқтисодиёт, сиёсат, ахлоқ, бошқа ижтимоий ҳодисалар билан боғланмайди.

Бунда соф кўринишдаги ҳуқуқ унинг тоифалари, тавсифлари, белгилари, таркиби, тузилиши, юридик техникаси ана шу усулнинг тадқиқот доирасига киради. Мазкур метод кўпдан маълум бўлиб, ўрта асрлардаёқ ҳуқуқий қоидаларни талқин этиш ҳамда амалдаги қонунларни расмий таҳлил қилиш

билан шуғулланувчи бутун бир мактаб ва йўналишлар (глоссаторлар, постглоссаторлар) таркиб топган.

Ушбу методни улкан асос билан умумий бўлмаган алоҳида метод деб аташ мумкин. Чунки, у фақат ҳуқуқни ўрганишдагина қўлланилади. Шуниси қизиқки, бу ҳолатда соф кўринишдаги ҳуқуқ тадқиқот мавзуи бўлиб қолади. «Соф» ҳуқуқ назарияси (ҳуқуқ нормативчилиги мактаби) асосчиларидан бири Ганс Кельзеннинг ёзишича: «Ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотнинг «соф» деб аталишининг сабаби шундаки, у фақат биргина ҳуқуқ билан шуғулланади ва жиддий маънода ҳуқуққа алоқаси бўлмаган ҳамма нарсадан ўрганилаётган мавзуни «тозалайди».

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқшунос олимлар бу методга анча юксак баҳо берадилар, баъзан баҳолари шу қадар жонли ва эҳтиросли бўладики, бу таъриф тавсифларни бадиий насрдан деярли фарқ қилолмайсиз. Мана улар асосида бошқаси (асли) ҳақида етарли аниқлик билан мулоҳаза юритиш имконини беради.

Бундан ташқари, давлат ва ҳуқуқ тарихи мавзуининг муттасил кенгайиб ва мураккаблашиб бориш тамойилига эга эканлиги уни тадқиқотларнинг барча аниқ ва жиддий методларига мурожаат этишга мажбур қилади. Буларга математик, статистика ва шунга ўхшаш методлар киради. Мазкур методлар давлат ва ҳуқуқни аниқ тадқиқ этишда ўз самарасини кўрсатди. Лекин улардан фойдаланиш компьютер техникасининг мавжуд бўлишини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида далилий, куп микдордаги фактик маълумотларни ишлашни тезлаштириш имконини беради.

Шундай қилиб, Давлат ва ҳуқуқ тарихи методи ўз тузилишига кўра мураккабдир. Юқоридагилардан ишонч ҳосил қилганимиздек у давлат ҳуқуқ ҳодисаларини билишнинг умумфалсафий, умумилмий ва алоҳида методлари ва воситаларининг яхлит тизимидан иборат.

Яна бир жиҳатни таъкидлаш ва яхшилаб тушуниб олиш муҳимки, у ҳам булса методология ҳеч қачон дастлабки кўринишича доимий ўзгармас ҳолатда қолиши мумкин эмас. У муттасил бойиб, ривожланиб боради, бу ҳолат бизга тадқиқот мавзуи доимий ривожланишда бўлган давлат ва ҳуқуқни янада чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

Бинобарин, Давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳақидаги масала давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини тадқиқ этишнинг муайян назарий тамойиллари, мантикий методлари, махсус воситалари мажмуи ҳақиддаги масаладир.

Тест

1. Давлат ва ҳуқуқ тарихига оид илк манбалар қайчи ҳудудлардан топилган?

- A) Мирс, Месопатамия
- B) Рим, Греция
- C) Англия, Миср
- D) Миср, Юнонистон

2. Инсоният тарихидаги илк қонунлар тўплами қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A) Ману қонунлари
- B) Ҳинд ведалари
- C) хаммурапи қонунлари
- D) А ва В

3. Давлат ва ҳуқуқ тарихи фани қуйидаги қайси фанлар билан чамбарччас боғлиқ?
А) сиёсатшунослик
В) социология
С) диншунослик
D) Давлат ва ҳуқуқ назарияси

4. Қадимги Ҳиндистонда давлат бошқарувида муҳим роль ўйнаган оқсоқоллар кенгаши нима деб аталган?

- А) сенат
В) паришод
С) Курия
D) Центурия

5. Месопотамида шаҳар-давлатлар нима деб аталган?

- А) Полис
В) Ном
С) Номмарх
D) Лугал

Саволлар

1. Ўрта Осиё давлатларидаги илк сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ўзига хос хусусияти нимада?
2. Қадимги давр мутаффакирларининг қандай таълимотларини билсиз?
3. Уйғониш даври мутаффакирларидан кимларни биласиз?
4. “Темур тузуклари”да давлат ва ҳуқуқ ҳақида нималар дейилган?
5. Жадиждларнинг “давлат ва ҳуқуқ” ҳақидаги қарашларидаги ўзига хослиги нимада?

11. *Абдулаев М.И.* Теория государства и права: Учебник. -СПб.: Питер, 2003. -397 с.

12. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик Масъул муҳаррирлар *Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилжориев.* -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. -528 б.

13. *Исломов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар.

(Давлат назарияси). -Т.: Адолат, 2000. -272 б.

14. *Исломов З.М.* Общество. Государство. Право. -Т.: Адолат, 2001. -696с.

15. *Комаров С.А.* Общая теория государства и права: Учебник. 7-е изд. СПб.: Питер, 2004. -512 с.

16. *Комаров С.А., Малько А.В.* Теория государства и права

Учебно методическое пособие Краткий учебник для вузов. -М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА М, 1999. -448 с.

17. *Лазарев В.В.* Пробель: в праве и пути их устранения. М., 1974. 184с.

18. *Малько А.В.* Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на 100 возможных вопросов. Учебно-методическое пособия. -М.: Гардарика, 1996.-128 с.

19. *Марченко М.Н.* Теория государства и права: Учебник. 2-е изд., прераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 640 с.

10. *Саидов А., Тожихонов У.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. -560 б.

20. Теория государства и права: Учебник. Под ред. *В.М.Корельского и В.Д. Леревспова.* -М.: Норма - Инфра, 1998. -570с. .

13. *Темнов Е.М.* Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. -М.: Экзамен, 2003. -320 с.

13. *Шмелева Г.П.* Конкретизация юридических норм в правовом регулировании. -Львов, 1988.

2. Мавзу.

Мавзу: Тарихий ҳуқуқий билимлар тизимида, сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлар ўрни, сиёсий ҳуқуқий мафқуранинг вужудга келиши.

Тарихий ҳуқуқий фанлар тизимида сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг шаклланиши. Сиёсий-ҳуқуқий қарашлар тизимида давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашларнинг ўрни. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда ҳуқуқий мафқуранинг вужудга келиши.

1.. Тарихий ҳуқуқий фанлар тизимида сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг шаклланиши

Мустақил Ўзбекистон янги давлат барпо этаётган бугунги кунда инсониятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тажрибасига ва бу тажрибани ўзида ифода этган сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихига муҳожат қилиш зарурий эҳтиёжга айланмоқда.

Жамиятимиз маънавияти барча халқлар томонидан яратилган сиёсий маданият ютуқларини ўз ичига олади ва ўзида мужассамлантиради. Ўтмиш авлодларнинг давлат ва ҳуқуқ, адолатли ижтимоий тузум ҳақидаги фикрлари ва уларни қандай йўналишда ривожланганлигини билиш, айниқса ёшлар учун, нихоятда муҳимдир.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг вазифаси авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сиёсий ва ҳуқуқий билим соҳасидаги тажрибани ўрганиш, умумлаштиришдан иборатдир. Бу бебаҳо бойликдан фойдаланмасдан туриб, янги миллий давлат қуриш вазифаларини амалга ошириш мушкулдир, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши натижасида вужудга келди.

Сиёсий таълимотлар кенг маънода жамиятдаги синфлар, табақа ва тоифалар, миллатлар ва эллатлар, шунингдек, давлатлар ўртасидаги муносабатларни ифода этувчи ғоялар, қарашлар ва вазифаларни ўз ичига олади. Бу қарашларнинг ўзагини ҳокимият масаласи, давлат тузиш ва бошқариш услублари масалалари ташкил қилади. Жамиятнинг ривожланиши натижасида сиёсий ва

ҳуқуқий билимлар ҳам ривожланди, бойиб борди. Шунга мувофиқ сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг предмети ҳам ривожланиб, ўзгариб борди.

Сиёсат, давлат, ҳуқуқ муаммолари фалсафа, политология, социология, ҳуқуқшунослик ва бошқа гуманитар фанлар томонидан ҳам ўрганилади. Улар ўртасида ворислик алоқалари мавжуд. Бироқ ҳар бир фаннинг бу муаммоларга ёндошиши ўзгачадир. Агар сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши билан шакллана бошлаган бўлса, сиёсатшунослик фани сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолиятдан мустақил ижтимоий фаолият сифатида ажралиб чиқиши натижасида шаклланди. Бу эса тарихнинг янги ва энг янги даврига тўғри келади. Бундан ташқари сиёсатшунослик фанининг предмети сиёсий таълимотлар эмас, балки реал сиёсий жараёнларнинг ўзидир.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги назарий билимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини ўрганувчи ҳам тарихий, ҳам назарий ихтисосликка мансуб тушунчадир. Унинг доирасида давлат, ҳуқуқ, сиёсат ва қонун чмқариш ҳақидаги назарий билимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тадқиқ қилинади ва ёритилади. Бу тушунчада сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисаларни ифодаловчи назарий ғоялар, қонун-қоида ва таълимотлар тарихи ўз аксини топган.

Жамиятда назарий таълимотлардан ташқари сиёсий ва ҳуқуқий воқеликни ўзида акс этувчи турли тасаввурлар, ҳис-туйғулар, эътиқодлар, кайфиятлар, фикрлар ҳам мавжуд. Булар халқ оғзаки ижодида, бадиий асарларда, жамоат ва сиёсий арбобларнинг сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисалар ҳақида айтган фикр ва мулоҳазаларида ифодаланган. Улар махсус назария даражасида бўлмасада, жамиятдаги турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг манфаатларини, сиёсий дастурларини аниқлаш ва ёритиш имконини беради. Сиёсий таълимотлар тарихи буларни ҳам ўз ичига олади ва ўрганади.

Меҳнаткаш халқ оммасининг манфаатларини, орзу умидларини, ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларини ифода этувчи ғоялар алоҳида аҳамият касб этади. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларини ўзида ифода этувчи умуминсоний умумбашарий фикрлар, орзулар алоҳида диққатга сазовордир. Бу инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги; сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва хоказолардир.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларга хос хусусиятлардан яна бири шундан иборатки, унда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар биргаликда ўрганилади, чунки сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисалар бир-бири билан ўзвий боғлиқдир. Шунга мос ҳолда сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисаларни ифодаловчи назарий тушунчаларни ҳам бир-биридан ажратган ҳолда ўрганиш мумкин эмас.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар давлат ва ҳуқуқ масалаларини кенг доирада, асосан давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, жамиятда тутган ўрни ва ролини ифодаловчи таълимотлар ва ғояларни тадқиқ қилади. Асосан ҳуқуқ назариясига мансуб бу муаммолардан ташқари ҳуқуқнинг алоҳида тармоқлари доирасида ёритиладиган жиноят ва жазо, айб ва маъсулият шакллари, ҳуқуқ субъектлари, суднинг ташкил қилиниши, роли ва ваколатлари, маъмурий фаолиятнинг йўналишлари каби масалаларини

ифода этувчи фикр ва қарашлар ҳам смёсий ва ҳуқуқий таълимотлар доирасига киради. Улар давлат ва жамиятнинг сиёсий ҳолатининг англашга, тасаввур этишга ёрдам беради ва муҳим аҳамият касб этади.

Смёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожланишига фалсафа намоёндаларининг қўшган катта ҳиссасини алоҳида таъкидлаш лозим. Фалсафий фикр ва тарихининг бир қатор машхур намоёндалари айна замонда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг буюк намоёндалари ҳамдирлар. Уларнинг ҳуқуқ фалсафасига асос солганлигини алоҳида кўрсатиш керак. Масалан, Афлотун, Арасту, Конфуций, Фаробий, Кант, Гегель ва бошқалар.

Фалсафанинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларга таъсири яна шунда ҳам кўринадики, ижтимоий сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар намоёндаларининг кўпчилиги ўзлари файласуф бўлмасалар-да ўз даврининг фалсафий ғояларига ва методологик тамойилларига таянганлар.

Сиёсий ва ҳуқуқий фикрнинг ривожланишида фалсафанинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда унинг ўзига хос назарий хусусиятлари борлигини тушуниш зарур. Бу сиёсий ва ҳуқуқий ходисаларнинг жамиятда тутган ўрни ва роли, ўзига хос ривожланиш қонунлари билан белгиланади. Масалан, Афлотун, Арасту, Фаробий, Кант, Гегель ва бошқа файласуфларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги фалсафий таълимотлари сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида махсус тушунчалар, ўзига хос билиш воситалари ёрдамида муайян вазифа ва мақсад нуқтаи назаридан ёритилади. Бу ерда ўрганилаётган таълимотларнинг ҳуқуқий сиёсий моҳияти, ўзига хос хусусиятларини очиқ беришга урғу берилади.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи ва бошқа ҳуқуқшунослик фанларидан ҳам фарқланади. Бу фанлар сиёсий-ҳуқуқий муассасалар ва институтларнинг ўзини ўрганса, сиёсий таълимотлар уларнинг назарий билимда, таълимотларда ифодаланишини ўрганади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат ва ҳуқуқ тарихини билмасдан туриб уни ифодаловчи сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар мазмунини ҳам билиш мумкин эмас.

Ҳуқуқшунослик ихтисослигидаги бир-бири билан ўзвий боғланган тарихий ва назарий фанлар орасида сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар ўзининг геноссологик даражаси ва мавқеи билан ажралиб туради, уларнинг барчасини ўзаро боғланганлигини ифодалайди. У ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш ва тадқиқ қилишнинг муҳим назарий шартлардан бири сифатида хизмат қилади.

2.. Сиёсий-ҳуқуқий қарашлар тизимида давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашларнинг ўрни

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар ижтимоий-сиёсий тузум, ҳокимият, давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ғоялар ва таълимотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фандир.

Жамият тараққиёти ўзига хос ривожланиш қонунларига эга. Бу қонунларни очиш ва унга амал қилиш йўлларини кўрсатиб бериш фаннинг вазифасидир.

Ижтимоий-сиёсий фикр тарихида жамият тараққиёти тўғрисида турли хил таълимотлар вужудга келди, ривожланди ва инқирозга учради, ўрнига янги таълимотлар пайдо бўлди. Бунинг сабаби бу таълимотларнинг ҳақиқатга мослик даражасининг нисбийлигидадир. Илм-фан тараққиёти, ижтимоий тажриба у ёки бу таълимот доирасидан чиқиш, Давр талабига жавоб берадиган янги, кенгрок тушунчалар тизимига ўтиш зарурлигини тақозо қила бошлайди. Мана шу даврларда янги қарашлар билан эскича қарашлар ўртасида мунозаралар кескинлашади. «Тарих сабоғи шундаки, унинг айнан кескин бурилишларида, ижтимоий формациялар алмашилаётганда ижтимоий муаммолар ва зиддиятлар ғоят кескинлашади, миллий хафсизликка, фуқаролар тинчлиги ва барқарорликка таҳдид солувчи омилга айланади. Сиёсий таълимотларни таҳлил қилиш усули ўзаро мунозарада бўлган сиёсий ва ҳуқуқий мактабларнинг бири томонига ўтиб олмасдан уларга нисбатан объектив, холисона ёндашишни талаб қилади.

Совет тузуми даври сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг барча муаммоларига партиявийлик, тор синфийлик мезонлари асосида ёндашилди. Бу хол сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг кўп муаммоларини бир ёклама баҳолашга олиб келди, объектив ва холисона ўрганишга имкон бермади. Коммунистик мафкура мезонларига мос келмайдиган кўплаб таълимотлар бутунлай ўрганилмади. Шарқ сиёсий таълимотлари, ислом сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини холисона ўрганиш имкониятлари чеклаб қўйилди.

Тадқиқотчи, қандай соҳада бўлишидан қатъий назар, предметга қандай ёндашиш керак деган муаммога албатта дуч келади. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини ўрганиш ва унга ёндашишнинг назарий ва амалий масалаларини чуқурлаштириш, объектив илмий ҳақиқатни аниқлашга мос келадиган тадқиқотлар йўлларини ишлаб чиқиш методологиянинг муҳим муаммоларидандир. Тадқиқотнинг натижасигина эмас, унга олиб борувчи йўл ҳам назарий асосланган, ҳаққоний бўлмоғи керак.

Бугунги кунда ижтимоий ходисаларга, тарихга янгича, цивилизацион ёндашиш қўлланилмоқда. Бу ёндашиш давлат, ҳуқуқ ва шу каби ижтимоий ходисаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши сабабларини ўрганишда маънавий, маданий омилларига кўпроқ аҳамият беришни талаб қилади. Инглиз олими А. С. Гойнбининг фикрига кўра, цивилизациянинг ички моҳияти, руҳиятининг маданий омиллар ташкил қилади.

Цивилизацион концепция давлатни цивилизациянинг ўзгармас белгисидир, деб билади. Цивилизациянинг ривожланиш даражаси қандай бўлишидан қатъий назар давлат ҳуқуқ тартиботини таъминлаш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туриш учун доим керак. Давлат тарихда жамиятнинг манфаатдор қатламларининг сиёсатини амалга ошириш, синфий антогонизмларни бостириш вазифаларини ҳам бажарган бўлсада, асосан у жамиятнинг иқтисодий ва маънавий ривожининг таъминловчи қудратли воситадир. У турли синфлар, табақалар, миллатлар ўртасида тинчлик ва тотувликни таъминловчи куч, ташкилотдир. Цивилизацион ёндашув конкрет шахс ҳуқуқларини биринчи ўринга қўяди. Конкрет шахс ҳуқуқларининг устуворлиги ғояси бу ёндашувнинг ўзига мафтун қиладиган томонидир.

Формацион концепцияга биноан давлат синфлар пайдо бўлиши билан бирга пайдо бўлади. Иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон бўлган синф ўзининг сиёсий ҳокимиятини амалга ошириш учун давлатдан фойдаланади. Синфлар ва давлат абадий эмас. Инсоният ўзининг ривожланиш тарихида ибтидоий тузумдан бошлаб кулчилик, феодал, капиталистик формацияларни босиб ўтади, ундан коммунистик жамиятга кириб боради. Коммунистик жамиятда синфлар ва давлат бўлмайди. Бу ғояни ҳаётда амалга ошириш кўп салбий оқибатларга олиб келди. **Биринчидан,** жамият тарикқиётининг барча босқичларида иқтисоднинг кўп қатламлилиги инкор қилинади, оқибатда бир-бирига қарама-қарши асосий синфлар таҳлил доирасига киради, аҳолининг катта қисми ҳисобга олинмай қолади. **Иккинчидан,** иқтисодий базис устқурмага нисбатан белгиловчи асосий омил деб ҳисобланиб, унга урғу бериш, уни абсолютлаштириш инсон руҳиятининг, ижодий фаоллигини менсимасликка, шахснинг умуминсоний идеаллар билан уйғунлашган кадриятларини инкор қилишга олиб келади. Инсонга бетакрор шахс сифатида эмас, синфнинг вакили сифатида, ҳуқуқ эса ҳукмрон синфнинг қонун даражасига кўтарилган иродасидир деб қаралади. Бу таълимотни ҳаётга тадбиқ этиш инсон ҳуқуқларини чеклашга, аҳолининг катта қисмини манфаатларини ҳисобга олмасликка олиб келди. **Учинчидан,** формацион ёндашув синфлар, табақалар ўртасида зиддиятни кучайтиради, уларни бир-бирига қарама-қарши қўяди. Давлатни бир синфнинг устидан иккинчисининг ҳукмронлигини таъминловчи куч дея нотўғри хулосалар қилади.

Ҳозирги замон илмий адабиётида формацион ёндашув аста-секин ўз ўрнини цивилизацион ёндашувга бўшатиб бермоқда, чунки бу ёндашув ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ вазифаларига мосдир, уларни илмий таҳлил қилиш имкониятини беради. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини ўрганишда ижтимоий иқтисодий шарт-шароитларни ҳам, маънавий, маданий омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Энг муҳими бу омилларнинг бир-бирига қарама қарши қилиб қўймасликдан иборат. Улар бир-бирини тўлдириб, бойитиб туриши керак.

Жамият ўзига хос таракқиёт қонунларига бўйсунган ҳолда ривожлансада, ҳар бир халқ ўзининг тарихий тажрибаси, ўзига хос маданияти ва анъаналари орқали умумий ривожланиш қонуниятларини бойитади. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг ўрганиш услуби ҳар бир мамлакатнинг маданияти, дини ва анъаналари билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларни назарда тутиш зарурлигини тақозо қилади.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг жамиятда туганган ўрни ва аҳамияти қандай мақсадга хизмат қилиши ва қандай манфаатларни ифодалаш билан белгиланади. Агар сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар ўз умрининг ўтаб бўлган ижтимоий-сиёсий тузумни ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, бу таълимотлар ижтимоий таракқиётга ғов бўлиб қолади ва оқибатда инқирозга учрайди. Жамият таракқиётининг эҳтиёжлари заминида пайдо бўлган янги илғор ғоя ва қарашлар, жамият таракқиётига, янги ижтимоий иқтисодий тўзумнинг пайдо бўлишига ва мустақамланишига кўмаклашади. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини ўрганишда тарихий ёндашиш тамойили алоҳида ўрин эгаллайди. Тарихий ёндашиш тамойили ўрганилаётган таълимотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши йўналишини мумкин қадар ҳар томонлама таҳлил қилишни, уни баҳолашда воқеа

ва ходисаларни танқидий ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, ўша давр кишиларининг руҳиятини, анъаналарини, улар борлиқни қандай идрок қилишларини ўрганишни талаб қилади. У ўтмишдаги таълимотларга баҳо беришда субъектизмга йўл қўймаслик, тарихий ходисаларга холисона, объектив муносабатда бўлишга кўмаклашади. Тарихий ёндашиш тамойили сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг муайян тарихий шароит билан ва шу даврнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимлар тизими билан, ўтмиш ва ҳозирги замон сиёсий тажрибаси билан боғлиқ эканлигини кузатиш имконини беради.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар ўзига хос ривожланиш қонуниятларга эгадир. Ўтмишда яратилган таълимотлар фақат ўтмишгагина таъаллуқли эмас. Уларнинг вужудга келиши учун асос бўлган тарихий вазиятни ўзгариши ёки тугаб кетиши билан улар ҳам йўқ бўлиб кетмайди. Албатта, бу таълимотларнинг ўша давр тарихий шароити билан бевосита боғлиқ тамонлари ўзгаради ёки ҳаётини тугатади. Бироқ, ўша давр мутаффакирларининг давлат ва ҳуқуқ ҳақида баён қилган кўпгина назарий ғоялари ўз даврини ошиб ўтади, сиёсий ва ҳуқуқий билимнинг ривожланиш занжирига муҳим бўғин бўлиб киради, ўзининг назарий аҳамиятини кейинги даврларда ҳам йўқотмайди. Масалан, Афлотун, Арасту, Цицерон, Рим ҳуқуқшунослари, Форобмй, Бурхониддин Ал-Марғмоний, Алишер Навоий ва бошқа кўп мутафаккирларнинг таълимотларини вужудга келтирган тарихий вазият аллақачон йўқ бўлиб кетган, лекин уларнинг ғоялари ҳозиргача ўзининг илмий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу ерда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Форобмйнинг машҳур «Фозил одамлар шаҳри» асари ҳақида айтган фикрини келтириш ўринлидир. «Бундан минг йилча муқаддам яратилганлигига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқотадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади.

Қадимги Рим сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар намоёндаларидан бири Цицерон мелоддан олдинги I асрда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва давлат бошқарувини марказлаштириш таъмойиллари, шахсий ҳокимият ва унинг чегараси, ахлоқ ва давлат манфаатлари каби муаммоларини қўйдики, Европа бу муаммоларни ҳал қилиш учун кўп асрлар бош қотирди. ҳуқуқшунослик илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома Бурхониддин Ал-Марғмоний ўзининг «Ҳидоя» сини XIII асрда яратган бўлсада, бу асар XIX асргача бутун мусулмон дунёсида асосий ҳуқуқ манбаи бўлиб хизмат қилди ва ҳозиргача ўзининг илмий аҳамиятни йўқотгани йўқ.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларни билиш жараёнида янги тушунчалар, ғоялар вужудга келади, бу эса назарий билимни бойитади ва чуқурлаштиради. Мана шундай жамғариш натижасида сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг барча даврларида ҳам долзарб бўлган комил инсон, ахлоқ ва сиёсат, фуқаро ва давлат, эркинлик ва ^{3a}Рурат, ҳокимият ва зўрлик, адолат ва ҳуқуқ алоқадорлиги каби "абдий" муаммолар шаклланади. Турли давр мутафаккирлари бу муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилдилар ва бу ишга ўз хиссаларини қўшдилар, Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлардаги ворислик, унинг назарий мазмунини бойиши шу йўналишда боради. Бу жараён воқеаларни тасвирлаш билан бир қаторда назарий таҳлил қилиш орқали ёритилади.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар давлат ва ҳуқуқни ўрганишда хронологик ва муаммовий ёндошиш қўлланилади. Хронологик ёндошув таълимот яратувчининг ҳаёти ва ижодий фаолияти, яратган таълимотининг моҳияти, сиёсий ва ҳуқуқий фикрнинг қандай оқими ва йўналишларига мансублигини ёритишни талаб қилади. Бунда таълимотнинг шаклланиш жараёнини, унинг ўз даври билан боғланганлиги, қандай манфаатларни ифодаланганлигини, жамиятда тутган ўрни ва ўйнаган ролини тарихан конкрет ва тўлароқ ёритиш имкониятини беради.

Муаммовий ёндошишда таълимотнинг назарий мазмуни замида қандай фалсафий таъмойиллар ётганлигини, таълимот муаллифи учун қандай ғоялар етакчи бўлганлигини ифодалайди. Бу ёндошиш услуги таълимотнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти, ундаги ворислик ва янгилик каби назарий муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилишни талаб қилади. Бунинг сабаби шундаки ҳар бир тарихий давр, мамлакат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан бирга умумийлик, такрорланиш белгиларига ҳам эгадир. Мана шу умумийликни аниқлаш зарурати муаммовий услубни талаб қилади.

Хронологик, муаммовий услублар бир-бири билан ўзвий боғлиқ. буни ҳисобга олиш турли таълимотлардаги умумийлик ва алоҳидалик, такрорланмас ва такрорланувчи ҳодисаларни чуқурроқ англаш, аниқроқ ажратиш имкониятини беради.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини ёритишда қиёсий тарихий тадқиқ қилиш услуги ҳам ишлатилади. Бу услуб таълимотларга хос умумий ва хусусий белгиларни чуқурроқ англаш имкониятини беради. Масалан, маърифатпарварлик йўналишига хос таълимотларнинг бир-бирига таққослаб таҳлил қилсак, уларнинг барчаси илм-фан, инсон эркинлигининг улуғлаганлигини, қолоқлик, чекланган, мустабид ҳокимиятнинг қаттиқ танқид остига олганлигини кўрамиз. Бу йўналишдаги мутафаккирлар турли мамлакатларда, турли даврларда яшаган ва ижод қилган. Бу ҳол уларнинг таълимотларига хос хусусиятларни белгилайди. Таълимотга баъд беришда мутафаккирнинг дунёқарашига, унинг ўз замони, ижтимоий-сиёсий тузумига бўлган муносабати, ғоявий сиёсий ҳайрихошчилиги каби субъектив хусусиятларга ҳам аҳамият бериш зарур.

Ҳозирги кунда олдимизда турган долзарб муаммолардан бири Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихини яратиш эди. Бу масулиятли вазифани амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. Бу асарларда ўз аксини топган назарий ғоялар сунъий равишда инкор қилинган таълимотларни ўрганиш ва фан доирасига киритиш имконини беради. Халқимиз ўзининг буюк алломаларига назар солмоқда, уларнинг ибратли ишларидан сабоқ олишга интиломоқда. «Мустақиллигимизни дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ғоят муҳим вазифа бўлиб қолди.

3.. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда ҳуқуқий мафқуранинг вужудга келиши.

Аждодларимизнинг давлатчилик ғояларини ўрганиш, ижтимоий-сиёсий фикрга хос хусусиятларини билиш зарурияти тобора ошиб бормоқда. Ўтмиш мутафаккирларини адолатли жамият ва давлат қурилиши ва бошқариш таъмойиллари ҳақидаги таълимотлари бизни ҳаяжонлантирган саволларга жавоб топишда, ибратли ишлардан сабоқ олишга кўмаклашади. Уларнинг барчаси одамлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ва такомиллаштиришга қаратилган ижтимоий идеални излаш, адолат ва тенглик принципларига асосланган жамиятни қуриш ғояларини тарғиб қилдилар.

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий фикрига хос хусусиятлардан бири шундан иборатки, унинг намоёндалари давлат, ҳокимият, адолат масалаларини ислом сиёсий маданиятга таёнган ҳолда хал қилишга ҳаракат қилдилар.

Ватанимиз азалдан башарият тафаккури хазинасига унитилмас хисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маданият, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан ўзвий равишда ривожланди. Ва ўз навбатида бу фалсафий ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даърасидан баҳра олиб бойиб борди. Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда Хўжа Ахмад Яссавий, Хўжа Баҳовуддин Нақшбандий, Имом Бухорий, Имом Териизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим.

Маълумки исломда давлат ва ҳуқуқ масалалари муҳим ўрин олган. Унда ҳокимият жамият учун зарур ва муқаддас кадрият сифатида ифодаланади. Ал-Ғаззолийнинг айтишича Оллоҳ-таоло пайғамбарларнинг одамларга тўғри йўл кўрсатиш учун танлаган бўлса, ҳукмдорларни одамлар ўртасидаги низоларни бартараф қилиш учун танлаган.

Ҳокимият барқарорликни таъминлаш учун берилган, деган бу фикр кейинги давлардаги таълимотларда ҳам ўз аксини топган. Исломда ўз аксини топган муҳим кадриятлардан бири адолатдир. Мусулмон дунёсида машҳур XI аср ҳуқуқшуноси Ал-Мовардининг айтишича, давлат динсиз сақланиши мумкин, лекин адолатсиз яшай олмайди.

Ўрта Осиё халқларининг илғор мутафаккирларининг сиёсий қарашларида одил ҳуқумдор ғояси марказий ўрин эгаллайди. Улар давлат тепасида турган ҳукмдор адолатли, хулқ-атвори пок, фуқароларга раҳм-шавқатли, ғамхўр бўлса давлат қудратли, жамият фарвон бўлади деб тушундилар. Шундан келиб чиққан ҳолда улар инсонни маънавий камолотга эришишга чақирдилар ва шу орқали адолатсизлик, хулқий бузуқликларни бартараф қилиш мумкин деб ҳисобладилар.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ва сиёсий фикрига хос хусусиятлардан яна бири шундаки, унда ахлоқ масалалари етакчи ўрин эгаллайди. Унинг намоёндалари эзгулик, яхшиликни билишга интилдилар, ахлоқий қонун ва тамойилларга амал қилиш инсоннинг олий маънавий бурчи деб билдилар. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фикри махсус сиёсий ва ҳуқуқий трактатлардагина эмас, бадиий ижодда ҳам ўз аксини топди. Форобий, Имом Мотурудий, Имом Ал-

Самарқандий, Бурхониддин Марғиноний ўз қарашларини махсус фалсафий ва ҳуқуқий асарларда ифодалаган бўлсалар, Яссавий, Алишер Навоий, Машраб, Фурқат, Муқимий ва бошқалар бадиий ижодда намоён қилдилар. Ушбу тарихий мутафаккирлар таълимотларини ырганиш, ыйғониш даври мутафаккирларини билимлари билан уйғунлаштирилиши ацпоқ ва шу цққидаги қарашларни шаклланиши учун замин шисобланади. Цивилизацион жараён шукқуқий давлат қуришга асосланган давлатлар тажрибаси асосида шукқуқий мафқурани такомиллаштириш учун ҳаракат қила бошлади. Давлатимиз асосий қомуси муаддимасида цам бу қоида мустақмланган.

Ўзбекитсон сиёсий ва ҳуқуқий фикрда маънавият ва маърифатга катта эътибор берилади. Давлатнинг бошқарувчи ҳукмдорнинг ўзи ҳам, унинг атрофидаги мансабдорлар ҳам билимли, адолатпарвар кишилар бўлиши зарур деган фикр изчиллик билан уқтирилади.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихининг ўрганишни нима аҳамияти бор, ундаги таълимотларнинг кўпчилиги ўз умрини ўтаб бўлдику? - деган савол туғилиши мумкин.

Биринчидан, шуни таъкидлаш керакки, давлат ва ҳуқуқ цққидага ҳозирги фанлар тарихий ривожланишнинг маҳсулидир. Уларнинг пайдо бўлиш тарихини билмасдан туриб чуқур тасаввур қилиш мумкин эмас. Фанда ифодаланган ҳақиқат осмондан тайёр тушмайди. Унга эришиш учун қанча изланиш, куч-қувват, фидокорлик, цдтто курбонлик берилади. Буюк мутафаккирларнинг илм-фандаги кашфиётларигагина эмас, уларнинг бунга эришиш йўлида қилган хато ва камчиликлари ҳам биз учун сабоқдир.

Бугунги куннинг яхши ва тўғри тасаввур қилиш учун ижтимоий тараққиётнинг олдинги босқичларининг билиш зарурлигини тақозо қилади. Шунинг учун ҳам ўтмишга мурожаат қиламиз. Ундан сабоқ олиш билан бирга бугунги айрим муаммоларнинг ечимини топиш имкониятига ҳам эга бўламиз.

"Тарихий хотирасиз келажак йўк", деган эди И.Каримов. Ўзликнинг англаш тарихни билишдан бошланади. Тарих хотираси инсонни истиқболга даъват этади, миллий истиқлол мафқурасини ва шукқуқий мафқурани шакллантиришда муҳим омил бўлмб хизмат қилади. Давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимотлар тарихининг ўрганиш турли назарияларнинг пайдо бўлишининг назарий шарт-шароитларини англатади, янги ғоялар учун ижобий илхом бағишлайди. Ўтмишдошларимиз яратган буюк кашфиётларнинг кузатиш, ҳуқуқшунослик илмининг рухини хис қилиш, унинг янги қирраларни очиш имконини беради, бизни қироатхоналикдан, бир томонлама юзаки қарашлардан эҳтиёт қилади, мустақил фикр юритиш ва рўй бераётган ходисаларни баҳолай олиш қобилиятини шакллантиради.

Бу мавзу халқимизнинг ҳаққоний тарихини тиклаш ва миллий ўзлигини англаш, миллий ифтихорни шакллантириш ва ўстириш ишига хисса бўлиб хизмат қилади. Шуни эса тутиш муҳимки, ўтмишимизни "оқлаш" вазифалари умуман олганда бажариб бўлинди; ҳозир эса асосий вазифа тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан ҳолисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир. Сиёсий-

ҳуқуқий таълимотларнинг аҳамияти яна шундаки, у бўлажак ҳуқуқшуносларни умумжаҳон миқёсидаги таълимотларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятлари билан таништириш билан бирга, уларда бу таълимотларнинг моҳиятини англаб олиш малакасини шакллантиради.

Тестлар

1. “Цивилизациянинг ички моҳияти, руҳиятининг маданий омиллар ташкил этади”. Ушбу фикр кимга тегишли?
 - A) Б. Тойнбин
 - B) Ж. Локк
 - C) Монтескье
 - D) Кант
 - E) Робеспьер
2. Ҳозирги замон илмий адабиётида формацион ёндашув аста-секин ўз ўрнини қандай ёндашувга бўшатиб бермоқда?
 - A) эксцентрик
 - B) фундаментал
 - C) дунёвий
 - D) цивилизацион
 - E) сиёсий
3. Қайси концепцияга кўра давлат синфлар пайдо бўлиши билан бирга пайдо бўлган?
 - A) цивилизацион
 - B) формацион
 - C) дунёвий
 - D) сиёсий
 - E) эксцентрик
4. ёндашув конкрет шахс ҳуқуқларини биринчи ўринга қўяди. Конкрет шахс ҳуқуқларининг устуворлиги ғояси бу ёндашувнинг ўзига мафтун қиладиган томонидир.
 - A) цивилизацион
 - B) формацион
 - C) дунёвий
 - E) сиёсий
 - D) эксцентрик
5. Қайси ҳуқуқий таълимотлар намоёндаларидан бири маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва давлат бошқарувини марказлаштириш таъмойиллари, шахсий ҳокимият ва унинг чегараси, ахлоқ ва давлат манфаатлари каби муаммоларини қўйди?
 - A) Арасту
 - B) Цицерон
 - C) Константин
 - D) Пифагор
 - E) Форобий
6. Қандай услуб таълимотнинг назарий мазмуни заминда қандай фалсафий таъмойиллар ётганлигини, таълимот муаллифи учун қандай ғоялар етакчи бўлганлигини ифодалайди?
 - A) муаммовий
 - B) назарий
 - C) хронологик
 - D) типологик
 - E) қиёсий

7. “Давлат динсиз сақланиши мумкин, лекин адолатсиз яшайолмайди”. Ушбу фикрларни ким айтган?

- A) Арасту
- B) Цицерон
- C) Константин
- D) Ал-моварди
- E) Форобий

8. "Тарихий хотирасиз келажак йўк" ушбу фикр кимга тегишли?

- A) И.Каримов
- B) ҳадисдан олинган
- C) Константин
- D) Ал-моварди
- E) Форобий

Саволлар

1. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларни ўрганишда қандай ёндашишлардан фодаланилади?
2. Тарихий ҳуқуқий фанлар тизимида сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг шаклланишини гапириб беринг.
3. Сиёсий-ҳуқуқий қарашлар тизимида давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашларнинг ўрни нимада?
4. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда ҳуқуқий мафқуранинг вужудга келиши ҳақида гапиринг
5. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар нимадан иборат?
6. Қайси концепцияга кўра давлат синфлар пайдо бўлиши билан бирга пайдо бўлган?
7. “Давлат динсиз сақланиши мумкин, лекин адолатсиз яшай олмайди”. Ушбу фикрларни ким айтган?
8. Ҳозирги замон илмий адабиётида формацион ёндашув аста-секин ўз ўрнини қандай ёндашувга бўшатиб бермоқда?

3..Мавзу. *Ўрта Осиё мутафаккирларининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари.*

1. Ўрта Осиё давлатларида сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг вужудга келиши.
2. Ўрта Осиёда ўрта асрлар мутафаккирлари қарашларида давлат ва ҳуқуққа оид ғояларнинг шаклланиши. Ўйғониш даври мутафаккирларининг давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги қарашлари аҳамияти.
3. Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масаласи.

1..Ўрта Осиё давлатларида сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг вужудга келиши.

Исломга қадар бу ерда асосан Зардуштийлик дини ва унинг қонун — қоидалари, урф — одатлари амал қилар эди.

Хоразмлик Зардъшт Оташпаастлик дини асосчиси шисобланади. У Ёрта Осиёда якка худолик таълимотини яратишди. У халқ томонидан милоддан аввалги иккинчи ва биринчи минг йилликларда яратилган «Яшт»ларда белгиланган қоидаларни такомиллаштирди, Тўрт билимни, 21 китобдан иборат «Овесто»ни шакллантирди. Ушбу манбада давлат ва ҳуқуққа оид ёв даврига хос барча маълумотлар жамланган эди. Ёрта Осиёда ушбу манба ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги асосий манба шисобланади. Ушбу китоб уч нусхада бўлиб бир нусхаси Эронда, бир нусхаси Балхда ва яна бир нусхаси Хоразмда кохинлар томонидан сақланган.

Милоддан аввалги учинчи асрда мамлакатимизга бостириб келган А. Македонский томонидан ушбу манбаани икки нусхасини ёиб юборган. Буюк «Овесто» изидан асарининг муаллифи Тохир Карим берган маълумотига кьра А. Македонский бир мамлакатда иккита мафкура бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаган. Унинг мафкураси юнонлар мафкураси эканлигини тарихдан биламиз.

Ёрта Осиёда сиёсий ҳуқуқий таълимотлар шаклланишида халқнинг босқинчиларга қарши курашини афсонавий тарзда тасвирланиши ва халқ хотирасида қолиши ҳам ката аҳамиятга эга шисобланади. Масалан тарихий Тьмарис ва Широқ афсоналаридагим маълумотлардан дастлабки давлатлар ва ашқоқий муносабатлар ҳақидаги билимлар шаклланган. Шунингдек Ёрта Осиё тьғрисидаги сиёсий ва ҳуқуқий арашлар хорижий мутафаккирлар аравлари Билан ҳам ёвга хос аҳамият касб этади. Жумладан тарих отаси Геродот маълумотларида саклар ва массагетлар яшаш тарзини баён этилиши, Страбоннинг «География» асаридаги маълумотлар, Хитойлик Сима Сяннинг «Тарихий хотиралар» асарлари бизни мамлакатимиз давлати, ҳууи, сиёсати ҳақидаги маълумотлар, ғоялар ва тушунчаларни ёвида муж ассамлаштирган.

2.. Ёрта Осиёда ўрта асрлар мутафаккирлари қарашларида давлат ва ҳуқуққа оид ғояларнинг шаклланиши. Ёйғониш даври мутафаккирларининг давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги қарашлари аҳамияти.

Ислон динининг асосчиси Пайғамбар Муҳаммад ибн Абдулло (са.в.) 610 йилда дунёда янги ислон динини эълон қилди ва бу дин тез орада дунёга тарқалди. Ёрта Осиёга - Туронга кейинчалик араблар Мовароуннаҳр деб атаган бизнинг мамлакатимизга Ислон VIII асрнинг бошида кириб келди. Ислон ўзидан аввал амалда бўлган урф-одатлар ва қонун-қоидаларни сиқиб чиқарди. Уларнинг ўрнига ўзининг қоидаларини ўрнатди. «Биринчи ҳижрий асрда ислон ҳуқуқи шакллана бошлаб, иккинчи ва учинчи ҳижрий асрларда тараққиёт босқичларига кўтарилди. Ҳижрий иккинчи аср бошларида илк ҳуқуқий мактаблар (мазҳаблар) юзага кела бошлади ва янги шаклланган ислон жамияти ўзининг бошланғич ҳуқуқий ва қонуний институтлари муассасаларини қуришга муваффақ бўлди»

Ислом ва унинг қонун-қоидаларига "қизиқиш" ҳамма замонларда ҳам юксак бўлган. Ўзбекистонга ислом дини, ислом ҳуқуқи, турли мазҳаблар, ақидавий оқимлар ва ғоявий йўналишлар Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Сурхандарё, Қашқадарё ҳудудларига VIII аср бошида кириб келди.

Ислом қонуншунослиги, Ислом ҳуқуқи Ўзбекистонда, Бухоро, Самарқанд каби йирик шаҳарларда тез суратлар билан ривожланди ва ўзига хос ҳуқуқий мактаб яратилди. Фикҳ Ислом ҳуқуқи дунёда машҳур олимлар томонидан ўрганилди. Мажид Хаддурий, Хербет Ж. Либес америкалик ва уларнинг китобларини «Исломда ҳуқуқ» мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Ўзбек тарихчиларидан Ниршахийнинг "Бухоро тарихи" асари, Рус олимларидан В.В. Бартольднинг Туркистон тарихига оид асарлари. Бизнинг мамлакатимизда бугун араб ва форс тилларидаги манбаларни яхши билган олим Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг «Ислом уқуқшунослиги» деган китобларини келтириш мумкин. Ислом Куръон ва Суннага кўра ўз қонунчилиги Шариатни ривожлантирар экан кўп жмҳатдан арабларда мавжуд бўлган одат ва қонунларнинг айримларини бекор қилиш, тақиқлаш ва айримларини эса Куръонда, Суннада тасдиқлаш йўли билан қонунлаштирди. Ислом қонунларини авваламбор араб қабилалари ҳаётига ҳамда янги араб халифалиги тасаруфига киритилган мамлакатларда жорий қилишни амалга оширди. Самарқанд шаҳри босиб олингандан кейин (тахминан 712 й.) Ўзбекистон араб халифалигининг бир қисмига айлантирилади. Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, араблар томонидан Ўрта Осиёни босиб олиш ва унинг халқларини Исломга киритиш жараёни осон бўлган эмас. Ўзбекистон аҳолиси ўзоқ курашлар ва юрмшлар натижасида исломни қабул қилди.

Ислом қанчалик "мустаҳкам" бўлмасин у ички зиддиятлар ва қарама-қаршиликлардан ҳоли эмас эди. Энг катта бўлиниш бу Хавориж (хорижийлар) ва Шиа оқимидагиларни аҳли Сунна ва жамоага қарши турганлари бўлди. Ички тафовутлар исломда турли йўналишлар ва мактабларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шариат (ислом қонунчилиги) «Шаркат», «Шариа», «Шар» сўзлари сувга олиб борадиган йўл маъносида ишлатилган»¹ Шу боисдан араблар ҳозирга қадар шох кўчани (проспект) «Аш-Шориъ» деб атайдилар. Демак шариат дегани сувга олиб борувчи, ҳаётга етакловчи, дин йўли, ёруғ йўл деган маънони англатади. Аҳли шаръ (шариат аҳли) деб эса мужтаҳид, қози, фикҳ, ва муфтийлар назарда тутилади.

Шариат ягона бир тизимга, таснифга эришмаган. Масалан, Суннийлар уни ташқи кўринишига кўра уч қисмга бўлганлар: Ибодат (ибодатлар ва уларга тегишли мажбуриятлар); Муомалот (фуқаролик ҳуқуқи); Укубат (жазолар). Шиалар эса қўйидагича таснифлаганлар: Ибодат, Уқуд (икки томонлама шартномали ҳуқуқий муомалат), Ийқоот (Битим бир томонидан бўладиган ҳуқуқий муомалат), Аҳком (бошқа ҳуқуқий ҳукмлар). Усулил фикҳ, илми асосида Шаръий манбаларга асосланган ҳолда суннийларда тўртта масҳаб шаклланди ва ҳар бири ўзига хос йўналишда ривожланди.

Ҳар бир масҳаб тарафдори ўз имомига эргашган ҳолда ҳаракат қилиши белгиланди. Айрим фақиҳлар бундай қоидаларга итоат қилмасдан масҳаб доирасидан чиқиб Куръон, Сунна ва Саҳобалар

ривоятларига асосланган ҳолда эркин ҳаракат қилиши ижтиҳод қилишни хоҳлаганлар, талаб қилганлар. Бундай эркинлик Ислом қонунчилигининг ривожланишига, бойишига ва дунёдаги энг мукамал ишланган қонунчилик тизимларидан бирига айланишига ижобий таъсир этди. Ислом қонунчилиги фикҳнинг ривожланишида бизнинг Ватандошларимизнинг ҳиссалари улкандир. Абу Мансур Мотурудий, Бурҳонуддин Марғинович, Насафий, Баздавий, Дабусий ва бошқалар.

Суннийлар таълимотига кўра ислом беш руқн (вазифани) ўз аъзолари олдига мажбурият қилиб қўйган.

1. Шаҳодат (Аллоҳнинг борлиги ва элчисининг барҳақлигига гувоҳлик бериш) калимаси.
2. Намоз.
3. Рўза.
4. Закот.
5. Ҳаж (имкони бўлса).

Шариат илмлари ислом динига тегишли бўлган илмларни ўрганади улар:

Қироат илми, тафсир илми, Ҳадис илми, фикҳ илми, Калом илмларидан иборатдир. Қироғот илми Қуръонни ўзгаришлардан ҳимоя қилган. УП-1X асрларда «Қуръон Сабъа» («етти қори»)лар томонидан турли халқларда Қуръоннинг ўқилишини шевааларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаганлар. Қироат илми энг камида етти хилга бўлинади. Бу тўғрида исломда кўп китоблар битилгандир.

Тафсир илми аввааламбор Қуръоннинг оятларини тушунтириш, пайғамбар ҳадисларини араб тили грамматикасига биноан тушунтириш бериш керак эди. Бизнинг мамлакатимизда Имом Бухорий, Имом Ат-Термизийлар каби Имомларнинг бу соҳадаги қилган ишлари мусулмон дунёсида мактовларга сазовор бўлган. Ибн Аббос, Муҳаммад Бақирлар биринчи ҳадисчилардан ҳисобланадилар. Қуръони Карим бўйича жуда кўп тафсифлар ёзилган бўлиб, уларнинг энг машҳури бўлган тарихчи Муҳаммад ибн Жарир Ат-Табарий қаламига мансуб «Тафсири Табарий» номи билан шуҳрат қозонган «Жомийул-баён фи тафсирил-Қуръон»¹.

Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг сўзлари, амаллари, тасдиқлари ҳақидаги маълумотлар ҳадис илмидир. Машҳур Муҳаддислардан: Саҳих Ал-Бухорий, Саҳих Ал-Муслим, Жомъ Ат-Термизий, Абу Довид, Ан-Насоний ва ибн Мажаллардир. Шулардан иккита биринчилари Мовороуннаҳрда қолган тўрт нафари эса Хуросонлик ҳадисчилардир.

Фикҳ илми, ислом ҳуқуқидан иборат бўлиб, Қуръон, Сунна, Ижмо ва Қиёс каби манбаларга асосан шаклланган. Ҳуқуқшунослар эса манбаларни Ижтиҳод орқали ўрганганлар ва хулосалар чиқарганлар. Ижтиҳодга йўл қўйилиши эса исломда турли ҳуқуқий мактабларнинг ва қарашларнинг вужудга келишига олиб келган. Фикҳ икки асосий қисмга "Усулул-фикҳ" ва "Фурулул фикҳ" га бўлинади. Калом илми, ибн Халдун фикрига кўра, иймонга тегишли масалаларни ақлий далиллар билан исботлаш.

Ислом ҳуқуқининг манбалари. Дунёвий давлатларда ҳуқуқ манбалари табиий ҳуқуққа биноан давлат томонидан ўрнатилган қонунлар ва қонун остидаги актлардан иборат бўлса, исломда эса

хуқуқ авваламбор илоҳий манбага яъни Қуръон ва Суннага асосланади. Бизнинг фикримизча табмий қонунлар илоҳий қонунларга жуда яқиндир. Чунки табиий қонунлар ҳам инсон учун бирламчидир.

Қуръони Карим 23 йил давомида (610-632 й.й.) Пайғамбар Хазрат Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳ томонидан нозил қилинган илоҳий китобдир. 114 сура, 6210 оят, 77434 сўздан мборат. Макка шаҳрида нозил бўлган сураларни Маккий суралар (13 йил 95 сура) Мадинада нозил бўлган (10 йил 19 сура) мадинаий суралар деб аталади.

Маълумки Қуръон оятлари оғзаки айтилган. Шу сабабдан пайғамбаримиз ҳаётлигида Қуръон суралари одамлар томонидан оғзаки ёддан айтилган. У Хазрати Усмон халифалиги йилларида Зайд ибн Собит раҳбарлигидаги ҳайъат томонидан ёзма шаклга келтирилган. Ҳазрати Усмон халифалиги даврида қайтадан ислом дунёси учун Қуръондан нусхалар кўчирилиб йирик-йирик шаҳарларга юборилди. Ундан кўзланган мақсад турли халқларда Қуръонни ўқиш бир хилда бўлишлигини таъминлашдан иборат эди.

Қуръоннинг мўъжизалиги унинг ўзида ақидавий-ғоявий, қонун ва ахлоқ қоидаларини (нормаларини) ўзида мужассамлаштиришидир. Олимларнинг фикрига кўра фикхий ҳуқуқий масалалар бўйича Қуръонда қуйидаги оятлар мавжуд:

1. Ҳаққулоҳ (амалий ибодатлар) бўйича 140 оят.
2. Шахсий ҳуқуқ (оила, талоқ, васият...) 70 оят.
3. Муомалот ёки фуқаролик ҳуқуқи 70 оят.
4. Жиноят ва жазо-30 оят.
5. Суд ва суд жараёни-20 оят.
6. Давлат ва ҳуқуқ соҳасида эса- 3 оят. Ҳаммаси бўлиб, 333 та оят.

«Сунна» йўл-йўриқ Пайғамбар сўзлари, феллари (амалларга) тасдиқлари, шунингдек саҳобаларнинг сўзлари, амаллари йиғиндисидир. "Сизлар учун икки нарса қолдирдим, мадомики уларга амал қилиб юрсангизлар, ҳеч қачон адашмайсизлар, улар Олоҳнинг китоби ва менинг суннатларимдир"- деган эди Пайғамбар.

Пайғамбарга авваламбор ҳукмлар ваҳий бўлган. Вақдта бўлмаган тақдирда у ижтиҳод асосида ҳукм қилган. Албатта Пайғамбар ва саҳобалар ижтиҳод қилишда Ислом фалсафаси ва таълимотларига асосланганлар. Ҳадис ва ҳадисшунослик тушунчаси ҳам мавжуд ҳадис суннанинг асосий қисмини яъни Пайғамбарга тегишли қисмини ўз мчига олади.

ИЖМО-келишув, иттифоқ маъносини англатади. Ҳуқуқшуносликдаги машҳур олимларнинг у ёки бу масала бўйича бир қарорга келишларидир. Шулардан имомларнинг фикрлари ваҳий бўлганлиги сабабли мажбурийдир.

Қиёс яъни солиштириш, қиёслаш орқали аниқлашга айтилади.

Тўрта ҳуқуқий мактаблар мавжуддир.

1. Ҳанафийлар масхаби Абу Ҳанифа (Ироқ) асосчиси.
2. Моликий мазхаби. Имоми Молик (Мадина)
3. Шофиъий мазхаби. Имом Шофиъий (Мадина, Миср).

4. Ҳанбалӣ мазҳаби. Аҳмад ибн Ханбал (қадимий Макка мактаби асосида) ташкил топган.

Исломда икки оқим мавжуд суннийлик ва шиалик оқимлари Ҳазрати Мухаммад (с.а.в.) сиёсатда, давлатчиликда катта ишларни амалга оширди. Биринчидан, тарқоқ араб қабилаларини Ислом таълимотлари асосида ягона давлат халифаликка бирлаштирди. Уларда ягона қонунчиликни яъни шариатни жорий этди. Унинг сўзлари, амаллари қонун даражасига кўтарилди. Пайғамбар ҳаётлигида давлатни идора қилиш қийин бўлмади. Унинг вафотидан кейин ҳокимият тепасида ким бўлиши керак, деган сиёсий масалаларда турлича қарашлар пайдо бўлди. Бу эса турли сиёсий таълимотлар, йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Абулҳаким Шаръий Жузжонийнинг фикрига кўра давлат ишлари бўйича Қуръонда атиги учта оят бор эди.

1. "Аллоҳга, Пайғамбарга ва амир эгаларига (сизларга ҳоким бўлган кишиларга) бўйсунинглар".

2. "Ва (эй Мухаммад), улар билан кенгашиб иш қилинг".

3. "Улар ўзаро кенгаш асосида иш олиб борадилар" (Шўро сўраси, 38 оят).

4. Шу мавзуга оид икки ҳадис мавжуд.

"Менинг саҳобаларим юлдўзлар сингаридурлар. Улардан ҳар бирига иқтидо қилсангиз, изидан борсангиз, тўғри йўлдан борган бўлурсиз» ва «Имомлар қурайш (қабиласи) дан бўлурлар». Имомлар кимлардан бўлиши аниқ бўлсада «улул-амр» (амир эгалари) давлат бошлиқлари кимлар бўлишлиги масаласида аниқлик йўқ эди. Абу Бакр ва Умарлар кенгаш асосида амр этиб сайландилар. Умар Халиф Абу Луълуъ исмли қул томонидан пичоқланади. У вафот этмасдан саҳобалардан ўзининг ўрнига халифа этиб бир кишини сайлашларини сўрайди. Саҳобалар Усмонни сайладилар. Усмон қаттиққўл давлат бошлиғи бўлмаганлиги сабабли бошқарув ишларида қариндошчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўйганлиги сабабли унга қарши норозилик кўчаяди. У ўлдирилади. Ундан кейин халифа (имомни) танлаш мураккаблашади ва қуйидаги йўналишлар вужудга келади.

1. Миср ва Мадина аҳолиси пайғамбарнинг амакивачаси Али ибн Абу Толибни кўрсатишади.

2. Басраликлар Пайғамбар сафдоши Талҳани кўрсатишди.

3. Куфаликлар пайғамбарнинг холасини ўғли Зубайрни.

4. Шом (сурияликлар) эса бўлажак халифа Усмон уруғидан бўлиши тарафдори бўлдилар.

Суннийлар таълимотида имом бўлиш учун тўртта талаб қўйилди:

1. Шариатни яхши билиш ва Ижтиҳод қилиш қобилиятига эга бўлиш;

2. Олий ахлоқ ва юксак фазилатли бўлиш.

3. Ҳокимият шартлари бўйича етарли маълумотларга эга бўлиш ҳозирги замон тили билан гапирганда бошқарув санъатини яхши билиш; ҳарбий ишларни билиш;

4. Қурайш наслдан бўлиш (ибн Холдун бунга қарши бўлган).

XX аср охири XXI бошларида Ислом дунёсида жиддий ҳаракатлар содир бўлди. Аниқроғи, исломни кикоб қилиб олган турли оқимлар, таълимотлар жонланди. Масалан, Ваҳобийлар, хезби таҳрир бизнинг мамлакатларимизда ўтиш даврида авж олди. 11 сентябрь 2001 й. Нью-Йоркда бўлган

террористик ҳаракатидан кейин исломга бўлган «қизиқиш» дунёда яна ошди. Айниқса террорчиларнинг дунёқараши, мақсади тўғрисида мақолалар чоп этилди. Уларнинг энг ашаддий террорчилари Афғонистон худудида тўпланган эди. Толибонлар ҳаракати ҳокимиятни қўлга олиб, Ал-қоида каби ўта урушқоқ кўпорувчи ташкилотларга бошпана берган эди.

Дунё жамоатчилиги бунга қарши бирлашди ва уларга қарши мурасасиз юришни бошлаб юборди. Бу курашда АҚШ давлати етакчилик қилди. Матбуотда глобал ислом террорчилиги каби тарифлар, тушунчалар пайдо бўлди.

Индонезияда «Жамои ислом», Фаластинда "Хизбуллаҳ", дунёга террорчиликда номи чиққан «Ал-қоида» унинг етакчиси Белладин бўлди. Барча демократик, дунёвий кучлар, давлатлар бир томонда бўлиб, Исломдаги террорчи гуруҳлар, тўдаларга қарши мурасасиз курашга киришдилар. Бу ўринда шуни айтиш керакки, жиноят ва жазо фани соҳасидаги террорчилик таърифи, тушунчаси бугун дунёда содир бўлаётган глобал террорчилар ҳаракатининг фарқи бор.

XXI аср бошидаги террористик ҳаракат дунёда ягона халифалик давлатини тиклаш, соф Ислом ва шариат қонун-қоидаларини ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар. Халифалик тарафдорлари Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда ҳам «Хизби таҳрир», «Ислом ҳаракати» каби номлар остида яширин варақалар тарқатиб, ўзларининг «таълимотлари»ни омма орасида сингдирмоқчи бўлдилар. Аммо кўпчилик халқ уларнинг чақириғларини қабул қилмасдан кўп жихатдан дунёвий таълимотларга асосланган павлат сиёсатини қўллаб-қувватладилар. Исломга азалий традиция ва одат қоидаларига биноан ҳурмат ва эъҳтиром билан ёндашилмоқда. Ислом ниқоби остидаги террорчилар дунё жамоатчилиги олдида исломни обрўсизлантириб, Европа, Америка мамлакатлари халқлари орасида уни "урушқоқ» зўрликка асосланган дин экан деган фикрларни туғулишига сабабчи бўлдилар.

Ислом ҳуқуқшунослигини ривожланишга улкан ҳисса қўшган Имом фақиқлар кўп бўлганлар. Хадисчилик соҳасида Имом Бухорий ва ат-Термизийлар кабилар бўлган Аҳмад Яссавий, Нақшбандий, Кубро кабилар эса тасаввуф (сўфизм) таълимотини ривожлантирдилар. Бурҳониддин Марғинович кабилар эса фикҳ илмига ривож бердилар. Ханафий мазҳаби таълимотларига биноан Мовароуннаҳрлик фақхдар ислом ҳуқуқи соҳасида ижод қилиб, кўплаб китобларни ёзиб қолдирганлар.

Марғинович «Ал-Ҳидоя» (53 та китобдан иборат) энг мукаммал ишланган асар ҳисобланади. У инглиз, форс, рус каби жаҳон халқлари тилларига таржима қилинган ва бугун ислом ҳуқуқини ўрганиш бўйича асосий манбалардан биридир. Имом Бурҳониддин Абул-Ҳасан Али Ибн Абу Бакр Ибн Абдулжалил Ал-Фарғоний Ал-Марғинович 1123 й. Фарғонанинг Риштон туманида туғилган. Ханафий мазҳабида буюк фикҳ ва муштахдд даражасига кўтарилган, шайхул-ислом лақабига сазовор бўлган олим эди. Унинг ўғиллари ҳам олимлик даражасига кўтарилган ва китоблар ёзган Ҳуқуқшунослар эди. Унинг ўзи фикҳ илмини ўз отасидан ҳамда ўз замонининг етук олимларидан: Имом Боҳовуддин Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Исмоил Ал-Асбижобийдан (вафоти 535 ҳ.й.) (Асбижоб Сайрам шаҳридир), Абдулазиз Марғинович Хдсан ибн Мансур Ўзгандий, Муҳаммад ибн

Аҳмад Ан-Насафий ва бошқалар. Марғиноний Фарғонада туғулган бўлсада унинг фаолияти кўпгина Шарқ мамлакатларида бўлиб, умрининг охириги йиллари Самарқанд шаҳрида ўтади. У 593 ҳижрий (1196-97 йй. милодий) Самарқанд шаҳрида вафот этган. 400 дан ортиқ Муҳаммад отли фақиҳлар дафн этилган Муҳаммадийлар қабристони («Турбат ул-Муҳаммадийин») ёнида дафн этилган.

Унинг асарлари: «Нашрул-мазҳаб», «Китобутаносикил-хос», «Китоб фил-фароиз» (меросга тегишли), «Ат-тажтун-навозил» (икки фатволар мажмуаси), "Мухторотун-навозил" «Мазийдун фи Фуруъ-ил-Ҳанафия», Имом Ат-Шайбонийнинг асари «Ал-Жамийъ ал-кабийр» нинг шарҳи, "Бидоятул-Мубтадий", «Ал-Ҳидоя»нинг қисқача варианты «Бидоятул-мубтадий» кабилардир.

«Ҳидоя»да Ислом ҳукуки Ҳанафия мазҳаби ғоялари асосида бир тизимга келтирилган. «Ҳидоя» авваламбор ислом қонун-қоидаларининг мажмуаси бўлса, шу билан бир вақтда кўплаб тарихий маълумотлар манбаи ҳамдир. Масалан, Саҳобалар ва имомлар исмлари 50 дан ортиқ, уруғлар номлари 12 та, жўғрофий ва тарихий номлар 55 та.

«Ҳидоя» ўзига хос жуда қисқа, аниқ ва мисоллар ёрдамида ҳуқуқ соҳалари баён этилади. «Ҳидоя»нинг биринчи қисми илоҳётга-таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га тегишлидир. Иккинчи қисми эса оила ҳукуки, кул сақлаш ҳукуки, жиноят ва жазо, ҳалқаро ҳуқуқ, вақф ҳукуки ва бошқарувларга тегишлидир. «Ҳидоя»нинг биринчи қисмида кўплаб исломда машҳур бўлган саҳобалар, имомларнинг исми (50 дан ортиқ), уруғлар, табақалар номлари (12 та) тарихий жойлар (35 та) кўрсатилган ва уларнинг ҳар бири тўғрисида маълумотлар берилган. «Ҳидоя»нинг ёзилиш услуби ҳақида гапирадиган бўлсак унинг ниҳоятда қисқа, масалаларнинг айнан моҳиятини амалий мисолларда бошқа масхаблар билан қиёслаш орқали тушунтирилиши ўзига хослигини белгилайди.

Бурҳониддин Марғиноний ёзган тўрт жилтдан иборат «Ал-Ҳидоя» асари суннийлик йўналишида мукамал ишланган ҳуқуқий бир тўплам бўлиб, унда 53 дан ортиқ китоб бўлиб, мерос ҳуқуқидан бошқа ҳамма ҳуқуқий соҳаларни ўзида мужасамлаштиргандир. Нима учун мерос ҳукуки киритилмаган деган саволга келганда мутахассисларнинг фикрига кўра Имоми Аъзам Абу ханифа мерос муносабатларини алоҳида фан (Ал-Фариз) деб атаган ҳолда фикрдан мустақил равишда ўрганишни тавсия этган.

«Ал-Ҳидоя»нинг жаҳон тилларига таржима қилиниши ва қилиши масаласига келганда шуни айтиш лозимки, Олмониялик олим доктор Экарт Шийвак тўплаган маълумотларга кўра, «Ҳидоя»нинг арабча асл матни 1818 йил Калкуттада, кейинчалик Бомбейда, сўнгра эса Лакну, Кавнпур, Дехлида нашр этилди. XIX Қоҳирада ва Козон шаҳарларида ҳам чоп этилган. Қоҳирада унинг танкидий 1908 й.й. ва 1980 й.й. нашр этилди. «Ал-Ҳидоя»нинг русча нашри Н.И.Гродеков томонидан инглизча таржимасидан 1893 йилда Тошкент шаҳрида нашр этилди. 1994 й. Профессор А.Саидов томонидан биринчи жилди такроран нашр этилди. Қолган жилдлари устида бугун ишланмоқда.

«Ал-Ҳидоя» нинг ўзбек тилида таржимаси Салоҳиддин Мухиддинов раҳбарлигида 2000 й. Биринчи жилди таржима қилинди ва нашр этилди. Қолган жилдлари устида бугун ишланмоқда.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Моварауннахр ҳуқуқий мактабининг етакчи олими Бурхониддин Марғинонийнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари дунёдаги кўпгина университетларда ўрганиб келинмоқда. У ҳуқуқий соҳа адолатлилик ва қонунийликнинг ёрқин тимсоли сифатида доимо ўрганилади.

Ўрта Осиё халқлари қадим замонлардан мустақиллик учун ташқи душманларга қарши курашиб келганлар. Юқорида кўриб чиққан имиздек, улар озодлик, мустақиллик йўлида ахмонийлар, македонияликлар, хитойликлар, араблар, мўғуллар зулмига қарши катта тажриба йўлини босиб ўтдилар. Айниқса, бу кураш араблар истилосига қарши кураш даврларида оммавий тус олиб кетади.

Араблар Ўрта Осиёни босиб олганларидан кейин бу ерларда яшаётган дехдонлар ва ҳунармандларнинг яшаш шароитлари янада оғирлашади. Тарихий маълумотларга қараганда араб босқинчилари Бухоро шаҳрида яшаётган аҳолининг ярмини уй-жойларини тортиб олиб, арабларга берганлар. Улар Ўзбекистон ҳудудидаги жуда кўплаб маданий ёдгорликларни бўзиб ташлаганлар, ўт кўйганлар.

Ўзбекистонда "араб маданияти" Араб халифалиги давлати ва мусулмон ҳуқуқи шариат тизими ўрнатилади. Йирик ер эгалари-феодаллар араблар томонига ўтиб, ўрта ҳол дехдонлар ерларини тортиб олиб, камбағал дехқонлар сонини кўпайтирмоқда эдилар. Улар дехдонларга ўз ерларини ишлаш учун ижарага бериб, ярмидан кўп қисм ҳосилни ўзларига олар эдилар. Бундан солиқлар (хирож) миқдори тобора кўпаймоқда эди.

728 йилда араблар кўпроқ маҳаллий аҳолини исломга жалб қилиш мақсадида уларни солиқлардан озод қиладилар. Лекин хазиналари бўшаб қолганлиги сабабли кўп ўтмай аҳолини яна солиқларни тўлашга мажбур қиладилар. Яна зўрлик, террор кўпайиб кетади. Бундан ғазабланган Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм халқлари тинимсиз равишда уларга қарши кураш олиб борадилар. Табарий 721-723 йилларда бўлиб ўтган кўзғолонлар вақтида арабларнинг Хўжанд атрофидаги ваҳшийликларини хикоя қилиб айтадики, жуда кўп дехқонларнинг бўйинларига араб ҳукмдорларининг тамғаси босилган эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги йирик ер эгалари, ва маҳаллий бойлар, зодагонлар кейинчалик араблар билан қўшилиб кетишиб, камбағал дехдонлар, ҳунармандларни шавқатсиз эксплуатация қила бошладилар. Бу ўринда ислом сиёсий ғояларини ва араблар ҳукмдорлигини Ўзбекистонда ўрнатирилиши жуда катта роль ўйнайди. Ислом сиёсий таълимотлари ўзидан олдин Ўзбекистонда мавжуд бўлган барча ғояларни, урф-одат нормаларини "кофирлар ахлоқи" дея ман қилиб, эски қонунлар ўрнига шариат қонунларини ўрнатди. Масжид ва мадрасаларда муқаддас қуръон, ҳадис каби китобларни ва унга мосланган ғоя ва урф-одатларни қатъий жорий қилдилар. Эркин фикр қилган барча прогрессив мутафаккирлар қувғин қилиниб, таъқиб остига олинадилар.

Араб тили, маҳаллий аҳолига нотаниш ва бегона тил, давлат идора тилига, мадраса ва мачитларда намоз ўқиш, имомларнинг қуръон сураларини шарҳдаш тилига айланади. Шундай қилиб, араблар Ўзбекистон халқларини иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан тобе қилишга ҳаракат қилдилар. Аммо шуни айтиш керакки, араблар қанчалик террорлик сиёсатини ўрнатмасинлар ва

мачит, мадрасаларда қанчалик сиёсий ташвиқот қилмасинлар оғир турмуш кечираётган омманинг курашига бархам бера олмадилар, шаҳарларда, қишлоқларда мусулмонлар билан бир қаторда исломга қарши курашувчилар сони ҳам кам эмас эди. Ислом қанчалик якка худоликни тарғиб қилмасин, унинг унлари абадий, адолатли деб уқтирмасин, Бироқ унинг зиддият (турли тармоқлар, оқимлар ўртасидаги оаш) ва ниҳоят босиб олинган мамлакатлар халқларининг олиб борган курашлари араб халифалигининг ҳам абадий эмаслигини кўрсатди. Сўғд халқи халифаликка қарши кураш, кейинчалик ҳокимиятни қўлга олган Абдусаидлар ҳаракатига катта умид боғлаган эдилар. Улар Абдусаидларни давлат тепасига келишларини ёқлаб, улардан озодлик кутган эдилар.

Абдусаид давлати ҳам халқ умидларини рўёбга чиқармади. Улар меҳнаткашларга берган бирорта ҳам ваъдаларини бажара олмадилар. Аксинча, эксплуатация даражасини янада оширишга, дехдонлар ҳаётини оғирлашишига сабаб бўлдилар. Натижада Ўзбекистонда тарих саҳифасидан жой олган йирик кўзғолонлар бўлиб ўтди. Масалан, Бухорода 133 ҳижрий (750-751) йили ҳали Омедлар ҳаракатини бостирмасдан Туриб, Абдусаидларга нарши катта кўзғолон кўтарилади. Кўзғолончиларга Шерик ибн Шейх ал-Махри раҳбарлик қилади. Унинг тарафдорлари Самарқандда ҳам бўлади.

755 йилда Абу Муслимнинг ўлимидан кейин Сумбод раҳбарлигидаги кўзғолончилар Нишопур, Рей каби шаҳарларда ҳокимиятни қўлга киритдилар. Лекин у раҳбарлик қилган кўзғолон атиги 70 кун давом этиб, ўзи билан 600 аскарни ҳам қириб ташланади. Золим шоҳлар, руҳонийлар томонидан олиб борилган террорчилик сиёсати қанчалик раҳмсизлик билан амалга оширилган бўлмасин, озодлик, тенглик учун бўлган ҳаракатларни бостира олмади. Аксинча, ҳукмдорларнинг шафқатсизлигидан ғазабланган халқнинг сабр косаси тўлмоқда эди. Шерик ва Сумбодга ўхшаганлар мазлумларнинг феодалларга қарши кураш тарихига ўчмас излар қолдириб, кейинги авлодларини курашга чақирдилар натижада сунбодчилар ҳаракатидан сўнг Муқанна ғоялари остида бирлашган "Оқ кийимли кишилар" деб ном чиқарган кўзғолончилар ҳаракати Ўзбекистонда кенг тус олади.

Муқанначилар ҳаракати Мовароуннахрнинг марказий қисмларида, шунингдек, Зарафшон, Кеш, Самарқанд, Шош каби қатор вилоятларда ҳам кенг тарқалади. Маълумки, араб босқинчиларига ҳамда маҳаллий феодалларга қарши Қаратилган барча кўзғолонларда маздакийлар ҳаракати ва уларнинг сиёсий таълимотлари муҳим роль ўйнади. VI асрда Эронда бўлиб ўтган маздакийлар кўзғолони Эрон давлатига жуда катта хвф солган эди. Маздак ғоялари эса Эрон худудидан ўзоқларда ҳатто Ўрта Осиё халқлари орасида ҳам кенг қулоч ёйиб тарқалган эди. Хосров Анишрвон (531-579) ҳукмронлик қилган йилларда маздакийлар кўзғолони шафқатсизлик билан бостирилади, кўзғолон раҳбарининг ўзи ўлдирилади. Аммо Маздак ғоялари унинг ўлимидан кейин янада кучлироқ, қудратлироқ тус олади. Тарихий манбаларда, адабиётларда айтилишича, Маздакнинг бева қолган хотини Хуррама Рай шаҳрига қочиб бориб, унинг ғояларини кенг ташвиқот қилади. Бу тўғрида Низом Ал-Мулк ўзининг "Сиёсатнома" деган китобида ҳам ҳикоя қилади. Маздак тарафдорлари Мовароуннахр ва бошқа районларга жунаб кетишади ва у ерларда Маздак ғояларини ташвиқот қила бошлайдилар.

Аш-Шахристониё ўзининг "Китоб ал-милалъ вам нихал" асарида ал Варракка исмли тарихчи фикрига асосланган ҳолда маздакийлар таълимоти ҳақида ёзади. Самарқандда Маздак таълимотлари таъсирида кейинчалик Ўзбекистон ҳудудида "Оқ кийимли кишилар" деб номланган халқ ҳаракат майдонга келади. Ўзбекистонда "Оқ кийимли кишилар" ҳаракати тахминан VIII асрлардан бошлаб ҳаракат қила бошлайди. Маздак ғоялари Ўрта Осиёда қадимдан мавжуд бўлган прогрессив традицияларга асосланган ҳолда араб босқинчиларига қарши оппозиция шаклида ривожланади. Мовароуннаҳрда маздакчилар "Зиндик" атамаси билан ҳам номланган эдилар. "Зиндик" атамаси аввалда зоостризм динда буддистларга нисбатан қўлланилган бўлиб, кейинчалик эса маздакчилар ("Оқ кийимли кишилар") ҳаракатларига нисбатан ҳам ишлатилган. А.Ю.Якубовскийнинг фикрича VII ва IX асрларда Хуросон, Мовароуннаҳрда ва Эронда маздакчилар "Хурремдинлар", "Хурремитлар",

"Муҳаммирлар" ва "Сурхаломлар" номлари билан номланганлар. Бу ерда А. Якубовский жуда қизиқ бир масалани қўяди. Унинг тахминича охириги икки ном, яъни "Муҳаммир"- арабча атама бўлиб, "қизил либосга кийинган" ва "Сурхалем" форсча атама бўлиб, "қизил байроқлар" маъноларини билдириши бежиз бўлмаган, албатта. Ўша актлардаёқ қўзғолончиларнинг кураш симболи сифатида байроқнинг ранги бўлган қизил ранг танлаган. Бу қўзғолончилар байроғининг ранги бўлиб, қўзғолончилар озодлик учун қон тўкишга, ҳатто ўз ҳаётларини қурбон қилишга ҳам тайёр бўлганлар.

Муқанна ва унинг тарафдорлари "Оқ кийимли кишилар"нинг сиёсий талабларини, ғояларини ўрганишдан аввал уларнинг дунёқарашларини шаклланишига ёрдам берган маздакчилар дунёқарашини, сиёсий таълимотлари билан қисқача танишиб чиқишимиз мақсадга мувофиқдир.

Маздакчилар дунёни тушунишда, асосан, манихейларга жуда яқин турадилар. Лекин баъзи масалаларни тушунишда уларни таълимотлари манихейлик таълимотларидан фарқ қилади. Масаланинг ана шу томонига Аш-Шахристониё кўпроқ эътибор беради. Маздак айтадики, "нур" ёруғлик бўлиб, бу барча борликнинг асосини ташкил қилган асослардан биридир. У мақсад томон ҳаракат қилишда эркиндир. "Зулмат" эса дунёнинг иккинчи асосларидан бири бўлиб, ҳаётда кўр-кўрона тасодифга кўра ҳаракат қилади. "Нур" бу билим ва сезгининг асосида ётса, "зулмат" бу билимсизлик ва мчки дунёнинг кўрлигига асосланади. Маздак таълимотига кўра "нур" билан "зулмат"ни аралашуви эса режали (планли) озод ва эркин ҳаракатга тўсқинлик қилади. Бошқа қилиб айтганда, агар инсон зулматга, яъни "ёмонликка" қўл урса у ҳолда мақсад томон интилишда озод эрдан, планли ҳаракатдан маҳрум бўлади. Шундай қилиб, Маздакнинг таълимотига кўра дунёнинг асосида "нур" ва зулмат" ётади. Нур бу яхшилик, тинчлик, озодлик бўлса, зулмат" бу ёмонлик, шафқатсизлик, урушлар, қирғинлар ва барча жабр ситамлар асосини ташкил қилади, деган таълимотни илгари суради. Маздак ва унинг тарафдорларининг бу фикрлари "Авесто" даги ғояларга ўхшаб кетади.

Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масаласи.

Тестлар

1. Авестода қайси шаҳар дунёнинг маркази сифатида кўрсатилган?
 - A) Марв
 - B) Нишоупур
 - C) Самарқанд
 - D) Қуддус
 - E) Бухоро

2. Қуйидагилардан қайси бири зардуштийлик динининг ахлоқий асослари ташкил этган?
 - A) эзгу фикр
 - B) эзгу сўз
 - C) эзгу амал
 - D) A ва B
 - E) ҳамма жавоб тўғри

3. “Пайғамбарлик фалсафаси” ўрта аср мутаффакирларидан кимлар илгари сурган?
 - A) Форобий
 - B) ибн Сино
 - C) Мотурудий
 - D) A ва B
 - E) A, B ва C

4. “Темур тўзуклари” нинг асл туркий нусхаларидан бири Ямандаги Турк-усмоний халифалигининг қайси ҳокими кутубхонасида сақланиб қолган?
 - A) Жаъфар Пошо
 - B) Халиф Пошо
 - C) Умид Пошо
 - D) Жамшид Пошо
 - E) Журий

5. Улуғ Туркистонда эълон қилинган “Баёни ҳақиқат” кимга тегишли?
 - A) Беҳбудий
 - B) Фитрат
 - C) Турдий
 - D) Мунавварқори
 - E) Шухрат

Саволлар

6. Ўрта Осиё давлатларидаги илк сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ўзига хос хусусияти нимада?
7. Қадимги давр мутаффакирларининг қандай таълимотларини билсиз?
8. Уйғониш даври мутаффакирларидан кимларни биласиз?
9. “Темур тузуклари” да давлат ва ҳуқуқ ҳақида нималар дейилган?
10. Жадидларнинг “давлат ва ҳуқуқ” ҳақидаги қарашларидаги ўзига хослиги нимада?

Атамалар

1. Авесто
2. Зардушт
3. Ахурамазда
4. Форобий

5. ибн Сино
6. Давлат
7. ҳуқуқ
8. Темур
9. Темур тўзуқлари
10. Жадид

Кроссворд

5

2
2 4

1


1

4

6

3

2



Бўйига:

1. Муқаддас китоб
2. Эзгулик худоси
3. Абу Али ибн ...
4. маросим
5. Кўрагонийнинг исми
6. янгиликка интилувчи

Энига:

1. Зардуштийлик дини асосчиси
2. Абу Наср

3. Бошқарув аппарати
4. Шоҳ яшайдиган уй

4. Мавзу. XX аср сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида давлат ва ҳуқуқ масаласи.

1. XX асрдаги ҳуқуқий таълимотларда давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ғояларнинг хилма-хиллиги.
2. XX асрда давлат ва ҳуқуқнинг буржуа шаклига оид ғоялар ва уларнинг тарихий натижаси.
3. XX асрда давлат ва ҳуқуқнинг социалистик шаклига оид ғоялар ва уларнинг тарихий аҳамияти. Ижобий ва салбий хусусиятлари.
4. Социалистик ғоя асосида шаклланган давлат ва ҳуқуқ тарихи.
5. Давлат ва ҳуқуқ тараққиётида мафқуранинг тутган ўрни.

Маълумки, давлатнинг келиб чиқиши, давлат ҳокимиятининг табиати, унинг мақсад ва вазифаларини, давлатнинг тараққиёт йўллари ва шу кабиларни турлича изоҳловчи кўплаб хилма-хил назариялар мавжуд. Бу ҳолат ижтимоий ҳодиса сифатида давлатнинг мураккаблиги, кўпқирралилиги билан, ўтмишдаги ва ҳозирги вақтдаги унинг шакллариининг хилма-хиллиги, шунингдек, давлатнинг сиёсий ҳокимиятни амалга ошириши, унинг фаолиятининг турли ижтимоий синфлар ва гуруҳлар манфаатларига бевосита дахлдорлиги билан боғлиқ. Булар объектив омиллардир.

Агар ушбу муаммога субъектив жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, мазкур ҳолат турли муаллифларнинг турли мафқуравий ва фалсафий нуқтаи назарлари билан ҳам боғлиқлигини кўрамиз.

Давлат тўғрисидаги назарияларни шартли равишда тўрт гуруҳга:

- давлатнинг моҳияти тўғрисидаги;
- давлатнинг мақсад ва вазифалари ҳақидаги;
- давлатнинг фаолият воситалари ва методлари тўғрисидаги;
- давлатнинг кейинги тараққиёти истиқболлари ва йўллари ҳақидаги назарияларга ажратиш мумкин.

Модомики, турли муаллифлар ўз асарларида давлат билан боғлиқ муаммоларни тушунтириш мақсадида юқорида қайд этилган масалаларга у ёки бу тарзда мурожаат қилар эканлар, хилма-хил гуруҳларга мансуб назариялар турли бирикмалар ташкил этиб, ўзаро таъсир этмай қолмайди.

қуйидагиларни давлат моҳиятига боғлиқ назариялар қаторига киритиш мумкин:

Элита назарияси. Ушбу назария XX аср бошларида вужудга келди (В.Парето ва Г.Моски асарлари) ҳамда асримиз ўрталарида янгадан ривожлантирилди (Х.Лассуэл, Д.Сартори, Т.Дай ва бошқалар томонидан). Мазкур назариянинг бош ғояси, гўё халқ оммаси давлатни идора этишга қодир эмаслиги, шунинг учун бошқариш жамиятнинг ҳукмрон доираси - элитаси томонидан амалга оширилиши кераклигини исботлашдан иборат. Элиталар турли белгилари (келиб чиқиши, маълумоти, тажрибаси, қобилияти кабилар)га қараб аниқланади. Дарвоқе, бунда элита сафлари халқ оммаси ҳисобига, уларнинг энг қобилиятли вакиллари билан тўлдириб борилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилади.

Бунинг устига, мазкур назариянинг ҳозирги тарафдорлари бир қанча элиталар мавжуд бўлиб, улар ўртасида ҳокимият учун кураш бориши, бироқ, халқ ўз сайлов ҳуқуқидан фойдаланиб, улар фаолиятини назорат қилиши мумкин, деб таъкидлайдилар. Шубҳасиз, ушбу назариянинг нуқсонлари ҳам мавжуд. Чунончи, аҳолини ҳокимият ишларидан четлаштиришни тарғиб қилади, ҳокимиятнинг синфий табиати бутунлай инкор этилади. Лекин ушбу назариянинг ижобий томонлари ҳам йўқ эмас. Ҳақиқатан ҳам, ҳокимият ишларини олиб бориш амалда кишиларнинг ғоят чекланган доираси - депутатлар, давлат маҳкамаси ходимлари томонидан бажарилади. Муҳими - мазкур кишилар чиндан ҳам халқ, турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар манфаатларини ифода этишлари керак. Шу жиҳатдан халқ сайлаган ва ўз номидан вакил қилган кишиларнинг элита характерини, улар фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлаш заруратини тушуниш мумкин.

Технократик назария. Мазкур назария асримизнинг 20-йилларида вужудга келиб, 60-70-йилларда анча кенг тарқалди. Унинг тарафдорлари орасида Т.Веблен, Д.Барнхейм, Г.Саймон, Д.Белл ва бошқалар бор эди. Умуман олганда ушбу назария элиталар назариясига жуда ўхшаб кетса-да, замонавий воқеликни ҳисобга олиши билан ажралиб туради.

Бу назарияга кўра, жамиятни мутахассис-бошқарувчилар, мененжерлар идора этишлари лозим (кўпинча амалда ҳам шулар бошқаришади). Айнан уларнинг ўзлари жамиятнинг ҳақиқий эҳтиёжларини, унинг энг матлуб ривожланиш йўллари, бунинг учун зарур воситаларни аниқлашга

қодир. Бу бошқаришни илмий асосда олиб бориш имконини беради ҳамда жамиятнинг ўсиб боруви ривожини таъминлайди.

Мазкур таълимот ғояларидан нафақат давлатнинг моҳиятига, балки унинг бошқа жиҳатларига ҳам тегашли бўлган бошқа назарияларда ҳам фаол фойдаланилмоқда.

Плюралистик демократия назарияси. Мазкур назария ҳам XX асрда пайдо бўлган. Г.Ласки, М.Дюверже, Р.Дарендорф, Р.Даль ва бошқалар ана шу назария вакиллари дир. Ушбу назария социал-демократларнинг ҳам, либералларнинг ҳам қарашларини ифодалайди. Унинг ғояси ҳозирги жами-ятда моҳият-этиборига кўра синфлар амалда йўқолиб кетди ва ҳокимият шу тариқа ўз синфий табиатидан халос бўлди, деган маънони билдиради. Жамият турли белгиларига - ёши, касб-кори, истиқомат жойи, манфаатлар доираси ва бошқаларга кўра юзага келадиган одамлар ижтимоий бирлашмалари (страталар) йиғандисидан иборат.

Шундай қилиб, кексалар ва ёшларнинг, спортчилар ва пивохўрларнинг страталари мавжуд бўлиши мумкин ва ҳоказо. Ҳар бир одам кўпчилик страталарга кира олади. Улар асосида давлат идораларига «тазийқ» ўтказувчи ҳамда шу йўл билан давлат сиёсатини йўналтирувчи турли сиёсий ва жамоатчилик ташкилотлари тўзилади. Бинобарин, ҳар қандай одам, ҳар бир бирлашма давлат ҳокимиятида ўз «улуши»га эга бўлади, давлатни бошқаришда иштирок этади. Давлат шу тариқа умум иродасининг, бутун жамият манфаатларининг ифодачисига айланади.

Ушбу назариянинг ижобий жиҳатлари унинг чинакам демократик характерида, давлатни бошқариш ишларида барча фуқаролар иштироки зарурлигани асослашида намоён бўлади.

Давлатнинг мақсадлари тўғрисидаги масала юзасидан баҳс юритувчи назариялар орасида «умумий фаровонлик давлати» назариясини қайд этиб ўтиш керак. У иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган бўлиб, давлатнинг ижтимоий ҳаётга аралашмаслигига оид олдиндан мавжуд таълимотга қарши чиқади. Бунда нафақат ҳуқуқбўзарлик ҳолатлари мустасно этилади («Тунги қоровул давлати» назарияси). Унинг моҳияти 30-йилларда Д.Кейнс томонидан таърифлаб берилганди. Д.Мюрдал, А.Цигу, К.Боулдинг, В.Мунд ва бошқаларнинг асарларида бу назария янада ривожлантирилган.

Мазкур назариянинг бош ғояси шундан иборатки, барча синфлардан устун тураркан, давлат аҳоли барча қатламлари манфаатларини ифодалай бошлайди, умумфаровонликни таъминлайди. Ривожланган мамлакатларнинг аҳоли турмушининг юксак даражасини таъминлашдаги, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда йирик давлат дастурларини амалга оширишдаги улкан муваффақиятлари ушбу назариянинг юзага келишига сабаб бўлди. Мазкур назария инсон манфаатларини давлат фаолиятининг асосига қўйиш билан ҳар бир шахс кадр-қимматига эътиборни жалб этади.

Ҳуқуқий давлат назарияси. Бундан олдингисига қарама-қарши ўлароқ, бу назария ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳуқуқнинг устуворлигани таъминлашдан иборат давлат фаолияти мақсадини ҳам, давлатнинг иш юритиш воситалари, йўсинларига оид муаммоларни ҳам ёритади. Бу назария муаллифлари ҳақли суратда, давлатнинг бутун фаолияти ҳуқуқий мақсадларда, ҳуқуқ асосида ва ҳуқуқий воситалар ила амалга оширилиши керак, деб таъкидлайдилар. У бизнинг замонамизда энг оммавийлашган ва энг долзарб ҳамда илғор назариядир. Унинг ижобий жиҳатларига қисқача тўхталадиган бўлсак, энг аввало, унинг жамиятни демократлаштиришга, давлат органлари ипиаридан ўзбошимчалик, зўравонлик ва жрнунсизликни бутунлай мустасно этишга йўналтирилганлигани таъкидлаш зарур. Камчилиги - жамият ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги аҳволдан келиб чиқиб, баъзи тамойил-ларни амалга оширишнинг имкони бўлмаган ҳолларда улар-нинг бир қадар қуруқ баёнотга айланишидадир.

Давлат фаолияти назариялари ва воситалари қаторига «*технократик давлат*» назариясини ҳам киритиш керак. Унинг пайдо бўлиши аксарият мамлакатларнинг техника воситалари, шу жумладан, радиоэлектроникани ўзлаштириш ва улардан фойдаланишдаги йирик муваффақиятлар билан боғлиқ. Мазкур назарияга кўра, техниканинг бундан кейинги тараққиёти давлат бошқарувининг кўпгана масалаларини бошқача ҳал этиш имконини беради. Масалан, радиотелевизион техникадан фойдаланган ҳолда фуқаролардан социологик сўровлар ва ҳатто овоз бериш (референдум) ўтказиш мумкин. Компьютерлар алоҳида шахслар иродасига боғлиқ бўлмаган адолатли ва энг мақбул ечимларни топиш имкониятини беради.

Давлатнинг истиқболдаги ривожини башорат қилувчи назариялардан бири - *конвергенция назарияси* XX асрнинг 50-60-йилларида пайдо бўлган (Д.Гэлбрейт, Р.Арон, П.Сорокин асарлари). Унинг моҳияти шундан иборатки, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида икки тизим: ғарбда - АҚШ, Англия ва бошқалар билан собиқ Совет Иттифоқи ва социалистик лагернинг бошқа

мамлакатларининг бир-бирларига ўзаро таъсири рўй беради. Нагижада юқоридаги мамлакатларнинг ҳар бир гуруҳи энг яхши томонларни ўзлаштиради ва шу тариқа ўз моҳияти, ташкилий уюшиши, фаолият шакллари ва шу кабилар бўйича давлатларнинг яқинлашуви содир бўлади. Назария муаллифларининг фикрича, бу шундай ҳолатга олиб келиши керакки, унга кўра маълум вақтдан кейин ўзаро фарқлар йўқола бориб, ягона типдаги «постҳиндутриал давлатлар» - «умумий фаровонлик» давлатлари юзага келади.

Мазкур назария муаллифларининг олдиндан кўра билиш заковатларига тан бериш керак. Зеро, ушбу назария ғояларининг ҳаммаси бўлмаса-да, кўпчилиги ҳозирги ҳаётимизда ўз тасдиғини топмоқда.

Давлат тўғрисидаги назариялар орасида **тарихий-материалистик назария** алоҳида ўрин эгаллайди. У давлатнинг мавжудлиги ва тараққиётининг кўпгана жиҳатларини таҳлил этади. Бу назариянинг асосида тарихий материализм ва синфий кураш ғоялари этади. Давлатга иқтисодий ҳукмрон синф ҳокимиятининг курали сифатида қаралади. Унинг хусусиятлари энг аввало жамият тараққиётининг муайян босқичидаги унинг иқтисодиёти билан белгиланади. Мақсад - социалистик, сўнг эса, коммунистик жамиятни ҳам куриш, давлатнинг охир-оқибат тақдири эса, коммунистик жамият барпо этила бориши билан барҳам топишига эришишдан иборат.

Марксча ёндашув XIX аср ўрталарига тўғри келувчи давлатнинг буржуа типини тўғри тавсифлаб берди. Шу вақтга келиб, саноат капитализмининг шаклланиши ниҳоясига етган ва унга хос бўлган буржуазия билан пролетариат ўртасидаги зиддиятлар кучайиб, синфий курашнинг кескинлашуви юз берди. Лекин давлат ва унинг типологиясига марксистик ёндашувнинг бундай мувофиқлиги 1917 йил Октябр тўнтаришигача давом этган эди. «Классиклар»нинг капитализмининг чириб бориши ва ҳалокати тўғрисидаги башоратларига келсак - улар ўзини окламади. Капиталистик тўзум Россиядаги инқилоб берган сиёсий зарбага бардош берибгана қолмай, 20-йиллар охири ва 30-йилларнинг бошларидаги чуқур иқтисодий инқироз шароитлари машаққатларидан ҳам муваффақиятли ўтди.

Буржуа давлати. Дастлабки буржуа (капиталистик) давлатлар бундан 200-300 йил муқаддам Оврупо ва Шимолий Америкада вужудга келган. Хусусан, улар Буюк француз инқилобидан кейин кенг тарқалди.

Буржуа жамиятини лоақал бир хусусияти - расман мустаҳкамланган синфий тенгсизликка асосланган ўзидан олдинги ижтимоий-иқтисодий формациялардан фарқди ўлароқ, капиталистик ишлаб чиқариш усули ўз меҳнатини эркин сотувчи ишчиларга эга бўлганлиги учун ҳам анча илғор (прогрессив)роқ дейиш мумкин. Умуман эса, буржуазия «Озодлик, тенглик, қардошлик» каби мафтункор шиорлардан фойдаланиб, ҳокимиятни қўлга киритарди. АҚШнинг Мустақиллик декларациясида, Франциянинг Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси ва бошқа худди шундай ҳужжатларда барча одамларнинг тенг бўлиб туғилиши ва тенг ҳуқуқларга эга эканлиги, улар шундай ҳолатда қолишлари кераклиги эълон қилинарди. Бироқ, афсуски, бундай ваъдаларнинг кўпчилиги ҳаётга татбиқ этилмай қолиб кетарди. Ниҳоят, буржуа давлати табақавий тенгсизликни барҳам топтирган бўлса-да, унинг ўрнига ижтимоий тенгсизлик келди. Бировлар ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилса, улардан маҳрум бошқалар эса, ўз ишчи кучларини сотишга мажбур эдилар. Шунини ҳам эътиборга олиш муҳимки, буржуа жамияти ўз тараққиёти давомида қатор босқичлардан ўтади, у билан бирга давлат ҳам ўзгариб боради.

Биринчи босқич (сармоянинг илк жамғарилиши ва эркин рақобат даври)да буржуазия синфи жуда кўпсонли бўлиб, озми-кўпми тенг ҳажмдаги мулкка эга бўлади. Ана шунинг ўзи уларнинг умумий манфаатларини белгилайди. Буржуа давлати ушбу манфаатларнинг ифодачиси ва ҳимоячиси сифатида майдонга чиқади. Унинг фаолияти яққол кўзга ташланадиган синфий тусга эга бўлади: ишчиларнинг бирлашишлари ман этилади, мулкий маълумот олиш, ўтроқлик ва шу каби цензлар деб аталадиган турли тўсиқлар жорий этилиб, ишчиларнинг давлатни бошқаришдаги иштирокларини чеклашга эришилади. Шу тариқа ялпи тенг ҳуқуқлик тантанали шиорлигича қолиб кетиб, амалда сиёсий тенгсизлик қонуний жиҳатдан мустаҳкамланиб борди. Давлат ҳам, ҳуқуқ ҳам ҳукмрон синф манфаатларини ҳимоя қилар, яъни ўз функциясини астойдил бажарарди. Давлатнинг умумижтимоий функциялари четга суриб қўйилган эди.

Буржуа жамияти ривожининг **иккинчи босқичи** XIX аср охири - XX аср бошларига тўғри келиб, **монополистик капитализм** номи билан машҳур. Унинг бошқалардан фарқ қилувчи асосий хусусияти шундаки, кўпчилик майда корхоналар рақобатга бардош бериш мақсадида трестлар, синдикатлар, корпорация ва бошқаларга бирлашадилар. Саноат, савдо ва молия сармояларининг бирлашуви содир

бўлади ва шу та-риқа ишлаб чиқариш ҳамда тақсимот турли хилларининг монополиялашуви кўзатилади. Натижада бойликнинг катта қисми буржуазиянинг нисбатан камчиликни ташкил этувчи вакиллари қўлида тўпланади.

Бундан ташқари, уларнинг қўлларида сиёсий ҳокимият ҳам жамлана боради. Демократик тўзилмаларга эҳтиёж барҳам топади. Баъзи ҳолларда бу монополистлар манфаатларини ифодаловчи антидемократик тартибларнинг пайдо бўлишига олиб келади (масалан, Олмония ва Италиядаги фашистик тартиблар, Лотин Америкаси ва Жанубий Африкадаги ҳарбий-полиция давлати ва бошқалар). Бунинг устига кўпинча бунга ўхшаш тартиблар ҳокимият тепасида турувчи давлат ёхуд партия-давлат маҳкамаси раҳбар доиралари манфаатларини ҳимоя қилади. Мазкур ҳолатларда демократик тўзилмаларни саклаб қолиш ғоят зарур бўлиб, бунинг уддасидан чиқиш тобора кийинлашиб боради.

Шунга қарамай, ҳар қалай, кўпчилик мамлакатларда демократия тамойиллари ҳатто ривожланади ҳам: цензлар (турли чеклашлар) бекор қилинади, умумий сайловлар ҳуқуқи жорий этилади. Айни пайтда, ҳокимият ҳамон монополистик буржуазия қўлида қолаётганига қарамай, В.В.Лазарев таъкидлаганидек, бошқарувнинг демократик шакллари ривожланиб бориши билан бир вақтда ҳукмдорлар нуфўзини саклаб қолиш учун умумижтимоий вазифаларга тобора кўпроқ эътибор бериш талаби кучайиб боради.

Кўриниб Турибдики, буржуазия давлати пайдо бўлиши билан жамият ўз тараққиётида сифат ўзгаришига молик сак-рашни бошдан кечирганлиги шак-шубҳасиз. Ўз навбатида бу қонуниятдир. Бундай шароитларда меҳнат унумдорлигини ошириш зарурати ўсиб боради, бу эса, фан ва техникадаги жиддий кашфиётлар билан боғлиқдир.

Вақт ўтиши билан монополистик капитализмнинг давлат-монополистик капитализмга ўсиб ўтиши содир бўлади, бу эса, давлатнинг ўзи ҳам монополист бўлиб қолганлигани билдиради. У, С.А.Комаров таъбири билан айтганда, **бирлашган капитализмга** айланади.

Асримизнинг 30-йилларида буржуа жамияти ўз тараққиётининг янги, ҳозирги замон босқичига киради. Бу давр буржуа давлатидаги туб ўзгаришлар билан ажралиб туради. Содир бўлган ўзгаришларнинг сабаблари, энг аввало, аср бошидаги инқилобий ҳаракатнинг ўсиши билан боғлиқдир. Жумладан, Россиядаги 1917 йил октябр воқеалари бутун дунё ҳамжамиятидаги буржуа давлатининг ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатди.

Буржуа давлатининг ўзгаришига фан-техника тараққиёти ютуқлари ҳам таъсир этмай қолмади. Зеро, саводхон, юксак малакали кишиларгина яхши ишчи бўлиши мумкинлиги равшан бўлиб қолганди. Умуман олганда, инсоният - эксплуататорлар ҳам, эксплуатация қилинувчилар ҳам акклироқ бўлиб бораверишлари сезилган. Эксплуататорлар, жумладан, ишчилар синфини ўз «қора тўни»да сакдаб қолавериш қимматга тушаётганини, бу нарса хавф-хатардан холи эмаслигини тушуниб қолишди. Эксплуатация қилинувчилар ҳам қуроли ёрдамида мураса йўлини топиш бирдан-бир чора эмас, деган хулосага келдилар. Бу меҳнат унумдорлигининг анча ўсишига ва оқибат натижада аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келди.

Бундан ташқари, ҳозирги замон буржуа жамиятида давлат ҳам иштирок этаётган акциялаштиришнинг кучайиб бориш жараёнида аста-секин хусусий мулк улуши қисқариб бормоқ-да, бу эса, жамиятнинг иқтисодий асослари ўзгараётганини билдиради. Айни пайтда, йўқсуллар (пролетариат) синфи ту-габ кетмоқда. Зеро, йўқсуллар камайиб, акциядорлар сони ортиб бормоқда. Ишчиларнинг аксарияти аҳолининг бошқа қатламлари билан биргаликда «ўрта» синфни вужудга келтирмоқда. Эндиликда илгаригадек буржуазия қўлида қолаётганлигига қарамай, жамият қолган қисмининг унга таъсири кучаймоқда. Бунда демократик сайлов тизими қўл келмоқда. Чунки мазкур жараёнда ҳукмрон раҳбар доираларининг кўпчилик вакиллари бутун жамиятнинг сергак ва жиддий назорати остида бўлади. Ҳуқуқ ва қонунчилик тобора кўпроқ аҳамият касб эта боради: ижтимоий, ҳуқуқий давлатни чинакамига шакллантириш сари муайян олға силжишлар рўй бермоқда. Давлатнинг функциялари сезиларли даражада ўзгарди. У режалаштириш, давлат буюртмаларини жойлаштириш, кредитлаш йўллари билан иқтисодиётга фаол аралашмоқда. Халқ хўжалигининг айрим тармоқларини давлат ихтиёрига ўтқа-зиш амалга оширилмоқда. Лекин, бу ерда сўз ушбу тадбирни зўравонлик билан бажариш ҳақида бораётгани йўқ. Аксинча, давлат хусусий тадбиркорлар учун самарасиз, аммо аҳоли эҳтиёжи мавжуд бўлган буюмлар ишлаб чиқаришни ҳамда хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замон ғарб буржуа давлати классик маънодаги буржуа давлатидан жиддий фарқ қилади. Зеро, унинг моҳиятини тушуниш учун синфий ёндашувнинг ўзи мутлақо етарли эмас. Шунинг учун ҳам давлат-нинг фақат синфий моҳиятигана эмас, балки унинг

ҳозирги вақтда тобора кўпроқ аҳамият касб этиб бораётган ижтимоии жиҳатини ҳам ҳисобга олувчи давлат таҳдидига бошқача ёндашувлардан ҳам фойдаланиш керак.

Социалистик давлат. Мазкур гоё дастлаб назария сифатида К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.Ленин асарларида пайдо бўлди. Марксизм-ленинизм классиклари ўз асарларида социалистик давлатни бошқа ҳар қандай турдаги давлатларга қарши қўйдилар ҳамда улардан асосий фарқи бу давлатларда ҳокимият эксплуатация қилувчи озчилик қўлида бўлиб, эксплуатация қилинувчи кўпчилик қаршилигани бостиришда ундан фойдаланишида, деб билдилар. Социалистик давлат, «классиклар» фикрича, **социалистик инқилоб** натижасида вужудга келиши керак эди, яъни ҳокимиятни қўлга киритиш зўравонлик йўли билан амалга оширилиши шарт эди. Эски давлат машина-сини синдириб, **пролегарият диктатурасини** ўрнатиш зарурати бунга сабаб қилиб кўрсатиларди. Шу билан бирга инқилоб ғалабасидан сўнг ҳокимият ишчилар синфи қўлига ўтиши режалаштирилганди. Ишчилар синфи эса, бутун халқ манфаатлари йўлида ағдариб ташланган эксплуататор синфлар қаршилигани бостириб бориши, шунингдек, «янга ёрқин келажак»ни бунёд этиш йўлида халқни ўз орқасидан эргаштириши керак эди. Капиталистлар ҳукмронлигадан озод бўлган халқ ишлаб чиқариш воситаларининг умумийлаштирилиши шароитларида меҳнат унумдорлигани оширишда мислсиз сакрашни содир этади фан ва техникани ривожлантиришда буюк ютуқларга эришилади, барча меҳнаткашлар янги ҳаётнинг фаол бунёдкорларига айланадилар ва уларнинг барчаси давлат ишларини бошқаришга жалб этилади, деб тахмин қилинган эди («ошпаз аёл ҳам давлатни бошқариши мумкин», деган машҳур иборани эсланг).

Умуман, давлат тўғрисида гапирадиган бўлсак, марксистлар унга унчалик катта аҳамият беришмаганди. Боз устига, улар давлат ўз қиёфасидан маҳрум бўлади ва даставвал «ярим давлат»га айланиб, кейинроқ (зарурат бўлмаганлиги боис) умуман барҳам топади, деб ҳисоблашарди. Ана шундай «назарий қоида»лар Лениннинг «Давлат ва революция» асарида баён этилган.

Эндиликда биз ушбу фаразларнинг аксарияти тағи пуч уйдирмалардан бошқа нарса эмаслигани аниқ тушуниб олдик, ҳатто, СССРда 70 йил мобайнида социалистик давлатнинг яшаганлигининг ўзи мазкур назарияларнинг утопиядан иборат эканлигани рад этолмайдигина эмас, балки уларнинг бемаънилиги, ҳатто ҳалокатлилигани бутун куч билан ис-ботлаб Турибди.

1917 йил Октябр тўнтаришидан кейин Россияда барча ишлаб чиқариш воситалари ва ер давлат ихтиёрига ўтказилганидан сўнг мамлакат ўзининг ҳақиқий хўжайинларидан маҳрум бўлди, меҳнатга ҳақ тўлашдаги текисчилик унумли меҳнатни бесамар қилиб қўйди. Натижада меҳнат мажбурий юкка айланди. Давлатда ҳокимият сўздагана вакилликка асосланган бўлиб, халқ номидан иш юритаётгандек кўринса-да, амалда бир тўда фитначилар қўлида эди. Улар шафқатсиз террор - «пролетарият диктатураси» ёрдамидагина ҳокимиятни қўлларида ушлаб тура олардилар.

Лекин, маълумки, ҳокимиятни эгаллаб олишнинг ўзи кифоя қилмайди, уни ушлаб қолиш яна ҳам қийин ва муҳимроқдир. Давлат ҳокимиятининг бутун кейинги тарихи -жиноятларнинг қонли занжиридан иборат. 30-50-йиллар «социализм»нинг модели, С.А.Комаров тўғри таъкидлаганидек, асосий ишлаб чиқариш воситаларини тўлиқ давлатлаштириш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига давлатнинг аралашуви, ижтимоий манфаатларнинг шахс манфаатларидан устуворлиги ва фуқароларнинг қатор ҳуқуқ ва эркинликларини инкор этиш асосига қурилганди.

Шу муносабат билан В.В.Лазаревнинг: «Оқибат-натижада амалда ягона давлат мулкчиликка асосланган жамият ва давлат шаклланди. Шунинг учун ҳам улар кўп жиҳатдан шарқ типидagi жамият ва давлатларга ўхшаб кетарди. Партия-давлат маҳкамаси, тўғрироғи, унинг раҳбар доиралари ишлаб чиқариш воситаларининг ҳақиқий эгаларига айланди. Натижада улар чекланмаган ҳокимиятга эга бўлдилар», - деган фикрига қўшилмай бўлмайди. «Социализм» куришга киришган бошқа мамлакатларда ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлса-да, юқоридагига ўхшаш жараёнлар содир бўлаётганди.

Шундай қилиб, социалистик давлат ғояси амалда юзага чиқмай қолди - утопиялигича қолиб кетди. Бироқ, бу социализм ғояларини бугунлай инкор этиш деган гап эмас. Дарвоқе, урушдан кейинги кўпгана буржуа давлатлари илмий социализмнинг баъзи қоида ва ғояларидан фойдаландилар ҳаадда коммунистлардан фаркли ўлароқ уларни ҳаётга татбиқ ҳам этдилар. Булар - умумий тенг ҳуқуқчилик тўғрисидаги, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақидаги, аҳолининг юксак турмуш даражасини таъминлаш мақсадида давлат назоратини йўлга қўйиш тўғрисидаги ғоялар эди. қолаверса, бу ғояларни зўр-базўргана соф «социалистик ғоялар» деб аташ мумкин. Масалан, Курьон К.Марксдан 1100 йил олдинроқ тенглик, қардошлик ва ижтимоий адолат ғояларини эълон қилган.

Капиталистик давлатларнинг ишчилар ва инқилобий ҳаракатдан, социалистик тўзум хавфидан «ташвишланиши» етмиш йиллик даврдан кейин деярли йўқолди. Инсоният минг йиллардан буён табиий равишда таракқий этиб келган йўлга қайта кириб келмоқда. Энди ўйлаб қарасак, Россияда 1917 йилдаги Октябрь тўнтариши ғайритабиий ҳаракат бўлганлиги тобора аниқ бўлмоқда.

Тўғри, марксизм ва социализм ғоялари инсоният ривожланишидаги яхши ҳаёт рамзи сифатида эмас, балки миллионлаб кишиларнинг оғир турмуши, яхши яшаш учун қилган орзу-умидлари натижасида юзага келганди. Социалистик инқилоб, пролетариат диктатураси ана шундай гўзал ва бой турмушга олиб келиши тасаввур этилар эди. Лекин бундай бўлиб чиқмади. 70 йилдан ортиқроқ вақт яшаган ниҳоятда қудратли СССР мустақил давлатларга тарқалиб, бўлиниб кетди, социализм ва коммунизм кураш назарияси ва амалиёти асримизнинг 90-йилларига келиб барбод бўлди. Бироқ социалистик давлат 1917 - 1991 йилларда тарихда яшади, қатор функцияларни озми-кўпми амалга ошириб келди. Уларни қисқача кўриб ўтмаслик мумкин эмас.

СССРда давлатнинг ички функциялари 1. Ҳокимиятдан ағдарилган собиқ эксплуататор синфлар қаршичилигини бостириш. Тўғри, уларнинг бир қисми меҳнаткашлар сафига қўшилиб кетди, қолганлари эса синфий кураш сиёсати асосида, социалистик курашларга қаршилик кўрсатаётганлар сифатида жисмонан йўқ қилиб юборилди. Бугана эмас, меҳнаткашлар, давлат ва жамоат арбоблари сафидан ҳам миллионлаб кишилар халқ душмани, Ватан хоинлари сифатида бу курашнинг қурбони бўлди. Умуман СССР мазкур функцияни «аъло» даражада бажарди. Ягона синф диктатураси оқибати ана шу қонли фожиалар билан тугади.

2. Синфий курашдан қўли бўшаган пайтда совет давлати муҳим хўжалик-ташқилотчилик ишларини ҳам олиб борди. Бунда давлат иқтисодийнинг деярли ҳамма масалаларини қағъий режалаштириш, маблағ ва ресурслар билан таъминлаш сиёсатини ва амалиётини олиб борди, халқ хўжалигани бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик усуллари туфайли умумий ривожланиш натижалари ҳам анча сезиларли бўлди. Ишлаб чиқаришда ягона давлат банкига тушган фойдалар ҳисобига кенг доирада саноатни, қурилишни, қишлоқ хўжалигани жиддий ривожлантириш учун имконият яратилди.

3. Совет давлати олиб борган маданий-тарбиявий функция асосида саводхонлик анча ошди, таълим, санъат, адабиёт ва дунёвий фанлар ривожланди. Бироқ ягона мафкура таъсири остида тарихий ва миллий ҳамда умуминсоний кадриятлардан фойдаланиш қағъий чекланди.

4. Давлат меҳнат ва истеъмол меъёри устидан назорат олиб борди ҳамда аҳолига бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича тадбирларни амалга ошириб турди, ишсизликка барҳам берилди.

СССРда давлатнинг ташқи функциялари

1. Мамлакатни мудофаа қилиш функциясини Совет давлати чет эл интервенцияси ва гражданлик уруши ҳамда Улуғ Ватан уруши даврида айниқса яхши бажарди.

2. Дунёдаги ҳукмрон икки ижтимоий-сиёсий тизим пайтида СССР тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун курашни ҳам давлат функцияси даражасига кўтарди.

3. Аввалига халқ демократик, сўнгра социалистик давлатлар билан ҳамма томонлама ҳамкорлик олиб бориш СССРнинг муҳим ташқи функцияси эди. Бунда Совет давлати социализм Социалистик мулкни кўриқлаш функцияси. Уни давлат ниҳоятда қаттиққўллик билан, 1932 йилда бу мулкни талон-торож қилганлик учун ҳатто ўлим жазосини жорий этиш, 1947 йилдаги фармон билан эса уни саклаб қолиш билан олиб борди. Чунки давлат (социалистик) мулкни кўриқлаш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асоси, деб тушунилар эди. Амалда ҳам шундай бўлганди.

Давлат расман фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўриқлаш функциясини ҳам олиб борди. Бироқ миллионлаб кишиларнинг қонуний асосларсиз йўқ қилиб юборилиши, ўзоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилиши бундай функциянинг авж олишига тамоман зид эди.

Совет давлати табиат бойликлари ва атроф муҳитни муҳофаза этиш бўйича ҳам ташқилий-ҳуқуқий тадбирлар белгалаган эди. Аммо бунда сезиларли натижаларга ҳали эришилмаганди. Аксинча, совет тўзуми табиатга аёвсиз талафотлар етказди.

СССР маълум доирада капиталистик мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик функциясини бажарган. Бироқ бунда мафкуравий тўсиклар ҳалақит берар эди.

СССРда давлат бажарган ички ва ташқи функцияларнинг ижобий ва салбий натижалари мавжуд. Улар келажакда янада аниқ-равшан бўлажак. Бироқ шуни айтиш лозимки, СССРнинг тарқалиб кетишида миллий, миллий-давлат муносабатларидаги нуксонлар беягиловчи аҳамиятга эга бўлди.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг марксча-ленинча босқичида ҳукмронлик қилган шўро давлатининг анъанавий баҳоси ҳамда Лениннинг «Давлат ва инқилоб» (1917 й.) асарига

тўхталамиз. Ленин ўзининг бу асарида социалистик давлатда ҳокимиятни ташкил этиш тўғрисидаги Маркснинг айрим ғояларини, тўғрироғи пролетариат диктатураси ҳақидаги ғояларини ривожлантиришга уринган. Бундан ташқари, Париж Коммунаси тажрибасини, яъни бир шаҳарда, боз устига, фавкулдда ҳолат (хужумлардан сақланиш, иқтисодий қийинчиликлар) ҳукм сурган шароитда ҳокимиятни ташкил этиш тажрибасини улкан бир давлатга кўчиришга интилади. Бирок, етмиш йил мобайнида бу асар буюк илмий ютуқ, коммунистик жамият қурилиши даврида давлатчиликни ривожлантиришнинг назарий асоси деб баҳолаб келинди. Унинг мавжуд шароитга нисбатан утопик мазмуни 1918 йилдаёқ ҳаёт томонидан рад этилганига қарамай, шундай қилиб келинди.

«Давлат ва инқилоб» асарида меҳнат ва истеъмол мезо-нини бошқаришга ва уни назорат қилишга ҳамма ўрганиши билан коммунистик жамият биринчи босқичидан унинг олий босқичига, шу билан бирга, давлатнинг тўлиқ барҳам топишига йўл очилади, деган утопик ғоя ифодаланади. Бу қандай қилиб рўй бериши мумкин? Ленин шундай жавоб беради: «Бу ерда барча фуқаролар қуролланган ишчилар сингари давлат қўлидаги ёлланма хизматчиларга айланадилар. Барча фуқаролар ягона умумхалқ, давлат «синдикати» хизматчилари ва ишчилари бўлиб қоладилар. Гап шундаки, улар тенг ишлашлари, иш мезонига тўғри риоя қилишлари ва тенг ҳақ олишлари керак». Лекин Ленин - қандай қилиб тенг меҳнат қилиш, уни қандай қилиб ўлчаш мумкин - деган саволларга жавоб бермади ва беролиасди ҳам. Зеро, 1918 йилнинг ўзидаёқ ҳаёт бу таълимотни чиппакка чиқарди.

Мазкур ҳолатни батафсилроқ қараб чиқамиз. 1918 йил-нинг ўзидаёқ халқни умумий қуроллантиришни амалга ошириш эмас, балки профессионал қизил Армия тўзиш эҳтиёжи туғилди. Давлат бошқарувига синфий жиҳатдан ишончли, бироқ малакасиз ходимлар эмас, балки мутахассисларни жалб этиш зарур бўлиб қолди. Шуниси диққатга сазоворки, 1918 йили мутахассисларга ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақларидан 9 баравар зиёд маош тайинланганди. Шу билан бошқарувга оид аклий ва жисмоний меҳнатга баравар ҳақ тўлаш ҳақидаги навбатдаги хомхаёл ҳам ҳавога учиб кетди. Шўроларда бошқарув маҳкамаси ташкил этилди - мансаб-дорлар, бюрократия Шўро давлати таркибида қайта тикланиб қолди. Лениннинг ўзи «социализмга нисбатан бутун нуқтаи назарнинг ўзгаргани»ни тан олишга мажбур бўлган кезлари унинг «Давлат ва инқилоб» асаридаги ғоялар ва қоидалар кули кўкка совурилгани айниқса яққол сезилиб қолди. Бу ҳол НЭП йиллари содир бўлганди.

Бирок, ушбу асарда эълон қилинган ҳамда ривожлантирилган пролетариат диктатурасига келадиган бўлсак, у Шўро давлатининг моҳияти тавсифи сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келди. Бунда Ленин, диктатура - бир синфнинг иккинчиси устидан, аҳоли бир қисмининг бошқа қисми устидан доимий зўравонлиги ташкилоти деб, диктатура қонунга эмас, балки кучга таянадиган чекланмаган ҳокимиятни англатади, диктатуранинг илмий тушунчаси ҳеч нарса билан чекланмаган, ҳеч қандай қонунлар билан, мутлақо ҳеч қандай қоидалар билан сиқиб қўйилмаган, бевосита зўравонликка таянадиган ҳокимиятдан бошқа нарса эмас, «инқилобий халқ» бевосита ўзи «суд қилади, жазолайди, ҳокимиятни қўллайди, янга инқилобий ҳуқуқни ижод қилади», деб даъво қиларди.

Шўро давлати назарияси ва амалиётига асос қилиб олинган мазкур ғоялар айти пайтда ушбу давлати демократик ва ҳуқуқий давлат мафқурасига қарама-қарши қўйишни ангаатарди.

Бундан ташқари, назарияда Шўро давлати икки функцияни - яратувчилик (социалистик жамият қурилиши) ва мажбурулов (эзувчи синфлар қаршилигини бостириш) функцияларини бажараётганлиги таъкидланарди. Бирок бу назариядагина шундай эди. «Эзувчилар»ни бостириш ҳақиқатда бутун халққа қарши қатағонларга, мажбурий меҳнат ва ундан сал оғишларга қарши жиноий жавобгарликнинг жорий этилиши, давлат томонидан иш ҳақининг тоталитар тарзда чекланиши, крепостнойлик колхоз-совхозлари тузилишига, миллий ва ирқий камситишлар асосида халқдарни қиришга, Шўро давлатининг зўравонлик шакллари ва функциялари жорий этилишига олиб келди.

Давлат диктатураси эса аста-секин партия диктатурасига, ҳукмрон партия элитаси диктатурасига, коммунистик партия бош котибининг диктатурасига айланиб кетди. Эълон қилинадиган расмий назария билан бошқарувнинг амалдаги шакли ўртасида, шўро давлатининг амалдаги функцияси ва бошқа тавсифлари ўртасида чуқур жарлик пайдо бўлди.

Масалан, давлат ва ҳуқуқ назариясига оид турли ўқув дарсликларида коммунистик жамият қурилиши жараёнида давлатнинг «ўлиб бориши» ҳақидаги, социалистик шўро давлати «ярим давлат» эканлиги тўғрисидаги ғоялар албатта мавжуд бўларди. Буларнинг ҳаммаси Шўро давлатининг мислсиз мустақкамланиши ва ривож топиб боришида, унинг тоталитар, «партия» давлатига ўсиб

ўтиши жараёнида рўй бераётгани. Бунда партия ва давлат ташкилотлари, мансаблари, ҳокимият таркиблари, шу жумладан, армия ва хавфсизлик органларининг ҳам тўзилмавий, ҳам шахсий бири-бирига чатишиб кетиши содир бўлаётгани яққол кўриниб турарди. Ушбу даъволар асосида Шўро давлати томонидан меҳнаткашларнинг даҳшатли тарзда эзиб келинаётгани яширилди. ГУЛАГ тизимларида, қишлоқ хўжалиги меҳнатини ташкил этишда зўравонлик билан меҳнат натижаларининг 70 фоизи тортиб олинарди, ва ҳоказо.

Давлатнинг «ўлиб бориши»ни асослаш учун жамият тузилиши, таркиби соддаланиб бораркан, синфий тафовутлар йўқолиб бораркан, синфлар ўлиб боради, бунда жамият таркиблари бундай соддаланиб боргани сари давлат ҳам ўлиб боради, айтайлик, ташкилий-меҳнат соҳасидаги унинг бошқарув ролини эса, меҳнатга бўлган оддий кўникма эгаллайди, деб уқтирилди.

Сиёсий, таркибий ва ҳудудий уюшган жамият сифатида барқарорлик ва фаровонликни таъминловчи давлатнинг умумижтимоий функциялари, унинг маданиятшунослик кадрлари бундай мулоҳазалар давомида арзимас нарсалар сифатида эътибордан четда қолиб кетарди. Боз устига, шўро давлати - буржуа ҳуқуқий давлатига тамомила қарама-қарши, деб баралла эълон қилинарди.

«Давлат ва инқилоб» билан бир қаторда Лениннинг машҳур «Апрель тезислари» ҳам муҳим роль ўйнади. Айнан шу «Апрель тезислари»да Ленин бутун ҳокимият Шўроларга тегашли бўлиши керак бўлган Шўролар республикасини парламенти «қуруқ сафсатабозлик»дан иборат бўлиб, амалда капитал бошқарадиган, эзувчилар ҳукмронлик қиладиган парламент республикасига қарама-қарши қўйганди.

1918 йилги Конституция ижтимоий қатламларнинг ҳуқуқий тенгсизлигини, ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида зўравонликдан фойдаланишини очик эълон қилган давлат типини сифатида Шўро давлатини қарор топтирди ва мустаҳкамлади. Шўро давлати ўз мақсадларидан бири сифатида жаҳон инқилобига эришиш ғоясини илгари сурди.

Бошқарув шаклига кўра, Шўро давлати республика деб эълон қилинганди. Бироқ, у ғалати республика эди: унда ҳокимиятларнинг бўлиниши инкор этилар ва аксинча -ҳокимият барча шохобчаларининг Шўроларга бирлашиши эълон қилинарди. Шўроларнинг депутатлик корпуси ўзи қонунларни қабул қилар, уларни ўзи бажарар ва ҳатто улар ижросини назорат ҳам қиларди.

Дарвоқе, кўрсатиб ўтилган барча камчиликларга қарамай, ҳар қалай, давлат фаолиятининг тамойили сифатида қонунийликни қарор топтириш йўлидаги уринишларни ҳам таъкидлаш жоиз. Чунки қонунийликсиз давлатчиликнинг бўлиши мумкин эмас. қонунчиликнинг махсус ишлаб чиқилган тизими йўқлиги туфайли «инқилобий судлар» фақат ҳуқуқий онггагина амал қиларди. Ҳуқуқни қўлланувчиларнинг ҳуқуқий маданияти паст бўлган, ҳуқуққа, умуман қонунга нигилистик муносабат ҳукм сурган шароитларда бунинг аянчли оқибатларини тасаввур этиш қийин эмас. қонуний ижодкорлик фаолияти махсус касбий тайёргарликни талаб қилмайди, деган тасаввурлар кенг тарқалганди.

Шуларга қарамай, 20-йилларнинг бошларида Шўро давлатининг ҳуқуқий устунликларини шакллантиришга уриниб кўрилди - илк қонунлар, кодекслар қабул қилинди, давлат бошқаруви органлари фаолиятини назорат қилиш бош вазифаси ҳисобланган прокуратура ташкил этилди. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг ҳуқуқий шаклларини излаб топиш бўйича ишлар олиб борилди. Албатта, мазкур жараёнларнинг барчаси мажмуий, илмий асосланган моҳиятга эга бўлмай, янги қонунлар билан улар-нинг қўлланиши ўртасидаги ўзилиш яққол кўзга ташланарди. Шунга қарамай, 20-йилларнинг ўзидаёқ Шўро давлатига нисбатан ҳуқуқий давлат концепциясини қўллаш тўғрисидаги масала қўйила бошлаганди. Чунончи, Шўро республикаси ўз фаолиятини ҳуқуқий тартиблар шароитида олиб боровчи ҳуқуқий давлатдир, деб ёзганди Маллицкий.

Давлат ва ҳуқуқ тараққиётида бир қатор омиллар қатори мафқуранинг ҳам тутган ўрни беқиёсдир. Чунки аксарият мамлакатларда мафқура давлатнинг сиёсатини, унинг йўналишини белгилаб беради. Бунга мисол қилиб Гитлернинг фашистик мафқурасини, 75 йил давомида ҳукмронлик қилиб келган коммунистик мафқурани келтириш мумкин. XX-асрда анархистик мафқура қолдиқлари ҳам сақланиб қолган эди.

Анархистик таълимотнинг асосчилари бўлмиш Штирнер, Прудон, Бакуинларнинг назарида, ҳуқуқ ҳам давлат сингари бахтсизлик келтирувчи омилдир. Анархизмнинг олий мақсади «эркин (либерал) жамиятга» ана шу бахтсизлик манбаини бартараф этиш орқали боришдир. Бакуин ўзининг муҳим дастурий асарларидан бири бўлмиш «Халқаро социалистик альянс дастури»да «юридик тилда ҳуқуқ ва ҳуқуқни қўллаш деб аталадиган ҳамма нарсани» дарҳол бекор қилишни талаб қилган эди. У эркинлик, озодликнинг чинакам тантанаси учун «сиёсий қонунчиликни», яъни даставвал Конституцияни улоқгириб ташлаш зарурлигини таъкидлаган. XX аср мафқуравий ва сиёсий ҳаётида анархизмнинг айрим

кўринишлари яна такроран юзага келди. Бу сўнгги марта XX асрнинг 60-йиллари охирида Европа ва АҚШда юз берган талабалар ҳаракати билан боғлиқ ҳолда ўзини намоён қилди. Бу ҳаракатларнинг айрим гуруҳлари илоҳий қоидалар билан анархизм, марксизм ва маоизмни қориштириб, ҳуқуққа салбий муносабатда бўладилар. Европа ва АҚШдаги анархизмнинг бу кўринишлари ўзининг ўзгачалиги билан ҳам ижтимоий онга узоқ ва жиддий таъсирини ҳамда анархизм мафқурасининг мавқеини сақлаб қола олмади. Бироқ тарихда шундай воқеалар юз берадики, юридик-нигилистик мафкура ҳукмрон мафкурага айланганда, мамлакат ҳаёти ва ижтимоий онга ғоят сезиларли оқибатлар содир бўлади. Хитойдаги Конфуций таълимоти бунинг ёрқин тимсоли бўлиб хизмат қилади. У қадимий сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар келиб чиққан даврда вужудга келган.

ТЕСТ

1. Элита назариясига ким асос солган?
А) В.Парето
В) Г.Моски
С) Т.Веблен
D) А ва В
2. Технократик назария кенг тарқалган даврни аниқланг.
А) 20-йиллар
В) 30-йиллар
С) 60-йиллар
D) 50-йиллар
3. Шершанович фикрича ҳуқуқий давлатни шакллантириш йўллари ва аломатлари нечта?
А) 5 та
В) 3 та
С) 6 та
D) 4 та
4. Лениннинг «Давлат ва инқилоб» асари қачон ёзилган?
А) 1917
В) 1918
С) 1920
D) 1922
5. Буржуа жамияти қачон ўз тараққиётининг янги босқичига кирган?
А) 30-йилларда
В) 50-йилларда
С) 20-йилларда
D) 60-йилларда

НАЗОРАТ САВОЛЛАР




1. Давлатнинг қандай типларини биласиз?
2. Социалистик ғоянинг асосчилари ким?
3. Давлат ва ҳуқуқ тараққиётида мафкура қандай ўрин тутади?
4. Социалистик ғоя қандай ижобий ва салбий хусусиятларга эга?
5. XX-аср бошларида давлат ва ҳуқуқ тўғрисида қандай ғоялар мавжуд эди?
6. Давлат моҳиятига боғлиқ қандай қарашлар мавжуд?
7. Социалистик бошқарувнинг қандай шаклларини биласиз?
8. К.Маркснинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари ҳақида нималар биласиз?
9. Элита назариясининг моҳияти нимадан иборат?
10. Буржуа давлатининг ички ва ташқи функциялари нималардан иборат?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:


1. Буржуазия
2. Капитализм
3. Социализм

- 4.Мафкура
- 5.Позитив ҳуқуқ
- 6.Элитар назария
- 7.Ҳуқуқий давлат назарияси
- 8.Сиёсий режим

- 9.Тоталитаризм
- 10.Сиёсий плюрализм



КРОССВОРД



КРОССВОРД САВОЛЛАРИ:

- 1.Элита назарияси асосчиларидан бири
- 2.Юқори табақа
- 3.Давлат типларидан бири
- 4.Давлат моҳияти ҳақидаги назариялардан бири
- 5.Париж ...си
- 6.Технократик назария намояндаларидан бири
- 7.Карл ...
- 8.К.Маркс асари
- 9.Муаллифи номаълум

ЖАВОБЛАР:

- 1.Моски
- 2.Элита
- 3.Социалистик
- 4.Технократик
- 5.Коммуна
- 6.Барнхейм
- 7.Маркс
8. «Капитал»
- 9.Аноним
- 10.Чиркин
- 11.Плюрализм
- 10.Рус ҳуқуқшунос олими
- 11.Фикрлар хилма-хиллиги

1. Жаҳон миқёсида мустақил давлатларнинг вужудга келиши.
2. Социалистик давлат (Қизил империя) инқирози сабаблари. Коммунистик партия ғоялари.
3. СССР таркибидаги давлатларда мустақил давлатларнинг вужудга келиши. Мустақил давлатларнинг давлат ва ҳуқуқидаги хусусиятлар.
4. Ҳокимиятлар ваколати бўйича бўлиниш тамойили аҳамияти.
5. Мафқуранинг давлат ва ҳуқуқ тараққиёти учун аҳамияти.

5. МАВЗУ: Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқ келиб чиқиши. Хозирги давр сиёсий ҳуқуқий таълимотларида давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлар.

РЕЖА:

- 1.1. Ўзбекистон ҳудудида қадимги давлатларнинг вужудга келиши. («Авесто»да давлатлар ёритилиши, Кушон империяси, Турк ҳоконлиги)
- 1.2. Ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқ.
- 1.3. Уйғониш давридаги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган ғояларнинг давлат ва ҳуқуқ учун аҳамияти.
- 1.4. Мовароуннаҳрда шаклланган давлатларнинг ўзига хос хусусиятлари.

1.5. Темур ва темурийлар давлати ривожланиши ва «Темур тузуклари»нинг давлат бошқарувидаги ўрни.

1.6. Хонликлар даврида давлат ва ҳуқуқ.

1.7. Россия босқинидан кейинги даврда давлат ва ҳуқуқ.

1.8. XX асрда Ўзбекистоннинг давлати ва ҳуқуқи.

1.9. Мустақиллик даврида Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи.

2. мавзу

2. 1. Жаҳон миқёсида мустақил давлатларнинг вужудга келиши.

2.2. Социалистик давлат (Қизил империя) инқирози сабаблари. Коммунистик партия ғоялари.

2.3. СССР таркибидаги давлатларда мустақил давлатларнинг вужудга келиши. Мустақил давлатларнинг давлат ва ҳуқуқидаги хусусиятлар.

2.4. Ҳокимиятлар ваколати бўйича бўлиниш тамойили аҳамияти.

2.5. Мафқуранинг давлат ва ҳуқуқ тараққиёти учун аҳамияти.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон қадимги маданият ўчоқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқ милоддан аввалги VII асрдаёқ ўзил-кесил вужудга келди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида милоддан аввалги VII асрларда ташкил топган илк давлат бирлашмалари қадимги Хоразм ва Бактрия давлатларидир.

Қадимги Хоразмда суғориш тизимларининг ривожланиши бу ердаги ижтимоий-сиёсий тараққиётда юз берган бурилишларнинг сабабчисидир. Ибтидоий ҳарбий демократия ўрнига VII-VI асрларда Хоразмда кучли давлат вужудга келади. Аммо бу давлатда ҳали уруғдошлик шакллари ва жамоанинг матриархал удумлари сақланиб қолган эди. Бу давлат ҳақидаги дастлабки маълумотлар «Авесто»да учрайди. Милоддан аввалги 530-йилда Хоразм давлати Аҳамонийлар давлатига қўшиб олинади. Милоддан аввалги IV асрларда Хоразмнинг Эронга тобеълиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Македонияликларнинг Эронга юришлари даврида Хоразм мустақил давлат сифатида қатнашган. Милодий I асрларда Аҳамонийлар ҳукмронлигидан қутулган мустақил давлат сифатида Марказий Осиёда муҳим рол ўйнаган. Афри 2 томонидан асос солинган Сиёвушийлар сулоласидан чиққан подшоҳлар 305-995 йилларда Хоразмда ҳукмронлик қилганлар.

Бактрия қадимги Марказий Осиёнинг жуда машҳур тарихий-географик вилоятларидан бири бўлиб, номининг шаклланиши Бактр (Балхоб) дарёсининг номи билан боғлиқ. Унинг чегараларини жанубда Ҳиндикуш тоғлари (Парнас), шимолда Сўғдиёна, ғарбда эса Марғиёнагача белгилаш мумкин. Милоддан аввалги VII-VI асрларда бу ерда алоҳида вилоят, ички минтақа, ҳатто шаҳар доирасида ҳам давлатчилик кўринишлари мавжуд бўлган. Бу тарихий макон ҳақидаги илк маълумотлар «Авесто»да учрайди. Бактрия

Кир замонида (милоддан аввалги VI аср) Аҳамонийлар томонидан забт этилиб, уларнинг XII ноиблиги (сатраплиги)га айлантирилган. Кейинчалик (милоддан аввалги IV асрда) Бактрия Искандар томонидан босиб олинган. Искандар вафотидан сўнг милоддан аввалги 250 йилгача, яъни Юнон-Бактрия давлати ташкил топгунича Салавкийлар давлати таркибида бўлган. Милоддан аввалги II асрнинг 30-йилларида бу ерда тохарлар ҳукмронлиги ўрнатилиб, янги сиёсий бирлик – Тоҳаристон барпо бўлади. Бактрия Тоҳаристоннинг гуллаб-яшнаган вилоятларидан бирига айланади.

Қадимги давр Марказий Осиё халқлари давлати ва ҳукукини ўрганишда «Авесто» катта аҳамиятга эга. «Авесто» зардуштийларнинг муқаддас китоби ҳисобланади. «Авесто»нинг «Видевдат» китобида Ахурамазда яратган 16 та давлат (ўлка)га оид маълумотлар учрайди. Китобда баён этилишича, бу қадимги 16 мамлакатнинг ҳукмдори «кави» деб аталган. «Кави» муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳукукий масалаларни ўзида мужассамлаштирган. Оилаларнинг бирлашмаси «нмана», уй, оила жамоаси «дмана», катта оила жамоаси оқсоқоли «нманapati», уруғ жамоаси «вис», катта қишлоқ оқсоқоли «виспати», қабила бошлиғи «заинутupati», вилоят ҳокими «дахюпати» деб аталган. Қонун чиқарувчи орган оқсоқоллар кенгаши бўлиб, у «варзанапати» деб, халқ мажлиси эса «вяха» деб номланган. Оқсоқоллар кенгашининг бошлиғи бўлган қоҳин олий судья вазифасини бажарган ва у «Зараустроема» деб аталган. Китоб ўша давр давлатчилиги ҳақида бир қанча муҳим маълумотларни берган.

Кушонлар давлати ҳозирги Ўзбекистон доирасида салтанатчилик шаклига асос солган ва милодий I-IV асрларда яшаган. Бу давлат юэчиш қабилалари томонидан Юнон-Бактрия давлатини босиб олиш орқали барпо этилган. Юэчишлар 5 та катта уруғдан иборат бўлиб, улардан бири Гуйшуан деб аталган. Бу уруғнинг мавқеи юқори бўлиб, давлат номи шу уруғ номидан олинган. Унинг таркибига Ўрта Осиёнинг бир қисми, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон кирган. Давлатнинг бошлиғи дастлаб подшо, кейинчалик «подшолар подшоси» деб аталган. Маъмурий-идоравий бўлиниши жиҳатидан у сатрапиялар (кшатрия)ларга бўлинган бўлиши мумкин. Кушонлар давлати IV асрнинг охири – V аср бошларида эфталийлар томонидан тугатилган.

Турк ҳоконлиги туркларнинг «ашина» уруғидан чиққан. Бу мин, туу ва гестелилар бошчилигида барча туркийларнинг шу уруғ атрофида бирлашиши натижасида 551 йил Олтойда ташкил топган. Ҳоконликнинг вужудга келиш йилларида давлат бошлиғи тун жабғу, тангрикут, кейинчалик ҳокон деб аталиб, бош шахри қадимги Чоч воҳасининг шимолидаги яшил даштларда жойлашган. Тахт вориси тегин (яъни, шахзода) деб юритилган. Ер эгалари киштичкарлар ва кишоварларга бўлиниб, деҳқонлар кадиварлар деб аталган. Ҳарбийлар «чақир» деб номланган. Ҳоконлик 603 йилда /арбий ва Шарқий Турк ҳоконлигига

бўлиниб кетган. Ўрта Осиёга юришлар даврида бутунлай барҳам топган.

Турк ҳоконлигида мавжуд бўлган ҳуқуқ тизими ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1) Турк ҳоконлиги тўплам ҳолига келтирилган ўз ёзма қонунчилигига эга бўлган. У «Жиноят ва жазо» деб номланиб, ўша даврда ҳаракатдаги ҳуқуқ манбаини ташкил қилган.

2) Жазо тизимида қабила, уруғ ёки жамоа жавобгарлиги VII асрда ҳам сақланиб қолган.

3) Жазо тамойили, келтирилган зарарни қоплаш, тўлатиш ва жинойий ҳаракатни жазо таҳдиди билан таъқиқлаш қўлланилган.

Ўрта асрлар Ўзбекистон ҳудудида V-XVII асрларни ўз ичига олади. Бу даврда Ўзбекистон ҳудудида навбати билан Эфталлийлар, Турк ҳоконлиги, Араб халифалиги, Сомонийлар, /азнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Мўғуллар, Амир Темур ва темурийлар давлати ҳукм сурган. Ўрта асрлар хонликлар ҳукм сурган маълум йилларни ҳам ўз ичига олади. Ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида яшаган давлатлар амир, султон, қорахон, ҳокон каби номлар билан аталган чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган ҳукмдорлар томонидан бошқарилган мутлақ монархиялар эди. Уларнинг барчасида (араб босқинидан сўнг) подшоҳдан сўнг вазир турган ва у давлат бошқарувида катта рол ўйнаган. Уларда девонлар мавжуд бўлган (масалан, Сомонийларда 10 та девон мавжуд бўлган). Ўрта аср Ўзбекистон давлатларида асосан шариат ҳуқуқи, туркий халқлар орасида кенг тарқалган тура – одат ҳуқуқлари ва ҳукмдорлар томонидан чиқарилган фармонлар амалда бўлган.

Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда уйғониш даври IX-XII ва XIV-XV асрларни ўз ичига олади. Бу даврларда яшаган Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний каби қомусий олимларнинг, Амир Темур, З.М. Бобур, Мирзо Улуғбек каби давлат арбобларининг, А. Навоий ва бошқа адабиёт аҳлининг асарлари ва фикрлари бу даврлар давлат ва ҳуқуқининг ривожланишига жуда катта ёрдам берган. Масалан, А. Н. Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асари ўзига хос демократик шаҳар-давлатни тараннум этган. Амир Темур томонидан яратилган «Темур тўзуклари» асарини эса бугунги конституцияларга тенглаштириш мумкин. Алишер Навоий эса ўз асарларида одил подшоҳ ғояларини илгари сурган.

Асрлар давомида Мовароуннахр ҳудудида яшаган давлатлар бошқа минтақаларда жойлашган давлатлардан маълум бир фарқли хусусиятларга эга бўлган. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) чекланмаган ҳукмдор ҳокимияти;
- 2) давлатнинг шариат асосида бошқарилиши;
- 3) асрлар давомида давлат ҳаётида деҳқончилик мавқеининг устун бўлиб келганлиги;
- 4) ислом динининг устувор мавқеи;
- 5) ўзоқ давлатчилик анъаналари;
- 6) аҳолида итоаткорлик руҳининг кучлилиги;
- 7) жазоларнинг қаттиқлиги.

Ўзбекистон ҳудудида 1370-1506 йилларда Амир Темур ва Темурийлар давлати ҳукм сурган. Уларда амир ва султонлар ҳукмронлик қилганлар. Амир Темур давлатида 4 та вазир фаолият олиб борган. «Темур тўзукларида» ёзилишича, Амир Темур давлатни бошқаришда кенгашиш, маслаҳат ҳамда тадбиркорликка катта аҳамият берган. Амир Темур давлатида қурултой ва давлат мажлиси мавжуд бўлиб, улар ўзига хос вакиллик органлари вазифасини бажарган. Давлатнинг марказий бошқарув органлари девонхона бўлиб, тармоқ бошқаруви вазирлар томонидан олиб борилган. «Темур тўзуклари» Амир Темур давлатининг ўзига хос Конституцияси сифатида давлат бошқарувида муҳим ўрин тутган. «Темур тўзуклари» XIV асрнинг иккинчи ярмига оид ижтимоий-сиёсий воқеаларни, Темур салтанати, унинг давлат тизими, бошқарилиши, суд қурилишига оид жуда муҳим қоидалар ва маълумотларни ўзида акс эттирган тарихий ҳужжатдир. Бу ҳужжат икки қисмдан иборат бўлиб, Амир Темур девонхонасида туркий тилда битилган.

Ўзбекистон ҳудудида 1533-1853 йилларда Бухоро хонлиги, 1853-1920 йилларда Бухоро амирлиги, 1511-1920 йилларда Хива хонлиги, 1709-1876 йилларда Қўқон хонлиги ҳукм сурган. Улар ҳокимияти чекланмаган хон ва амирлар томонидан бошқарилган мутлоқ монархиялар эди. Бу давлатларда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятларни хон, амирларнинг ўзлари амалга оширганлар. Давлат бошқаруви марказий ва маҳаллий бошқарув тизимига бўлинган. Марказий бошқарув хонлар, амирлар ва сарой амалдорлари, маҳаллий бошқарув жойлардаги беклар томонидан амалга оширилган. Суд ҳокимиятини қозилар амалга оширганлар, энг оғир жиноятларни ҳукмдорлар ўзлари кўришган. Ҳуқуқ манбалари асосан шариат, шунингдек ҳуқуқий одатлар ва ҳукмдорларнинг фармонлари бўлган.

Ўрта Осиёда ҳукм сурган Бухоро амирлиги Хива ва Қўқон хонликлари 1853-1873 йилларда Чор Россияси томонидан босиб олинди. 1876 йил Қўқон хонлиги бутунлай тугатилиб, ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги тўзилган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Чор Россиясининг вассалларига айлантирилган ва уларнинг ҳукмдорлари Россия қўлидаги қўғирчоққа айлантирилган. Туркистон генерал-губернаторлиги Чор Россияси томонидан тайинланадиган генерал-губернатор томонидан бошқарилган. Туркистон генерал-губернаторлиги асосан империя ҳуқуқи, шунингдек, шариат ҳуқуқи асосида бошқарилган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги империя ҳуқуқи, шариат ҳуқуқи ва қисман ҳукмдорларнинг фармонлари асосида бошқарилган.

1917 йил феврал инқилоби натижасида Чор ҳукумати ағдариб ташланиб, Россия Федератив Совет Социалистик Республикаси эълон қилинди. 1917 йилда атиги 72 кун яшаган Туркистон мухторияти советлар томонидан қонга ботирилди. 1918 йил 30 апрелда Туркистон Мухтор Совет Республикаси эълон қилинди. 1918 ва 1920-йилларда ТМСР нинг конституцияси қабул қилинди. 1920 йилда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ағдариб

ташланиб, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари тўзилди. 1920 йил 30 апрелда ХХСР нинг, 1920 йил 23 сентябрда БХСР нинг илк конституцияси қабул қилинди. 1924 йил Ўрта Осиёда миллий чегаралаш амалга оширилди ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилди. 1925 йил 19 февралда Бухорода Ўзбекистон Советларининг 1-Қурултойи ЎзССР тўзилганлигини эълон қилди.

1927, 1937 ва 1978 йилларда СССР Конституцияси асосида ЎзССР конституцияси ишлаб чиқилди. Бу йилларда бир қанча кодекслар қабул қилинди. 1927 йилги Конституция асосида Гражданлик кодекси (1927), Никоҳ, оила, васийлик ва гражданлик ҳолатларини қайд қилиш ҳақидаги кодекс (1929 й.), Ер-сув кодекси (1929), Жиноят-процессуал кодекси ва бошқалар, 1937 йилги Конституция асосида Жиноят кодекси (1959), Жиноят-процессуал кодекси (1959), Гражданлик кодекси (1963), Гражданлик-процессуал кодекси (1963), Никоҳ ва оила (1969), Ер кодекси (1970), Меҳнат қонуни кодекси (1971), Сув кодекси (1972) ва бошқа қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилди ва шу йил 1 сентябр мустақиллик қуни сифатида нишонланди ва нишонланиб келмоқда. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистонда собиқ Иттифоқ Республикалари ичида биринчи бўлиб президентлик лавозими жорий этилди. 1991 йил 29 декабрда умумхалқ сайлови асосида И. А. Каримов Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб сайланди. 1994 йил феврал ойида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайловлар бўлиб ўтди ва 1995 йил Олий Мажлис ўз фаолиятини бошлади. 2002 йилда икки палатали парламентга сайловлар бўлиб ўтди. Сенат ва қонунчилик палатасидан иборат таркибда сайланган янги парламентимиз 2005 йил ўз фаолиятини бошлади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида бир қанча суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, судлар ихтисослаштирилди, 15 та янги кодекс (Жиноят кодекси, ЖПК, Фуқаролик кодекси, ФПК, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқалар) ва кўплаб янги қонунлар қабул қилинди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи миллий институтлар яратилди (Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, амалдаги қонун, ҳужжатлар мониторинги институти).

САВОЛЛАР:

1. Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган энг қадимги давлатлар ҳақида нималарни биласиз?
2. «Авесто»да давлат ва ҳуқуқ масалалари қандай ёритилган?
3. Ўрта асрлардаги Ўзбекистон давлатчилиги ҳақида гапириб беринг.
4. Ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудида ҳукм сурган давлатларнинг ҳуқуқ тизими тўғрисида гапиринг.

5. Уйғониш даври Ўрта Осиё мутафаккирлари давлат ва ҳуқуқ тўғрисида қандай ғояларни илғари сурганлар?
6. Уйғониш даври Ўрта Осиё давлат арбоблари қарашларида давлат ва ҳуқуқ масалалари.
7. Мовароуннаҳрда ҳукм сурган давлатлар қандай ўзига хос хусусиятларга эга бўлган?
8. Мовароуннаҳр давлатларидаги ўзига хос хусусиятлар қандай омиллар таъсирида шаклланган?
9. Амир Темур ва темурийлар давлати ҳақида нималарни биласиз?
10. «Темур тузуклари» ҳақида гапириб беринг.
11. Ўрта аср хонликларининг давлат бошқаруви ҳақида гапиринг.
12. Ўрта Осиё хонликларидаги ҳуқуқ манбалари ҳақида гапириб беринг.
13. Россия босқинидан кейинги даврдаги давлат бошқаруви ҳақида сўзлаб беринг.
14. Россия босқинидан кейинги даврда Ўзбекистон ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар ҳақида гапиринг.
15. XX асрда ўзбек давлатчилиги қандай бўлган?
16. XX асрда Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида қандай ўзгаришлар юз берди?
17. Ўзбекистон ССР, СССР Конституцияларининг мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан қандай фарқлари бор?
18. Мустақил Ўзбекистон давлат бошқаруви ҳақида гапиринг.
19. Мустақиллик йилларида ҳуқуқ тизимида қандай ўзгаришлар юз берди?
20. Мустақил Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳақида нималарни биласиз?

ТЕСТЛАР

1. **Ўзбекистон давлатчилиги неча йиллик тарихга эга?**
 - A) 2700
 - B) 2500
 - C) 3200
 - D) 3700
2. **«Авесто»га кўра давлат ҳукмдорлари қандай ном билан аталган?**
 - A) Даҳюпати
 - B) Кави
 - C) Виспати
 - D) Зантупати
3. **Ўрта асрлар Ўзбекистон давлатларида ҳуқуқнинг муҳим манбалари ҳисобланган «тура» атамаси нимани англатади?**
 - A) Подшоҳ фармони
 - B) Шариат ҳуқуқига оид тушунча
 - C) Туркийларнинг ҳуқуқий одатлари
 - D) Қуръони Каримга берилган туркийча шарҳ
4. **Сомонийлар давлатида суд жараёни кимлар томонидан амалга оширилган?**
 - A) Қозикалон
 - B) Муфтий
 - C) Қози
 - D) А, В, С
5. **А.Н. Форобий «Фозил одамлар шахри» асарида қандай давлат шакли ҳақида сўз юритган?**
 - A) Республика
 - B) Монархия

- C) Шаҳар-давлат
 - D) Чекланган монархия
- 6. Абу Али ибн Сино ўз қарашларида қандай давлат шаклини ёқлаган?**

- A) Монархия
- B) Чекланган монархия
- C) Республика
- D) Шаҳар-давлат

7. Қуйидаги хусусиятларнинг қайси бири Мовароуннахр давлатига хос эмас?

- A) Тахтнинг мерос тариқасида ўтиши
- B) Давлатнинг асосан шариат асосида бошқарилиши
- C) Вақф ерларининг мавжудлиги
- D) Хусусий ерларнинг мавжуд эмаслиги

8. Мовароуннахр давлатларида тахт талашувларининг тез-тез

такрорланиши асосан нима билан боғлиқ бўлган?

- A) Бундай ҳол бўлмаган
- B) Тахт меросхўрларининг қўплиги
- C) Қўшни давлатларнинг аралашуви
- D) Халқ кўзғолонлари

9. Амир Темур давлатида урф-одатлар билан боғлиқ ишларни кимлар

кўрган?

- A) Шайх ул-ислом
- B) Ихдом қозиси
- C) Ахдос қози
- D) Қози-аскар

10. Амир Темур давлатида «додхоҳ» қандай вазифани бажарган?

- A) Солиқларни ундириш
- B) Элчиларни қабул қилиш ва кўзатиш
- C) Аҳолининг давлатга муносабатини ўрганиш
- D) Келиб тушган аризалар билан шуғулланиш

11. Бухоро хонлигида хондан кейинги мансаб қайси бўлган?

- A) Инок
- B) Оталиқ
- C) Девонбеги
- D) Додхоҳ

12. Хива хонлигида оғир жиноятларни ким кўриб, ҳал қилган?

- A) Қозикалон
- B) Қозилар
- C) Хоннинг ўзи
- D) Аълам

13. Қўқон хонлигида ўлим жазоси қандай ижро этилган?

- A) Отув
- B) Дорга осиш
- C) Сазойи қилиш
- D) Отув, сазойи қилиш

14. Туркистон мухторияти қанча вақт яшаган?

- A) 72 кун
- B) 7 ой
- C) 72 йил
- D) 15 ой

15. Бухоро амирлигидаги Россия империясининг сиёсий маҳкамаси қандай вазифани бажарган?

- A) Солиқларни ундирилишини назорат қилиш

- В) Бухоро амири ва унинг ҳукуматини назорат қилиш
 С) Бухоро ҳукуматининг Чор Россиясига нисбатан муносабатларини ўрганиш
 D) А, В
- 16. Ўзбекистон ССР қачон ташкил этилди?**
 А) 1930 й.
 В) 1924 й.
 С) 1929 й.
 D) 1927 й.
- 17. Ўзбекистон ССР нинг биринчи Конституцияси қачон қабул қилинди?**
 А) 1930 й.
 В) 1927 й.
 С) 1937 й.
 D) 1926 й.
- 18. Ўзбекистон ССР нинг нечта Конституцияси қабул қилинган?**
 А) 3 та
 В) 4 та
 С) 2 та
 D) 5 та
- 19. Ўзбекистонда Президентлик лавозими қачон жорий этилди?**
 А) 1991 йил 20 июл
 В) 1990 йил 24 март
 С) 1990 йил 15 сентябр
 D) 1992 йил 8 декабр
- 20. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қачон ўз фаолиятини бошлади?**
 А) 1993 й.
 В) 1996 й.
 С) 1994 й.
 D) 1995 й.

МАВЗУГА ОИД АТАМАЛАР:


Авесто, ҳуқуқий одат, тура, шариат, Турк қонунномаси, озодлар, девонлар, қозикалон, кози-аскар, давлат мажлиси, Темур тўзуқлари, девонбеги, додҳоҳ, Туркистон мухторияти, Гандимиён шартномаси, Ўзбекистон ССР Конституциялари, миллий чегаралаш, мустақиллик декларацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, судларнинг ихтисослашуви.


Фойдаланилган адабиётлар:

1. З. Муқимов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. (дарслик). Самарқанд, СамДУ нашриёти, 2004 й.
2. М. Ҳамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. (ўқув қўлланма). Тошкент, ТДЮИ, 2005 й.
3. А. Саидов, Ж. Тошқулов. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. –Тошкент, ИИВ Академияси, 1995 й.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, «Шарк», 2004 й.
5. Р. Қаюмов. Ўзбекистон Конституциявий ҳуқуқи. –Тошкент, «Адолат», 1999 й.

6. А. Аъзамхўжаев. ЎзССР нинг ташкил топиши ва ривожланиши. –Тошкент, «Ўзбекистон», 1960 й.
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. –Тошкент, «Шарқ», 2000 й. 2-жилд.

КРОССВОРД





Энига:

1. Ўзбекистонда мавжуд бўлган қадимги давлатлардан бири. 2. Ўрта асрлар Мовароуннахр давлатларида асосий ҳуқуқ манбаси. 3. Чингизхон давлатининг энг кучли душмани. 4. ... чегаралаш. 5. Темур 6. Бухоро амирлигида амирдан кейин турувчи энг юқори ҳарбий амалдор. 7. Бухоро хонлигида хондан кейинги мансаб. 8. Бухоро амирлигида бозорларда тарозиларнинг тўғрилигини назорат қилувчи амалдор. 9. Қадимги туркийларнинг ҳуқуқий одатлари. 10. ... пули (солиқ тури). 11. «Авесто»да уруғ бошлиқлари. 12. Минораи 13. Ўрта аср давлати. 14. Хонликларда умумхалқ ҳашари. 15. Шайбонийлар даврида Бухоро хонлигидаги улуслардан бири. 16. Ўрта Осиёнинг ўзига хос университети. 17. Қадимги давлатлардан бири.

Бўйига:

1. «Авесто»да эзгулик худоси. 2. Илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган вилоят. 3. Бухоро хонлигидаги мансаблардан бири. 4. «Авесто»да ёвўзлик худоси. 5. Бухоро хонлигида ташқи алоқалар билан шуғулланган шахс. 6. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили. 7. Амир Темур даврида маслаҳат органи. 8. «Авесто»да давлат ҳукмдорлари. 9. Хон оиласи. 10. Қўқон хонлигига кирган шаҳарлардан бири. 11. Махсус ёрлик. 12. «Авесто»да уруғ. 13. «Авесто»да вилоят ҳокими. 14. Бухоро амири.

7. Қадимги шарқнинг (Бобил, Миср, Хиндистон, Хитой) давлати ва ҳуқуқи

Режа:

1. Қадимги Шарқ давлатларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши
2. Қадимги Миср давлати ва ҳуқуқи
3. Қадимги Месопотамия давлати ва ҳуқуқи
4. Қадимги Хиндистон давлати ва ҳуқуқи
5. Қадимги Хитой давлати ва ҳуқуқи

Дунёда биринчи синфий жамият ва давлат Мисрда пайдо бўлган. Мисрдавлати Африканинг шимоли шарқида вужудга келган. Нил дарёсининг бошидаги шаршаралардан то Ўрта денгизгача бўлган водий бу давлатнинг асосий қисмини ташкил қилиб, шарқ томондан (Нил дарёси билан Қизил денгиз ўртасидаги) араб қирлари ва ғарб томондаги Ливия-Ясси тоғликларининг бир қисми ҳам шу давлат таркибига кирган. Мисрликлар ўзларининг мамлакатини “қора тупроқ”- яъни чўлга нисбатан унумлироқ ер эканлигини уқтирилган. Кейинги Европа мўзликлари эриб бўлгандан кейин (бундан тахминан 12-15 минг йиллар илгари) Шимолий Африканинг иқлими ўзгара бошлаган. Аввалги майсазорлар чўлга айлана бошланган, натижада фақат овчилик билан тирикчилик ўтказиш ибтидоий одамларга камчилик қилиб қолган. Улар тепаликлардан Нил водийсига тушиб, кичикроқ ҳудудларга жойлашиб ўзлаштирувчи хўжалиқдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка (деҳқончилик ва чорвачилик) ўта бошлаганлар.

Қадимги Мисрликлар бир тилда (турлича шевада бўлса-да) гапирадилар, семит-хамит гуруҳга мансуб ягона халқ бўлган. Мисрликларга бегона халқлар ҳам келиб қўшилган.

Мисрликлар ботқоқликларни куритиш, тўғонлар куриш, каналлар қазиб, дарё сувлариини текис тақсимлаш, ерни шўр босиб кетишидан сақлаш, катта-катта ғалла майдонларини ҳосил қилиш соҳаларида муваффақиятларга эришганлар. Ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлар ва айрибошлашнинг гараққий этиши натижасида мулкий табақаланиш вужудга кела бошлаган. Хусусий мулкчилик ривожланиб борган.

Ижтимоий муносабатлардаги бу силжишлар муқаррар равишда қабилачилик тўзумидан давлат тўзумига ўтишга олиб келди. Табиийки, бу ўтиш бирданига содир бўлмаган, аста-секин юз берган. Аста-секин қадимги Миср ҳудудида шаҳар-давлатлари пайдо бўла бошлаган, бу шаҳар-давлатлар давлатнинг ҳамма белпиларига эга булган. Мисрликлар бу давлатчаларни «сепат», юнонларда эса «ном» деб атаганлар. Номлар қишлоқ жамоаларининг ибодатхоналари атрофида суғориш ишларини биргаликда юритиш учун бирлашиши натижасида вужудга келган. Ҳар бир номнинг ўз ҳокими бўлиб, у юнон тилида номарх деб аталган. Маълумотларга қараганда милoddан аввалги 4 минг йиллик бошларида Мисрда 42 та давлатча бўлган.

Ҳар бир номнинг номархи деҳқончилик, чорвачилик, айниқса суғориш ишлари, шунингдек, ҳарбий ва диний ишларни бошқарган.

Фанда Қадимги Миср давлати тарихини қуйидаги бешта йирик даврга бўлиш қабул қилинган.

1. Илк подшолик даври- мил.авв. 3100-2800йй.
2. Қадимги подшолик даври- мил.авв. 2800-2250 йй.
3. Ўрта подшолик даври - мил.авв. 2250-1750 йй.
4. Янги подшолик даври мил.авв. 1584-1074ЙЙ.
5. Сўнгги подшолик даври мил.авв. XI-VI асрлар.

Адабиётларда Қадимги Миср давлати тарихи юқоркидагича бешта даврга аниқ бўлинган бўлса-да, лекин ушбу давлатнинг қачон бошланиб, қачонгача давом этганлиги ҳақида ягона фикр йўқ.

Илк подшолик даврида марказлашиш кучли бўлди. Қадимги подшолик даврида марказлашган давлат кучайди. Бу даврда пирамидалар қурилди. Ўрта подшолик даврида Миср бир-бирига ўзаро душман бўлган номлар ва давлатчаларга бўлиниб кетган. Мисрда урушлар кучайган. Бу давр охирида Фива шаҳри ҳокими ғолиб чиқади ҳамда ўч атрофига бутун Мисрни бирлаштиради.

Миср аҳолининг асосий машғулотлари деҳқончилик ва чорвачилик бўлган. Деҳқончилик қилиш учун жуда ката шарт-шароитлар мавжуд эди. Суғориш иншоотлари қуриш учун фақат қўллар эмас. Балки эрин деҳқонлар ва хунармандлар фавқулодда ҳолларда эса юқори мартабали амалдорлар, яъни бойлар ҳам иштирок этишган. Ҳамма ишлаётганлар ким бўлишидан қатъий назар, қаттиқ интизомга бўйсунуши талаб қилинган. Ҳоҳ тинчлик бўлсин, ҳоҳ уруш Мисрда деҳқончилик ишлари тўхтамаган. Миср жамиятининг юқори қатламини рухонийлар, амалдорлар ва ҳарбийлар ташкил қилган. Рухонийлар ичида подшо рухонийлари юқори мартабага эга бўлишган. Рухонийлар энг юқори давлат мансабларига ҳам осон сайланганлар. Уруғ, қабила оксоқолларини авлодлари бўлмиш зодагонлар ҳам юқори мартабага эришганлар. Улар жуда бой бўлганлар. Мирзо (ёзувчилар) Мисрда амалдор саналган. Уларга натура сифатида ҳақ тўланган, ҳамда уларга ер берилиб малум даражада иззат ва ҳурмат қилинган. Одамлар машғулот турига қараб тоифа ва табақаларга бўлинган. Синфий табақаланиш кучайган. қўллар билан бир қаторда эркин деҳқонлар ва хунармандлар ҳам эксплуатация қилинган. Ҳар бир деҳқон ўз ери участкасига эга бўлган ва бу ер учун давлат хазинасига маълум солиқ тўлаган. Рента (солиқ) ни барча тоифадаги деҳқонлар тўлаганлар. Кам сонли деҳқонлар эса давлат еридан мустақил ҳолда Ўзбекистон Республикаси жамоаларида меҳнат қилганлар ва мустақил жамоалар бўлиб яшашган. Яна бир хил деҳқонлар тоифаси подшо томонидан инъом этилган (ҳарбий, рухоний, амалдор)

ерларига бириктирилган. Бундай деҳқонлар ер эгаларидан кундалик озиқ-овқатни олиб турганлар. Улар энг оғир ишларни бажарганлар ва махсус назоратчилар кўл остида ишлаганлар. Деҳқонлар ерни ташлаб кетишлари мумкин эмас эди, аммо уларни хўжайинлари хайдаб юборишлари мумкин бўлган. Кейинчалик деҳқонлар хайдаб юборилмай, уларга тан жазоси берилган.

Қадимги Мисрда жуда кўп эркин хунармандлар яшаганлар. Улар давлат конларида, устахоналарида ўн киши бир гуруҳ бўлиб, махсус назоратчи кўзатувида ишлаган.

Қадимги Миср давлати деспотик шаклида бўлган. Давлат бошқаруви наслдан наслга ўтган. Фиръавн бир уруғ вакили бўлиб, ўз ҳокимиятларни мерос шаклида олган. Мил.авв. 4-3 асрларда яшаган Миср тарихчиси Менефен Миср тарихида ўттизга подшолик сулоалари ҳукм сурганлигини кўрсатиб берган. Шоҳ-фиръавн ҳокимияти илоҳийлаштирилган, фиръавн; бамисоли худо сифатида кўрилган ва унга сиҳинилган, баъзи фиръавнлар эса ўзларини худонинг ўғли деб санаган, бундан кўриниб Турибдики, Қадимги Мисрда фиръавн шахси жуда улуғланган. Фиръавн ҳокимияти ҳеч қандай чекланмаган, фиръавн ўз билганича ҳар қандай қарор-қонун қабул қилиши мумкин эди. Унинг бу қарори ҳарбий, диний, дунёвий амалдорлар мафаатига мос тушиш-тушмаслигидан қатъи назар.

Миср тарихида фиръавнларга суиқасд уюштириш ва уни ўлдириш фактлари кўп бўлган. Эмишки, Миср фиръавни ўз ҳокимиятининг худодан олган эмиш ва у қуёш худоси Ранинг ўғли ҳисобланган. Фъавшипи оёғини ўпиш энг улуғ мартаба ҳисобланган. Подшо ўлмас эмиш, у ўзининг абадий уфқига кирар эмиш. Улар шарафига улкан пирамидалар қурилган. Миср тарихини ўрганган грек тарихчиси Геродот фикрича Хеопс пирамидасини қуриш учун 20 йил вақт кетган экан.

Тутмос-3 ёдгорликларига қараганда вазир-жатий (тсати) анча чексиз ҳокимиятга эга бўлган. Вазир давлатни бошқарган. Ҳамма амалдорлар унга ҳисоб берган. У суд бошлиғи ва ўнлик Кенгашидан ва олтилик Кенгашида (улар суд органлари) раислик қилган. У давлатнинг барча ижроия ҳокимиятига бошчилик қилган ва қолган ҳамма ишларни бошқарган. Кўп ҳолларда ҳарбий «рахбарлик ҳам қилган. Жатий дунё тарихидаги биринчи нотариус саналади. У қадимга Мисрда биринчи бўлиб нотариус вазифасини бажарган. Ҳамма васиятномаларни тасдиқлаган. Қизиғи шуки, ҳамма аризалар ёзма бўлган. Вазир шахси ҳам илоҳийлаштирилиб; у худо Тотуга тенглаштирилган. Тоту осмон худосидир. Яна муҳрдор, бош хачиначи ҳамда шохлик ишларини бошлиғи каби лавозимлари ҳам бўлган.

Маҳаллий бошқарувни Номархлар олиб борган. Улар ўз номларида олий судлов ва маъмурий вазифаларини бажарганлар, солиқлар йиққанлар, жамоа тартибни сақлаганлар, жамоат ишларига бошчилик қилганлар. Харама деган бошлиқлар ҳам бўлган.

Леким уларнинг вазифалари аниқ эмас. Қадимги Мисрда қишлоқ жамоалари қуйи бошқарув органи бўлиб ҳисобланган.

Биринчи пайтда доимий армия фақат фиръавини ҳимоя қиларди. Нубийлик, Лмвиялпк ўқчи аскарлардан иборат эди. Храмлар ва солиқ йиғувчиларнинг ҳам доимий ҳарбий отрядлари бўлган. Миршаблик" вазифасини нубийлик негрлар бажарган. Чунки, аслзода Римлик бойлари полиция вазифасини бажаришни ўзлари учун орийтли иш дсб тушунганлар. Уруш вақтида халқ лашкари тўпланган. Гиксослар ҳокимият тепасидан туширилгандан кейин, жанг аравалари пайдо булди. Аравадаги жангчилардан бири отларни бошқарса, иккинчиси камондан ўзидирган бўлган. Бу жангчилар аҳолининг энг бой табақаларидан тўпланган эди. Янги шохлик даврига келиб Миср армияси фақат ёлланма аскарлардан иборат бўлиб қолди.

Қадимги Мисрда судлов ишлари маъмуриятдан ажратилган эмас эди. Олий амалдорлар бир вақтини ўзида ҳам мансабдор шахс, ҳам судья вазифасини бажарганлар. Судлов ишлари коллегияли олиб борилган.

Ўттиз кишидан иборат марказий суд, яъни «Кембет» тузилган. Бундай «Кембет» лар округ ва шаҳарларда ҳам тўзилган. Рухонийлардан иборат бўлган ибодатхона судлари ҳам бўлган. Номларда судлов ишлар номархлар томонидан олиб борилган. Энг юқори судлов идораси фиръавн бўлган. У шахсан ҳар катдан ишни ўз I билганича хал қилиши мумкин бўлган. Назарий жиҳатдан ҳар бир эркин Мисрлик авф этишни сўраб фиръавнга шахсан ўзи мурожаат этишга ҳақли бўлган. Аслида Миср судларида порахўрлик кучли бўлган дсб ҳам ёзишган.

Қадимги Бобил давлати - икки дарё оралиғида Дажла ва Фрот дарёлари ўртасида жойлашган. Грекча номи Мессопатамия (икки дарё оралиғи). Қадимги аҳолиси шумерлар бўлган, шумерлар ҳақида улар туркийларнинг дастлабки авлодлари бўлган деган фаразлар фанда қисман тасдиқланган. Қадимги Мессопатамияда дехқончилик, чорвачилик кенг ривожланган бўлиб, кейинчалик хунармандчилик ҳам кучайиб борган. Оқибатда аҳоли тез ўсган ва катта қишлоқлар пайдо бўлган. Баъзи катта қишлоқлар деворлар билан ўралиб, шаҳарларга айланган. Шу тариқа мил.авв. 4 минг йилликнинг охири 2 минг йиллик бошларида Мессопатамияда дастлабки шаҳар-давлатлари («Эн». «Люгал») юнонча қилиб айтганда I Полислар пайдо бўлган. Биринчи шаҳар-давлатлар Аккад, Сурия. Ур, Урук. Киш. Лагаш кабилар бўлиб, бу давлатларнинг аҳолиси бир неча минг кишига етарди. (10-50 минг йиллар ўртасида). Шаҳар-давлатларда ижтимоий ва табақавий фарқлар сезилиб турарди. Бу шаҳар-давлатларга Ливия чўлларида семмит қабилалари ҳам келиб жойлашган. Бу ерда миллоддан аввалги 4 минг йил бурун шаҳар-давлатлар пайдо бўлган. Ур, Эриду,

Кир,Ларса,Лагаш, Умма каби ҳар бир шаҳар-давлатда 40-50 минг одам яшаган. Бу шаҳар давлатчалари Эн ёки Лугал дейилади. Бу шаҳар-давлатларнинг ҳокимлари эса Энси ёки Лугальян дейилади. Милоддаи аввалги 2370 йил Лагаш шохлигида кул Урукагин кўзғолон кўтариб ҳокимиятни ўў қўлига олди. Айтиш мумкинки, кулдорлик демократияси пайдо бўлди. Ҳокимият оллий фуқаро қўлига ўтди. Урукагин турли ислоҳотлар ўтказди. Камбағаллар аҳволи яхшиланди, ислоҳотлар оддий халққа ёрдам берди.

Назорат саволлари

1. Илк подшолик даври Мисрда қачон бўлган?
2. Қадимги подшолик даврини изоҳланг
3. Ўрта подшолик даврига баҳо беринг
4. Сўнгги подшолик даврида Мисрдаги ўзгаришларни айтинг
5. Қадимги Мисрдаги ижтимоий тўзумни изоҳланг
6. Қадимги Миср давлат тўзумини тушунтиринг
7. Қадимги Миср ҳуқуқига баҳо беринг
8. Қадимги Бобил давлати қачон пайдо бўлди.
9. Қадимги Хан давлати ижтимоий тўзуми қандай тоифаларга бўлинади?
10. Қадимги Хиндистонда қандай табақалар мавжуд бўлган?
11. бобил давлатининг ижтимоий тўзуми қандай бўлган?
12. Қадимги Мисрда давлатларнинг пайдо бўлиши ҳақида нималарни биласиз?

Атамалар

Мерет – қадимги Мисрда оддий ҳаққа нисбатан қўлланилган
Нажис - қадимги Мисрда майда мулкдорлар шундай номлаган
Авилум – Бобилда тўла ҳуқуқи фуқаролар шундай номланган
Нубанда – қадимги Бобилда подшодан кейинги ўринда турган вазир
Исакку – кўп шаҳарлар ҳокими
Шакканаку – виллоятлар ҳокимлари
Тирхатум – куёв томонидан бўлажак қаноасига берадиган қалин пули
Библум – келиннинг оила аъзоларига бериладиган тўй совғалар
Шериктум – келиннга отаси томонидан бериладиган сеп-сидирғалар
Дафу – олий чиновниклар
Ли – қадимги Хитойда одоб-ахлоқ меъёрлари

Тестлар

1. Қадимги Мисрда қайси даврга келиб ёзма қонунчилик тараккий эта бошлади?

- A) мил.авв. IX асрда
- B) мил.авв. XIII асрда
- C) мил.авв. VII асрда
- D) мил.авв. XV асрда
- E) мил.авв. XII асрда

2.Қадимги Мирсда бутун ерлар расман кимга қарашли бўлган?

- A) фиръавн
- B) амалдорлар
- C) кохинлар
- D) оддий халқ
- E) тўғри жавоб йўқ

3. Бобил давлатида подшодан кейинги ўринда турадиган амалдорни аниқланг

- A) судьялар
- B) исакку
- C) саройбон
- D) нубанда
- E) мирзо

4.Қадимги Бобил давлатида куёвнинг келажак қайнонасига берадиган қалин пули нима деб аталган?

- A) тирхатул
- B) шериктум
- C) библум
- D) мушкену
- E) талион

6. қадимги Хиндистонда Қуйидаги варналардан қайси бири имтиёзсиз ҳисобланган?

- A) вайшилар
- B) кшатрийлар
- C) шудралар
- D) брахманлар
- E) А ва В

7. Қадимги Хиндистонда подшо маслахатчидаридан ибора бўлган коллегиял орган нима деб аталган?

- A) махфий кенгаш
- B) паришод
- C) васий кенгаш
- D) адхъяхша
- E) сенапат

8. Қадимги Хитойда энг кичик маъмурий-худудий бирлик бу - ...

- A) вилоят
- B) волост
- C) уезд
- D) тин
- E) А ва С

9. Қадимги Хитой ҳукуқи ривожланиши неча асосий босқични босиб ўтган?


- A) 2 та
- B) 3 та
- C) 4 та
- D) 5 та
- E) 6 та

10. Қадимги Чжоу давлатида ван-Му томонидан ишлаб чиқилган “Жиноят кодекси” неча моддадан иборат эди?

- A) 2500
- B) 3000
- C) 2700
- D) 3100
- E) 3500

Кроссворд

1



1. Қадимги Мисрда подшо
2. Бобилда тўла ҳуқуқли фуқаро
3. Қадимги Мисрда оддий фуқаро
4. Куёв берадиган қалин бири
5. Хитойдаги энг кичик худудий бирлик
6. Келиннинг оила аъзоларига бериладиган совғалар

8. Мавзу: Антик дунё мамлакатларининг давлат ва ҳуқуқи

Режа:

1. Антик давлатларнинг пайдо бўлиш хусусиятлари
2. Қадимги Афина давлати ва ҳуқуқи хусусиятлари
3. Қадимги Спарта давлат ва ҳуқуқи
4. Қадимги Рим давлат ва ҳуқуқи

«Антик дунё» ибораси, одатда, қадимги Юнонистон ва Қадимги Рим, шунингдек, эллинистик давлатлар тарихига нисбатан ишлатилади. Антик сўзи латинча «antiquitas» , - «қадимги» сўзидан олинган.

Антик цивилизация ўзининг энг юксак чўққисига милoddан аввалги 1-миг йилликда –янги эра 1-миг йиллигининг бошларида эришган эди. Айнан шу вақтда юнонлар ва римликлар инсоният фаолиятининг барча соҳаларида, жумладан, сиёсий -ҳуқуқий соҳада ҳам зўр таассурот қолдирадиган ютуқларга эришди.

Антик дунёнинг, айниқса, фалсафа, санъат ва ҳуқуқ соҳасидаги мероси Оврўпо цивилизациясининг дастлабки асосини ташкил этади. Шу муносабат билан антик давлатчилик муаммоси алоҳида ўрин тутади.

Қадимги Юнонистонда давлатнинг ташкил этилишидаги муҳим хусусиятларидан бир шунда бўлган эдики, бу жараённинг ўзи қабилаларнинг кўчиб ўтиши ва аралашуви муносабати билан тўлқинсимон, ўзилиб-ўзилиб содир бўлган.

Юнонистонда давлатнинг келиб чиқиши жараёнида ички ва ташқи омиллар ўзига хос ўзаро кўшилиб кетганлигини кўриш мумкин.

Антик дунёда давлатчилик ташкил топиши жараёнининг хусусиятлари кўп жиҳатдан табиий-географик омилларни белгилаб берган.

2. Қадимги Афина давлат ва ҳуқуқи хусусиятлари

Афинада давлат бирданига ташкил топмади, бу ерда давлат жамиятнинг ўзоқ давом этган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши натижасида ташкил топди.

Афина давлат мил. авв. VII-VI асрларда Ўрта Юнонистоннинг Эгей денгизи соҳилидаги ярим орол –Аттикада шаҳар давлатларнинг ыарлашиши натижасида вужудга келди. Афина давлати тарихи асосан куйидаги даврларни ўз ичига олади.

1. Афина давлатининг ташкил топиши (мил.авв. VII-VI асрлар)
2. Афина давлатининг ривожланган даври (мил. авв. V-IV асрлар)
3. Афина давлатининг инқирози ва емирилиши (мил. авв IV асрнинг охири, III асрлар)

Афина давлатининг давлат тузилиши кўйидагичи кўринишда бўлган.

1-давр. Ҳарбий демократия

2-давр. Демократик республика

3-давр. Кучсиз демократия ва Афинанинг Юнонистонга кўшиб олиниши даври

Қадимги афина давлати ҳуқуқи ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу давлатда демократия тўзуми ўрнатилган бўлса ҳам бу демократия тўлақонли демократия кўринишида бўлмаган. Чунки, Афина давлати қонунларида Афина давлати фуқаролари тенг ҳуқуқлидир деган тушунчалар бўлиши билан бирга, улар кулларни одам ўрнида кўрмас, балки уларга нисбатан буюм сифатида қаралар эди. Кулларни ўлгунича савалаш ва очликдан ўлдириш учун ҳеч қандай жавобгарлик белгиланмаган. Афинада кишилар эркинлар ва кулларга бўлинган.

Эркин кишилар бир неча ҳуқуқларга эга бўлишган. Масалан: сайланиш, сайлаш, 20 ёшга тўлган Афина фуқароси тўла ҳуқуқларига эга бўлган.

3. Қадимги Спарта давлати ва ҳуқуқи

Спарта давлати Пелопоннеснинг жанубида жойлашган. Бу давлатнинг пойтахти Спарта деб аталган. Спарта давлатнинг ташкил топиши ўзига хос хусусиятга эга.

Спарта давлатининг вужудга келиши жараёни муҳим хусусиятлари билан ажралиб турган ва уруғчилик ташкилотининг кўпгина қолдиқлари сақланиб қолишда давом этган.

Спартанинг тарихий ривожланишидаги асосий хусусият синфий жамиятнинг аралашуви бўлган.

Спарта жамоасига бири дорийлардан ва бири аҳейялардан бўлган иккита подшо бошчилик қилган.

Спарта давлатининг ташкил топишида муҳим хусусиятлардан бири шундай эдики, бу жараён спарталиқлар томонидан ўзга халқларнинг ерларини босиб олиши натижасида анча тезлашди.

Спарта ҳуқуқида аёллар ҳуқуқига ҳам эътибор қаратилган. Аёллар алоҳида тарбияланиб, ўқитилган, лекин куллар ва кул аёллар бундан мустаснодир. Спартада ҳуқуқнинг қадимги манбаи одат ҳуқуқи бўлган.

Спартада ёзилмаган одат ҳуқуқи муҳим ўрин тутган.

Мулк ҳуқуқи ва мажберият ҳуқуқи мустаҳкамланган.

4. Қадимги Рим давлати ва ҳуқуқи

Антик дунёдаги энг қудратли йирик давлат –Италияда таркиб топган Рим республикаси эди.

Рим республикаси Апеннин ярим оролида яшовчи халқлар ва қабиаларни ўз ҳукмдорлиги остига бирлаштириб, рақобатдош мухолифларга қарши қаттиқ урушлардан

сўнг уларни енгиб, Ўрта денгиз давлатлари ичида энг кучлиси бўлиб, қолган. Кейинчалик мил. авв. I аср ва милондинг II асрида Рим кулдорлари бутун Шимолий Африкани, Европанинг анча қисми ва Олд Осиё мамлакатларини ўз ҳукмдорлиги остига олган ва қарийб 500 йил ҳукм сурган ғоят катта давлатга айланган.

Мил. авв. 753 йилда Рим шахрига асос солинди.

Республика даврида ҳокимиятни ташкил этиш анча содда бўлган ва баъзи вақтларда Римда давлатнинг ташкил топиши вақтидаги шароитларга тўла жавоб берган.

Рим республикасида аристократик ва демократик белгилар қўшилиб кетган.

Рим республикасида халқ мажлисларининг қуйидаги 3 тури: центуриялар, трибалар ва куриялар кенгашлари мавжуд эди.

Римда мил.авв. II-I асрларда Республика тўзуми ўрнига Рим империяси ташкил топди.

476 йилда герман қабилалари /арбий Рим империясини босиб олганлар ва ўзларининг қўмондонлари Одоакрни қирол деб эълон қилганар. Шу тариха Римнинг сўнги императори 15 ёшли бола Ромул Августин тахтдан ағдариб ташланган ва император унвони нишонлари Константинополга юборилган, /арбий Рим империяси тугатилган.

Рим ҳуқуқи мил.авв. III-аср ўртаси-милондинг IV асри охирида рим ҳуқуқи патриархалик ва диний қолдиқлардан халос бўлади ва дунёни юридик тизимига айланади. Рим ҳуқуқи жуда тараққий этиб, квинитлар билан бирга притор ҳуқуқи-халқлар ҳуқуқи ҳам вужудга келган.

Рим ҳуқуқининг манбалари –ҳуқуқий одатлари (tores majorum) бўлган.

Рим тарихий анъанасига кўра ҳуқуқнинг бошқа манбаи рим кодеколарининг қонунлари (leges region) ҳисобланган. Мил.авв. 450 йиллар атрофида қабул қилинган 1-ярим ёзма қонунлари XII –жадвал қонунларининг қабул қилиниши плебейлар ва патрицийлар кураши билан боғлиқ.

Мавзуга доир таянч иборалар

- Антик дунё
- плебейлар
- патрицийлар
- халқ мажлислари
- аристократик давлат
- центуриялар,
- трибалар
- куриялар
- Ҳарбий демократия
- демократик белгилар

Мавзуга доир назорат саволлари

1. Афинада суд органлари фаолияти қандай бўлган?
2. Афинада армия қандай асосда ташкил топган?
3. Афинда диний ишларни киритган ва судда жиноий ишларни юритган шахс ким бўлган?
4. Спартада давлатнинг вужудга келиш жараёни муҳим хусусиятлари ҳақида сўз юритинг.
5. Спартада кимлар ҳукмрон синфни ташкил этган?
6. Спарта башқариш шаклига кўра қандай давлат эди?
7. Рим жамоасининг муҳим бошқарув органи ҳақида нималарни биласиз?
8. Рим республикасида халқ мажлисларининг турлари қандай бўлган?
9. Римда сенат маслаҳатчи органнинг номи қандай номланган?
10. Римда Магистратлар ҳокимияти қандай турга бўлинган?

Тестлар

1. Афинада асосий мансабдор шахслар кимлар бўлган?
 - А) Стратеглар ва архонтлар
 - Б) Архонт-фесмофетлар ва полимерлар
 - В) Архонт- элонийлар ва архонт базилайлар
 - Г) Аристократлар ва стратеглар
 - Д) Аристократлар ва ҳарбийлар
2. Афина давлатида полициячилик функцияларини бажарадиган махсус хизматчилар кимлар?
 - А) Эфетлар
 - Б) ареокас
 - В) Топсотлар
 - Г) Гелиэя
 - Д) Буля
3. Спарта жамоасига нечта подшо бошчилик қилган?
 - А) 4 та
 - Б) жамоа
 - В) 2 та
 - Г) 3 та
 - Д) 1 та
4. Спарталиклар ҳарбий хизматни неса ёш оралиғида ўтаганлар?
 - А) 20 ёшдан 60 ёшгача
 - Б) 18 ёшдан 60 ёшгача
 - В) 18 ёшдан 50 ёшгача
 - Г) 20 ёшдан 55 ёшгача
 - Д) 17 ёшдан 50 ёшгача
5. Илотлар кимлар?
 - А) камбағал, қашшоқлар
 - Б) куллар
 - В) зодогонлар
 - Г) ҳарбийлар
 - Д) полициячилар
6. Афинада никоҳга кириш қандай усулда амалга оширилган?
 - А) Ихтиёрий
 - Б) Мажбурий
 - В) А ва Б
 - Г) маълумот йўқ
 - Д) тўғри жавоб берилмаган
7. Афинанинг жазо сиёсатида қандай жиноятлар катта ўрин тутган?
 - А) давлатга қарши жиноятлар
 - Б) оилага қарши жиноятлар
 - В) шахсга қарши жиноятлар
 - Г) мулкка қарши жиноятлар
 - Д) барчаси
8. Римдаги асосий ижтимоий бўлиниш қандай бўлган?
 - А) эркин кишилар ва куллар
 - Б) эркин кишилар, ҳарбийлар, аристократлар
 - В) эркин кишилар, ҳарбийлар ва куллар
 - Г) А ва Б
 - Д) барчаси
9. Римда ҳуқуқнинг энг қадимги манбаи қайсилар бўлган?

- А) ҳуқуқий одаилар
- Б) Рим подшоларининг қонунлари
- В) сенат қарорлари
- Г) А ва Б
- Д) барчаси

10. Римда классик даврда хусусий мулк эгаси ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг даъво турлари қандай бўлган?

- А) виндикацион даъво
- Б) негатор даъво
- В) прогибетор даъво
- Г) шахсий даъво
- Д) А, Б, В.

9.. Мавзу. 1. Рим Ҳуқуқи тарихи.

1. Қадимги Римда одат ҳуқуқи.
 2. Рим ёзма ҳуқуқи ўзига хос хусусиятлари.
 3. XXII жадвал қонуни.
 4. Магистратлар эдиклари ҳуқуқ манбаси сифатида
 5. Рим ҳуқуқида кодификацияларнинг тутган ўрни.
- Мавзу: 2. Рим ҳуқуқининг ҳуқуқ тарихида тутган ўрни.
Рим ҳуқуқи манбалари, қонун ва ҳуқуқий одат,
магистратлар эдиктлари, юристлар фаолияти ва даъво

1. Рим ҳуқуқининг ҳуқуқ тарихида тутган ўрни.
2. Рим ҳуқуқи манбалари, қонун ва ҳуқуқий одат, магистрат эдиктлар
3. Юристлар фаолияти ва даъво
4. Рим ҳуқуқида оила, васият ва қонун бўйича мерос ҳуқуқи
5. Мулкӣ ҳуқуқ, хусусий мулк ҳуқуқининг мазмуни.
6. Сервитутлар, мажбуриятлар ва уларни бажариш жавобгарлиги

Ҳуқуқ манбаларининг тушунчаси ва турларга бҳлиниши. Ўадимги Рим ўулдорчилик жамиятида вужудга келган Рим ҳуқуқи Рим юристлари томонидан ўолдирилган дарсликлар, иниституциялар асосида ҳрганилиб келинади.

Дарсликлар ичида энг машъур институция бу Гай институциясидир. Иккинчи асрда фаолият кҳрсатган Гайнинг институцияси 3- ўисимдан иборат бўлиб, у шахслар қуйидаги таълимотлар, ҳуқуқ субъектлари ҳақида, ёшлар ҳақида таълимотлар, ашёларга бўлган ҳуқуқ, мажбуриятлар ҳақидаги ьамда даоволар ҳақидаги таълимотларга бўлинади.

Мана шу таълимотларни, мавжуд бўлган одат ҳуқуқларини ва қонунларининг келиб чиқишлигини, магистратлар эдиктларининг Рим ҳуқуқини ривожлантириш ва ва такомиллаштиришдаги ролини, фристлар фаолиятларнинг ҳатто қонунларга тенглаштирилганлигини ва VI аср ҳрталаригача барча мавжуд бўлган меъёрий ҳужжатларни бир тартибга келтириш (туркумлаш) кодификация ўилишлик манбаларига асосланган.

Дастлабки одат нормалари ота – боболар томонидан ҳрнатилган нормалар бўлиб, *mores maiorum* деб аталган. Яони бу нормалар ёзма равишдаги қонун ва ҳуқуқлар бўлмаган

холда вужудга келиб, ўз обрўйи асосида, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, ҳатто виждон эркинлиги билан боълиў бўлган нормалардир.

Одат нормаларнинг иккинчи ўсми *usus* деб аталиб, у яшаш фаолиятида амалиёт асосида вужудга келган нормалар бўлиб, бу қондаларга риоя қилишлик мажбурий бўлган.

Бу одат нормалари биринчи бўлиб, ёзма равишда XII жадвал қонунларида ўз ифодасини топди. Бунга асосан ота ҳуқумронлиги институти, эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг тартибга солиниш, васийлик ва ҳомийлик тайинлаш тартибларидан иборатдир.

Рим қулдорчилиқ давлати қонунчилиқ фаолиятининг давлат қўлига ўтиши одат нормаларининг моҳиятини йўқота бошлади, лекин энди одат нормалари қвритлар ва цивил ҳуқуқларининг эскирган, замон талабига жавоб бера олмай қолган ўйсимларини кучини йўқотган деб ҳисоблаш функцияларини бажариш вазифасини ўз зиммасига олди.

Машҳур юрист юлиан фикрича, одат нормалари принципат даврида «ҳуқуқнинг тирик манбаи» деб аталган, ҳатто давом этиб одат нормаларининг белгиси – унинг узоқ вақт мобайнида қўлланиши ва халқ томонидан жимлик, розилиқ бўлишлик асосида қўллаб – қувватланишлигидир.

Рим ҳуқуқ и тарихининг янги бўйичи унинг анча муҳим манбаи сифатида преторлар томонидан қабул қилинган эдиктлар ҳисобланган. Бу эдиктлар преторларнинг ўзи учун мажбурий бўлган, бир йиллик қонун деб ҳам аталган (Цецерон).

Бу эдиктлар асосида цивил ҳуқуқи билан бир ўторда иккита янги ва мутлаўо мустақил ҳуқуқий тизим «претор ҳуқуқи» «*ius praetorum*» ва «халқлар ҳуқуқи» «*ius dentum*» ҳуқуқлари ҳисоб чиўўан.

Преторлар эдиктларининг гуркираб ўсган пайти уларнинг қонун ижодкорлиги фаоллиги асосида янги эрамиздан илгарги 250-80 йилларга даври келади.

Юстиниан Кодификациясининг муаллифларидан бири VI асрда ижод ўилган Византия юристи Дорофей преторлар ҳуқуқлари ва цивил ҳуқуқларининг бирлашишини қуйидагича таорифлайди.

(Янги эрамиздан илгарги 17 йилдан янги эрамизнинг 235 йилларини ўз ичига олади).

Янги эрамизнинг I–III асрларида синфий (принципат) даврида Рим ҳуқуқи ривожланишининг жуда муҳим ва ўзига ҳос манбаи юристларнинг фаолияти бўлиб қолган. Рим юристлари қадимги Римнинг бутун ҳуқуқий тизимини изчил ва яҳлит ривожланишининг таоминланишига катта ҳисса қўшганлар. Рим юриспруденсияси плебейлар понтифики Тиберий Коруканиядан, у биринчи бўлиб конституция бера бошлаган. (милоддан аввалги 254 йилдан) бошлаб соф дунёвий ҳарактер касб этган. Улар берган ҳуқуқий маслаҳатлари биринчи марта оммавий ва очик ҳарактерга эга бўлганлар синфий даврнинг энг машҳур юристларидан бири аристократлар оиласидан чиққан Лабен М Адир. У ҳуқуқ бўйича наватор ва Прокулрянлар ҳуқуқ мактабининг асосчисидир.

Қадимги Рим жамиятида оила давлат ячейкасидан иборат бўлган уй хўжалиги бошқарувчиси, ота-она, ака-ука, опа-сингиллар, қуллар, васийлик ёки ҳомийликда бўлган шахсларнинг жамоаси бўлиб ҳисобланган.

Янги эрамининг 2 асри машҳур юристи Гай, Рим оила шундай типик хусусиятга эгаки, у ҳеч қандай халқлар томонидан барпо қилинган ўхшамайдиган Рим халқининг эришган буюк ютуқидир деб таърифлаган эди.

Рим давлатининг оиласи оила бошлиғи (*paterfamilias*) нинг чегараланмаган дастлабки даврда эса мулк ҳуқуқларга, ҳокимиятга (*manus*) га эга бўлганлиги асосида, яъни ўз болалари, неваралар, чеваралари, хотини устидан ва уйдаги (хўжаликдаги) бўлган шахсларнинг барчаси устидан амалга оширувчи ҳукмронлиги тушунилган. Буларнинг ҳаммаси «ўзимники» деб таърифлаб, оиланинг отаси ўзини «ўзимга ўзим хўжайинман» (*sil iuris*) ва «барча ҳуқуқларга эгаман деб эотироф этган.

Рим оиласининг ўзига хос хусусиятларидан бири оила дастлаб агнат усулида вужудга келган, яъни улар қон-қариндошлик муносабатлари асосида эмас, балки бўйсунуш ва ҳукмронлик, бошқарув муносабатларининг биринчи ўринга ўхшайиб тўзилган оилалардан иборат бўлган.

Агнатлар оиласис деб, оила бошлиғини ўз оиласидаги болалари, хотини, хўжалиги, қуллар ва уларнинг оилалари ҳамда шу оила хўжалигида яшовчи барча шахсларнинг жамоасига тушунилган.

Оила бошлиғининг қизи турмушга чиқиб у бошқа оилага ўтган бўлса, агар турмуш ўртоғи ота ҳукмронлиги остида бўлса, у ҳам шу ота ҳукмронлиги бошқарувида ўтарди ва агнатлар оиласига тушарди. Ўзининг ака-укалари ва ота-оналари бунинг учун фақат қавм-қариндошлик, байрам муносабатларида кўришиш, ҳол-аҳвол сўрашиш билан боғлиқ бўлган, яъни ота-оналари учун «беғона» эди.

Рим давлатида ўзига ўзи хўжайин, яъни озод бўлган Рим фуқаролари ҳамда шу давлат ҳудудида истиқомат қиладиган турган шахслар ўзининг касаллиги ёки бошқа ҳолатлари билан боғлиқ бўлган ҳолларда, ўзининг фуқаролик ҳуқуқ лаёқатларини амалга оширувчи шахсларнинг ёрдам беришига мажбур бўлганлар. Ана шу мақсадларни амалга ошириш учун вояга етмаган шахслар, енгил табиатли хотинлар, эри ўлаётган пайтда хотинига ким васий бўлишини тайинлаб кетган ҳолда бу хотинга ақли норасо бўлган шахсларга васий тайинланган.

Васийнинг ваколати ўзига ўзи хўжайин бўлган шахснинг касаллиги ёки бошқа ҳолатлари туфайли, ўз мулкни қўриқлай олмаслиги, бошқариш ёки уни тасарруф эта олмаслиги, унинг жисмоний ёки маънавий томондан қилаётган ҳаракатларини қонуний асосда амалга оширишдан иборат бўлган. Ота ҳукмронлиги институтининг яхши ишламаганлиги, ўз қўл остидаги шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаслиги ҳам васийлик ва ҳомийликни келтириб чиқарган.

Васийлик Гай институцияга ва 12 Жадвал қонунларига асосан хотинлар устидан 25 ёшгача, ҳатто васиятномада то турмушга чиқмагунча деган сўз ва муддат бўлса, турмушга чиққунича айниқса хотинларга, пул ва ашёларга ўч бўлганлигини, уларнинг табиати енгилроқ эканлигидан келиб чиқиб васийлик тайинланган.

Васийлик ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган шахсларга ҳам тайинланган. Кўпинча у магистр томонидан тайинланган, аммо васий ўзининг касаллиги, ёши, давлат хизмат ёки ҳарбий хизматларни важ қилиб ўз ваколатидан соқит бўлиши мумкин бўлган эди.

Рим фуқаролик ҳуқуқининг марказий институтларидан бири мулк ҳуқуқидир.

Марксизм-ленинизм классиклари «Рим ҳуқуқини хусусий мулк ҳуқуқига асосланган ҳуқуқ тизимидир» деб атаган эдилар.

Фредрих Энгелс таъбири билан айтганда римликлар биринчи бўлиб чекланмаган хусусий мулкчилик ҳуқуқини, яъни хусусий мулк асосига эга бўлган энг мукамал ҳуқуқ формасини ишлаб чиққанлар ва ривожлантирганлар.

Рим ҳуқуқида мулк ҳуқуқи институти марказий институт ҳисобланиб, Рим фуқаролик хусусий ҳуқуқининг ривожланиш босқичларини бошлаб, уларга таянч ва ўз муносабатларини амалга оширишни аниқлаштириб, кўрсатиб берадиган, ҳатто уларнинг (шартнома, оила, меросхўрлик ва бошқа институтлари фаолиятининг) мулкӣ асосларини ташкил этадиган ҳуқуқӣ институтдир.

Рим давлатининг синфӣ давридаги мулкчилик муносабатлари ерларни ва қулларни идора этишда олий ҳукмронликнинг ифода этилиши билан боғлиқ бўлган.

Рим ҳуқуқшунослари қулдорчилик тузумининг синфӣ даврига қадар, мулкнинг умумӣ тушунчасини аниқлай олмаганлар ва эгалик қилиш элементидан ҳам ажратиб ола-олмаганлар.

Рим давлатининг вужудга келишлиги натижасида Рим давлатида истиқомат қилиб турган барча фуқароларга умрбод, мерос қолдириш асосида фойдаланишни кўзда тутиб ер (икки юггердан) (ҳозирги 8 гектар) берганлар. Айниқса Рим давлати ҳарбий пудратининг янада кучайиши натижасида бошқа давлатларнинг ерларини ишғол (акупация) қилиб, қўлга киритиб катта-катта ҳудудларга эга бўлганлар

Мулк ҳуқуқининг таркибий қисмлари қуйидагиларга эга бўлишлиги ҳамда уни Рим юристлари қуйидагича талкин қилганлар:

1. Мулк ҳуқуқи — бу ашёлар устидан тўғридан-тўғри бевосита ҳукмрон қилиш ва уни тасарруф этишликдир;

2. Ашёларнинг бошқа шахсларга тааллуқлигини йўқотадиган, ашё ҳақида низолар бўлмаслигини таоминлайдиган, ўзига хос бўлган ҳукмронликни амалга оширишдир;

3. Ашёларга бўлган бошқа муносабатлардан фарқ қиладиган мутлоқ ҳуқуқӣ ҳукмронликни таъминлайдиган муносабат;

4. Ашёларга бўлган чегараланишларнинг, ҳуқуқбузарликларнинг тугатилиши билан тезда ҳукмронликни ўрната оладиган, ҳамда шу ҳукмронликка мослаша оладиган ҳаракатларни амалга оширишдир.

5. Тўлиқ ҳуқуқӣ ашё сифатида, яъни ҳеч қандай мажбуриятлар билан боғлиқ бўлмаган, фақат ашёни мутлоқ асосда эгаллаб олишлик истагини ифодалайдиган муносабатдир;

б. Ашё устидан тўлиқ ва тўғридан-тўғри ҳукмронликни амалга ошириш, уни тасарруф этиш, фойдаланиш ва фойдали хусусиятларини, ҳосил, даромадларини олишликка бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш муносабатларини мулк ҳуқуқининг таркибини ташкил этиб, мулк ҳуқуқини келтириб чиқарган.

Мулк ҳуқуқи тушунчаси бу ашёга бўлган кенг маънодаги ҳуқуқий ваколатларга эга бўлишлиги тушунилади. Рим ҳуқуқшунослари хусусий «мулкни муқаддас» мулк деб таниган бўлсалар ҳам, лекин мулк ҳуқуқининг тушунчасини тўлиқ ёритиб бера олмаганлар.

Айниқса хусусий мулкнинг дахлсизлигини ҳамда уни таъминлаш ва кафолатлаш ҳуқуқларига Қадимги Рим давлатида ниҳоятда катта эътибор берилган. Бу қоидалар барча капиталистик тузумни амалга оширувчи давлатлар, ҳатто МДХ давлатлари хусусан Ўзбекистон давлати ҳам ўзининг Асосий Қонунида, яъни Конституциясининг 36, 53-моддаларида ҳам ўз аксини топганлигини эътироф этиб, юқори мақомли қоида даражасида мустаҳкам тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасининг 2-қисмига мувофиқ «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин»¹.

Хусусий мулк дахлсиздир. Рим ҳуқуқшуносларининг мулк ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари, айниқса «мулкни муқаддас» деб атаган тамойиллари барча буржуа давлатларида, ҳатто ижтимоий кучли сиёсатни олиб бораётган давлатларда, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасида «Мулк ҳуқуқи муқаддасдир» деган ҳуқуқий норма ўз ифодасини топди. Мулкка нисбатан мусулмон ҳуқуқида ҳам шундай қоида назарда тутилган. Унда мулк муқаддас деб эълон қилиниб, уни бировларнинг ғайриқонуний эгаллаб туришидан талаб қилиб олиш учун даъво муддати назарда тутилмаган¹. Аммо мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этадиган элементларини англаб етганлар.

Уларнинг фикрича асосан, мулк ҳуқуқини мазмунини ташкил этадиган ваколатлари (элементлари) қуйидагилардан иборат бўлган:

1. *ius utendi* (ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи), (юс утенди);
2. *ius fruendi* (ашёнинг фойдали хусусиятларини, ҳосил ва даромадларини олиш), (юс пруюнди);
3. *ius abutendi* (ашёни тасарруф ўилиш ҳуқуқи), (юс абутенди) каби асосий элементлардан ташкил топган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Адолат», 1999. 36 ва 53-моддасининг 2-қисми.

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи ғысмига умумий тавсиф ва шарълар (масоул маъаррирлар: Миракбар Раҳмонгулов, Исмоил Анортоев); 1-жилд. –Т.: «Иътисодиёт ва ғуууы дунёси» нашриёт уйи, 1997, 75-бет.

Бу элементларга мулк ҳуқуқининг мазмунини тўлиқ тушуниб етишлик учун яна иккита элементни ўқшишган.

1. *ius possidenti* (ашёни эгаллаш ҳуқуқи), (юс поссиденди);
2. *ius vindicandi* (ашёни қонунсиз эгаллаб турган шахсдан мулкни қайтариб олишлик ҳуқуқи), (юс виндиканди).

Рим ҳуқуқшунослари бу 5 та элементи тўлиқ асосда мулк ҳуқуқининг мазмунини очиқ бермаслиги мумкин, чунки мулк ҳуқуқининг эгаси ўз мулкидан қонунларга зид бўлмаган ўлатлардан барчасидан фойдаланиш ҳуқуқларига эгадирлар деб эътироф этишганлар. Аммо ўнча ваколатларга хусусий мулк субъекти эга бўлмасин, барибир бу ҳуқуқнинг чегараси бўлган.

Сервитутлар (*iura praediorum* – юра праедиорим) дастлабки пайтларда фақат ерга бўлган сервитутларни эътиборга олган. Кейинчалик Рим шахрининг гуркираб ўсиши ва ривожланиши натижасида шаҳар сервитутлари, қурилган уй-жойларга, ҳовлиларга сервитут вужудга келган.

Ер сервитутлари асосан қўшнилари билан боғлиқ муносабатлар иборат бўлиб, уларнинг деворларининг (икки ҳовлининг ўрта девори) боғлиқлиги, улардан иккала субъектнинг ҳам ўзаро келишуви асосида фойдаланишлигидан келиб чиққан.

Қўшнилари бу муносабатларни амалга оширишлик учун шартнома тўзиши, иккаласининг ҳам манфаатини кўзлаган ҳолда ундан фойдаланганлар. Сервитутларни амалга ошираётган пайтда 12 жадвал қонунларида кўрсатилганидек, ҳовлининг деворини олаётган ва ўтда қўшнининг участкасидан бир фут (30 см) узоқроқдан деворни қўришлик, уй-жой қурилаётган бўлса икки фут (60 см) узоқроқдан фундамент ташлашликларга катта эътибор қаратган. Айниқса қўшнининг ҳовлисига, участкасига ўтиб кетган дарахтнинг шох-новдалари олти футдан (1м 80 см)дан ошган бўлса уни кесишлик лозим бўлган. Агар мулк ҳуқуқининг эгаси бундай ҳаракатларни амалга оширмаса, қўшни уни бутунлай кесиб ташлаш ҳуқуқига эга бўлган.

Сервитутлар умуман ер сервитутларига, шахсий сервитутларга бўлинганлар.

Ер сервитутлари қишлоқ ва шаҳар сервитутларига бўлинган. Бу сервитутлар гуруҳига йўл, сувдан фойдаланиш сервитутлари киритилган. Қишлоқ сервитутларининг ўзи ҳам тўрт қисмга бўлинган:

1. *Iter* (итер) – яёв (пиёда) асосда, оёқ уловда ёки носилкаларга солиб ўтказишлик;
2. *Actus* (актус) – ҳайвонларни ҳайдаб ўтишлик (айниқса, эчкиларни ҳайдаб хтишлик тўртала томонида ҳам ўхриўловчилар, тартибга солувчилар бўлиши лозим бўлган, чунки эчкилар табиатан шўх бўлганлиги сабабли, қўшнининг экинидан бир тишлаб деган ҳаракатни албатта амалга оширишлигини тасаввур этиб, шундай ҳаракатлар содир этилган);
3. *Via* (вия) – арваларда ҳосилни, ҳашак ва бошқа ашёларни ташиб ўтишлик;

4. *Aquae ductus* (аквае дустус) – сувларни ўтказишлик каби қисмларга бўлинган.

Булардан шаҳар сервитутлари анча фарқ қиларди ва шаҳарнинг ўзига мос бўлишлигидан келиб чиқарди.

1. Уйнинг олдида ёки дарвозаси устунига соябон ўилиш ва навеслар билан ёпиш ҳуқуқи;

2. Қўшнининг деворига ёғочларни қўйишлик, қўшнининг ҳудудидан фойдаланишлик (фойдаланишлик қўшни деворининг юзи томонига ўтиб кетишлиги мумкин бўлмаган);

3. Қўшнининг ҳрта деворидан ёки таянч устунларидан фойдаланиш, ёмғир сувларининг Қўшни ҳовли орўали ўтишлиги, ҳовлисидаги жараёнларни кўриб ҳтиришлик учун дераза кўурмаслик ва шунга ўхшаш шаҳар сервитутлари келиб чиққан ва сервитутлардан фойдаланиш Қўшниларининг ўзаро келишуви ёки тўзилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Рим ҳуқуқида сервитутлар бошқаларнинг мулк ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини яратувчи ҳамда вужудга келтирувчи, таоминлаб берувчи ва мулк эгаси бўлмаган шахсга хизмат ўилувчи, унинг манфаатини амалга оширувчи ҳуқуқ бўлиб, у қонун асосида ёки томонларнинг ўзаро келишуви асосида вужудга келади.

Қадимги Рим қулдорчилиқ ҳуқуқида мажбуриятлар ҳуқуқи институти марказий институт бўлиб ҳисобланиши билан, энг кхп тўзиладиган шартномаларни тартибга солиши билан энг асосий ҳринлардан бирини эгаллаган. Рим ҳуқуқида қулдорчилиқ давлатининг ижтимоий-иўтисодий ва сиёсий ривожланиши босўичида, айниқса фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг янада такомиллашиб бориши натижасида мажбурият тушунчасининг тўлиқ маоноси вужудга келди.

Рим юристлари томонидан ишлаб чиўилган институциялар ва дигестларда «мажбурият» деганда, кредитор ва ўарздор ўртасидаги ҳуқуқий алоқалар тушунилиб, бунга асосан бир шахс ўарздор иккинчи шахс кредитор фойдасига муайян ьаракатларни ўилиш, бирор эквивалентни бериш ёки ундан фойдланиш имкониятини яратиб бериш тушунилан. Дастлаб 12 Жадвал қонунларида таокидланган «ҳуқуқий алоқалар» тушунчаси кейинчалик «жисмоний алоқалар» ибораси билан ҳам бойитилган.

Рим ҳуқуқшунослари мажбурият тушунчасии аниўлашда, мажбурият бу шахслар ўртасидаги ҳуқуқий алоқалардан иборатдир, деб тан олиб бунга асосан давлатимиз қонунларига биноан, бирор бир ьаракатларни бажаришимиз мажбурийдир деган тушунчадан ҳам келиб чиўўанлар.

Ўзининг асарлари, қолдирган ҳуқуқий мероси билан машҳур юрист сифатида жаҳонга из қолдирган юрист Павел мажбуриятнинг моҳиятини ўуйидагича таорифлайди: «Мажбуриятнинг моҳияти бирор бир ашёни (предметни) жисмоний нарсага ёки сервитутларга айлангириш билан боғлиқ эмас, баки шу муносабат асосида бошқа шахсни ҳуқуқий асосда боьлаб, у бизга бирор бир нарсани (предметни) бериши, ьаракат ўилиши,

таўдим этиши, имконият яратиб бериши» тушунилан. Бу ифодани қуйидагича таорифлаш мумкин бўлган, яъни «бирор бир нарсани «бериш» деганда мулкни, ашёни ёки мажбуриятда кўрсатилган предметни (объектни) мажбурият субъектига ҳтказишига тушунилан ва бу қоида мажбурий бўлиб ғисобланилан. Иккинчи ғаракати «ўилиш» деб тушунилиб, бу «ўилиши» сўзи маоноси «ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, эквивалентни олиб келиб бериш ёки пулларни тўлаш» каби муносабатларни»ўамраб олган. Учинчи ғаракати «имконият яратиб бериш» ёки «тақдим этмоқ» ифодаси бўлиб, мажбуриятда қатнашувчи шахснинг муайян ҳаракатни содир этишдан тўхтаб туриш ёки моддий база билан таоминлаш каби ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга ошириш учун бирор ашёни тақдим этишдир. Албатта бу тушунчалар Рим давлатининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан доимий равишда ўзгариб, мазмунан тўлдирилиб такомиллашиб борган.

Рим давлатида мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириш, ўз вақтида ва лозим даражада бажармаслик оқибатлари шартномада қатнашувчи тарафларнинг интизомсилигини билдириб, улар билан кейинчалик шартнома тўзишда чегараланиш ваколатларини келтириб чиўарган.

Мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириш деганда даъво талабининг жорий этилиши яъни даово аризасининг ёзилиши пайтидан бошланади. Даъво аризасининг ёзилишидан олдин ўарздорга мажбуриятни бажариш юзасидан огоҳлантириш юборилиши лозим бўлган ва ундан кейин қарздорнинг устидан даъво аризаси ёзилган. Қадимги Рим ҳукукида мажбуриятларнинг бажарилиш муддати шартномада аниқ кўрсатилмаган бўлса, қарздорнинг яшаш жойига огоҳлантириш юборилган, аммо бажарилиш муддати шартномада кўрсатилган бўлса, ушбунинг ўзи огоҳлантириш ҳам бўлиб ҳисобланилан. Қарздор томонидан ўз қарзини тўлаш ёки мажбуриятни бажариш учун ўилинган ҳаракатларини яъни ашёлар, пулларни ёки эквивалентни кредитор қабул қилмаса, бундай ҳолда қарздор ўз мулкни омонат асосида сақлаб туриш учун депозитга қўйиш йўли билан ҳам мажбуриятни ўз вақтида бажаришга йўл қўйилган.

Мавзуга доир таянч иборалар

1. Классик давр
2. Преторларнинг эдиктлари
3. Институциялар
4. Манципация
5. Сервитутлар
6. Мужбурият ҳуқуқи
7. Вербал шартномалар
8. Конкубинат
9. Васийлик институтлари
10. Никоҳ шартномалари

Мазуга доир тест саволлари

1. ҳуқуқи- халқлар ҳуқуқи қачон вужудга келди?

А) энг қадимги даврда

Б) классик даврда

2. Рим ҳуқуқининг асосий манбаси ҳисобланган XII жадвал қонунлари қачон вужудга келган?

А) Мил. авв. 451-450 йилларда

Б) мил. авв. 350-349 йиллар

В) мил. авв. 251-250 йилларда

Г) мил. авв. II-I асрлада

Претор В) постклассик даврда

Г) янги классик даврда

3. *Mores majorum* бу-

А) Рим подшаларининг қонунлари

Б) ҳуқуқий одатлар

В) XII жадвал қонунлари

Г) А ва В

4. Император ҳаётлиги чоғида юридик жиҳат мажбурий бўлган умумий қоидалар нима деб аталади?

А) Эдиктлар

Б) Рескриптлар

В) Декретлар

Г) Мандатлар

5. Рим императорларининг суд ишларида чиқарган қарорлари қандай жамланган?

А) Эдиктлар

Б) Рескриптлар

В) Декретлар

Г) Мандатлар

6. Қадимги Римда суд ишлари неча босқичда юритилган?

А) 4 босқичда

Б) 3 босқичда

В) 5 босқичда

Г) 2 босқичда

7. Судда томонлар ва магистрат томонидан қилинадиган диний маросимларга оид ва қатъий расмий ҳаракатлар ва сўзлар йиғиндиси нима дейилган?

А) Легисакцио

Б) ин юре

В) инюдицио

Г) прогибатор

8. Рим ҳуқуқида савдо муносабатларида қабул қилинган махсус ёзма шартнома қандай номланган?

А) Вербал шартнома

Б) Реал шартнома

Г) Литерал шартнома

Д) Концнсуал шартнома

2 БЪЛИМ

Рим фуқаролик ҳуқуқининг манбалари

Рим ҳуқуқи манбаларининг тушунчаси ва турларга бўлиниши

Рим қулдорлик жамиятида вужудга келган Рим ҳуқуқи Рим юристлари томонидан қолдирилган дарсликлар, институтсиялар асосида ўрганилиб келинади.

Дарсликлар ичида энг машҳур оммабоп институтсия бу Гай Институтсиясидир. Иккинчи асрда фаолият кўрсатган Гайнинг Институтсияси 3 қисмдан иборат бўлиб, у «Шахслар ҳақидаги таълимотлар», «Ҳуқуқ субъектлари ҳақида», «Ашёлар ҳақидаги таълимотлар, ашёларга бўлган ҳуқуқ, мажбуриятлар ҳақида» ҳамда «Даъволар ҳақида»ги таълимотларга бўлинган.

Мана шу таълимотлар, мавжуд бўлган одат ҳуқуқларини ва қонунларининг келиб чиқишлигини, Магистратлар эдиктларининг Рим ҳуқуқини ривожлантириш ва такомиллаштиришдаги роли, юристлар фаолиятларининг ҳатто қонунларга тенглаштирилганлиги ва ВИ аср ўрталаригача барча мавжуд бўлган меъёрий ҳужжатларни бир тартибга келтириш (туркумлаш) кодификасия қилишлик зарурияти вужудга келганлигидан далолат беради.

Рим ҳуқуқининг манбаларини ўрганмасдан, ундаги мавжуд бўлган институтсияларни ўрганиш ва ўзлаштириш ниҳоятда мураккабдир, ҳамда институтсияларнинг мазмуни кўпинча манбалардан олинган ва уларга асосланган.

қадимги Рим тарихчиси Тит Ливий юқорида таъкидлаганимиздек, ХИИ Жадвал қонунларини «оммавий ва хусусий ҳуқуқнинг умумий манбасидир» деб таърифлаган эди. Бу ерда «манба» сўзи томир билан боғлиқ ҳолда ишлатилиб, Рим ҳуқуқини «катта дарахт» деб ҳисоблаб, «унинг томири, ўзаги шу дарахтни ҳосил қилган ёки шундан ўсиши бошланган» деган маъно асосида, яъни манба асосида қарашган.

Юридик адабиётларда манба сўзи ёки уни ифодалаш ҳар хил асосда қўлланилиб келинмоқда.

Уларни ҳуқуқий нормалар мазмунининг манбалари, уларнинг ифодаланиши ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг вужудга келишлигининг усуллари ва ҳуқуқни билишлик манбаи асосида тушуниланган. Албатта, ҳуқуқий нормалар мазмунининг асосий манбаини шу жамиятнинг иқтисодий муносабатлари ташкил этади.

Юридик адабиётларда «ҳуқуқ манбалари» сўзи бошқача маъноларда ҳам ишлатилади, яъни қайси ёъллар билан бу нормалар вужудга келади, деган тушунчалар ҳам мавжуд.

Ҳуқуқий нормалар - бу иқтисодий ҳукмрон бўлган синфнинг эрки, иродаси ва манфаатини қонун даражасига кўтариб мустаҳкамлайди ҳамда шу жамиятнинг иқтисоди бу қонунларни белгилаб беради.

Рим ҳуқуқининг манбаларини аниқлашда фан, адабиёт, санъат асарлари ваҳоланки, улар ҳуқуқий ёдгорликлар бўлиб ҳисобланмаса ҳам, лекин Рим ёзувчилари, комедиантлари,

санъаткорлари, тарихчилари ёзган асарларида, қолдирган ёдгорликларида Рим давлатининг ўзига хос бўлган манбалари ҳам кўрсатилган.

Улар ўз асарларида Рим давлатининг ривожланиш босқичларининг манбалари, бир - биридан фарқлари ва ҳуқуқнинг ривожланишига таъсирини адабий асосда ёритиб берганлар.

Машҳур тарихчилардан Тит Ливий, Тасит, бошқа соҳалар вакиллари Светоний, Авл Геллий, Аммиан Марселлин, Рим грамматиклари Варрон, Фест, Валерий, Проб ва бошқалар каби замонасининг энг илғор вакиллари ўз асарлари орқали Рим давлати ҳуқуқининг манбаларини очиб беришликда катта рол ўйнаган.

Манбаларни аниқлашда шу нарсаларга, яъни юристлар, ораторлар, ёзувчилар, комедиантлар, романистлар томонидан қолдирилган асарлар (иус)га ҳам катта эътиборни қаратганлар.

Янги эрамиздан илгариги биринчи асрда яшаб ижод этган машҳур оратор юрист Марк Сисерон асарларида яъни «Давлат ҳақида», «қонунлар ҳақида», «Мажбуриятлар тўғрисида», «Табиий тарих», «Ораторлик ҳақида» деган асарларида жуда кўп ҳуқуқга тааллуқли бўлган манбаларни келтиради.

Айниқса, XIX асрга келиб, Рим империяси даврида мазоратларга қўйилган тошларда, дарахт ва териларда, идиш-товокларда ва қурилган иншоотларда, ўз портретлари, тарихий ходисалар, одат нормалари, қулларнинг ўз хўжайинларига қилиб турган илтифотлари, буюк инсонлар расмлари ва бошқа безаклар, ёзувлар орқали ҳам манбаларни бойитганлар ҳамда бу ҳужжатлар манбалар сифатида нашриётлардан чиқарилган.

Миср давлати томонидан топилган папируслар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларда ер билан боғлиқ бўлган мулк, ер, меҳнат, ҳунармандчилик жамоаларига тааллуқли бўлган муносабатлар ифодаланган. Юнон ва Рим ҳуқуқининг қўшилишида ёки бирлашишида шартномавий ҳуқуқий муносабатларнинг кенг қўлланилганлиги ва бу муносабатларнинг барча ҳуқуқ соҳаларига тааллуқлилигининг ҳамда шунга асосан тарих фанининг манбашунослик соҳасини вужудга келтиришлиги ва ҳозирги замон тарихчилари томонидан папирология фанини ўрганишликлари Рим ҳуқуқининг манбаларини янада бойитган.

Рим фуқаролик ҳуқуқи асосларининг манбаларини юрист Гай ўз Институсиясида қуйидаги турларга бўлган:

қонунлар, сенатусконсултлар, императорлар конститу-сиялари, магистратлар эдиктлари, юристларнинг ёзма жавоблари (ёки юристлар фаолияти) каби қисмларга бўлинган. Лекин қадимги Рим қулдорлик жамиятининг энг биринчи манбалари одат нормалари ёки одат ҳуқуқлари бўлиб ҳисобланган□ .

қадимги Рим жамоасининг энг асосий манбаларидан бири бу одат нормалари, турмуш қоидалари, анъаналари ҳисобланиб, дастлабки пайтда улар тўлиқ диний муносабатлар билан боғлиқ бўлган.

Юстиниан Институсиясида кўрсатилганидек, Рим ҳуқуқида манбалар оғзаки ёки ёзма шаклларда мавжуд бўлган.

Оғзаки шакллардаги манбаларга одат нормалари киритилган бўлиб, улар қонунлар, яъни ёзма шаклдаги қоидаларнинг зарурияти талаб қилинмаган вақтда амалда бўлган ва мажбурий характерга эга бўлган оғзаки қоидалар бўлиб ҳисобланган.

Одат нормалари ва қонунлар

Дастлабки одат нормалари ота-боболар томонидан ўрнатилган нормалар бўлиб, морес маиорум (морес маёрум) деб аталган. Яъни бу нормалар ёзма равишдаги қонун ва ҳуқуқлар бўлмаган ҳолда вужудга келиб, ўз обрўйи асосида фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, ҳатто виждон эркинлиги билан боғлиқ бўлган нормалардан ташкил топган.

Одат нормаларининг иккинчи қисми усус (узус) деб аталиб, у яшаш фаолиятида, амалиёт асосида вужудга келган нормалар бўлиб, бу қоидаларга риоя қилишлик ҳам мажбурий бўлган.

Рим ҳуқуқининг асосий негизи - умумлотинлар ҳуқуқи ёки одатлари бўлиб ҳисобланган. Чунки, Рим давлати лотинларнинг жамоаси бўлиб, номен латинум (номен латинум) деб аталган.

Бу одат нормалари биринчи бўлиб, ёзма равишда ХИИ Жадвал қонунларида ўз ифодасини топди. Бунга асос бўлиб ота ҳукмронлиги институти, эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг тартибга солиниши, васийлик ва ҳомийлик тайинлаш муносабатларининг вужудга келиши ва бошқа ҳаракатлар ҳисобланади.

Рим давлатида қонунчилик фаолиятининг давлат қўлига ўтиши муносабати билан, одат нормалари ўз моҳиятини ёқота бошлади яъни қонунчилик фаолиятининг давлат қўлига ўтиши, одат нормалари, квинитлар ва сивил ҳуқуқларининг эскирган, замон талабига жавоб бера олмай қолган қисмларининг кучини ёқотиши оқибатида, уларнинг функцияларини бажаришни ёзма нормалар ўз зиммасига олди.

Машҳур юрист Юлиан фикрича, одат нормалари принципат даврида «ҳуқуқнинг тирик манбаи» ҳисобланган, одат нормаларининг амалда эканлигининг белгиси - унинг узок вақт мобайнида қўлланишлиги ва халқ томонидан жимлик, рози бўлишлик асосида қўллаб-қувватланишлигидир.

Жамият ривожланишининг янада такомиллашиши натижасида, одат нормалари ўрнига ёзма равишдаги император қонунлари, магистратлар томонидан қабул қилинган эдиктлар, халқ мажлислари қарорлари, олдиндан қабул қилиниши лозим бўлган қарор ёки қонун лойиҳаларини тайёрлаб, кейин халқ овозига қўйила бошланди. Халқ қонунни қабул қилишда овоз бериб, «мен эски қонун учун, мен янги қонун учун овоз бераман» деган жавобни берган. қонун лойиҳалари ва уларнинг мазмуни халқ қўлидан ўтар эди. Республикачилар даврида эса қонунлар халқ мажлислари орқали ўтиб, уларни легес (легес) деб атаганлар.

Принципат даврида қонунлар сенат томонидан қабул қилиниб, сенатусконсулт деб аталган, улар ўз моҳияти билан принсепсларнинг фармойишларидан иборат бўлган. Императорлар даврига келиб, император фармойишлари қонун деб тан олина бошланди. қонунлар оддий қонунларга ва генерал қонунларга бўлинган.

Янги эрамининг биринчи асри охирига келиб эса, халқ мажлисларининг қонунларни қабул қилиши тўғрисидаги ваколатлари қонуний асосда ёқотилмаган бўлса ҳам, амалда халқ мажлислари қонунлар қабул қилишликни тўхтатиб қўйди.

Юкорида қайд этганимиздек, милоддан аввалги 451-450 йиллар атрофида қабул қилинган биринчи Рим давлатининг ёзма қонунлари, яъни одат нормаларининг ёзма равишда йиғилган мажмуаси ХИИ Жадвал қонунларидир.

12 Жадвал қонунлари (легес ХИИ табуларум)

Рим қулдорчилиқ давлатининг ривожланишида, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ҳаётида ХИИ Жадвал қонунларининг ўрни мислсиздир, ҳатто бу қонундан Юстиниан кодификасияси орқали ёлланма меҳнатга асосланган барча давлатлар ўз қонунларини қабул қилишликда манба ва пойдевор сифатида фойдаланган.

Албатта, бу қонуннинг келиб чиқиши плебейлар ва патрисийлар ўртасида тинимсиз олиб борилган курашга боғлиқ. Бу қонун ўз ичига Рим давлатининг вужудга келишлигидан, яъни эрамиздан олдинги асрлардаги ҳаракатда бўлган одат нормалари, анъаналари, диний маросимлари, ота- боболардан қолган одат (морес маиорум) ва амалиёт асосида вужудга келган (усус) турмуш қоидаларини ва бошқа жамият учун керакли бўлган муносабатларни ўз таркибига олган. Ана шу нормалар асосида ХИИ Жадвал қонунларини тузиш учун 10 та патрисийдан (десемвир) иборат дастлабки комиссия тузилган. Бу комиссия аъзоларининг савияси юксак даражада бўлмаган. Дастлаб бу комиссия 10 та жадвалдан иборат қонунлар тайёрлаганлар, лекин унинг матни Рим давлатида яшаб турган плебейларнинг норозилигига сабаб бўлган.

Плебейлар ўзлари ҳам бошқалар каби тенг ҳуқуқларга эга бўлишлик учун тинмай кураш олиб боришган ва бу кураш ҳуқуқ доирасида ҳам ўз ифодасини топган. Рим давлатида истиқомат қилувчи патрисийларнинг магистратлари ва қоҳинлари ҳатто плебейларнинг эркини, манфаатини эътиборга олмасдан ёзилмаган одат нормаларини ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда шарҳлаб юборганлар.

Плебейлар норозилиқларидан сўнг, ўткир низолар натижасида патрисийлардан ҳам, плебейлардан ҳам бештадан аъзо таркибида янги комиссия тузилган ва дастлабки улар томонидан ишлаб чиқилган матн қайта кўриб чиқилган ва яна иккита жадвал билан тўлдирилган. Шундай қилиб, ХИИ Жадвал қонунлари вужудга келган. Албатта, ХИИ Жадвал қонунлари патрисийлар ва плебейлар учун умумий бўлган ҳуқуқни вужудга келтирган. Унинг фақат Рим фуқаролари учун мўлжалланган ягона квирит ёки сивил ҳуқуқи бўлиб қолганлиги шубҳасиз. ХИИ Жадвал қонунларининг қабул қилиниши плебейларнинг патрисий қоҳинларининг юқори табақасига қарши кураши билан ифодаланган. ХИИ Жадвал қонунларининг қабул қилиниши ўзларида ёзилмаган одатларни ва қонунларни сақлаш ва шарҳлаш, суд даъволарининг шакллари ишлаб чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолган ва бу ҳуқуқни суистемол қилиб турган понтификларнинг илгариги мавқеларининг заифланишини тезлаштирган.

Гарчи ХИИ Жадвал қонунларида қасамлардан фойдаланиш ва бошқа диний маросимларга оид ҳаракатларни қилиш кўзда тутилган бўлсада, ҳуқуқ энди диний меъёрлардан ажратилган ва дунёвий характер касб этган эди□ . ХИИ Жадвал қонунлари 12 та

мис лавҳага ёзилиб, Рим сиёсий ҳаётининг маркази - форумлар ўтказиладиган жойга ҳамма кўриш учун осиб қўйилган эди.

Бу қонунларни билиш ҳамма учун мажбурий бўлган, демак уни қабул қилиниши билан Рим фуқароларини дунёвий ҳуқуқий тарбиялаш зарурияти туғилган. Ҳатто, Сисерон даврида Рим давлатида истиқомат қилган болалар ХИИ Жадвал қонунларини ёд олишга киришганлар. ХИИ Жадвал қонунларининг асл нусхаси сақланиб қолинмаган. Унинг мазмуни ХВИ-ХВИИ асрларда анча қийинчилик билан Рим муаллифларининг асарларидаги парчалар асосида қайта тикланган.

Дарҳақиқат, ХИИ Жадвал қонунлари Рим давлатида мавжуд бўлган одат нормаларини тўплаш ва унга ишлов бериш ифодасидир. Уларга Жанубий Италия полисларининг юнон ҳуқуқи маълум даражада таъсир этган. Бирок, унга одат ҳуқуқи меъёрларидан чекинувчи алоҳида янги қоидалар ҳам киритилган эди. Масалан, жарималарнинг қўлланиш тизими қадимги таллион тамойилларидан воз кечишлик билан боғлиқ бўлган. ХИИ Жадвал қонунлари ҳали Рим жамияти ҳуқуқий техникасининг нисбатан паст даражада ривожланганлигини акс эттирган эди. Улар қисқача буйруқ тизимидаги фикрлар, тушунчалар, баъзан эса таъқиқлар кўринишида баён этилган. Уларнинг баъзилари ўзларида диний маросимларга оид изларни сақлаб қолган эди. ХИИ Жадвал қонунлари қатор камчиликларга эга бўлишлигига қарамай, Рим архаик даврининг туб эҳтиёжларини аниқ акс эттира олган.

ХИИ Жадвал қонунлари бўйича халқ мажлисининг ҳар қандай қарорлари, қонун кучига эга бўлиши лозимлиги, кейинчалик эса ҳарбий характерга эга бўлиб, сентуриялар мажлисини (юзликлар мажлисини) келтириб чиқаришлиги билан мустаҳкамланилган. Сентуриялар бўйича халқ йиғинининг қарори, шу вақтга қадар қонуний кучга эга бўлиб борган халқ йиғини қарорларининг кучини ёқотган ёки уни иккинчи ўринга тушириб қўйган.

Рим қулдорчилик давлати даврида шунингдек, сенат қарорлари, айрим ҳолларда магистратлар эдиктлари ҳам ҳуқуқий кучга эга бўлган. Масалан, десемвирлар фавкулодда комиссиясининг қарори билан ХИИ Жадвал қонунлари қабул қилинган.

Рим фуқаролик ҳуқуқида қонунларни шарҳлаш, шунингдек суд комедиантларини ва даъво талабларини тузишликларида ИВ асрга қадар понтификларнинг имтиёзли ҳуқуқлари сақланиб қолган. Понтификлар эса, суд ишларига нисбатан ўз устунликларини шу давргача ҳар томонлама ҳимоя қилиб келганлар. Ҳуқуқнинг диний ниқоблардан батамом, халос бўлишига, қоҳинлар мавқеига путур етишига ва дунёвий юриспруденсиянинг бошланишига, хусусан милоддан аввалги 302 йилда котиб К.Флавий томонидан понтификлар архивларидаги ўта махфий равишда сақланиб қолган суд тақвими, даъволар ва даъволар ҳақидаги формулалар ва ёзувлар нусхалари, ҳуқуқий меъёрлар ва одат нормаларининг шарҳлари ўғирланиб, ошкор қилиниши ёрдам берган. Унинг ҳаракатларидан руҳланган Рим халқи уни 304 йилда эдилга сайлайди□. Синфий даврдаги ҳуқуқ манбаларининг энг асосийси, ХИИ Жадвал қонунлари бўлиб ҳисобланади, ҳатто у илгарироқ қабул қилинган бўлсада, расман ҳаракат қилишда давом этган.

ХИИ Жадвал қонунларининг ҳаракат доираси ВИ асрга келиб, Византия императори Юстинианнинг қонунчилик ислохотлари давомида бекор қилинган. Римликларнинг ўз

хукукий аъналарига чуқур ҳурмат билан қараши, айниқса ХИИ Жадвал қонунларига бўлган иззат икромидан, уларни бу тарихий ёдгорликдан очикдан-очик воз кечишларига ёъл қўймаган. Синфий даврда хуқуқ манбалари сифатида ХИИ Жадвал қонунларига, айниқса, ундаги оилавий муносабатларга, яъни оила ва никоҳ ҳамда ота ҳукмронлиги институтига алоҳида эътиборни қаратган.

Никоҳ эрнинг хотин устидан тўлиқ ҳукмронлигини ўрнатган (лекин хотин киши 3 кун мобайнида ўз уйидан чиқиб кетиб, бошқа жойларда яшаб келса, бундай пайтда эрнинг хотинга бўлган эгаллик ҳуқуқи вақтинча бўлса ҳам узилиши назарда тутилган).

Ер ва хотин, ўзлари алоҳида мустақил равишда эр ёки хотиннинг ота-онасининг уйидан чиқиб кетмаган бўлса, айниқса эрнинг ота-онаси уйда яшасалар, бундай пайтда уй эгаси ёки оила бошлиғига эр ва хотин тўлиқ бўйсунар эди. Уй эгаси уларни эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқларига эга бўлган.

Ота ҳукмронлиги ёки оила бошқарувчиси шундай ҳуқуқларга эга бўлганки, ҳатто ўз хотинини тузилган шартномаларни бажариш эвазига бошқа шахсларга маълум муддатга ижарага бериб юбориши мумкин бўлган.

Айниқса, никоҳ муносабатларига катта эътибор берилган. энг аввало йигит ва қизнинг ота-оналари розилиги олинган, кейин эса никоҳга кирувчилар розилиги олинган ва маросимлар ўтказилган. Никоҳ ёши қизлар учун 12 ёш ва йигитлар учун 14 ёш қилиб белгиланган.

Никоҳга киришишлик бўйича ҳам чегараланишлар мавжуд бўлган. Масалан, халқлар ҳуқуқи бўйича фақат озод бўлган фуқароларгина никоҳ шартномасини тузиши мумкин бўлган.

Бундай ҳуқуққа қуллар, перегринлар, лотинлар эга бўлмаганлар. Айниқса, плебейлар эркин ва шахсан озод бўлсалар ҳам уларнинг мулкый, шахсий ва бошқа ҳуқуқлари чекланилган эди. Ҳатто улар жамоа аъзолари билан никоҳга кириша олмаганлар ва жамоа ишини бошқаришда қатнашмаганлар, қисқача қилиб айтганда, кўпчилик фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум бўлганлар.

Бу чеклашлар ХИИ Жадвал қонунларида ўз аксини топган. Шунингдек, ХИИ Жадвал қонунларида кўрсатилишича, ўлим жазоси кам жиноятлар учун қўлланилсада, лекин бу ҳақда кўпгина моддаларда эслаб ўтилган. Жиноятларнинг ҳарактерига қараб ўлим жазоси турлича шаклларда қўлланилган. Булар, бошини кесиш, сувга чўктириш, қўл-оёқларини бутга михлаб ташлаш, Тарпия қоясидан пастга ташлаб юбориш ва ҳоказолардир. Аста секин ўлим жазоси кам қўлланилиб борилган.

Рим фуқаролари учун фуқароликни ёқотиш, фуқароликдан маҳрум қилиш жазо тури, энг оғир жазолардан бири бўлиб, она юртдан ҳайдаб юбориш жазоси, олов ва сувдан маҳрум этиш каби жазолар қўлланилган. қонунда тан жазоларидан камчи билан уриш, жарима ва мол-мулкни мусодара қилиш, фуқаролик ҳолатини чеклаш ва диний лаънатлаш чоралари кўрсатилган. Ҳатто, Рим давлатида «око за око, зуб за зуб» - қонга қон, жонга жон деган (унинг тўлиқ маъносини англатмаса ҳам, шу тушунчани қўлладик - О.Е.) деган принцип қўлланиларди. ХИИ Жадвал қонунларига биноан, квинит ҳуқуқи бўйича хусусий ҳуқуқбузарликларга турлича шахсий озор етказиш, оғир тан жароҳати етказиш, шунингдек ўғирлик қилишлар киритилган.

ХИИ Жадвал қонунларининг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлганки, айбдор бўлмаса ҳам деликт (мажбуриятни бузиш) фактини содир этишнинг ўзи жавобгарликка тортишлик учун кифоя бўлган.

Айниқса, қадимги Рим жамиятида фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлиги институтларининг аста-секинлик билан жиноий жавобгарликларни келтириб чиқарувчи институтларга қараб ўтишлигига имконият яратилиб берилди бошланди. Ушбу қонунга биноан, бошқа шахсларнинг дарахтини кесиш ёки иморатларига зарар етказиш ёки уй олдида тўпланган буғдой ғарамларини эҳтиёцизлик орқасида ёқиб юбориш, оғир айбли қилмишлар ҳисобланиб, улар натижасида жарималар тўлаш ва бировга зарар етказиш кўринишидаги мажбуриятлар келиб чиққан. ХИИ Жадвал қонунларида оммавий деликтлар (ҳуқуқбузарликлар), яъни Рим халқи номидан жазоланадиган жиноятлар ҳам маълум бўлган ва бундай жиноятлар учун жарималар хусусий шахслар фойдасига эмас, балки давлат фойдасига ундирилган.

Енг қадимги даврлардаёқ, Римда мулкка узоқ вақт эгалик қилиб туриш натижасида ҳам мулкка эга бўлиб олиш мумкин бўлган. Лекин бу қонун ўғирланган ашёларга нисбатан муддат бўйича мулк ҳуқуқини ўзига ўтказиб олишни таъқиқлаган. Ашёларни, мулкларни эгаллаб олиш муддати бир йил, ёки конкрет ашёлар учун икки йил ўрнатилган.

Шундай қилиб, ХИИ Жадвал қонунлари қатор камчиликларга эга бўлишига қарамасдан, Рим архаик даврининг туб эҳтиёжларини қондира олган ҳуқуқий манба сифатида кўп асрлар мобайнида амалда ва ҳаракатда бўлган.

Бироқ Рим давлатининг иқтисодий, сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар, кундалик ҳаётий тажрибалар, ХИИ Жадвал қонунларининг ва умуман квинит ҳуқуқининг эскириб қолган нормаларидан амалда воз кечишликни талаб қилган.

Такимиллашиб бораётган ижтимоий муносабатларни ҳисобга олиш имконини берадиган ва бундай шароитларга мослашувчан ҳуқуқ ижодкорлиги шакллари ташкил этиш зарурияти вужудга келган.

Магистратлар эдиктлари

Рим ҳуқуқи тарихининг янги босқичида унинг анча муҳим манбаи сифатида преторлар томонидан қабул қилинган эдиктлар ҳисобланади. Бу эдиктлар Преторларнинг ўзи учун ҳам мажбурий бўлган, бир йиллик қонун деб ҳам аталган (Сисерон).

Бу эдиктлар асосида сивил ҳуқуқи билан бир қаторда иккита янги ва мутлақо мустақил ҳуқуқий тизим «претор ҳуқуқи» «иус прееаториум» (юс преаториум) ва «халқлар ҳуқуқи» «иус гентиум» (юс генсиум) ҳуқуқлари ўсиб чиққан.

Преторлар эдиктларининг гуркираб ўсган пайти уларнинг қонун ижодкорлиги фаоллиги асосида, янги эрамиздан илгариги 250-80 йилларга тўғри келади.

Юстиниан кодификациясининг муаллифларидан бири ВИ асрда ижод қилган Византия юристи Дорофей преторлар ҳуқуқлари ва сивил ҳуқуқларининг бирлашишини қуйидагича таърифлайди:

«Инсонларга тааллуқли бўлган, одат нормаларига янгиликлар киритилишлиги оқибатида, вақтлар ўтиши давомида, иккала ҳуқуқ ўзаро келишиши натижасида янги бир

хуқуқни вужудга келтирди». Худди шундай асосда, Рим синфий жамиятининг хуқуқи вужудга келиб, илгариги бир-бирига қарама-қарши бўлган хуқуқлар ягона хуқуқ сифатида қўшилиб кетдилар ва мазкур иккала тизимнинг вужудга келишлиги преторларнинг хуқуқ ижодкорлик фаолиятларининг натижасидир.

Икки хуқуқчилик тизимини сивил хуқуқлари - Рим давлатининг қонунчилик ҳокимияти томонидан объектив маънода қабул қилинган хуқуқий нормалари йиғиндиси деб ҳисоблаб, бу нормаларнинг фуқаролар, магистрлар ҳамда барча шахслар учун мутлоқ мажбурий бўлган нормалардан иборат эканлигини эътироф этганлар.

Магистратлар эдиктлари каби преторлар томонидан қабул қилинган хуқуқий нормалар, бир йиллик кучга эга бўлган ҳамда ўзлари учун нисбий мажбурий бўлган қоидаларни вужудга келтирган.

Преторлар қонунларни ёки хуқуқларни тўғридан тўғри ўзлари кашф қила олмаганлар.

Субъектив маънода сивил хуқуқлари деб - ашёларга ёки шахсларга бўлган ҳукмронликка тушунилиб, уни амалга оширишда ҳеч қандай органга ёки преторга мурожаат қилиш талаб этилмаган, яъни ҳокимият «вето» хуқуқини қўлламаздан, унга барча имкониятларни яратиб берган бўлиши лозим эди.

Преторлар хуқуқини амалга оширишда эса, албатта претор хуқуқларни ҳимоя қиламан ёки интердиктни қўллашдан деган ваъда бериб, ваъдани бажаришлик мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳақиқатдан ҳам сивил хуқуқлари мустақил хуқуқ асосида Римликларга катта-катта имкониятларни яратиб берган. Аммо, преторларнинг «тирик овози» шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан янги-янги хуқуқий нормаларни вужудга келтиришда муҳим ўрин эгаллаган.

Шундай қилиб, сивил хуқуқлари преторлар хуқуқлари билан ўзаро ҳамкорликда бўлиб, бу қоидалар бир-бирини тўлдирган, ўзгартирган ва янги қонунларнинг вужудга келишлиги учун асос бўлган.

Машҳур юристлардан бири Марсиан преторлар хуқуқлари тўғрисида шундай деган эди: «Ҳақиқатдан ҳам, преторлар хуқуқи «халқнинг тирик овозидир», чунки улар ўз эдиктлари орқали янги янги қонунларни келтириб чиқариб, халқнинг талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган самарали хуқуқий муносабатларни вужудга келтиради».

Рим Магистратлари олий оммавий ва ҳарбий ҳокимиятга эга бўлиб, ўз фаолиятларини амалга ошириш мақсадида, барча шахслар учун тартиб қоидаларини ишлаб чиққанлар. Шундай қилиб Римда хуқуқ манбаларининг мураккаб (аслида уч қисмдан иборат бўлган) тизими вужудга келган.

Империя ўрнатилиши билан Римнинг сиёсий тизимида преторларнинг мавқеи ҳам аста секин ўзгариб борган. Преторлар эдиктлар чиқариши хуқуқини расман сақлаб қолганлар, лекин уларнинг фаол «хуқуқ ижодкорлиги» ўсиб бораётган бир пайтда император яқка ҳокимлигининг қарама-қаршилигига дуч келган.

Шу сабабли, милонинг II асрларидаёқ, преторлар ўз ўтмишдошларининг эдиктларини тўлиқ нусха қилиб олишни қоида қилиб олганлар ва хоҳласалар қисман ўзгартиришлар киритганлар. Шу тариқа эдиктлар мазмуни ўзгаришсиз бўлиб қолган ва

уларнинг янги ҳуқуқ нормаларини келтириб чиқариш функциялари ўз кучини доимий равишда ёқотиб борган.

Шу муносабат билан император Адриан преторлар ҳуқуқини кодификация қилишга аҳд қилган ва бу ишни таниқли юрист Салвия Юлианга топширган (эрамизнинг 125 ва 138 йиллари).

Охирги тузилган эдикт (Юлиан эдикти сифатида машҳур) расман сенатус-консулт деб тасдиқланган ва «абдий эдикт» деган ном олган.

У кейинги магистратларнинг ҳаммаси учун мажбурий бўлиб қолган.

Аммо жамият ва давлат ҳамда ҳуқуқнинг юқори даражада такомиллашиши натижасида, кейинчалик преторлар эдикти ўз моҳиятини ёқотиб бориб, хатто янги вужудга келган преторлар учун манба бўлиб ҳисобланмайдиган бўлди.

Сенатус-консултлар Рим давлатининг дастлабки ривожланиш босқичида ҳуқуқий кучга эга эмас эди. Императорлар даврига келиб уларнинг аҳамияти анча ўсган. Эрамизнинг II асри биринчи ярмида сенатус-консултлар одатда санксияга эга эмас эди, лекин претор эдикти шарофати билан улар мажбурий кучга эга бўлганлар.

Император Адриан сенатга қонун чиқариш ҳокимиятини яна қайтариб берган ва сенатус-консултлар қонун сифатида чиқа бошлаган, уларнинг ҳуқуқ манбаи сифатидаги роли ўсган, чунки улар принсепс номидан тузилиб, кўпинча уларнинг номи билан аталган.

Императорларнинг мустақил қонун чиқариш ҳокимияти аста-секин мустаҳкамланган ва кенгайган. Дастлаб, императорларнинг қонунлари (конституциялари) халқ мажлислари томонидан ҳокимият вакиллиги натижаси сифатида кўрилган ва бунга кўра Рим халқи ўзининг қонун чиқариш ваколатини императорларга ўтказган.

Шу вақтдан бошлаб, императорларнинг қонунлари ҳуқуқнинг энг муҳим манбаига айланган. Императорларнинг қонунлари магистратларнинг кўпгина ҳужжатларидан фарқ қилиб, Рим давлатининг бутун ҳудудида ҳаракатда бўлган, шаҳар ёки алоҳида провинциялар доирасида чекланиб қолмаган.

Императорлик ҳокимияти ҳужжатлари (конституциялари) қуйидагилардан иборат асосий кўринишларга эга бўлган:

1. эдиктлар - император ҳокимиятига асосланган. Магистрат эдиктларидан ўзининг барча фуқаролар учун мажбурий бўлганлиги нуқтаи назаридан фарқ қилишлиги билан ажралиб турган. Шунинг учун, фақат мазкур император ҳаётлик чоғида юридик жиҳатдан мажбурий бўлган умумий қоидаларни ўрнатганлар. Бироқ эрамизнинг II асридан бошлаб, эдиктларга императорларнинг ворислари томонидан амал қилишлик ҳам мажбурий ҳисобланилган.

2. Рескриптлар - императорнинг ҳуқуқий масалалари бўйича консултасиялар сўраган алоҳида шахсларга ёки магистратларга берган жавоблари ёки маслаҳатлари.

3. Декретлар - император томонидан суд ишлари бўйича чиқарилган қарорлар. Улар асосида мустақил императорлик юриспруденсияси ташкил топган.

4. Мандатлар - провинцияларнинг ҳокимларига ёлланган инструкциялар (ёъл ёриқлар, қўлланмалар). Уларнинг ичида баъзи ҳолларда регенларга ва бошқа фуқароларга нисбатан қўлланиладиган фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи меъёрлари ҳам мавжуд бўлган.

Императорларнинг конституциялари дастлаб, фақат оммавий тартибдаги давлат тузилиши, унинг органларини ташкил этиш, жиноятларни ҳал этиш каби масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган бўлса, кейинчалик эса улар ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳамма соҳаларини тобора кўпроқ қамраб олган. Императорлик даврида, ишлаб чиқарилган кўпгина ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлича шакллари, оқибатда ўрта асрлар монархиясининг қонунчилик ривожланиш техникасига катта ижобий таъсир кўрсатди.

Юристар фаолияти

Милоднинг II-III асрларида (милоддан олдинги 17 йилдан мелодий 235 йилларини ўз ичига олади) синфий (принципат) даврда Рим ҳуқуқи ривожланишининг жуда муҳим ва ўзига хос манбаи - юристарнинг фаолияти бўлиб қолди. Рим юристлари, қадимги Римнинг бутун ҳуқуқий тизимини изчил ва яхлит ривожланишининг таъминланишига катта ҳисса қўшганлар. Рим юриспруденсияси плебейлар понтифики Тиберий Корунканиядан бошланган. У биринчи бўлиб, ҳуқуқий масалалар бўйича консултасиялар бера бошлаган. Унинг берган ҳуқуқий маслаҳатлари, соф дунёвий характер касб этиб, биринчи марта оммавий ва очиқ характерга эга бўлган.

Синфий даврнинг энг машҳур юристаридан бири аристократлар оиласидан чиққан Лабейондир. У ҳуқуқлар бўйича новатор ва Прокулялар ҳуқуқ мактабининг асосчисидир.

Сабинян ҳуқуқ мактабининг асосчилари Капитон ва Сабин фуқаролик ҳуқуқининг биринчи шарҳловчилари сифатида танилган.

Сабинян ҳуқуқ мактабининг ўқитувчиси машҳур Гай Институсиясининг муаллифи Гай, 2 ва 3 - аср юристлари эмилий Папиниан, Павел ва Улпианлар ҳуқуқ ижодкорлари бўлиб етишиб чиққанлар.

Ҳуқуқ мактабларининг ўқитувчилари Сабин, Юлиан, Прокул ва Селсалар машҳур, юридик фанларни ривожлантирувчи, аҳолини ҳуқуқий маданият билан таништирувчи олимлардан, зиёлилардан ҳисобланилган. Айниқса, Лабейон республикачилар тарафдори бўлиб, у ўз мактабига ҳамда ҳуқуқ соҳасига кўп янгиликларни киритди, у ўзининг сўнмас иқтидорига ва фанларга, илмга бўлган ишончи билан Капитондан ажралиб туради.

Сивил ҳуқуқларининг юқори даражада ривожланиши император Август даври билан ҳамбарчас боғлиқдир. Император Август томонидан киритилган кўп ўзгартиришлар қонун тусига эга бўла бошлаб, айниқса шахслар ҳуқуқларига, оила ва мерос ҳуқуқига ва шартномалар жавобгарлиги бўйича қатъий бўлган нормаларни киритиб, бу ҳуқуқни миллий ҳуқуқ даражасига кўтарган. Шу даврда айниқса, фуқаролик ҳуқуқига беқиёс бўлган ўзгартиришлар, тўлдиришлар киритилган.

Император Август юристар билан муносабатларини яхшилаб, уларни давлат ишларига, преториялар префектларига кўпроқ жалб қилган ва баъзи юристарни шаҳар бошлиғи мансабларига ўтказган.

Машҳур юристардан бири Сабин дидактик асар - "Иус сивили" (фуқаролик ҳуқуқи) номли 3 китобдан иборат бўлган асарни яратди. Бу асар қуйидаги қисмлардан иборат бўлган:

1. Мерос ҳуқуқи ҳақида;
2. Шахслар ҳуқуқи:

3. Мажбурият ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқлар тўғрисида.

Ҳар бири, мавзусига тааллуқли бўлган кўпгина саволлар ва жавоблар билан тўлдирилган.

ИИ асрнинг машҳур юристларидан бири Флорентин яратган институция 12 та китобдан иборат эди.

Айниқса, диққатга сазовор бўлган юристлардан Селсанинг Дигестлари ва уларнинг шарҳлари 39 та китобдан иборат бўлган, шунингдек, энг кучли ва машҳур юристлардан яна бири Юлианнинг Дигестлари эса 90 та китобдан иборат бўлган.

Бу асарлардан, Рим синфий даврининг машҳур юристлари Гай, Павел, Улпиан, Папинианлар ҳамда Юстиниан кодификациясини амалга оширган барча юристлар фойдаланганлар.

Юрист Марселла томонидан 31, Ссевола томонидан 40 та китоб ҳажмида Дигестлар яратилган.

Жаҳон юриспруденциясида ўз ўрнини қолдирган энг машҳур бўлган юрист, «улуғ» юрист Папиниан иккита асар яратган: биринчиси 37 та китобдан, иккинчиси «Ресронса» деб аталиб, 19 та китобдан иборат бўлган, бу асарлардан Юстиниан кодификациясида тўлиқ фойдаланилган.

Улпиан ўқувчиси бўлган Модестин ҳам «Ресронса» деган асар яратиб, у ҳам 19 та китобдан иборат бўлган.

Республика даврининг юристлари, суд амалиётида ўзларининг катта таъсир доирасига эга бўлган ва улар суд жараёни масалалари бўйича мутахассис бўлганлар. Ҳуқуқий жавобларни аниқ ифодалаб, юридик ҳужжатларни шарҳлаганлар ва шартномалар лойиҳаларини тузганлар, қатор ҳолларда суд жараёнининг ўзида томонлардан бирига ёрдам кўрсатиб иштирок этганлар. Республика даврининг юристлари, одатда аристократлар доирасидан - сенатор зодагонлардан шунингдек, суворийлардан ҳам чиққан. Уларнинг ичида энг машҳурлари элия Пета Ката, Марк Манилий, Алфен Вар, Квинт Мусий Ссевола, Публий Мусий Ссевола, Сервий Сулписий, Руф ва бошқалар бўлган.

қадимги Рим қулдорчилиқ давлатида, юриспруденция ўзининг тараққиёт даражасининг энг юқори чўққисига чиқди. Бу даврда хусусий мулкка бўлган ҳуқуқ қатъий ҳимоя қилиниб, Рим ҳуқуқи ниҳоятда раванқ топди.

Бу даврларнинг юристлари, ҳуқуқий назариянинг ва амалиётнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Шундан келиб чиқиб, ИИ асрни «олтин аср» деб атаганлар. Чунки, ИИ асрда машҳур ва етук юристлар ўз фаолиятлари билан жаҳон тарихида муҳим юридик хазиналар ва ёдгорликларни яратганлар, бу хазиналар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини ёьқотмаган.

Бу вақтда юристлар сивил ҳуқуқи ва претор ҳуқуқининг шарҳларини ёритишга, шунингдек сивил ва претор ҳуқуқини синтез қилишга уриниб, турли ҳуқуқий масалалар бўйича асарлар, дигестлар ёзишди ва бу фаолиятлари билан катта шухрат қозонишди.

Дигестларни ёзишда юқорида кўрсатилган машҳур юристларнинг ёки бошқа муаллифларнинг анча қадимий асарларидан («Саволлар», «Жавоблар» ва бошқалар) парчалардан (кўчирмалардан) фойдаланилган, шу билан бирга, ҳуқуқий материаллар қатъиян аниқ тартибда жойлаштирилган (дигеста - «тизимга солинган» деган мазмунни англатиши

бежиз эмас). Рим юристларининг асарлари ичида Рим ҳуқуқини ўқув мақсадларида тизимли баён қилувчи институтсиялар муҳим ўрин эгаллаган. Айниқса, 143 йилги Гай Институсиялари жуда машҳур бўлган. Уларда кенг ҳуқуқий материалларнинг тўлиқ, лўнда ва мантиқан изчил жойлаштирилган баёни берилган. Гай Институсиялари асосан фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилишга бағишланган. Гай Институсияси бошқа Рим юристларининг институтсияларидан анча тўла ва аниқ баён қилинганлиги билан фарқ қилади. Уларда фуқаролик ҳуқуқининг изчил ва мантиқий бўлиниши берилиб, уни шундай деб таърифлаган: «биз фойдаланиладиган барча ҳуқуқ ё шахсларга, ёки ашёларга, ёхуд даъволарга тааллуқли». Гарчи кўп олимлар Гай томонидан фойдаланилган тизимни оригинал деб ҳисобламасада ҳам, у ҳуқуқни тушунишда олға ташланган муҳим кадам бўлган. Бу ерда илк бор моддий ҳуқуқ жараёндан, индивидуал (алоҳида) ҳуқуқлар уларни ҳимоя қилиш воситаларидан ажратилган.

Юрист Гай машҳур ҳуқуқ ўқитувчиларидан ва иқтидорли ёзувчилардан, ўзининг Институсияси билан жаҳонга танилган. Рим, Константинопол, Бейрут университетларида унинг машҳур Институсияси асосида дарслар ўтилган, ўзининг зийрак қобилияти билан ажралиб турган юристлардан бири бўлиб ҳисобланган.

Юриспруденсиянинг энг юқори ривожланиш чўққисига етишишда юрист Гайнинг мислсиз хизмати борлигини, унинг ёрқин овозлари ҳар томондан жаранглаб эшитилиши, асарларини халқ севиб ўқишини Римликлар тан олганлар. Гай ҳақида унинг туғилганлиги, фамилияси, қайси провинсияда фаолият кўрсатганлиги номаълум.

Римда императорлик бошқарувининг ўрнатилиши билан юристларнинг амалий фаолияти - ҳуқуқий маслаҳатлар бериши фаоллашган. «Жавоблар» деб номланган бу консултасиялар (маслаҳатлар) судьяларга катта таъсир ўтказган. Судьялар кўпинча обрўли юристларнинг фикрларига риоя қилар эдилар. Император Август расмий аҳамиятга эга бўлган (иус респонденти) жавоблар беришни фақат маълум даражадаги юристларга рухсат этиб, уларнинг фаолиятини бир мунча ягона шаклга келтиришга ҳаракат қилган. Шундан асарлари ва фикрлари илгаригидек ҳуқуқ манбаи сифатида кўриладиган синфий юристларнинг сони қисқарган. 426 йилги «О ситировании юристов» деган қонунга биноан фақат бешта юрист : Папиниан, Павел, Улпиан, Гай ва Модестиннинг асарлари кўпроқ ёки юқорироқ юридик кучга эга эканлиги тан олинган. Баъзи ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда овозлар тенг бўлиб қолса, унда машҳур юрист Папинианнинг фикри кўпроқ эътиборга олинган. Император Август даврида сенатга кўпроқ чиновник юристлар аъзо қилинган бўлиб, улар сенат аъзолари сифатида юқори маошлар билан таъминланиб, уларнинг фаолияти давлат хизматлари билан тенглаштирилган.

Энг масъулиятли бўлган мансабларга юристлар қўйилар экан, улар император номиданлигига ўхшаш суд процессларида қарорлар қабул қилганлар, бу қарорлар ёзма равишда берилиб, юристларнинг ўз тамғалари билан тасдиқланиб, император девонхонасида сақланувчи журналларга ёзиб қўйилган.

Машҳур юрист Улпиан томонидан бир нечта қонунларга, одат нормаларига ва шу жамятдаги мавжуд бўлган қоидаларга шарҳлар яратилган. Унинг ёрдамчиси Юлий Павел эса Рим давлатининг олдинги ўтган юристларининг асарларига ўзининг танқидий қарашларини яратди.

Машҳур юрист Улпиан вояга етмаган император Александр Север даврида перетория перфекти мансабига эришиб, чиновник, зодагонлар гуруҳига ўтказилди.

Судялар масала юзасидан юристларнинг умумий фикрини аниқлашлари лозим бўлган. Агар юристларнинг ўртасида турлича фикр мавжуд бўлса, кўпчиликнинг фикрига қаралган, агар овозлар тенг бўлса Папинианнинг фикри ҳал қилувчи деб тан олинган. Агар бундай ҳолда Папиниан фикр билдирмаса, судя мустақил ҳаракат қилиши мумкин бўлган.

Рим ҳуқуқларини кодификациялаш (бир тизимга келтириш)

Рим ҳуқуқининг собиқ ҳаракатчанлигининг ёқотилиши, сивил ва преторлар ҳуқуқи ўртасидаги чегараларни олиб ташланиши (чунки бундай бўлиши ягона императорлик қонунчилигида ўз мазмунини ёқотган эди) кодификация ишларини амалга ошириш учун қулай шароитларни юзага чиқарди. Айниқса, Рим империясининг шарқий қисмида (Византияда) ҳуқуқни туркумлаштириш бўйича қизгин ишлар қилинган. Бу ерда ИИИ аср охирида Рим ҳуқуқининг хусусий тўпламлари - Григориан кодекси ва Гермогениан кодекси тузилган. Улар ўз ичига 196 йилдан 365 йилгача чиқарилган императорлар конституцияларининг асл матнларини киритганлар. 438 йилда эса императорлар конституцияларининг биринчи расмий кодификацияси амалга оширилган (Феодосия кодекси). Феодосия тўпламининг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, у фақат ҳаракатдаги императорлик қонунчилигини ўз ичига олган ва кодификация ишларининг анча юқори даражаси бўлган.

Юстиниан кодификацияси

Янги эрамининг ИВ асри охирига келиб, қадимги Рим давлатида чуқур ўзгаришлар юз берди, яъни шу вақтга қадар бўлган тизимнинг инқирози муносабати билан Рим ҳуқуқининг жонланиши вужудга келиб, кодификация масаласи кун тартибига қўйилди. Ўзгаришлар юз берсада, лекин унинг асосий институтлари мазмунини, моҳиятини ўзгартирмади. Амалда илгариги кўринишда сақланиб қолди. Бу вақтда ҳуқуқ манбаларида бир мунча ўзгаришлар бўлган. Уларнинг ичида муҳими император қонунлари аҳамиятининг тобора ортиб борганлигидир. Императорлар тўла ҳокимиятчилигининг ўрнатилиши муносабати билан янги юристлар авлодларининг маслаҳатлар, яъни консултасиялар бериш ҳуқуқлари заифлашиб вужудга келган янги ҳуқуқий меъёрларни таърифлаб бериш (шарҳлаш) имкониятлари камайиб борган. Юридик асарлари ва фикрлари илгаригидек ҳуқуқ манбаи сифатида кўриладиган синфий юристларининг сони тобора қисқариб борган. Юқорида қайд қилинганидек, фақат буюк юристларнинг, яъни Папиниан, Павел, Улпиан, Гай ва Модестиннинг асарлари ва берган маслаҳатлари юридик кучга эга эканлиги тан олинган.

Рим ҳуқуқи ўзининг дастлабки ҳаракатчанлигини ёқотиши, сивил ва преторлар ҳуқуқлари ўртасидаги чегараларнинг олиб ташланиши кодификация ишларини амалга ошириш учун қулай шароитларни яратиб берди.

Айниқса, Рим ҳуқуқининг қамровли кодификасияси ғарбий Рим империяси қулаганидан сўнг, Византия императори Юстинианнинг буйруғи билан 528-534 йилларда ўтказилган. Кодификасия ишларига раҳбарликни таниқли юрист, профессор Трибониан амалга оширган. Рим ҳуқуқининг қатор йирик тўпламларини тузиш комиссия ишларининг натижаси бўлган. Бироқ, бу тўпламлар интерполясияга - анча кечки намуналарнинг, жумладан юнон ва шарқ ҳуқуқи меъёрларининг киритилишига учраган. Ҳуқуқ тарихининг анча кечки босқичида, яъни илк ўрта асрларда бу тўпламлар Юстинианнинг ягона қонунлар тўплами - *Сорпус иурис сивилис* (*корпус юрис сивилис*) сифатида майдонга чиққан.

Императорнинг бевосита раҳбарлигидаги кенг кодификасия ишлари Юстиниан кодексини тузишдан бошланган. 528 йил 13 февралда 10 та олий мансабдор шахслар ва ҳуқуқшунослар таркибида комиссия тузилиб, унга кодексни тайёрлаш вазифаси юклатилган. Комиссия аъзолари таркибида профессор Трибониан ва Константинопол ҳуқуқ мактабининг профессори Теофиллар бўлиб улар раҳбарлик қилганлар ва иш фаолиятида ўзларининг фаоллиги билан ажралиб турган. Комиссияга илгари қабул қилинган ва чиқарилган хусусий ва расмий тўпламлардан, хусусан, Григориан ва Гермогениан ҳамда Феодосия кодексларидан фойдаланиб, императорлик конституцияларини бир бутун қилиб тўплаш, улардаги мавжуд қарама қаршиликларни бартараф этиш, эскириб қолган қонунларни чиқариб ташлаш ваколатлари берилган.

Юстиниан кодексининг биринчи таҳрири ниҳоятда ҳайратланарли даражада тезлик билан тузилган ва 529 йилнинг 7 апрелида нашр этилган. Лекин бу нашр бизгача етиб келмаган.

Кодекс тузишдаги шошма-шошарликлар ундаги бирқанча камчиликларга, бир-бирига қарама-қарши бўлган меъёрларнинг, эскирган қоидаларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлган. Булар айниқса, Юстиниан кодификациясининг бошқа қисмлари тузилаётганда маълум бўлиб қолган. Юстиниан қонунчилигидаги, айниқса «Елликта қарор» тўпламининг ва 200 дан ортиқ эски қабул қилинган қонунларни ўзгартириш тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниши, янги киритилган бир қатор тартиб қоидалар (фуқаролик ҳуқуқи ва халқлар ҳуқуқлари ўртасидаги, квинит мулки ва бонитор мулки ўртасидаги фарқларнинг бекор қилиниши ва бошқалар) Юстиниан кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишни тақозо этган.

Император Юстиниан - деҳқон оиласидан чиққан, ақлли, етук саркарда бўлиб, ўз олдига қонунларни бир тизимга келтиришни мақсад қилиб қўяр экан, ўзининг кўл остида фаолият кўрсатган чиновникларнинг ҳам барчасини қонунга бўйсунтирилишини, интизомли бўлишлигини таъминлаш, судларда иш кўришликда, қарорлар чиқаришда қатъий тартиб ўрнатиш ва ўз империясининг ҳуқуқий асосларга таяниб иш кўришлигини таъминлашни амалга оширишни кўзлаган эди.

Юридик адабиётларни ва қонунларни кодификасия қилишлик учун яна профессор Трибониан, Теофил ва Бейрут ҳуқуқ мактабининг профессорлари Дорофейлар, Анатолийлар ва 11 та адвокат таркибида 530 йили 15 декабрда 17 аъзодан иборат кодификасияни амалга оширувчи комиссия тузилди. Комиссияга 17 кишидан ташқари истаган юристларни, олимларни ва ишлаб турган юрист мутахассисларни, амалиётчиларни жалб этиш ҳуқуқи

берилди. Ҳеч қандай тўсқинликларга эътибор бермасдан, ўз фаолиятларингизни амалга оширинг, деган кўргазмалар берилди.

Император Юстиниан комиссия олдига қуйидаги вазифаларни қўйди:

1. Рим ва Византия фуқаролик ҳуқуқини, яъни институтияларини бир тўпламга келтириш;

2. Императорлар конституцияларини, яъни 117 йилдан Андриан императорлик қилган даврдан бошлаб то ўша кунгача бўлган ҳуқуқий нормаларни, қоидаларни ва бошқа ҳужжатларни бир тизимга келтириш;

3. Шу кунга қадар бўлган Рим юристлари томонидан ёзилган ва қолдирилган Дигестларни, яъни юридик фикрларни, асарларни бир тўпламга келтириш.

Кодификация ишларини тез ва пухта асосда амалга ошириш учун тузилган комиссия уч қисмга бўлиб юборилди.

а) Фуқаролик (сивил) ҳуқуқларига тааллуқли бўлган Рим юристларининг асарларини йиғиш. Бу кичик комиссияга раҳбар этиб Сабин тайинланди;

б) Преторлар ҳуқуқларига тааллуқли бўлган эдиктларни йиғиш кичик комиссияси;

в) Папиниан асарларини йиғиш ва бу кичик комиссиялар ўрганган қонунларни, юристлар асарларини бир тизимга келтирувчи комиссиялардан иборат эди.

530 йилга келиб янгитдан янги комиссия тузилиб унинг олдига синфий юристларнинг асарларини (иус)ни кодификация қилиш вазифаси юклатилди.

533 йилга келиб эса, Рим давлати синфий давридаги юристларининг асарларидан олинган кўчирмалардан Дигестлар ёки Пандектлар тузилди ва улар янгиланиб турмушга тадбиқ этила бошланди.

Дигестларни яратишда милoddан аввалги II асрдан эрамининг IV асригача яшаб ижод этган машҳур Рим ҳуқуқшуносларининг 3 йил давомида 2 мингдан кўпроқ асарлари ўрганиб чиқилган ва уларнинг асарларидан олинган 300000 дан ортиқ матнларни ўз ичига қамраб олган, 150 мингга яқин мисрали ноёб ҳуқуқий ёдгорлик ҳисобланган Дигестлар ва Пандектларда Улпиан, Павел, Папиниан, Гай, Юлиан, Помпаний, Модестин ва бошқа машҳур бўлган юристлар асарларидан бошқаларга қараганда кўпроқ фойдаланилиб, парчалар келтирилган. Жами бўлиб 39 та атоқли ва машҳур бўлган юристларнинг асарлари Дигестлар ёки Пандектларда ўз ифодасини топган.

Дигестлар ва Пандектларнинг Улпиан матнлари 1|3, Павел асарлари 1|6, Папиниан асарлари 1|8 қисмини ташкил этган.

Дигестларда фойдаланилган асарларнинг муаллифларидан бири Мусий Ссевола милoddан илгариги иккинчи асрда фаолият кўрсатган бўлса, бошқа юристлар эса учинчи асрда яшаб, ўз асарларини, фикр ва мулоҳазаларини қолдирганлар. Бундан кўриниб турибдики, Дигестларни тузиш ва бир тўпламга келтиришлик ниҳоятда катта даврни ва кенг қамровли босқични ўз ичига олган.

Дигестлар 50 та китобдан, титуллар ва параграфлардан иборат бўлган. Дигестлар даври ниҳоятда кенг бўлсада, лекин эскириб, замон талабларига жавоб бермаган ҳуқуқ нормаларини компиляторлар чиқариб ташлаганлар ва уларни янги номлар билан ўзгартирган бўлса-да, бу қонун ўзида Рим давлатининг синфий ҳуқуқини ва синфий давргача бўлган илк ҳуқуқий меъёрларни тўлиқ сақлаб, XIII асрдан то шу бугунга қадар Европа ва бошқа

континентда жойлашган давлатларнинг ҳукукий маданиятини янада юксалтириш учун мислсиз аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Дигестларга киритилган барча қоидалар, нормалар қонун кучига эга бўлган.

Дигестлар латин тилида ёзилган, лекин кўп иборалар, баъзан эса бутун-бутун парчалар олиниб, улар юнонча берилган. Юстиниан Дигестларга қонун кучини бериб, уларни шарҳлашни, шунингдек, эски қонунларга ва ҳуқуқшуносларнинг асарларига ҳавола қилишни таъқиқлаган. Чунки, шарҳлаш кодекс моддаларига бошқача маъно беради, моҳиятини ўзгартириб юборади, деган фикрга борган.

Ҳатто, 1804 йилдаги «Наполеон Франция Фуқаролик Кодекси»га шарҳлар ишлаб чиқилгандан кейин, буни Наполеон билиб қолиб, «Менинг Кодексим ёқ бўлди, ёқолди» деган маънода афсус қилган. Юстиниан кодификациясининг ўзига хос қисми ҳисобланган Институциялар - ёшлигида қонунларни севадиган императорга қаратилган ҳуқуқнинг содда дарслиги бўлган.

Юстиниан Институцияларининг асосига Гай асарлари, шунингдек Флорентин, Марсиан, Улпиан ва Павел Институциялари қўйилган эди. Юстиниан Институциялари Дигестларга қараганда камроқ бўлсада, ўзида постклассик (Кичик Рим, Византия) ҳуқуқ белгиларини акс эттирган эди.

553 йили 16 декабрда Дигестлар тўлиқ асосда ишлаб чиқилди ва Юстиниан Дигестлари ёки Пандектлари деб эълон қилинди ва қонун тусини олди. Ўша кундан бошлаб эски манбалардан фойдаланишлар ҳамда янги қонун нормаларига шарҳлар бериш таъқиқланди, агар қонунлар бўйича тушунмовчиликлар келиб чиққан бўлса, император Юстинианнинг ўзига учрашлик лозимлиги каби қоидалар ўрин олди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Дигестлар 50 та китобдан иборат бўлиб асосий қисмларини (ҳатто кўпчилигини) фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари эгаллаган.

Биринчи китоб ҳуқуқ тарихига, манбалар тушунчасига, давлат муассасаларининг вазифаси тузилишига ва ваколатига қаратилган бўлса ҳам, аммо уларнинг бу ҳуқуқий муносабатларида субъект сифатида қатнашишлиги учун асос бўлган ҳуқуқ ва муомала лаёқатига кўпроқ эътиборни қаратган.

Иккинчи ва тўртинчи китобларида, яъни қонун тўпламларида суд просесси (жараёни) ва уни амалга ошириш ҳамда даъволар ҳақидаги таълимотларнинг қўлланиши ёритилган.

Дикқатга сазовор томони шундаки, биринчи ва иккинчи китоблар Бейрут мактабининг профессори Дорофейга тааллуқлидир. Учинчи ва тўртинчи китоб шу комиссиянинг фаол аъзоси Константинопол ҳуқуқ мактабининг профессори Теофелга тааллуқлидир.

қирққа яқин китоблар эса Рим хусусий ҳуқуқига тўлиқ бағишланган.

Дигестларда мулкӣ муносабатларга, айниқса, ворислик муносабатларига катта ўрин ажратилган ва олтита йирик-йирик тўпламлардан иборат бўлган. Айниқса, Рим давлатининг асосий шартномаларидан бири бўлган олиш-сотиш шартномасига уни амалга ошириш, шартнома фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи асос сифатида қаралиб, ҳатто Рим фуқаролик ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқий соҳаларидан ўзининг ниҳоятда оддий примитив асосда ишлаб чиқилганлигини ва барча муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилишлигини яна бир бор таъкидлайди.

Рим қулдорчилик давлатида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларидан бири гаров эканлигини эътироф этиб, унга катта бир тўпламни ажратганлар.

Рим ҳуқуқида оила кичкина бир давлат сифатида, жамиятнинг асоси ҳамда ҳаракатлантирувчи субъекти деб қаралган. Яқка никоҳлик, ўзаро софдиллик, лекин ота ҳукмронлиги институтининг мутлоқ характерга эга эканлигини эътироф этиб унга, яъни оилавий ҳуқуқий муносабатларга учта тўпламни ажратиб, уни ҳуқуқий тартибга солинишини энг юқори чўққига чиқарганлар. Худди шу оилавий ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган васийлик ва ҳомийлик ҳамда уларни тартибга солишлик бўйича 2 та тўплам ажратилган.

Жаҳон юристлари томонидан тан олинган ва эътироф этилиб келинаётган Рим ҳуқуқшунослари томонидан юридик хазина сифатида қолдирилган ва Дигестларнинг бешдан бир қисмини ўз ичига қамраб олган мерос ҳуқуқлари, васиятнома, қонун бўйича ворислик, мерос олишдан воз кечиш, умуман Рим қулдорчилик давлатининг иқтисодда ҳукмрон бўлган синфларининг кўпроқ эрки, манфаати ва иродасини кўзлайдиган мерос ҳуқуқий муносабатларига бағишланган.

Рим ҳуқуқининг асосий институтларидан бири қуллик институти, ундан озод бўлиш ҳолатлари усуллари ва тартибларига ҳам алоҳида битта қонунлар тўплами қаратилган.

қадимги Рим ҳуқуқида шартномаларнинг турлари хилма-хил бўлган. Айниқса, улар консенсуал, вербал, литтерал, прогибитор ва бошқа хил шартномаларга бўлиниб кетган. Улардан айниқса вербал шартномалари кўп ишлатилган. Ана шуларни эътиборга олиб, вербал шартномалари тўғрисида иккита катта-катта қонунлар тўплами ажратилган.

Император Юстиниан қонунларни ва тартибни ниҳоятда ҳурмат қилган юристлардан ҳисобланиши билан бирга, у Дигестларга киритилган иккита тўпламни «енг кўрқинчли» деб атаб, жиноят ва жазога бағишланганлигини таъкидлаган.

Энг охириги тўпламлардан бири, ҳарбий масалалар, апелляция масалаларига ҳамда охириги тўпламда эса титуллар моҳияти, манфаати, уларни тартибга солиш ҳамда қўлланиладиган баъзи тушунчалар ҳақида ва умуман кодификация ва ҳуқуқ ҳақида тасавур ва таассуротлардан иборатдир.

Ишлаб чиқилган Дигестларни компиляторлар томонидан текшириб чиқиш вақтида император Юстиниан яна профессор Трибониан раҳбарлигида, Теофел ва Дорофейларга, Гай Институсиясининг эскириб қолганлигини эътиборга олиб, янги институтсия ишлаб чиқишни буюради.

Институсияларни ишлаб чиқиш мақсади асосан ҳуқуқий соҳалар бўйича қонунларнинг ҳаракатдалигини ва кераклисини аниқлаш, қонунлар бўйича ҳамма фанларни ажратиб олишлик, улардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш масалаларини ҳал қилишлик ва аниқлик киритиш лозим эди.

Бу институтсияни ишлаб чиқишликда яна асосан Гай Институсиясидан фойдаланилди ва ИИ асрда яшаб ижод этган Гай «ВИ аср Гайи» ёки «ўзимизнинг Гайимиз» деб аталди.

Янги ишлаб чиқилган, яъни 533 йил 21 ноябрдаги Институсия Гай Институсиясига ўхшамаса ҳам, лекин ҳаракатдаги қонунчилик, янги ҳуқуқий нормаларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилиб, кириш қисмидан, шахслар, ашёлар ва ашёвий ҳуқуқларга, мерос ҳуқуқлари

ва мажбурият ҳуқуқларига бўлиниб, 4 қисмдан иборат бўлган ва 4-қисмнинг охири оммавий ҳуқуққа бағишланган.

Дигестларни ва янги Институсияни ишлаб чиқиш мобайнида ҳам бир нечта конституциялар, қонунлар қабул қилинди, бир неча юзлаб ҳамда бир нечта янги юристларнинг яъни Дигест ва Институсияда кўрсатилмаган юристларнинг асарларини таҳлил қилишлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ушбу янгиликларни Юстиниан кодификациясига киритиш лозим эди. Юқоридагилардан келиб чиқиб Император Юстиниан янги Кодекс ишлаб чиқилиши ёки янги таҳрирда қабул қилиш вазифасини қўйиб, яна профессор Трибониан раҳбарлигида беш кишидан иборат комиссия тузилди.

Бу комиссия Кодексни янги таҳрир асосида вужудга келтириб 534 йил 16 ноябрда иккинчи тузатилган нашрини эълон қилди. Бу Кодекс 12 та китобдан иборат бўлиб, улар титулларга бўлинган ва титуллар асосида императорлар томонидан қабул қилинган конституциялар хронологик тартибда жойлаштирилган эди. Бу Кодекс 534 йил 29 декабрда кучга киритилди. Булардан ташқари император Юстиниан томонидан 535-565 йилларда қабул қилинган конституциялар ҳам кенг миқёсдаги қўшимчалар киритишликни тақозо этарди. Бу ўзгаришлар Новеллалар деб аталиб, кўпчилиги давлат қурилиши, черков муносабатлари, мерос ҳуқуқи, оилавий ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишликка қаратилган эди

Қадимги Рим давлатининг императори Юстиниан ўз кодификацияси билан Рим ҳуқуқининг ўтган тарихини, ҳуқуқий маданиятини бир жойга тўпловчи яқун бўлиб, унинг кўп асрлардан бери ривожланишига ўзига хос тарзда чегара қўйди.

Шундай қилиб, 534 йилнинг охирига келиб, Юстиниан кодификацияси тўлиқ асосда ўз моҳияти ва мазмунига эга бўлди ҳамда уни «Фуқаролик қонунлари тўплами» деб атадилар.

Янги эрамининг ХИИ асрига келиб, у тўлиқ асосда «Сорпус иурис сивилис» деб аталди ва шу кунга қадар «Фуқаролик қонунлари тўпламлари» деб тан олинади.

Бу тўплам қуйидаги қисмлардан иборат бўлган:

1. Институтионес - 4 та китобдан иборат;
2. Дигеста (Пандестеае) - 50 та китоб, 7 қисм, 432 та титул ва 9123 фрагментлардан иборат;
3. Содех - 12 та китобдан иборат бўлиб, император Андриандан бошлаб император Юстинианга қадар бўлган императорлар фармонларининг тўплами;
4. Новеллае (легес) 168 новеллалар (янги қонунлар), Юстиниан кодексининг иккинчи марта қайтадан ишлаб чиқилган ва янги таҳрирдан кейин қабул қилинган қонунлар;

Сорпус иурис сивилис (Фуқаролик қонунлари тўплами)нинг қадимги қўлёзмалари:

- а) Турин Институцияси (дарсликлари) IX аср;
- б) ВИ-ВИИ асрлардаги Флорентия Дигестлари ва Вулгата (XI аср);
- в) ВИИИ асрдаги Верон кодексларидан иборат.

2 бўлим юзасидан назорат саволлари

1. Рим хусусий ҳуқуқида манбалар тушунчаси ва турлари нималардан иборат?
2. Одат нормалари ва қонунларнинг манба эканлиги ҳамда морес майорум, лех, Лех генералис тушунчаларининг бир-биридан фарқларини асослаб беринг?
3. Рим давлати оммавий ва хусусий ҳуқуқларининг биринчи асосий манбаини қандай қонунлар ташкил этган?
4. Сорпус иурис сивилис нинг вужудга келиши ва жаҳон давлатлари ҳуқуқий тизимларида тутган ўрни ва моҳияти нималардан иборат? (Германия, Франция, Англия, АҚШ давлатлари ҳуқуқий тизими мисолида).
5. Юстиниан Кодификасияси ва унда Гай Институсиясининг тутган ўрни ҳақида нималарни биласиз?

Тавсия этилган адабиётлар

1. Римское частное право. Учебник для юридических институтов и юридических факультетов. Под редакцией И. Б. Новиского и И. С. Перетерского. М., 1948.
2. Новиский И.Б. Основы римского гражданского права. М., 1956, 1960, 1972 гг. изд.
3. Омелченко О.А. Основы римского права. М., 1994.
4. Черниловский З.М. Римское частное право: элементарный курс.-М.: Новый юрист, 1997.
5. Уразайев Ш.З. Римское право. Учебное пособие.-Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2000.
6. Муҳамедов Ҳ. Ҳорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. Тошкент, «Адолат», 1999.
7. Ерназаров О.Е., Топилдиев В.Р. Рим фуқаролик ҳуқуқи. Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик факультетлари учун ўқув қўлланма. Тошкент, 2001.
8. Гай 1.2. (В сборнике документов по всеобщей истории государства и права. Составител проф. К.ЙЕ.Ливансев). Изд-во ЛГУ, 1977.
9. Покровский И.А. История римского права. - Вступ. статья, переводы с лат. научн.ред. и коммент. А.Д.Рудокваса. - СПб.: Издателско-Торговый дом, «Летний Сад», Журнал «Нева», 1999.

10. Мавзу. Ўрта асрларда Европа ва шарқ мамлакатларининг давлати ва ҳуқуқи.

1. Ўрта аср Европа давлатлари ва Шарқ давлати ва ҳуқуқи ўзига хос хусусиятлари.
2. Ўрта аср шарқ давлатларида ҳуқуқ манбаларини тушунчаси.
3. Мусулмон ҳуқуқи, Конфуцийлик, Легизм, Хинд ҳуқуқи- каста ҳуқуқи, Япония «Рё»лари дастлабки конституциялар эканлиги

1.. Ўрта аср Европа давлатлари ва Шарқ давлати ва ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятлари

Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, Ғарб ва Шарқ мамлакатларида феодал ер мулкчилигини кулдорлик давридаги мулкчиликдан фарқлайдиган ўзига хос хусусиятлари бор. Масалан, Ғарб мамлакатларида ернинг олий эгаси монарх (қирол, князь, император) ҳисобланиб, бошқа феодаллар ундан хизмат эвазига ёки бошқа шартлар билан ер олганлар. Улар эса бу ерни учинчи шахсга маълум шартлар эвазига берганлар. Ер берган феодал сюзерен, олгани эса вассал деб аталган. Шундай қилиб, Ғарбий Европа мамлакатларида ерга эгалик қилишнинг ўзига хос хусусиятлари унинг иерархик (поғонама-поғона) характерида бўлиб, бу ҳодиса махсус шартномалар (инвеститура)да ифодаланадиган сюзеренитет-вассалитет муносабатларини туғдирган.

Шарқ мамлакатларида бундай эгалик бўлмай, ер давлат мулки ҳисобланарди. Йирик ер эгалари давлатга бўйсунардилар, деҳқонлар ва ҳунармандлар эса бевосита давлатга рента-солиқ тўлардилар.

Ерга нисбатан давлат мулкчилигининг мавжудлиги ўрта аср Шарқида давлатнинг нисбатан марказлашишида муҳим омил ҳисобланган, лекин XVI-XVIII асрларга келиб капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланишига тўсиқ бўлиб қолган.

Жамиятнинг базисида феодал муносабатлар ўрин олгач, унинг сиёсий устқурмасида ҳам базиснинг характери ифодалайдиган ўзгаришлар рўй берди.

Феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққий этишими билан давлатчилик ҳам ривожланди. Европада бу жараён асосан қуйидаги тўртта: илк феодал монархияси, сеньорлик монархияси (феодал тарқоқлик), табақавакиллик монархияси ва мутлақ монархия босқичларидан ўтди. Бирок бу босқичларни ҳамма Европа мамлакатлари бир вақтда ва тўлиқ босиб ўтмади. Ҳар бир мамлакат миллий тарихининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ана шундан келиб чиқади.

Шуни кўрсатиб ўтиш жоизки, Шарқ мамлакатлари ўз тараққиётида бундай даврларни тўлиқ босиб ўтмади. Кўпчилик олимлар кўрсатишича, Шарқ феодал давлатлари ташкил топган вақтидан бошлаб мутлақ монархия шаклида бўлиб, бу давр узок давом этди.

Феодал жамиятида ва унинг сиёсий ташкилотларида черков мафқураси катта роль ўйнаб, диндорлар имтиёзли табақа ҳисобланган. Шарқий ва Ғарбий Европада христианлик, Осиёнинг бир қанча мамлакатларида ислом, Хитой, Японияда конфуцийлик ва буддизм ҳукмрон диний мафқура ҳисобланган.

Христианлик Европада ягона дин бўлиб, у кишиларнинг бутун ҳаётини ўзига бўйсундирган, кишилар туғилганидан то вафот этганларига қадар черков назорати остида бўлганлар. Христианлик, гарчи камбағал ва қулларнинг дини сифатида вужудга келган бўлса ҳам, кейинчалик у бутун Ғарбий Европага ёйилди. 325 йилда христиан черковнинг биринчи собори (йиғилиши) чақирилди. 1054 йилда Рим ва Константинополь черковлари ўртасидаги асрий низолар тугаб, христианликда узил-кесил иккита черков, иккита мазҳаб: православие ва католицизм қарор топди. 1232 йилда Рим папаси даҳрийларга оид ишларнинг барчасини доминикан-монахлар жамоаси ҳал этиши тўғрисида фармойиш чиқарди.

1252 йилда эндигина шаклланаётган инквизиция черков судига тергов қилишда қийнаш усулини қўллашга рухсат берилди. Ана шу тарика ўрта аср черков инквизицияси (суди) ташкил топди ва у даҳрийлик, фолбинлик, диндан қайтиш, яқин қонқариндошларнинг никоҳга киришлари, бевафолик, ёлғон гувоҳлик, туҳмат, хужжатларни қалбакилаштириш,

оғирлик ва узунлик ўлчовларини сохталаштириш, судхўрлик, шунингдек, никоҳ-оила муносабатларидан келиб чиқадиган барча ишларни ўз судловига олди. Инквизиция суди, айниқса, ўрта аср Испаниясида кўплаб одамларни ёқиб юборишга ҳукм этди.

1481 йилда Испанияда "илохий трибунал" тузилди. Бош инквизитор Чорквемада фаолият кўрсатган 15 йил ичида 8220 киши дахрийликда айбланиб, ёқиб юборилди, 89326 киши бошқа жазоларга ҳукм қилинди. Вольтернинг маълумотларига қараганда, Ғарбий Европада 100 мингдан ортиқ киши фолбинлик, худосизликда айбланиб ёқиб юборилди. Буларнинг ичида Франциянинг миллий қахрамони Жанна Д Арк, Уйғониш даврининг буюк олими Жордано Бруно, чех гуманисти Ян Гус ва бошқалар бор.

Ғарбий Европа шаҳарлари ХХI асрларда савдо ва ҳунармандчилик марказларига айланади. Шаҳарлар дастлабки вақтларда диний ва дунёвий феодаллар ерларида ташкил топганлиги учун уларга қарам эди. Кўп вақт ўтмай улар ўз эркинликларининг сиқиб қўйилишига қарши кураш натижасида мустақилликни қўлга киритади ва айримлари ҳатто республика шаклидаги шаҳар-давлатларга айланади (Италияда). Айримлари ўзин-ўзи бошқариш ҳуқуқини қўлга киритади (Англияда), айримлари эса империя эркин шаҳарлари макomini олади (Германияда). Шаҳарларнинг энг муҳим ютуғи барча фуқаролар эркинлигининг тан олинishi эди.

«Агар крепостной, дейилади шаҳар ёрлиқларида, шаҳарда бир йилу бир кун яшаса, шу вақт унинг хўжайини унга бўлган эгалик ҳуқуқини даъво қилмаса, у озод ҳисобланади».

Дворянлардан ўзини ҳимоя қилиш ҳамда шаҳар солиқларини тенгроқ тақсимлаш мақсадида шаҳар аҳолиси иттифоқларга бирлаша бошлайди. Ҳунармандлар ўзларининг цехларини, савдогарлар эса ўз гильдияларини тузадилар. Ўрта аср цехлари бир касбдаги Ҳунармандлар иттифоқидир. Хар бир цех, гильдия ўз устави ва оқсоқолига, шунингдек, судига эга эди. Цехларнинг тузилиши феодализмнинг қонуний натижасидир. Шунинг учун ҳам цехлар фақат Ғарбий Европа мамлакатларидагина эмас, Япония, Хитой, Ўрта Осиёда ҳам ўзига хос кўринишларда учрайди.

Европада XVI асрга келиб феодализмнинг инқирози белгилари намоён бўла бошлайди. Антифеодал инқилобларнинг яқинлашиши билан давлат ва ҳуқуқ тизимининг янги демократик тамойилларини асословчи ва бунда кўпинча антик демократия тажрибасини мисол тариқасида кўрсатувчи сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ривожланди.

Ғарбий Европа мамлакатлари давлатларининг ривожланиши билан бирга уларнинг ҳуқуқий тизимлари ҳам ривожланиб борди. Феодал тарқоқлик даврида бу жараённинг муҳим белгиси ҳуқуқ «партикуляриزمи», яъни бутун мамлакат учун ягона ҳуқуқнинг йўқлиги эди. Ҳуқуқ "партикуляризм"нинг бартараф этилиши, айниқса, табақа вакиллик монархиясм давридан бошлаб жадаллашди. Ғарбий Европанинг қитъа қисми мамлакатларида ҳуқуқ шаклларининг ўзаро яқинлашуви юз беради. Англия феодал ҳуқуқи алоҳида, мустақил ҳолда ривожланиб борди. Шу тариқа, тез орада Ғарбий Европа ҳуқуқи иккига: инглиз-саксон ҳуқуқи ва қитъа ҳуқуқига ажралиши белгилари намоён бўла бошлади.

Шарқда ўрта асрлардаги йирик мамлакатларнинг феодал давлати ва ҳуқуқи тарихи бошқачароқ бўлган. Бу ерда асосан кучли бюрократик давлат аппарати асосланган деспотик бошқарув шакли сақланиб қолди. Монарх ҳокимиятини амалга оширишдаги баъзи миллий фарқлар асосан унинг мазмуни ва моҳиятини ўзгартирмасди. Бу ерда давлат

бошлиғи умуман ҳар доим мамлакатдаги бутун ерларнинг олий эгаси сифатида майдонга чиқди. Унинг бу ҳукуки авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтиб турарди. Бундан ташқари, Шарқда ер эгалиги муносабатларида жамоа ер эгалигининг узоқ вақт сақланиб қолганлиги ва турғун характерга эга бўлганлигини кузатиш мумкин. Эксплуатациянинг асосий шакллари, биринчи навбатда полизчи деҳқонлардан ҳукмрон синф фойдасига рента солиғи олиш тенг даражада сақланиб қолганди.

Шаҳарларда кустар ишлаб чиқариш ва савдо ривожланди. Ўша вақт учун такомиллашган буюмлар, йирик архитектура иншоотлари ва бошқа шоҳ санъат асарларм яратилди, кўп ихтиролар қилинди. Ҳатто бу соҳада ўз давридан одимлаб кетиш ҳолларини кўрамиз. Лекин шаҳар маҳсулоти асосан ҳукмрон синф эҳтиёжларини қондириш ва ташқи савдо учун кетган. Қишлоқ жамоалари асосан натурал, турғун хўжалик юритиб, фақат ички бозорни ривожлантирган, товар ишлаб чиқаришнинг ўсишига мослашмаган ва оқибатда янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланишига тўсқинлик қилган. Бу, албатта, мутлақ турғунликни англатмайди, жамият аста-секин бўлсада ривожланишда давом этди.

Табиийки, феодализм тараққиёти даври фақат ижобий воқеалардан ташкил топмади. Инсоният тарихидаги ҳеч қандай жамиятда ҳукмрон синф вакилларининг шахсий эркинликлари ва ҳукуклари феодализмдаги каби чексиз худбинлик даражасига кўтарилмаган. Ўз навбатида, ҳеч қачон оддий фуқароларнинг аҳволи ҳам феодализмдаги каби оғир ва таҳқирли бўлмаган. Инсоният тарихидаги ҳеч бир даврда мавжуд қонунлар ва тартиблар феодализмдаги каби фақат заифлар томонидан бажарилиши талаб қилинган жамиятни учратмаймиз. Ўрта асрларда жаҳон халқлари ўз бошларидан кўплаб кулфатларни: очарчилик, урушлар ва талончиликларни кечирди. Улар ўзларининг таҳқирли, оғир ҳаётларини ўзгартириш учун кўзғолонлар уюштирдилар. Буларнинг оқибати ўларок ўрта асрларга ва ўз навбатида, абсолют монархия тизимига чек қўйган инглиз ва француз инқилоблари сингари инқилоблар натижасида инсоният янги даврга қадам қўйди.

Мусулмон ҳукуки

Шарқ цивилизациясининг жуда катта ходисаси ҳисобланади. Бу ҳукук Араб халифалигини ахамиятини ва ривожланишда VII аср бошида диний, яъни кичик патриархал жамоадан VIII-X асрларда империя даражасига етишда жуда катта рол уйнайди. Араб халифалиги кулагандан сунг мусулмон ҳукуки қайта тикланиб, уз мавқеини олдингидан ҳам юкори кутариб олди. Ислом динини қабул қилган мамлакатларда то кизил империя истилосига қадар уларнинг ҳукуки, яъни уз ахамиятини йукотгани йук. Мусулмон ҳукуки Арабистонда ва улар босиб олган худудларда мусулмон ҳукукидан олдин кулланган ҳукукларни ҳам уз ичига олган. Ушбу ҳаракат Мусулмон ҳукукининг узига хос ва универсаллигини билдириб, ривожланишда булди. Шариятда вужудга келишининг Мухаммад ва ундан олдинги 4та халифанинг урни бекиёс, чунки айнан улар даврида мусулмонларнинг муқаддас китоблари қуръони карим ва сунна вужудга келган шариятнинг диний ҳукукий ҳукук сифатида дунёга келишида ушбу китобларнинг урни бекиёс. Ислом илоҳиёти билан кушилганлиги асосий рол уйнайди. Ислом диний тасаввурларида ва ислом дини талимотларида диний қонунлар якка ва ягона булган аллох томонидан яратилиши ҳақида гапирилади дастлаб шариятда барча хатти ҳаракатлар 2 турга булинган ҳалол ва

харомга. Кегинчалик шарият шакилланиб булган даврида тоифалар вужудга келган. Улар фарз, мадуб, мубох ва харомлардир. Шарият ривожланишининг дастлабги боскичлари мусулмонларнинг хукуklarига эмас балки унинг аллох олдидаги бурчларига этибор берилганлиги характерланади. Шарият диний хукук сифатида европа мамлакатларидаги кундалик хукукдан фарк килиб черков хаётидаги нафакат яккол кузга ташланиб туради. Осиё ва Африканинг бир катор мамлакатларида урнатилган булса сунгра вақт утиши билан Араб халифалигининг худуди кенгайиб бориши билан аста секин сингиган. Араб халифалигининг худуди кенгайиб урта осие, кавказ орти шаркий ва гарбий африкага жанубий шаркий осиега кириб боради. Бирок ислом динининг бундай тезлик билан ривожланиши узига хос муаммоларни келтириб чикарди. Натижада ислом динининг турли максадларга булиниши вужудга келди.

VII асрда ташкил топиб, XIII асргача хукм сурган Араб халифалиги инсоният тарихида чуқур из қолдирган.

Араб халифалиги дасатлабки худуди Арабистон ярим ороли бўлиб, у худудий жиҳатдан Европанинг тўртдан уч қисмига тўғри келади. У учта асосий вилоятга бўлинган. Унинг жанубий-ғарбий вилояти – Яман, ярим оролнинг Қизил денгиз чўзилиб кетган камбар қисми ҳижоз ва ярим оролнинг енг катта қисми Нажд – сўғориладиган ерлари жуда кам бўлган ғоят катта ясси тоғликлардан иборат жой бўлган.

Араб халифалиги тарихини уч даврга ажратиш мумкин:

I – Давр. Араб халифалиги ташкил топишидан то Уммавийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келишигача бўлган давр.

II-давр. Дамашқ(Сурия) даври – Уммавийлар сулоласининг ҳокимлик даври(661-750).

III – давр. Боғдод(Ерон - Месопотамия) даври. Аббосийлар сулоласининг идора қилиш даври(750-1055).

Маида Араб қабилаларини бирлаштириш ҳаракати айниқса, VI асрда кучайди. Бунга уруғ- қабилла зодагонлари бошчилик қилдилар. Қабилаларни бирлаштириш якка худога сигиниш – монотеизмни тарғиб этиш остида ўтди. VII асрнинг бошларида Муҳаммад (САВ) араб қабилаларини бирлаштириш мақсадида ислом динини тарғиб қила бошлайди.

Муҳаммад (САВ) вужудга келтирган диннинг бешта асосий қондаси, йани:

Битта худога – Аллоҳга ишониш

Ҳар куни беш ракат намоз ўқиш

Йилда бир марта рўза тутиш

Закот бериш

Ҳажни зиёрат қилиш

Турли араб қабилаларини бирлаштириш натижасида ягона араб давлати вужудга келади. Муҳаммад (САВ) вафотидан кейин Абубакр(632-634), Умар(634-644), Усмон(644-656), Али(661-664) хукмронлик қилишган. Ушбу тўрт халифалар исломда “хулафо ар рошидин”, диндорлар ўртасида чориёрлар деб аталишган. Уммавийлар даврида араблар шарқда Афғонистон, Ҳиндистоннинг шимолий қисмини, Арманистон, Грузия, Мовароуннаҳр, ғарбда Шимолий Африка ва Испаниянинг катта қисмини босиб оладилар.

Уммавийлар сулоласи VIII асрнинг уртасидаги Абу Муслим бошчиллигидаги кўзғолон натижасида ағдарилади. Аббосийлар мамлакатни 750-1055 йилларда идора етади.

1055 йилда салжўқий турклар араб ҳалифалигини тугатадилар. Боғдод қироллиги 1258 йилда мўғуллар томонидан босиб олинган араб ҳалифалиги батамом тугатилади.

Шариат бўйича кишининг ҳуқуқий лаёқати ва муомила лаёқати исломга эътиқод қилишига қараб белгиланади. Мусулмонлар мусулмон бўлмаганлар олдида имтиёзли ҳисобланардилар. Шариат бўйича фақат мусулмонлар тўла ҳуқуқ лаёқатига ега. Зиммийлар жузия солиғи тўлаб турмоқни ўз зиммаларига олганлар. Еркинликни қўлга киритганқуллар мавалилар деб юритилган. Лекин уларнинг еркинлиги тўла бўлмаган.

Араб ҳалифалигининг биринчи босқичида давлат тузумида ҳарбий демократия қолдиқлари сақланиб қолган бўлган. Уммавийлар ва Аббосийлар даврида ҳалифалик деспотик давлатга айланган.

Муҳаммад (САВ) Маккадаги муҳожир шериклар(муҳожирун) ва мадиналик тарафдорлари (ансор) билан биргаликда ўзининг “Умма” номли диний-сиёсий жамоасини тузади. Бу маҳкама давлатнинг оилӣ бошлиғи эди. Муҳаммад (САВ) оилӣ судья, чекланмаган ижроия ҳарбий ҳамда мутлақ қонун чиқарувчи ҳокимият егаси эди.

Масжидга тиркаб қоўилган суффа деб аталган ўқув зали, масжид ҳовлиси еса ҳарбий ўқув майдони ҳисобланарди. Биринчи мусулмон давлати Мадинада ташкил етилади, кейинчалик Арабистон ярим оролига кенгайиб, вилоятлар ташкил етилади. Вилоятларни тепасида валий турган, у жамоат ҳавфсизлиги ва тартибини сақлаш, суд вазифаларини адо етган.

Арабча ҳалифа сўзи “меросхўр” ёки “ўринбосар” маъноларини англатган. Ҳалифалар диний вазифалар билан биргаликда дунёвийвазифаларни бажаришган. Улар давлат ва ҳукумат бошлиғи, мусулмонлароммавий ибодатларининг маънавий раҳбари эдилар.

Ҳалифа ҳокимиятини манбаи қуйидагилар эди: 1. Уни мусулмонлар жамоаси томонидан сайланиши. 2. Ҳалифанинг васият тариқасидаги фармойишлари

Ҳалифа Умар давр Исломнинг олтин асри бўлиб қолди. У бир қатор ислохотлар ўтказди. У вилоятларга аамиллар тайинлайди.

Ҳалифа Умардан кейин меросхўрлик принципи ўрнатилади. Уммавийлар давридадавлат мутлақлаштирилган монархияга айланиб кетади. Ҳалифа ҳузурида кенгаш (шуура) мавжуд бўлиб, муҳим ишларни ҳал етган. Ҳалифанинг енг яқин маслаҳатчилари вазирлар бўлган. Вазир оғирликни кўтарувчи деган маънони англатган. Давлат бошқарувининг марказий органлари девонлар бўлган. Ал- Ҳирож – млиявий ишларга раҳбарлик қилган. Ал- Ҳатим – Яширин политсия, ҳалифаликнинг котибият вазифаларини бажарган. Ал- Расоил – Почта ва алоқа девони ҳисобланган.

Ал- Мустақилот – Армияни таъминлаб турган.

Армия араб қабилаларидан иборат бўлган. Судлар мустақил эди.

Мусулмон ҳуқуқи – шариат ўрта асрлардаги Шарқ сивилизасиясининг жуда катта ҳодисаси ҳисобланади. Шариатда барча нарсалар дастлаб иккига бўлинган: ҳалол ва ҳаром. Шариат шаклланиб тугаганидан сўнг бешта тоифа вужудга келган: фарз – бажарилиши қатӣ мажбурий

Бўлган ҳатти-ҳаракатлар, суннат – шарт эмас, лекин маъқул, лозим деб топилган ҳатти – ҳаракатлар, мубоҳ – ихтиёрий нормалар, ҳаром – қатӣ равишда тақиқланган ҳатти-ҳаракатла. Булар ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий-диний мазмунга ега бўлган.

Абу Ҳанифа суннийликдаги ҳанафия машабининг асосчиси ва имоми, илоҳиётчи фикҳшунослардан бўлган. У шариат ҳуқуқини тартибга слоган, қиёсни тадбиқ етган, истихон принципини ишлаб чиққан, маҳаллий ҳуқуқ нормаларини шариат билан келиштириб қўллашни жорий етган.

Исломда юз берган дастлабки ихтилофлар натижасида VII асрнинг иккинчи ярмида 3та йўналиш пайдо бўлган: хорижийлар, суннийлар, шиялар.

Суннийлар енг катта йўналиш бўлиб, жаҳондаги барча мусулмонларнинг 92,5 фоизини суннийлар ташкил етади. Суннийлар “Аҳли сунна вал жамоа” дег аталади.

Суннийлик билан исломдаги 2-асосий йўналиш шиалик ўртасида ҳокимият масаласида(суннийлик ҳалифалик ҳокимияти, шиалик еса имомат тарафдори), айрим диний маросимлар ва анъаналар(масалан шаҳсей-вахсей, азон, мута, маздийлик ва ҳ.к.)да бирмунча тафовултлар бор.

Мусулмон ҳуқуқининг манбаларини асосан шариат, урф-одатлар ва қонунлар ташкил етади. “Шариат” сўзининг маъноси “сувга олиб борувчи йўл”дир. Илк исломда жамиятни бошқариш Қуръон асосида олиб борилган. Шариатга асосқилиб, Қуръон ва сунна кейинчалик ижмў ва қиёс олинган. Шариат XI-XII асрларда шаклланиши тугалланган. Қурони Карим ислом динининг асосий муқаддас китоби ва шариатнинг асосий манбаидир. Қурон Аллоҳ томонидан Муҳаммад (САВ)га 23 йил мобайнида Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳий қилинган деб тасаввур етилади. Қурони Карим

Муҳаммад (САВ) томонидан ҳали жам қилиниб тўплам, ҳолига келтирилмаган эди. Қурони Карим 3 марта жам қилинган. Охириги марта ҳалифа Усмон зуннурайн вақтида Бани Қурайш қироатида жамланиб китоб ҳолига келтирилган.

Шариатнинг иккинчи манбаи сунна бўлиб, арбча муғавий ифодаси одат, ҳатти-ҳаракат тарзи бўлиб, йўл – йўриқ деган маънони аңлатган. Сунна Муҳаммад (САВ)нинг сўзлари, қилмишлари, ҳатти-ҳаракатлари, феъллари, тасдиқлари, шунингдек, саҳобаларининг сўзлари ва амалларимажмуидан иборат. Ҳадислар тўпламига сунна дейилади. Ҳадислар Муҳаммад (САВ)нинг ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалри ҳақидаги ривоятлардан иборат. Ҳадислар VII аср охири VIII аср бошларида ёза бошланган. Исмоил ал- Бухорийнинг “Ал – жомеъ ас-Саҳиҳ” китоби бутун мусулмон оламида эъзозланади. Кўпнича ҳадислар Қуръонни тушунтириб беради ва тўлдиради. Улар кўплаб ижтимоий вазифаларни бажаради.

Ижмо (арабча яқдиллик биланқабул қилинган қарор) – Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалани ҳал етишда фақиҳ ва мужтаҳидларнинг тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда фатво беришидир.

Қиёс шариатнинг 4-манбаи. Унга кўра Қуръон ва Сунна берилмаган бирор ҳуқуқий масала улардаги шунга уҳшаган масала билан берилган кўрсатмага таққослаш йўли билан шарҳланади. Шариат бўйича фуқаролик ҳуқуқи муносабатлари батафсил тартибга солинади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг субъекти жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Шариат юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини алоҳида тарзда кўриб чиқмайди. Жисмоний шахслар томонидан қилинган фуқаролик-ҳуқуқий ҳаракат қонуний(ҳалол) ва йўл қойилмаган(ҳаром) бўлиши мумкин. Ҳаракат, шунингдек, шариат нуқтаи насаридан мақтовга лойиқ (мустаҳаб) ва танбеҳли(макрух), мажбурий ва мажбурий бўлмаган турларга бўлинади.

Кўпгина шартномалар мавжуд: Айрбошлаш, ижара, қарз, олди-сотти, маиший пудрат, ширкатчилик шартномалари.

Шариат бўйича никоҳ ва оила масалалари батафсил тартибга солинади. Ислонда никоҳ- ҳалоллик, никоҳсиз қўшилиш еса ҳаромлик белгиси ҳисобланган.

Шариат бўйича мерос жуда мураккаб ва чалкаш бўлган.

Мусулмон жиноят ҳуқуқида жиноят тартибидаги 4та асосий белгилар ҳам назарда тутилади: Жиноят объекти, объектив томон, жиноят субъекти, субъектив томони. Зарурий мудофаа тушунчаси ҳам мавжуд болган. Мусулмон жиноят ҳуқуқида жазолар оғирлик даражасига қараб қуйидаги 3 турга: 1) Ҳад; 2)Қасос ёки товон ва каффорий; 3) Таъзир

Ҳад Аллоҳ томонидан жинотий ҳатти-ҳаракатлар учун берилган жазо. Таъзир “ҳад” ёки “қасос” жазоларини қўллаш мумкин бўлмаган ҳолларда ишлатилган. Суд жараёни одатда айблов ҳарактерига ега бўлган. Суд ишлари ошкора тартибда, одастда мачитларда кўриб ҳал етилган.

Хитой

Хитойда кўп укладлиликнинг турғунлиги, синфларнинг ташкил топиши жараёни тугалланмаганлиги, патриарчал-уругҳилик ва кулдорчилик муносабатлари қолдиқларнинг сақланиб қолганлиги, жуда катта жудуддаги турли раёнларнинг хўжалик ва ижтимоий ривожланиш нотекислиги ва бошқаларнатижасида ўрта асрларнинг бошланиши вақтини аниқ вақт билан белгилаш анча мураккаб. III аср ўрталарида кучли халқ ҳаракати натижасида Ҳан империяси қулайди ва кучли нотинчликка сабаб бўлади. Шимолий Ҳитойда Тсинь сулоласи кўринишида марказлашиш жараёни бошланади. Тсинь давлатининг асосчиси Сим Ян ислоҳотлари муҳим аҳамиятга ега. X-XIII асрларда ҳокимият тепасига Сун сулоласи келади. ЙШк йер егалиги мувозанатига еришилади. Бунда Ван Аньшининг хизматлари жуда катта аҳамиятга ега. 1279 йилда мўғлларнинг Юань сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилади. ХИВ асрда бўлиб ўтган миллий – озодлик кураши натижасида мўғуллар мамлакатдан кувиб чиқарилади ва Мин сулоласи ҳокимияти ўрнатилади. XVII асрда Хитойга манчжурлар бостириб кирадилар ва 1912-1913 йиллардаги революцияга қадар мамлакатни бошқарадилар.

Хитой кодексларида ва расмий ҳужжатларида шахс ҳуқуқий ҳолати “се” атамаси билан белгиланган. Бу индивиднинг муайян ҳуқуқ ва аниқ ўрнатилган мажбутиятларга ега бўлган у ёки бу ижтимоий гуруҳга мансублигини англатади. Ўқимишли – табақавий гуруҳ шенши қудратли консерватив куч, марказий ҳокимиятнинг таянчи, солиқ тўловчи деҳқонларнинг анъанавий експлуататасий қилувчи бўлиб қолади.

Хитойнинг анъанавий ижтимоий тузуми турли даврларда у ёки бу ўзгаришларни бошидан кеширган бўлишига қарамай , ҳамма вақт асосан 3та ижтимоий гуруҳга:1) “олийжаноб кишилар”-дунёвий ва диний асилзодлар, ҳарбий ва фуқаролик мансабдор шахслар;2) “раҳмдил кишилар – деҳқонлар ва ҳунармандлар; 3) “паст табақадан чиққан кишилар”- тўла еркин бўлмаган шахслар ва куллар

Хитой давлати тепасида император турган, унинг ҳузурида анча танивқли мансабдорлардан иборат Давлат кенгаши мавжуд эди. Бошқарувни барча соҳалари 2та

канслат кўлида эди.. Биринчиси императорнинг чап кўл вазири – катта канслар, 2чиси эса ўнг кўл вазири- кичик канслар. Уларга 6 та маҳкама бўйсунган:

1. Мартабалар
2. Маросимлар
3. Солиқ(даромадлар)
4. Ҳарбий ишлар
5. Суд ишлари
6. Ижтимоий ишлар

Мин сулоласи даврида сенсоратнинг мавқеи кучайди. Унга иккита бош маслаҳатчи билан биргаликда 100га яқин сенсорлар кирган. Унинг вазифаси назорат қилиш эди. У мансабдорларнинг суистеъмолчиликларини тузатиш, мансабдорларга қарши жазо қўллаш ҳуқуқига ега эди.

Тан империяси 10 провинсияси (дао), провинсиялар еса вилоят (чжоу) ва уезд(сянь) ларга бўлинган.

Бошқарув органлари фаолиятларини мувофиқлаштириб туриш учун марказдан мамлакатнинг турли қисмларига империянинг маҳсус вакиллариюбориларди (“тинчлик елчилари”). XV асрда улар “буюк мувофиқлаштирувчилар”деган ном олди ва узок муддатларга империянинг турли қисмларига юбориладиган бўлди.

Суднинг днг юқори поғонасида императорнинг ўзи, енг қуйи поғьонасидса қислокнинг сайлаб қўйиладинган оқсоқоли турарди. Кўп суд ишлари уезд бошқармалари томонидан кўриларди. Агар иш провинсияларда ҳал етилмаса пойтахтнинг у ёки бу судлов органларига юборилган. Мин сулоласи давридса Жазолар Маҳкамаси(син бу). Катта ҳақиқат ибодатҳонаси, Марказий тафтиш – тергов жиний суд ана шундасй органлар бўлган.

Армия тўхтовсиз ўсиб брoган. XVII асрда у 4 миллион кишини ташкил етган. Армияни бош кўмондони бўлмаган. Уруш ҳаракатлари бошланса, оий ҳарбий амалдорларидан бири бу лавозимга тайинланган. Барча ҳарбий кўшилмалар бешта ҳарбий округ ўртасида тақсимланган. Уларга пойтахтдаги бош ҳарбий комиссарликлар раҳбарлик қиларди. XV асрда барча маҳаллий тактик ҳарбий хизматлар устидан назоратни амалгам оширувчи “бош ҳарбий мувофиқлштирувчи” жорий етилди.

Ҳанъдан бошлаб қонунлар тўпламлари анъанавий ҳуқуқий, нормалар-луйнинг барқарор узагини ўзгаришсиз мустаҳкамлаш асосида тузилган. Луй янга нормалр-мин билан тўлдириб борилиган. Аста –секин луй ва лин ўртасида ҳуқуқий тартибга солиш, соҳаси бўйича ажралиш юз берган. Луй жинoий қонунларн, лин – маъмурий қонунларни ва бошқаларни ўз ичига олган. Бизгача етиб келган, биринчи қонунлар тўплами VII асрга тегишли “Тан люй шуй” ҳисобланади. Бу қонунлар тўпламларида қонунларнинг 4та туркуми: Луй- жинoят қонунлари, лин – маъмурий қонунлар, ко – уларга қошимча; ши – қонунларни қўллаш ҳақидаги тушунча.

11- аср охирида Хитойда қонунларнинг қайта кўриб чиқиш учун маҳсус бюро тузилади. У “900та моддадан иборат қонунлар тўпламини” тайёрлаган.

Хитой анъанавий ҳуқуқида конфусийлик таълимоти нуктаи назаридан жинoятларни уланинг ижтимоий ҳавфлилигига қараб таснифлаштирИш жуда қадимги даврлардаёқ вужудга келган ва бу асрлар мобайнида йшаб келаётган “ўнта ёвузлик концепсияси” асосида

амалгам оширилган. Биринчи ёвузлик – “подшога қарши исён ҳақидаги фитна”. Иккинчи ёвузлик – император авлодларининг масканлари ва қабрларини ёки императорнинг қароргоҳини бузишга қасд қилиш.

Учинчи ёвузлик – императорга, давлатга қарши фитна. Тўртинчи ёвузлик – “бўйсунмаслик итоат этмаслик” Яқин қариндошларига қарши қаратилган жиноят. Бешинчи ёвузлик – “адолатсизлик, аҳлоқсизлик”. Олтинчи ёвузлик – “буюк нарсага итоатсизлик билдириш”. Еттинчи ёвузлик – ўғилларнинг итоатсизлик билдириши. Саккизинчи ёвузлик – яқин қариндошлар ўратсидаги келлишмовчилик, қарама-қаршилик. Тўққизинчи ёвузлик – “адолатсизлик, ноҳақлик”. Ўнинчи ёвузлик – яқин қариндошларининг ўзаро жинсий алоқалари.

Ўнта ёвузликликка кирган жиноятлар кечирилмаган. Катта амалдорлар бундан мустасно бўлишган. Қўзғолонларда қатнашганларнинг фақат ўзлари эмас, балки унинг қариндошлар ҳам жиноий жавобгарликка тортилиб, уларнинг бошлари танасидан жудо қилинган. Бундай жазога 7 ёшгача бўлган болалар, аёллар тортилмаган. Хитой қонунчилиги маъмурий ва жиноий жазоларни бир-биридан ажратмаган. Маъмурият фаолияти соҳасидаги ҳар қандай тартибсизликларга: маъмурий шахснинг нега кечикиши ёки келмаслиги ёки давлат сирларини ошкор қилиши жиноий жазога лойиқ ҳисобланган. Жазолар асосий, кўшимча ва ўзгартириладиганларга бўлинган. Асосий жазолар каторга қилиш, таёқ ёки камчи билан савалаш, сургун қилиш ҳамда ўлим жазолари кирган. Тан кодекси минг йилдан ортиқ вақт мобайнида 5та асосий тизимни солиб турган:

ингичка калтак билан уриш

1. йўғон таёқ билан уриш
2. каторгада ишлаш
3. сургун
4. ўлим жазоси

Хитой ҳуқуқи мулкни ҳаракатдаги ва кўчмас мулкка бўлган. Оддий нарсаларни олишда ёки сотишда вақтида яъни расмий ҳужжат талаб қилинган. Ерни уй егаси сотиш жуқуқига ега эди. сотилаётган ерни биринчи бўлиб сотаётган кишининг қариндош – уруғлари, сўнгара, қўшнилари, ундан кейин бегона одамлар сотиб олишга ҳаққи бўлган. Хитойда никоҳ – оила ҳуқуқининг диний анъаналари билан чамбарчас боғлиқлиги ўрта асрлар ҳуқуқида унинг нормалари устунлигининг барқрорлигини белгилаган. Бошқа-бошқа табақаларнинг вакиллари ўртасидаги никоҳлар қаттиқ қораланган ва ҳатто қатор ҳолларда қонун бўйича таъқиб остига олинган. Никоҳга кириш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланган. Никоҳ ёши еркаклар учун 15-16 ёш баъзан 20 ёш, аёллар учун 14 - 25 ёш қилб белгиланган. Еркин кишилар билан қуллар ўртасидаги, еркак томонидан ҳар қандай даражадаги қариндошлар ўртасидаги, бир фамилиядаги кишилар ўртасидаги никоҳлар тақиқланган эди. Меросхўрлар мерос қолдирувчининг қарзларини тўлаш мажбуриятига ега эди. Ота ўғлини меросдан маҳрум қила олмаган. Суд жараёни инквизицион ҳарактерга эга бўлган.

Урта осиеда Хитой ҳуқуқининг ривожланиши асосан жиноий ҳуқуқий нормаларни ишлашни табақавий даражавий фарқларни аҳолининг солиқ тулаш мажбуриятини давлат ерларини ушлаб турувчиларнинг тоифаларини шунингдек давлат мулкни саклаб қолиш учун давлат хазинасини тулдириш учун масъул булган шахсларнинг мажбуриятларини

тартибга солиш йулин тутган уларнинг хаммаси бибирига боглик нормалар булиб куп сонли хукукли ёдгорликларни сулолаларнинг кодекслари деб номланади. Сулолавий конунлар тупламининг узак нормаларини сулолавий асосчалари яратганлар. Бундай нормалар вақт утиши билан илохийлашган. Конунлар уз манбаларини уз конунлари билан бойитиб турганлар. Хан даврида конунлар туплами люй деб аталган. Хукукий нормалар баркарор узагини узгаришсиз мустахкамлаб туриш асосида тузганлар. Люй янги нормалар лин билан бойитилган йиллар утиши билан нормаларнинг муктасил бойиб ривожланиш натижасида люй ва лин мустақил равишда ажралиб борган. Бунинг натижасида люй жинойт конунларни лин эса маъмурий конунларни уз ичига олган. Суй ва тан сулолаларининг даврида Хитой конунларини тизимлаш ва тартибга солиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бизгача етиб келган конунлар туплами VII асрдаги тан сулоласи кодекси ҳисобланади. Бу конунлар тупламида конунларнинг 4 та туркуми яни: люй жинойт конунлари, лин маъмурий конунлар ко жинойт ва маъмурий конунларга ши эса конунларини куллаш хақидаги қоидалар урганган. Сун империяси даврида марказий ҳокимиятнинг кучайиши императорларнинг конун чикарувчи фаолияти 960-963 йилларида жинойт конунларини бузган ва қайта қуриб чиккан ушбу туплам тан кодексининг деярли такрорлайди. XIV асрнинг охирига келиб мин сулоласи конунлари туплами тузиб таснифланди. Бу туплам олдинги кодексларнинг кучирмаси эди. Пекин манжурлар томонидан босиб олингандан сунг 1644-йилда мин кодексига сиёсий шарт – шароитга мосланган кодекс яратилди. Мин кодексидаги кузатмалар ва узгартиришлар киритиш мақсадида уни узгартирилди. Манжурларнинг сарой амалдорлари ва судялари томонидан янги кодекс тузилди. Бу кодекс ҳам тан кодексини узгинаси эди.

Япония

Урта асрларда Япония ҳукуки учун бир анъананинг у ёки бу ерда тарқалиши муҳим аҳамиятга эга эди. Ҳуқуқ бу вақтда бир–бири тушунча ва терминларни ҳисобга олмаганда ҳали диний ва ахлокий нормалардан ажралмаган эди. Энг қадимги Япон манбаларида етти осмон жинойти ва саккиз осмон жинойтлари мавжудлиги хақида айтилади. Етти осмон жинойти анча оғир булган жинойтларни ўз ичига олади. Саккиз осмон жинойти эса анча енгил булган жинойтларни ташкил этади бундай жинойтларни содир этганларга ё жазо ёки тузутиш назоратида ушлаб турилган. Япониянинг ҳукукий манбаларида ёзма насихатлари ва маслаҳатлар берилади. Японияда ҳам ҳуқуқ нормалари Хитойники каби кодекс номини олган Япониянинг еттинчи кодекси қайхорё ҳисобланади. Ушбу кодекс 720-йилномада шахзода Усакабе ва фудзивара хонадонининг вакили бошчилигидаги 17 кишидан иборат кодекс ишланган. Кодекс 701-йилда тузилиб 702-йилда кучга кирди кодекс устида ишлаш кейинчалик яна давом этди. Ушбу кодекс 718-йилда янги номли номли чикарилди. Ушбу кодекс 953 та моддадан иборат эди.

Умуман олганда мавжуд булган кодексларнинг халқ иродаси ва уларнинг манфаатлари йулида хизмат қилган.

Ҳиндистон

320 йилда Чандрагупта II теварак атрофдаги подшоларни ўзига бўйсундириб, Ганг дарёси хавзасида катта давлат тузади. У Гупта давлати деб аталади. XII аср охирида Ҳиндистонга Ғазнавийлар ҳужум қилади. Қутбиддин ойбек Ғазнадан ажралиб чиқиб, Ҳиндистон шимолида мустақил давлат тузади. Янги давлат пойтахт шаҳарининг номи билан Деҳли султонлиги деб аталади. Деҳли султонлиги Муҳаммад Туғлуқ даврида анчакенгаяди. Кейинчалик Ҳиндистон Амир Темур томонидан босиб олинади. 1526 йилда Темурнинг евараси – Бобур Ҳиндистонга бостириб киради. Бобур бу ерда Ҳиндистон ва Афғонистон ерларидан иборат катта бир давлатга асос солади. Лекин Аврангзеб вафотидан сўнг бу давлат бўлиниб кетиб ва тез орада Европа мустамлакачилари томонидан асоратга солинади. Ҳинд ижтимоий тузумида ҳали ҳам касталар сақланиб қолган эди. Браҳманлар билан кшатрийлар ҳукмрон табақа бўлишган, давлат ҳокимияти уларнинг қўлида бўлган. Қулчилик ривожланади.

XIII – XVI асрларда Ҳиндистон ерларида мусулмон ер эгаллиги қарор топади. Келгинди мусулмонлар султондан ерлар – икта олишган. Улар иктадорлар деб аталишган. Ерларнинг катта қисми дин руҳонийларини қўлида эди. Император ерларнинг олий эгаси ҳисобланарди. Унга давлатдаги экин экиладиган ерларнинг тахминан саккиздан бир қисми тўғри келарди. Ана шу ерлардан олинadиган даромад шоҳ саройи ва шоҳ қўшинлари харажатлари учун асосий манба бўлиб хизмат қиларди. Қолган ерларни император асосан феодал зодагонларга, кўпроқ мусулмонларга бўлиб берган эди. Жагир эгаси – жагирдор, унинг ерларида яшовчи аҳолидан рента солиғи олишга ҳақли эди. Бобурийлар давлатида ҳинд феодаллари мусулмонларга бож тоолаш шарти билан ерга егалик қилишни сақлаб қолганла. Аҳолининг асосий оммасини деҳқонлар ташкил етиб, феодалларнинг зулмнинг бутун оғирлиги шулар зиммасига тушган.

VII асда Ҳиндистонда Ҳарша, Чалуклар, VIII асда Гуджара-Пратихарлар давлати бўлган. Давлат тепасида маҳаражалар турган. Маҳаражага унинг маслаҳатчиси мантрипаришадлар ёрдам бериб туришган. Мусулмон давлати бевосита Аллоҳ томонидан бошқарилмайди, балки Аллоҳ қонунлари асосида бошқариларди. Кенгаш ислом динининг ўзига ҳос қоидаларига ега бўлган. Қуръонда ҳукмдорларнинг мажбуриятлари санаб ўтилган. Улардан биринчиси исломни ҳимоя қилиш, диний урф-одатларни қўллаб қувватлаш ва бидъатчиларни таъкиб қилиш бўлган. Ҳукмдорнинг енг яқин кишиси вазир бўлаган. У молиявий ва ҳарбий идорага раҳбарлик қилган. Унинг асосий мажбурияти султоннинг буйруқларини жаётга тадбиқ қилиш бўлган. Буюк Бобурийлар салтанатида марказий бошқарувни махсус ҳукумат идоралари – девонлар амалга оширишган. Давлат хизматчилари тайинлашни ва уларга давлат ҳазинасидан маблағлар беришни махсус маҳкама амалга оширган. Бу маҳкама тепасида мирсамана турган. Қозилар тайинлашни садр-ус-судур маҳкамаси амалга оширарди. Деҳли султонлиги 23 та провинсияга бўлинган. Йирик провинсиялар шики (вилоят), улардан кейинги маъмурий бирлик – паргана(туман) бўлган. Унинг таркибига қатор қишлоқлар ва патта-бир –икки қишлоқ кирган. Ҳар бир вилоятга фожарлар – ҳарбий бошлиқлар, гумашталар солиқ йиғувчилар, қутволлар – шаҳар

бошлиқлари тайинланарди. Деҳли султонлиги армияси ўнлик тизими асосида ташкил этилган эди. Амир юзта чавандозга, малик мингта чавандозга, хон ўн мингта чавандозга бошчилик қилган.

Барча мусулмон давлатларида суд ишларини юритиш Қуръон қоидаси асосида амалга оширилган. Бунга кўра суд маъмуриятдан ажратилган ва давлат бошлиғи томонидан тайинланган қозилар томонидан амалга оширилаар эди. Улар ишларни яқка ўзлари кўриб хал етганлар. Маҳаллий қишлоқларда панчатлар судлари мавжуд эди. Улар жамоаларнинг ерларини тақсимлаганлар, касталар ўртасидаги муносабатларни тартибга солганлар, кастага оид ва оммавий тартиб – қоидаларга риоя қилишни кузатиб турганлар. Ўрта асрларда Ҳиндистоннинг жуқуқий тизими мусулмон ҳуқуқин таъсири остида муҳим ўзгаришларга учради. Мусулмон ҳуқуқи 1832 йилгача мавжуд бўлди. Ўрта асрларда Ҳиндистонда қадимги дҳармашастралар ҳуқуқини қайтадан маҳлил қилишга қаратилган жараён бошланган. Шарҳлар ва нибандҳлар вақт ўтиши билан асосий ҳуқуқ манбаи бўлиб қолди. Енг дастлабки шарҳловчилардан бири Асаҳая бўлиб, у машҳур Наради дҳармашастрасини шарҳлаган. Яна бир муҳим шарҳлардан бири бу Вижнанешвара томонидан ёзилган Митакшарадир. Ҳинд ҳуқуқининг бошқа мактаби – Даябҳачи бўлган. Ҳозирги Ҳиндистонда ҳам кенг тарқалган катта бўлинмас оиланинг ҳуқуқий асосини Митакшара ҳуқуқи бўйича мулк ҳуқуқи институте ва ҳам ворислик ташкил етади. Бу ота, боб ова катта бобо томонидан ўз ота – боболаридан мерос қилқиб онилган оилавий мулкка нисбатан ўғил, невара ва евар ҳуқуқларида ўз ифодасини топади. Мулк ҳуқуқи тураларидан бири бенами – ўз пулларига, лекин бошқа шахс номидан ёки ўз номидан сотиб олинган, бироқ боша шахсга унинг учун қандайдир фойда келтириш мақсадида кўзланмасдан берилган мулкдир. Режия – оиланинг битта аъзосига ўтказилган мулк. Ҳудога ўтказилган мулк “деваттарам”деб аталган. Одатда таъсисчининг ўзи ушбу мулкнинг тасарруф этувчи бўлган ёки тасарруф этувчи – шебайит тайинланган. Ўрта асрларда Ҳиндистонда тарқалган диний мулкчиликнинг яна бир шакли – матҳа фойдасига қурбонлик қилиш эди. Матҳа - диний монаҳлари бўлмаган монастрни эслатувчи ҳинд мактаби. Кўпчилик матҳаларнинг ўз ибодатҳоналари мавжуд эди. Маҳант бир вақтнинг ўзида ҳам шебайит, бут-санам мулкани бошқарувчиси, ҳам ибодатҳона хизматчиси бўлиши мумкин эди.

Таянч иборалар.

1. Мартабалар
2. Маросимлар
3. Солиқ(даромадлар)
4. Ҳарбий
5. деваттарам- мулк тури
6. шебайит – дини хизматчи.
7. матҳа- мулк
8. Жагир эгаси – жагирдор

11. Мавзу. Мусулмон ҳуқуқи

Режа

1. Мусулмон ҳуқуқининг вужудга келиши
2. Мусулмон ҳуқуқининг манбалари
3. Мусулмон ҳуқуқида мулк, мажбурият, оила, мерос, жиноят ва жазо масалаларининг ёритилиши

Мусулмон ҳуқуқи - шариат ўрта асрлардаги Шарқ цивилизациясининг жуда катта ҳодисаси ҳисобланади. Бу ҳуқуқий тизим Араб халифалиги доирасида вужудга келиб, расмийлашган ва аста-секин халқаро аҳамият касб этиб борган. Унинг ривожланиш жараёни араб давлатчилигининг VII аср бошида (Муҳаммад салоллулоху алайҳи вассаллам даврида) кичик патриархал диний жамоадан VIII-X асрларда (Умавийлар ва Аббосийлар даврида) йирик империялардан бирига ўсиб ўтиши жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Араб халифалиги қулагандан сўнг мусулмон ҳуқуқи нафақат ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотди балки янада тараққий этди, худди ўрта асрларда Европадаги рим ҳуқуқи сингари «иккинчи маротаба дунёга келди» ҳамда ўрта асрлардаги Осиё ва Африканинг у ёки бу даражада исломни қабул қилган қатор мамлакатлари (Миср, Ҳиндистон, Усманийлар империяси ва бошқа кўпгина давлатлар)нинг амалдаги ҳуқуқида ҳам мусулмон ҳуқуқи араб истилосидан бошлаб то «қизил империя» ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар муҳим ўзгаришларсиз ҳаракатда бўлди.

Мусулмон ҳуқуқи ўзидан олдинги Шарқ ҳуқуқий маданиятининг кўпгина элементларини, жумладан, исломга қадар Арабистонда ва араблар томонидан босиб олинган ҳудудларда ҳаракатда бўлган ҳуқуқий одатлар ва анъаналарни ҳам ўзида акс эттирди. Масалан, Умавийлар даврида анча вақтгача сосонийлар, Эрон, Византия ҳуқуқи, шунингдек, қисман рим ҳуқуқи ҳам аҳён-аҳён қўлланиб турилган. Ушбу манбалар ташқи жиҳатдан ва кам аҳамиятли бўлсада, шариатнинг вужудга келишида маълум ўрин тутган. Лекин уларнинг оқибатда шариатнинг бетакрор ва ўзига хос, мустақил ва оригинал ҳуқуқий тизим сифатмда шаклланишига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шариатнинг вужудга келишида Муҳаммад (САВ) ва дастлабки тўртта халифанинг ўрни жуда катта. Айнан уларнинг ҳукмронлиги даврида мусулмонларнинг муқаддас китоблари -қуръони Карим ва Сунна тўзилган.

Шариат энг бошидан (ҳеч бўлмаганда дастлабки икки аср мобайнида) қатъий диний ҳуқуқ сифатида вужудга келди ва ривожланди. У ислом млоҳиёти билан ўзвий кўшилиб кетди, унинг диний ахлоқий тасаввурларини мужассам этди. Ислом таълимоти бўйича диний қоидалар ягона Аллоҳ томонидан ўрнатилган тартиб ва

қонунларнинг бир қисми бўлиб, улар билан бутун дунё бошқарилади. Айниқса дастлабки вақтларда умуман шариат ва хусусан фикҳ ўзида фақат ҳуқуқий қоидаларин акс эттирибгина қолмай, диний таълимот ва ахлоқни ҳам мужассам этган. Шариатда дин, ахлоқ ва ҳуқуқнинг бундай қўшилиб кетганлиги, бир-биридан ажралмаганлиги, бўлинмаганлиги ўзига хос ифодасини шундан топган эдики, унинг нормалари (қоидалари, кўрсатмалари) бир томондан ижтимоий («кишилик») муносабатларни тартибга солган, иккинчи томондан эса - мусулмонларнинг Аллоҳ билан муносабатларини (ибодат қилишларини) белгилаган. Шариатнинг илоҳий тадбиқ этилиши ва диний-ахлоқий асослари ҳуқуқни тушунишнинг, шунингдек, қонуний ва ноқонуний хатти-ҳаракатга баҳо беришнинг ўзига хослигида ўз аксини топган. Масалан, ҳуқуқнинг ислом илоҳиёти билан чамбарчас боғлиқлиги шариатда ҳар бир мусулмон томонидан содир этилиши лозим бўлган ёки мумкин бўлмаган хатти-ҳаракатларнинг аниқ кўрсатиб қўйилганлигида ўз ифодасини топган. Шариатда барча хатти-ҳаракатлар дастлаб икки турга - харом ва ҳалолга ажратилган. Кейинчалик шариат шаклланиб тугалланган даврда бешта тоифа вужудга келган. Булар: *фарз* - бажарилиши қатъий мажбурий ҳисобланган хатти-ҳаракатлар; *мандуб (суннат)* - мажбурий эмас, лекин маъқул, лозим деб ҳисобланган нормалар; *мубох.* - ихтиёрий нормалар; макруҳ-номаъқул нормалар; *харом* - қатъий равишда тақиқланган хатти-ҳаракатлар. Булар ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий-диний мазмунга эга бўлиб, мажбурловчи, тавсия қилувчи, йўл кўювчи, лекин жазо қўлланилмайдиган, тақиқловчи ва жазога лойиқ (мустаҳиқ) характердадир. Шариат меъёрларининг илоҳийлиги, олдиндан белгилаб қўйилган-лиги мусулмонлар иродасининг шариат доирасидаги эркинлиги ҳақидаги масаланинг жуда катта аҳдаиятини белгилайди. Бу масалага дуч келган диний-фалсафий мактаблар турли мавқени эгаллаган. Масалан, шундай мактаблардан бири - жаба-рийлар икки инсон иродаси эркинлигини бутунлай инкор этган. Улар инсон тақдирини худо мутлақ олиндан белгилаб қўйган, ҳеч қандай ирода ва фаолият эркинлиги йўқ, булар фақат худо мавжуд, инсон эса ана шу фаолиятни ўзлаштириб олиш имкониятигагина эга, деган таълимотни илгари сурганлар.

Мусулмон ҳуқуқининг манбаларини асосан шариат, урф-одатлар ва қонунлар ташкил этади. «Шариат» сўзи арабча «шариа», «шаръ» сўзларидан олиниб, унинг луғавий маъноси «сўзга олиб борадиган йўл» деганидир. Шунга асосан, шариат тўғри йўл, илоҳий йўл, қонунчилик деган маъноларни англатувчи ислом диний ҳуқуқ тизимидир. Шариатда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари ахлоқий нормалар ва амалий диний талабларга ҳам қонун туси берилган. Илк исломда жамиятни ҳуқуқий бошқриш қуръон асосида олиб борилган. Феодализм ривожланиши билан мусулмонларнинг барча ижтимоий-иқтисодий ва диний фаолиятини қамраб олувчи қонунлар мажмуасига эҳтиёж туғилган. Ислом илоҳиётчилари бир неча аср мобайнида шариат қонунларини ишлаб чиққанлар. Шариатга асос қилиниб қуръон ва сунна, кейинчалик ижмоъ ва қиёс олинган. Улар фикҳда шариат манбалари (усул ал-фикҳ) деб эътироф этилган. Шариат диний-ҳуқуқий тизим сифатида XI-XII асрларда тугал шаклланган. Исломдаги суннийлик ва шиалик шариат тизимлари ўртасида маълум тафовут бор. Суннийликда ханафия, маликия, шофиъия ва ханабалия мазҳабларининг, шиаликда эса жаъфария мазҳабининг ўзига хос ҳуқуқий тизимлари

мавжуд. Шариатда давлат (халифалик) ҳукуки нормалари, мажбурият, мерос, жиноят, жазо ва оила-никоҳ ҳуқуқлари, шунингдек, суд юритиш, васийлик кўрсатмалари берилган. Шариат хусусий мулкни худо томонидан белгиланган, доимий ва ўзгармас деб ҳисоблайди. Шариатда, шунингдек, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот, ҳаж кабилар ҳақида батафсил кўрсатмалар келтирилган. Шариатнинг асосий манбалари тўртта ва улар ўзгармас ҳисобланади. Булар: қуръони Карим, Сунна, ижмоъ ва киёсдир.

қуръони" Карим Ислом динининг асосий муқаддас китоби ва шариатнинг энг асосий манбаидир. Ислом анъанасида Қуръон Аллоҳ томонидан Муҳаммад (САВ)га 23 йил мобайнида (610-632 йилларда) ҳазрати Жаброил алайҳиссалом (фаришта) орқали ваҳий қилинган (уктирилган) деб тасаввур этилади. қуръоннинг нозил қилиниши - ваҳуғй қилиб юборилиши муқаддас рамазон ойининг йигирма еттинчи куни кечаси бош-ланган ҳисобланади. Шу сабабли бу муқаддас деб рўза тутилган куннинг йигирма еттинчи кечаси эса «Лайлат ул-қадр», яъни қудрат кечаси, илоҳий қудрат намоён бўлган табаррук кеча деб улуғланади. қуръонда ислом ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрлари, инсон учун фойдали бўлган, ҳар бир замонга тўғри келадиган ҳикматли ҳукмлар ёзилган. қуръони Каримнинг асосий мавзуси ва мақсади, башарият тафаккурида кўпхудоликка барҳам бериш, яқка худоликни тарғиб қилиш ва Ислом динини ўрнатишдир.

қуръони Карим 30 пора, 114 сура (тизма, қатор), 6236 оят (модда)дан иборат бўлиб, оятларнинг 63 фоизини Маккада, 37 фоизини Мадинада нозил бўлган оятлар ташкил этади. Яъни қуръон сураларининг 95 таси 13 йил давомида Макка шаҳрида озил бўлиб, **маккий** суралар деб аталади. Уларнинг 19 таси эса 622 йили юз берган ҳижратдан кейин 10 йил давомида Мадинада нозил бўлиб, **мадиний** суралар деб қабул қилинган. Бу икки туркум сураларнинг фарқи шундаки, маккий суралар асосан эътиқод, ибодат масалаларини, олий ахлоқий фазилатлар, эркин фикрлик, илму тафаккурни тарғиб қилишга қаратилган бўлса, мадиний суралар фикҳий аҳком-муомалот, жиноят ва жазо, оммавий муносабатлар, сулҳу тинчлик битимлари ва мусулмонлараро бошқа алоқаларга тегишлидир. Маккий сураларда кўпинча «Эй иймон келтирганлар, Эй мўминлар!» деб, мадиний сураларда эса асосан «Ё айюҳаннос!» (Эй одамлар, эй инсонлар) деб хитоб қилинади. Маккий суралар 4780 та, мадиний суралар 1456 та оятдан иборат.

қуръони Карим Муҳаммад (САВ) томонидан ҳали жам қи-линиб тўплам ҳолига келтирилмаган эди. Муҳаммад (САВ) вафот этган вақтларида қуръон айрим саҳобалар, томонидан тўлиқ ёд олинди, хурмо пўстлоқларига, тоштахталарга, тери ва бошқа нарсаларга ёзиб қўйилган эди. Ўша даврларда қуръонни тўлиқ ёд олган саҳоба-хофизлардан 30 киши санаб ўтилган. Ра-сулulloҳнинг 24 нафар ваҳий ёзувчи котиблари бўлган. Улар навбатма-навбат котиблик қилганлар. Расулulloҳ мирзаларидан энг машҳури Зайд ибн Собит разийаллоҳу анҳудир.

Пайғамбаримиз даврларида қуръонни тўплам, муқоваланган қилиб жам қилинмаганлигининг сабаби Расулulloҳ қуръоннинг баъзи ҳукмларига, унинг тиловатига бекор қилувчи оят-лар ёки яна янги оятлар келиб қолармикан деб кутганларидадир. Зотан, илк қуръон муфассири ҳам ҳазрати пайғамбарнинг ўзларидир.

Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом ўқиш-ёзишни билмаганлар. Ул зот қуръон оятларини фаришта Жаброил алайҳис-саломдан эшитиб, ёд олганлар ва саҳобаларига айтиб, ўқитиб, уқтириб турганлар, улар эса ёдлаб олганлар. Пайғамбаримиз хар бир янги оятни қайси сурага тааллуқли эканлигини ва ўрнини котибларига (мирзаларга) тушунтириб турганлар. қуръон суралари шу тариқа 23 йил давомида ёд олинган ва хатга битилган.

қуръони Карим тарихан уч маротаба жам қилинди. Биринчи маротаба пайғамбар алайҳиссалом замонларида, иккинчи маротаба халифа Абу Бакр сиддиқ даврларида ва учинчи маротаба халифа Усмон зуннурайн вақтида Бани қурайш кироатида (лахжасида) жамланиб китоб ҳолига келтирилди.

Шариатнинг иккинчи манбаи-суннанинг, арабча - луғавий ифодаси одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи бўлиб, йўл-йўриқ деган маънони билдирадм. Сунна Муҳаммад (САВ)нинг сўзлари, қилмишлари, хатти-ҳаракатлари, феъллари (амаллари), тас-диқлари, шунингдек, саҳобаларнинг сўзлари ва амаллари мажмуидан иборат. Сунна ҳақидаги ривоятлар ҳадисларда берилган. Ҳадислар тўпламига сунна дейилади. Ҳадис арабча ривоят деган сўздан олиниб, ислом динида Қуръондан кейинги муқаддас манба ҳисобланади. Ҳадислар Муҳаммад (САВ)нинг ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат. қуръон мусулмонлар жамоасининг барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалаларни қамраб ололмаганлиги сабабми VII аср охири-VIII аср бошида ҳадислар ёзила бошланди ва аста-секин тизимга солинди. IX-X аср бошларида диндорлар орасида обрўли деб танилган ҳадисларнинг 6 та тўплами вужудга келган. Булар: Муҳаммад Ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-Саҳдо,» китоби, Муслим Ан-Нишопурийнинг «ас-Саҳиҳ» тўплами, Ибн Можаннинг «Сунан» тўплами, Абу Довуд Ас-Сижистонийнинг ҳадислар тўплами, Муҳаммад Ат-Термизийнинг «ал-Жомеъ ал-Кабир» китоби, Ан-Нисонийнинг «Сунан» китобидир. Улар-дан «Саҳиҳи Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим» кўпроқ эъзозланади. Сунна ва Пайғамбар ҳадисларни тўплаб, уларни жаълий (тўқима) ҳадислардан ажратиб олишда ватандош алломаимиз Имом Мухаммад ибн Исмомл Бухорий (810-892 йиллар) унутилмас ҳисса қўшиб, ўзидан абадий ва барҳаёт асарлар қолдирган. Кўпгина ҳадислар қуръоннинг турли қоидаларини тушунтириб беради ва тўлдиради. Улар кўплаб амалий масалаларни ҳал этишда муҳим ижтимоий вазифани бажаради, улар ҳақида қуръонда ҳеч нарса айтилмаган ҳолларда эса ҳадисларнинг аҳамияти янада ортади. Лекин ҳадислар Қуръонга зид келиб қолган тақдирда улар манба кучига эга бўлмайди.

Дастлабки халмфаларнинг анъаналари ҳуқуқий характерда бўлиб, пайғамбаримизнинг обрўси билан боғлиқ бўлиб келган. X асрдан буён юқорида кўрсатилган суннийликнинг олти машхур тўплами ўзида ислом анъаналарни ақс эттиради. Ислом амалиёти уларни шунчалик мувофиқлаштирганки, олти тўпланинг ҳаммасида мавжуд бўлган ҳадислар муқаддас қонун мавқеига эга бўлган. Исломшунос олим А.Ш.Жўзжоний кўрсатишича, тадқиқотчи олимлар суннани икки хилга бўлиб ўрганадилар.

Биринчи тури шундан иборатки, агар бирор иш қилинмоқчи бўлса, яратувчи томонидан ўша ишга тегишли фикр Пайғамбарга вахий (вахий ҳафий) орқали билдирилади. Пайғамбар уни ўз сўзлари орқали баён этади. Бу вахий, яъни ваҳий

хафийнинг куръон оятлари, яъни ваҳий жалийдан фарқи шундаки, куръон оятларининг ҳам мазмуни ва ҳам ибораси Аллоҳ томонидан Жаброил орқали юборилган.

Суннанинг иккинчи тури шундан иборатки, агар мусулмонлар ҳаётига тегишли бирон бир янгилик киритилиши зару-рияти сезилса-ю, лекин уни ҳал қилиш учун Пайғамбарга ваҳий келмаса, бундай аҳволда Пайғамбарга ижтмҳод қилиш, яъни масалани ўз шахсий фикри асосида ечмш учун рухсат берилган ҳисобланади. Ўшанда Пайғамбар ижтиҳод қилиб, саҳобалар билан кенгаш - маслаҳат ўтказиб, бир тўхтамга келади.

Агар Пайғамбар томонидан қабул қилинган қарор ёки билдирилган фикр куръон оятлари орқали тўғриланса, Сунна (Пайғамбарнинг сўзи ёки қабул қилган қарори) Куръон орқали мансух бўлади, яъни бекор қилинади ва куръоннинг ҳукми амалга оширилади.

Пайғамбар куръоннинг шарҳловчиси сифатида ташриъ қилиш (қонун тўзиш) ваколатига эга эди. Шунга биноан Сунна ташриъ (қоқун тўзиш) бўйича икки асосий соҳани қамраб олади.

Биринчи соҳа куръонда зикр этилган ҳукмларни ёритиб беришга боғлиқ.

Иккинчи соҳа куръонда кўрсатилмаган ҳукмларнинг ташриъи (қонуний шаклда чиқариш)га боғлиқ бўлади.

Биринчи соҳада Сунна Куръони карим оятларини тафсир ва таъвил қилади, мужмал ибораларини изоҳлайди, умумий маънога эга бўлганини хослаштиради, мутлак, яъни қайду шартсиз оятларга қайду шарт қўяди. Баъзи бир мисоллар:

куръонда «**Намоз ўқинглар**» деб амр қилинган, лекин намозларнинг сони, сифати, рақъатларининг сони Пайғамбар томондан белгилаб ва амалда кўрсатиб берилган.

Шу тариқа шариатнинг янги манбаига зарурат туғилади ва **ИЖМОЪ** ислом ҳуқуқи (шариат)нинг асосий манбаларидан бири сифатида тасдиқланади. Ижмоъ (арабча - яқдиллик, яқдиллик билан қабул қилинган қарор, мжмоъ ал-умма - "диний жамоанинг ягона фикри") - куръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалани ҳал этишда фақиҳ ва мужтаҳидларнинг тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши (фатво бериши)дир. Шариатда шундай йўл билан чиқарилган ҳукм шаръий (қонуний) деб қабул қилинган. Ижмоъга фикҳ манбаи сифатида қараш Араб халифалигида феодализм таркиб топа бошлаган давр (VIII аср охири IX аср бошлари)да келиб чиқди. Мужтаҳид томонидан айтилган фикргина ҳал қилувчи фикр ҳисобланади. Оддий мусулмонлар фикрининг эса ижмоъга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мужтаҳид деб диний олимга айтилади. Мужтаҳид (арабча - интилувчи, ғайрат қил-увчи) - ўрта асрларда исломда ижтиҳод ҳуқуқига эга бўлган, яъни мустақил равишда диний ақидавий масалалар бўйича хулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган шахс. Суннийларда диний ҳуқуқ мазҳабларининг асосчилари, шиаларда юқори мартабали руҳонийлар ва диний ҳуқуқшунослар мужтаҳид деб юритилади. Мужтаҳид мусулмонлар орасида обрўэътибор қозонган бўлиши лозим. Шунингдек, шариат мужтаҳиднинг бошқа хмслатлармни, масалан, араб тилмни тўла бмлишини, шариатга қатъий риоя қилишмни, ҳозирги замонга доир чуқур савияга эга бўлиши ва ҳоказоларни белгилаб беради.

Мисрлик олим АбдулВақдоб Халлоф ижмоъга куйидагича таъриф беради: «Ижмоънинг луғавий маъносм «қасд қилмоқ» дир. Муштаҳидларнинг бир ҳукмга қилган иттифоқига «ижмоъ» дейилишининг боиси - мазкур ҳукмнинг шаръий ҳукм деб қасд

қилмшларидир. Усул уламолари истилоҳида эса, ижмоънинг таърифм бундайдир: Мусулмонлардан бўлган мужтаҳидларнинг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳд* вассаллам вафотларидан сўнг, бирор даврда, шаръий ҳукмга қилган иттифоқиға ижмоъ дейилади.

қиёс - фикҳнинг тўртинчи манбаи қиёс арабча сўздан олинган бўлиб, «таққослаш», «солиштириш» деган маънони англатади. Бунга кўра, бирор ҳуқуқий масала ўзига ўхшаш иккинчи ҳуқуқий масала билан таққосланади, солиштирилади ва улар бир-бирига тенглаштирилади. Демак, бунга биноан қуръон ва Суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала улардаги шунга ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатмага таққослаш йўли билан шарҳланади. қиёс фақиҳлар ҳуқуқини кенгайтириб, шариатнинг турли ҳуқуқий масалаларга тадбиқ этилишига имкон яратадм.

қиёснинг фикҳнинг тўртинчи классик манбаи сифатида эътироф этилиши ҳадисга бориб тақалади. Унда ҳикоя қилинишича, Муҳаммад (САВ) бир куни ўз саҳобаларидан бири Муоз ибнм Жабал разийаллоҳу анҳуни Яманга диндан таълим беришга юбораётганида унинг одил судловни амалга оширишида нималарга таянишини сўрайди. У қуйидагича жавоб беради: «Аллоҳнинг китоби билан. Агар ундан топмасам, Аллоҳ расулининг суннати билан. Агар ундан ҳам топмасам, ижтиҳод қиламан ва ижтиҳодда нуксонга йўл қўймасликка ҳаракат қиламан». Пайғамбар (САВ) бундай фикрнм маъқуллаган эканлар. Ижтиҳод арабча «интилиш», «ғайрат қилиш» сўзлари-дан олинган бўлиб, дмний ва ҳуқуқий масалалар бўйича мустақил фикр юритиш принциpidир. Ўрта асрларда фақат йирик мусулмон фақиҳлари ва илоҳиётчилари - мужтаҳидлар ижтиҳод ҳуқуқиға эға эдилар. X асрда суннийлик йўналишидаги шариат мазҳаблари шаклланиб, ислом ақидалари ишлаб чиқилгач, «ижтиҳод эшиқлари ёпиб қўймлади», илоҳиёт, ҳуқуқ, ахлоқ, ижтимоий таълимотда фақат илгариги илоҳиётчиларга тақлид қилиш мумкин, деб ҳисобланган. Тақлид концепцияси биринчи ўринга чиққан. XIX аср охиридан ислом диний илоҳдётчилари ижтиҳод ҳуқуқини яна тиклаганлар, қуръонни ва ислом таълимотини яхши билган ҳар бир мусулмон ижтиҳод қилиши мумкин деб ҳисобланган.

Шариатда рим ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, **мажбуриятларнинг** умумий концепцияси ишлаб чиқилмаган эди. Лекин шартнома ҳуқуқининг амалий масалалари товар-пул муносабатларининг ривожланиши натижасида ҳар томонлама ишлаб чиқилган эди. Мажбуриятлар ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган, икки томонлама ва бир томонлама, муддатли ва муддатсиз турларга бўлинади. Ислом дунёсида ўзига хос бир томонлама мажбуриятларнинг - аҳдлашувларнинг тарқалганлиги тез-тез учраб турадиган ҳодисадир.

Умуман шариатда мажбуриятларнинг анча ривожланган тизими мавжуд бўлган. Мажбуриятларнинг келиб чиқишиға кўра шартномалардан келиб чиқадиган ва зарар етказишдан келиб чиқадиган турлари бир-биридан ажратилган. Шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар кенг тарқалган.

Шартнома муносабатларининг субъекти жисмоний шахслар ва юридик шахслар бўлиши мумкин эди. Ёш болаларнинг ҳаракати ҳомийлар томонидан тан олинса, қулларнинг ҳаракати эса уларнинг эгалари томонидан маъқулланса, қондош бўлиши мумкин эди. Ақли заифлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг субъекти бўлолмаган.

Шартнома муносабатларида вакилликка ҳам йўл қўйилган. Ёш болаларнинг, аёлларнинг, ақли заифларнинг қонуний вакиллари уларнинг оталари, акалари, тоғалари,

эрлари, хомийлари бўлганлар. Шарият, шунингдек, шахсларнинг мажбуриятда алмаштиришга йўл қўйган. Кредитор розилиги билан қарздор алмаштирилиши мумкин эди. Шариат бўйича тан олинган ва ҳимоя қилинадиган битимлар шартнома ҳисобланарди.

Шариатда шартномага томонларнинг ўзаро битимидан келиб чиқадиган алоқа сифатида қараларди. Бироқ бу томонларнинг мулкӣ нотенглиги шароитларида соф расмий характерга эга эди. Шартнома шартлари ҳар қандай кўринишда: ҳужжатда, норасмий хатда, оғзаки тарзда ифода этилиши мумкин эди. Тўзилган шартномалар мустаҳкам ва ўзгармас ҳисобланарди. қуръонда «шартномаларга» риоя қилиш мажбуриятига муқад-дас бурч сифатяда қаралган: «Улар (мўминлар) (одамларнинг берган) омонатларига ва (ўзаро) ахдларига риоя этувчи зотдир-лар» (23-Мўъминун сураси, 8-оят).

Шартноманинг ҳақиқийлиги шартлари: унинг қонунийлиги, яъни шартномаларнинг ҳуқуққа ҳилоф бўлмаслиги, томонларнинг ўзаро розилиги ва ҳуқуқий лаёқатлилиги бўлиб ҳисобланган. Амалда ўзаро алдашлар, томонлар иродаси усти-дан куч ишлатиб шартномалар тўзиш ҳоллари тез-тез учраб турарди. Бу айниқса тутқинлик, қарз шартномалари тузилишида намоён бўлган.

Шариат бўйича никоҳ ва оила масалалари батафсил тартибга солинади. Ислонда никоҳ - ҳалоллик, никоҳсиз қўшилиш эса ҳаромлик белгиси ҳисобланади. Шариатга биноан никоҳ, мусулмонларнинг диний мажбурияти, никоҳсизлик эса уларнинг хуш кўрилмайдиган ҳолати саналади.

«Шариат бўйича никоҳ шартнома характерига эга бўлиб, хусусан олди-сотдига ўхшаб кетади, - деб ёзади таниқли ҳуқуқшунос олим Ф. Отахўжаев. Бир томондан шартноманинг предмети - келин, иккинчи томондан - сотиб олувчи сифатида куёв қатнашиб, келинга белгиланган баҳони, яъни шартноманинг асосий шарты ҳисобланган тўловни - қалин ва маҳрни тўлашдан иборат». Шариат бўйича никоҳ, шартномаси одатий шартномалардан фарқ қилган. У умрбод муддатга тўзилган. Шариат муддатли никоҳ ахдида муддатли шартларга маълум ҳафта, ой ёки йилга йўл қўйилган бўлса, бундай никоҳ ҳақиқий эмас деб саналган.

Шариат бўйича никоҳдан ўтиш учун томонлардан қуйидаги шартларга риоя этиш талаб қилинган: 1) никоҳдан ўтувчилар ўзаро розилиги; 2) никоҳ ёшига тўлган бўлиш; 3) никоҳни гувоҳлар иштирокида тўзиш; 4) келин учун қалин ва маҳр тўлаш; 5) диний эътиқод бирлиги; 6) никоҳдан ўтаётганларнинг якин қон-қариндош бўлмаслиги; 7) табақа бўйича тенглик; 8) никоҳдан ўтўвчиларнинг рухий жиҳатдан соғлом бўлиши. Никоҳ тўзиш учун расман томонларнинг розилиги талаб қилинади. Бунда келиннинг ҳам розилиги олинади (фақат шофиъийлар бундай розиликни шарт эмас деб ҳисоблаганлар). Бурҳониддин Марғинонийнинг машҳур «Ҳидоя» асарида кўрсатилганидек, «валийнинг балоғатга етган қизни никоҳга мажбурлаши жоиз эмас... Агар балоғатга етган қиздан валийи турмушга чиқишга изн сўраса, шунда қиз жим турса ёкм кулиб юборса, бу иши розилик аломати бўлади... Агар жувондан изн сўралса, розилигини сўз билан айтиши лозим... Бокира қизнинг розилиги сукут сақлаши билан ботил бўлади. Ўғил боланинг ихтиёри эса, токи «розиман» демагунча ёки ундан розилигини ифода этадиган бирор иш содир бўлма-гунча ботил бўлмайди». Лекин никоҳга кирувчилар учун уларнинг ота-оналари ҳам розилик беришлари мумкин эди. «Ёш бола ва ёш қизни отасм ёки бобоси

уйлантурса ёки турмушга берса балоғат ёшига етганларидан кейин, уларда ихтиёр ҳуқуқи қолмайди. Чунки ота ва бобо тўла онгли ва фарзандлармга нисбатан меҳр-шафқатли кишилардир, шундай экан, уларнинг бевосита иштироки билан никоҳ боғланаверади... Шунингдек, балоғатга етганлари-дан кейин ҳам уларнинг розилиги билан никоҳга иштирок этишса, никоҳ боғланаверади». Шунинг учун никоҳ шартномасм баъзида ота-оналари томонидан қизларини сотишнинг никоҳ-ланган шакли бўлиб қолган. Бунда кўпинча аёл киши шартноманинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлмасдан, шартнома предмети ҳисобланган.

Шариат буйича **мерос ҳуқуқи** жуда мураккаб ва чалкаш бўлган. Мерос ҳуқуқи борасида мусулмон ҳуқуқининг турли ҳуқуқий мазҳаблари ўртасида катта фарқлар мавжуд. Умуман мерос васият бўйича ва қонун бўйича қолдирилган. «Васият» сўзининг луғатда баён қилинган маъноси - «топширмақдир». Шариат бўйича эса, мол-мулкни ўлгандан сўнг кимга берилишини айтиш. Васият қонуний меросхўрлар фойдасига тузилиши мумкин эмас эди. Шунингдек, мол-мулкнинг учдан бир қисмидан ортиғини васият қилишга ҳам руҳсат этилмаган. Васиятни тўзишда иккита гувоҳ иштирок этиши лозим бўлган. Шариатда айниқса қонун бўйича мерос тартиби бир мунча пухта ишлаб чиқилган эди. Ўлган кишининг мол-мулкидан аввало уни дафн этиш маросимларига кетадиган харажатлар қопланган, сўнгра унинг барча қарзлари тўланган.

Шариатда **жиноят тушунчасининг** асосини диний ғоялар билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқий қонун-қоидалар ташкил этади. Шунинг учун ҳам мусулмон ҳуқуқида жиноят тушунчасини таҳлил этишга алоҳида ёндашиш лозим. Зеро, баъзи рус олимлари шариатда жиноятнинг умумий тушунчаси мавжуд эмас деб ҳисоблайдилар. Бирок, бу фикрга унчалик қўшилиб бўлмайди. Бинобарин, Бурҳониддин Марғиновичнинг «Ҳидоя» асарида жиноят деб, қонун тилида-шахсга ва мулкка қарши қаратилган қонун билан тақиқланган қилмиш тушунилади, - деб кўрсатилади. Шариатдаги ушбу таъриф жиноят тушунчасига берилган умумий таъриф бўлиб, шариат масала-ларига бағишланган асарларда жиноятнинг айрим турларига алоҳида тушунча берилган. Жумладан, «Мухтасар» (Шариат қонунларига қисқача шарҳ) да кўрсатилганидек, «жиноят» сўзи луғатда жиноят ва гуноҳ маъносини, шариат истилоҳида одамнинг жонига ё аъзоларига зарар келтириш маъносини билдиради.

Мусулмон жиноят ҳуқуқида жиноят таркибидаги тўртта асосий белгилар ҳам назарда тутилади. Жиноят таркибининг асосий элементларидан бири **жиноят объекти** ҳисобланади. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқида шахснинг ижтимоий хавfli ва ҳуқуққа хилоф жиний қилмиши қандай мақсадга қаратилганлиги, яъни тажовўз қайси ижтимоий муносабатларни бўзишга йўналтирилган бўлса, шу муносабат жиноятнинг объектини ташкил этади.

Шариатда, шунингдек, **жиноятнинг объектив томонини** тавсифловчи қатор белгилар ҳам мавжуд. Масалан, ўғрилик, боскинчилик, зино, зинокорликда айблаш (туҳмат) ва бошқа жиноятлар таркибининг объектив томони уларнинг ижтимоий хавfli ва ҳуқуққа хилоф ҳаракатлардан иборат эканлигидадир. Бундай жиноятлар бир-биридан, асосан, қилмишнинг хусусияти билан, мулкка қарши қаратилган жиноятлар эса бир-

биридан мулкни қонунсиз эгаллаш усули, яъни жиноятнинг объектив томони билан фарқ қилади.

Шариатда **жиноят субъекти** масаласига ҳам эътибор берилади. Унга биноан, ҳар қандай жисмоний шахс эмас, балки эс-ҳуши жойида, ўз қилмишига ўзи жавоб бера оладиган, яъни ўз юриш-туришининг моҳиятини тушунадиган ва ўз хатти-ҳаракатини ирода қилиш қобилиятига эга бўлган, ақли расо кишиларгина жиноятнинг субъекти ҳисобланганлар. Ханафий мазҳаби бўйича жиноят субъектининг ёши 15 ёш қилиб белгиланган.

Мусулмон жиноят ҳуқуқида **жиноятнинг субъектив томонини** тавсифловчи белгилар ҳам ҳисобга олинади. Унга биноан қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинган жиноятлар бир-биридан фарқланади. Масалан, одам ўлдириш жиноятининг ўзи айбнинг шаклига қараб бир неча турларга бўлинади. Масалан, «Ҳидоя» асарида бу жиноят беш турга бўлиб кўрсатилган: 1) қасддан одам ўлдириш; 2) қасдга ўхшаш ўлдириш; 3) беқасд (билмай) ўлдириш; 4) беқасдга (билмасдан) ўхшаш ўлдириш; 5) сабабли қотиллик. Шунингдек, шахснинг соғлигига қарши жи-ноятлар ҳам мусулмон ҳуқуқида қасд ва эҳтиётсизликдан со-дир этилиши мумкинлиги инобатга олинган. Бунда ҳар иккала айб шаклига алоҳида-алоҳида жазо тури белгиланган.

Таянч иборалар

1. Ислом дини
2. Муҳаммад (с.а.в.)
3. Халифалар
4. Фарз
5. Исломда оқимлар ва мазҳаблар
6. Қуръон
7. Суннат
8. Ижмоъ
9. Қиёс
10. Шариат

Назорат саволлари

1. Мусулмон ҳуқуқининг вужудга келиши ҳақида гапиринг
2. Мусулмон ҳуқуқининг манбалари деганда нимани тушунасиз?
3. Қуръоннинг мусулмон ҳуқуқи манбаси сифатидаги ўрни ва роли ҳақида гапиринг.
4. Ижмоъ ва қиёснинг мусулмон ҳуқуқидаги ўрни ва роли қандай?
5. Ислом динидаги мазҳаблари қайсилар?
6. Ислом динидаги фарз амалларини сананг
7. Мусулмон ҳуқуқидан мажбурият масалаларининг ёритилиши ҳақида гапиринг.
8. Мусулмон ҳуқуқида оила ва мерос масалалари
9. Мусулмон ҳуқуқида жиноят ва жазо
10. Мусулмон ҳуқуқида суд ишларини юритиш тартиби ҳақида гапиринг.

Тест

1. Исломда қайси йўналиш «Аҳли сунна вал жамоа» деб аталади?
 - А) Суннийлик
 - Б) Хорижийлик
 - В) шиалик
 - Г) жабарийлик
2. Шиалик сўзи қандай маънони билдиради?
 - А) Гурух, тарафдорлар
 - Б) Сафдош, тенгдошлар
 - В) Исёнчи, ажралиб чиққан
 - Г) тўғри жавоб йўқ
3. Суннийликдаги Шофиъия мазҳаби қаерда шаклланган?
 - А) Сурия ва Мисрда
 - Б) Ироқ ва Хуросонда
 - В) Фаластин ва Эронда
 - Г) Ироқ ва Мисрда
4. «Диний жамоанинг ягона фикри» - ...
 - А) ижмоъ
 - Б) Куръон
 - В) Суннат
 - Г) Қиёс
5. Ханафий мазҳаби бўйича жинойт субъектининг ёши неча ёш қилиб белгиланган?
 - А) 15 ёш
 - Б) 13 ёш
 - В) 12 ёш
 - Г) 9 ёш

Фойдаланилган адабиётлар

1. Х.Мухамедов. Хорижий мамлакатлар давлат ва ҳуқуқи тарихи. 2-қисм. Тошкент. 2004 й
2. Ҳидоя. Т. 1883 й
3. Мухтасар. Т. Чўлпон. 1994 й.
4. М. А. Ражабова. Шариатда жинойт ва жазо.
5. Ф. Отахўжаев. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Тошкент. Ўзбекистон. 1995 й.

12. Мавзу. Янги даврда (Англия, АҚШ, Франция, Германия ва бошқа мамлакатларда) давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиши.

1. Янги давр давлатларининг ўзига хос хусусиятлари.

2. Янги даврда Европа давлатлари давлати ва ҳуқуқи (Англия, Франция, Германия, Италия).

3. АҚШ давлати ва ҳуқуқи.

1. Янги давр давлатларининг ўзига хос хусусиятлари

Янги давр давлатларида бошқарув шаклига кўра давлатлар 2 бўлинади;

- Республика (давлат бошлиғи сайланади),
- Монархия (давлат бошлиғи ҳокимиятни мерос бўйича олади).

Монархия ўз навбатида яна қуйидагиларга бўлинади;

- абсолют монархия (монарх чекланмаган ҳокимиятга эга),
- конституцион монархия (монарх ҳокимияти чекланган).

Конституцион монархия иккига бўлинади:

- дуалистик монархия (парламент қонун қабул қилишда қатнашади, ҳокимиятни монарх ўзи тузади ва тарқатади),

- парламентар монархия (парламент ҳукуматни тарқатишга ҳақли).

Республика;

- президент республикаси (қонун чиқарувчи ҳокимият парламент томонидан амалга оширилса-да, аммо президент давлат бошлиғи ҳисобланади ва ҳукуматни тузади, шунинг учун ҳукумат парламент олдида эмас, балки президент олдида ҳисоб беради);

- парламентар республика (қонунлар парламент томонидан қабул қилинади ва ҳукумат парламент томонидан тузилади, шунинг учун ҳам ҳукумат президент олдида эмас, балки парламент олдида ҳисоб беради).

Дунё мамлакатларининг турлилиги, уларнинг ўзига хос хусусиятлар албатта тузумда ҳам ўз аксини топди. Мароккодаги бошқарувни кузатар эканмиз бу ерда парламентар ва дуалистик монархия хусусиятларини кузатамиз. Малайзияда монархия республика билан уйғунлашиб кетган (сайланадиган монархия). Франция мисолида парламентар ва президент республикаси бирлигини кузатамиз.

Абсолют монархия олий ҳокимият бир монархни ўзигагина тегишли бўлади. бундай давлатлар мисолига Сауди Арабистон, БАА, Катар, Оммон киради. Бундай давлатларда ҳар қандай партиялар фаолияти таоқиқланган.

Араб давлатларининг айримларида абсолют монархиядан конституцион монархия томон бир неча муваффақиятли силжишлар бўлиб ўтди. Бахрейн ва Қувайтда, улар мустақил бўлгач, конституция қабул қилинди ва парламент тузилди. Қонун чиқариш фаолияти парламентга топширилди. Парламент вазир тайинлашда фатнашадиган бўлди, аммо бу узок давом этмади. (Бахрейнда 1973-1975 йилгача, Қувайтда 1962-1976 йилгача) Иорданияда 1946

й. ва 1952 й.да конституция чиқарилган, лекин бу амалий ахамияти бўлмади. Мароккода қонунларни вакиллар палатаси қабул қилсада, қирол ҳокимияти амалда чекланмаган.

Парламентар монархия буржуа-демократик тузумда буржуазия синфини устунлигини сақлаб туришга қаратилган конституцион монархия бир туридир. Бунда монарх давлат бошлиғи саналсада ҳукумат ишига аралаша олмайди. Қонунлар парламент томонидан қабул қилинади. Бундай мамлакатлар қаторига Белгия, Дания, Люксембург, Норвегия, Нидерландия киради. Бундай давлатларда монарх «хукмронлик қилади», аммо бошқармайди.

Тарихан республика шакли буржуа давлатларида президент республикаси шаклида пайдо бўлди. Парламент ҳукумат ишларига аралашалмайди, бундай ваколатга президент эга. Президент республикасида одатда бош вазир лавозим бўлмайди, чунки президент ҳам давлат ҳам ҳукумат бошлиғи саналади. Президент кўпинча аҳоли томонидан тўғридан тўғри сайлов орқали сайланади. АҚШ, Шри-Ланка шулар жумласига киради.

Парламентар республикани президент республикасида фарқи шундаки, биринчидан парламентар нафақат қонун чиқариш, балки вазирларни ишдан бўшатиш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқига эга, иккинчидан президент ҳукумат бошлиғи саналмайди. Президент кенг ваколатларга эга бўлсада, бу ваколатларни у парламент «маслаҳати» бўйича амалга оширади. Индия, Италия, ГФР, Австрия, Ирландия шундай давлатлардир.

Ярим президент давлатларга Франция, Финляндия, Португалия киритишимиз мумкин. 1958 й. Франция конституция президентга катта ваколатлар берган эди. 1986 йилда бу ҳолат ўзгартирилди.

Финляндияда президент парламент ҳукумат бошлиғи бўлмасада, у ташқи сиёсат ва бошқа масалаларини хал қила олади.

Давлат тузулишига кўра 2 хил даилатлар бор;

- унитар
- федератив.

Унитар давлатда давлатнинг бирорта қисми давлат бирлашмаси ҳисобланмайди. Бундай давлатда ягона фуқаролик, ягона конституция, ягона олий ҳокимият фаолият кўрсатади. Унитар давлатлар қаторига Буюк британия, Франция, Белгия, Швеция, Норвегия киритамиз.

Федерация бу қисмлари давлат бирлашмалари мақомига эга бўлган давлатнинг бир тури. Федерацияларга Швейцария, Канада, Индия, Австрия, ГФР, Австралия киришади. Федерация субоектлари номланиши турлича. (АҚШ, Мексика, Бразилия, Малайзия, Австралия, Венесуэлла-штатлар, ГФР, Австрияда-земеллар, Швейцарияда-кантон, Аргентина, Канадада - провинция). Федерация субоектлари ўз конституцияларига эга бўлади. Федератив давлатларнинг иллатларидан бири – трайбализмдир. Трайбализм илдизларни кесиш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир ва бу амалга оширалаётир.

Африка давлатларида федерация мустамлакачилар томонидан урнатилишга муваффақ бўлинган, аммо ҳозирда кўпгина давлатларда унитар тизимга ўтиш кузатилмоқда. Нигерияда 1966 й.ги харбий тўнтаришдан кейин федерация тугатилди. Сепаратист гуруҳларнинг ҳакракатини йўқотиш мақсадида бу ерда фуқаролар уруши бошланди ва у 1967-1970 й.гача давом этди.

Камор ороллари Федератив Ислон республикаси учта катта ороллардан ташкил топган бўлиб, улар федерация субъектлари хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. — Т., “Адолат”, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., “Адолат”, 1998.
3. Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. — Т., “Адолат”, 1998.
4. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллр. — Т., 1992.
5. Бобоев Ҳ.Б., Рамазонов И. Инсон ҳуқуқлари. Т., 1997 й. Ўқув қўлланмаси.
6. Одилқориев Х.Т. Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси, Ўзбекистон давлат органлари тизимининг такомиллашуви. — Т., 1995.
7. Азизхўжаев А.А. Ҳокимият тақсимланиши таомилининг амалий ифодаси. — Т., 1994 йил, “Ҳаёт ва қонун”, 2-сон.
8. Файзиев М.М. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аозоларининг ҳуқуқий статуси. “Ўзбекистон Республикаси — мустақил давлат”. — Т., “Адолат”, 1995.
9. В.Е.Чиркин. Конституционное право зарубжнкх стран. М. Юрист 1997 год
10. В.Е.Чиркин. Конституционное право зарубжнкх стран. М. Юрист 2002 год
11. У.Т.Ожихонов, А.Х.Саидов Жаҳон конституциялари Т. 2001 йил

Мавзу-13. Энг Янги даврда Лотин Америка мамлакатлари

РЕЖА:

1. XX аср бошларида Лотин Америка мамлакатлари давлатчилиги
2. 1917 йили Мексика Конституцияси ва унинг ривожланиши
3. XX аср ўталарида Лотин Америка мамлакатлари
4. XX асринг 80-90 йиларида Лотин Америка мамлакатлари ривожланишинг янги

босқичлари.

Лотин-Америкаси мамлакатлари XX асрга қадам ташлаши уларнинг социал-иқтисодий ва этник ривожланишида мустақилликни кўлга киритган дастлабки пайтдан бери кам ўзгаришларга юз тутди. XIX асрда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши Лотин-Америка мамлакатлари халқларининг иқтисодий-сиёсий ривожланиш оддий аҳолининг ҳокимиятни бошқариш ва йирик ердорларнинг ўз ерларини йўқотишига олиб келди. Энди давлат тепасига аста секин йирик буржуазия кела бошлайди. Аста секин давлат ҳаётида ўрта ҳол ва камбағал аҳолининг ҳам таъсири сезила бошлайди. XIX асрда Лотин - Америка мамлакатлари иқтисодиётида чет мамлакатларнинг сармояси мавқеи ортади. XIX асрнинг бошларидан бошлаб эса Лотин -Америка мамлакатлари ташқи сиёсати анча кенгайди. Яъни улар Испания ва Португалиядан ташқари бошқа мамлакатлар билан ҳам савдо сиёсий муносабатларга киришади. Чет билан савдо-сотик муносабатларининг ривожланиши Лотин-Америка мамлакатлари учун қандайдир даражада салбий оқибатларга ҳам олиб келди. Чунки Лотин-Америка мамлакатлари ички бозорини ўз миллий маҳсулотларидан анча кўп, арзон ва сифатлироқ бўлган маҳсулотлар эгаллай бошлади. Биринчи жаҳон урушига қадар бу ерда Инглиз компаниялари ҳукмрон мавқеини эгаллаган. Биринчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ президент Монро илгари сурган ғоя «Америка американлар учун» ғояси асосида ўз азалий рақибларини аста секин сиқиб чиқара бошлади. АҚШ нафақат Лотин-Америка мамлакатлари иқтисодиётини ўз қўлига олган эди, балки Лотин-Америкаси ҳудудидаги қатта ерларни ҳам ўз қўлига олган эди. Чет эл маҳсулотларининг Лотин-Америкадаги бундай мавқеини чеклашнинг бирдан бир йўли мамлакатларда сунъий тарзда иқтисодиётни ислох қилиш эди. Бу ўз навбатида давлат тўзумини ҳам четлаб ўтмас эди. XIX асрда АҚШ сиёсий қучлари «доллар дипломатияси» ва «ката таёк» сиёсати орқали Лотин-Америка мамлакатларига ўз сиёсий ва харбий таъйиқини ўтказди ва уларнинг ички ишларига аралаша бошлади. АҚШ америка фуқароларини химоя қилиш баҳонаси билан ўз харбий флотини тез-тез турли Лотин-Америка мамлакатларига (Кубага қилинган интервенция, Панама, Доменикан-Республикасига, Никарагуага, Гондурасга) жўнатади. Иқтисодий таҳдид асосида АҚШ турли Лотин-Америка мамлакатлари билан шартномалар тўзган. Бу шартномалар эса кўпол равишда Лотин-америкаси мамлакатлари суверенитетини бўзар эди. Бу таҳдидларнинг ҳаммаси АҚШ компанияларига бошқа мамлакатларда солиқ ва бошқа соҳаларда имтиёз бериш мақсадида амалга оширилган. Шу

аснода XIX асрда Лотин-Америка мамлакатларига бўлиб ўтган давлат тўнтарилишларида нафақат йирик ер эгалари, махаллий буржуазия балки қитъада ўз монопол мавқеини эгаллаш учун кураш олиб бораётган компаниялар ҳам бундан мафаатдор эди.

1917 йилда юз берган мексикан инкилоби муҳим бўлди. Бу инкилоб Лотин-Америкаси тарихида энг катта диктатор П. Диас фаолиятига нукта қўяди. П. Диас давлатда барча давлат ўрганларни ўз қўл остида бирлаштириб, кучли диктатурани ўрнатган эди. У ўз сиёсий рақибларини суд қарорисиз йўқ қилар эди. Мексикада Диас даврида « президент бўлиш бу мисоли давоси йўқ касаллик, охир оқибат ўлимга олиб келувчи » деган ғоя бўлган. Йирик компаниялар саводсиз хиндулардан ерга бўлган ҳуқуқни берувчи ҳужжатни талаб қилишар эди. Хиндуларда табиий бундай ҳужжатлар йўқ эди. Бу ерларни тортиб олинишига олиб келар эди. 1910 йили Мексикада инкилоб бўлиб ўтади. Инкилоб натижасида Диас фаолияти тўхтатилади. Инкилоб дастлаб одатий тусда бошланиб, антифеодал урушига олиб келади. 1917 йили Мексикада янги Конституция қабул қилинади. Конституция юқори буржуазия томонидан ишлаб чиқилади. Бу Конституция 1910-1917 йилги инкилоб натижаси бўлгани учун унинг бир қатор моддаларида оддий халқ талаблари ўз ифодасини топади. Мексиканинг янги Конституция ўз радикал характериға кўра дунёда биринчи ўринда турар эди. Янги Конституция марказий ўринни 27 модда бўлган унга кўра "барча ер сув табиий бойликлар давлатға қарашли бўлиб, унинг тақсимот масаласини ҳам давлат хал қилган" деб белгиланган. Барча ер ости бойликлар давлат мулки деб эълон қилинади.

30-йилларда Фашистик Германия бир қатор Лотин-Америкаси мамлакатларини (Бразилия, Боливия) ларни ўз таъсири доирасига оғдириб олмоқчи бўлади. Бир қатор жанубий Америка мамлакатларида Европа фашизми таъсири остида бир қатор тоталитар типдаги фашистик ташкилотлар пайдо бўлди. Доминикан партияси шундай типдаги партия эди. Айниқса XX асрнинг 30-40 йилларида Бразилияда фашистик "корпоратив" 1937 йилга Конституцияда ҳам намоён бўла бошлайди. Фашистик ғояға асосланға давлат қуришни ўша пайтдаги Бразил диктатори Варгес тарғиб қилади. Иккинчи жаҳон урушида фашизмнинг мағлубияти, ушбу ғоя тарафдорлари, сиёсий партияларнинг мавқеини кескин пасайтиради. Мавқеини пасайишиға қарамай айрим Лотин Америка мамлакатларида бу ғоя хали ханўз сақланиб, унинг азолари террористик оқим сифатида вақти-вақти билан намоён бўларди.

30 йилларда шунингдек Европа фашизмға қарши курашни Лотин-Америкада ўз демократик тўзуми билан АҚШ бошлаб юборади. Ф. Рўзвельт даврида АҚШ "мехрибон қўшни" сиёсати билан ўз рақибларни сиқиб чиқара бошлади. Лотин-Америка мамлакатлари орасида АҚШ нинг мавқеи айниқса Совуқ уруш даврида (АҚШ ва СССР) кучаяди.

Совуқ уруш даврида АҚШ барча Лотин-Америка мамлакатларини "қизил хавфға" қарши курашувчи антикоммунистик компаниясини шакиллантиради. Шу йўл орқали АҚШ Лотин-Америка мамлакатларидан ўз харбий мақсадларидан фойдаланмоқчи эди. 1947 йилда АҚШ Рио-де-Жанейрода "ғарбий яримшарқнинг муҳофазати тўғрисида " фактни имзолашға эришди. 1948 йилда Панамерика иттифоқи базасида Америка давлатлари Ташкилоти (ОАГ)⁵ тўзилади. ОАГ декларацияси ҳам қабул қилинади. 1954 йилда Каракас доктринаси қабул қилинади. У 50-60 йилларда Ушбу иттифоқнинг ҳуқуқий ҳужжати сифатида фаолият кўрсатади.

Бу икки хукукий хужжат китъага камунизмни кириб келишига тўсиқ бўлиши керак эди. Шубхасиз бу ташкилотда марказий ўринни АҚШ тутган. Эндиликда АҚШ ўз харбий мақсадларининг шу ташкилот асосида амалга ошира бошлади.

Лотин-Америка мамлакатлари Конституциялизида туб ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар давлатларнинг ҳам иктисодий, ҳам сиёсий ўсишига олиб келди. Ривожланишнинг турли йўллари (неокапитализм, демократик капитализм,) танланган. Қитъадаги иктисодий ривожланиш миллий иктисодиётдаги ўсиш билан бирга чет эл сармояси билан ҳам бойиди. Чет эл сармояси китъага ўзи билан бир катор янги янги технологияларни ҳам олиб киради. Шу технологиялардан самарали фойдаланиб кўп давлатлар иктисодий ўса бошлади. Иктисодий ривожланганлиги билан Бразилия Лотин-Америка мамлакатлари ичида биринчилардан бўлди. Иктисодий юксалиш ижтимоий тўзумга ҳам таъсир килади. Бу ерда анъанавий олигархия билан бирга ўртаҳол капиталнинг ўрни ҳам ошди. 80-90 йилларда "тоталитаризм ва авторитариздан демократияга" ўтиш анча сезила бошлади. Бу ўз навбатида харбий давлат тўнтарилишларини, турли хил тўқнашувларини олдини олар эди. Жуда кўп муаммолар харбий ёки уруш йўли билан эмас, балки парламент муҳокамаси орқали ечиладиган бўлди. Ўзгаришлар ташқи сиёсатга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Совуқ уруш тугаб тинч ташқи сиёсат юритила бошлади. Шундай қилиб 80-90 йилларда харбий ва харбий фашистик диктатура турли давлат тўнтарилишлари ўз ўрнини тинч ташқи сиёсатга асосланган демократик тўзумларга ўз ўрнини бўшатиб берди. Янги сиёсий кучлар давлат тепасига куч билан эмас балки конституция, аввало эркин сайлов асосида кела бошлади. 80-90 йилларда китъада ўз мавқеи бўйича биринчилар каторида турадиган Бразилия сиёсий тўзумида ҳам авторитаризмдан демократияга ўтиш шиддат билан амалга оширила бошлади. 1964 йил Бразилия президенти Гуларта президентлик лавозимидан четлаштиригач 20-йил давомида мамлакатни турли харбий гуруҳлар бошқаради. Шу давр мобайнида Бразилия иктисодиёти шиддат билан оша бошлади.

Тест

1. XIX асрнинг бошларигача Лотин Америка мамлакатлари ташқи сиёсатида қайси давлатларнинг ўрни кўп бўлган?

- А) Испания, Португалия
- В) Англия, Испания
- С) Германия, Англия
- Д) А В С.

2. «Америка американ учун» сўзлари АҚШнинг қайси президентига тегишли?

- А) Монро
- В) Рўзвелт
- С) Вашингтон
- Д) Жон Кеннедий

3. АҚШнинг «доллар дипломатияси» сиёсати қайси мамлакатларга қаратилган?

- А) Шарқи й Европа
- В) Яқин шарқ мамлакатлари
- С) Лотин Америкаси

Д) Япония ва Монголия

4. Фуқароларни химоя қилиш мақсадида 1915 йил Доменикан Республикасига қайси давлат ўз флотини жўнатади?

- А) АҚШ
- В) Англия
- С) Бразилия
- Д) Испания

5. Гватемалани 22-йил бошқарган шахс?

- А) Э. Кабрера
- В) Г. Гомес
- С) П. Окос
- Д) Тўғри жавоб йўқ

6. Абсентеизм бу ...?

- А) Фуқароларнинг сайловда ихтиёрий қатнашмаслиги
- В) Мажбурий эътиқод
- С) Қўғирчоқ хурмат
- Д) Давлатдан ихтиёрий воз кечиш

7. Мексикада қайси президент даврида «Президент бўлиш даъвоси йўқ касаллик» деган ғоя бўлган?

- А) П. Диас
- В) Р. Гомез
- С) Э. Кабрера
- Д) А. Баррера

8. Майда мулкка асосланган ер эгалиги шакли бу ...?

- А) Эхдос
- В) Биадоз
- С) Эдипадоз

9. 1921-1984 йилгача 369 марта ўзгартиришлар киритилган конституция ?

- А) Мексика конституцияси
- В) Куба конституцияси
- С) Аргентина конституцияси
- Д) Бразилия конституцияси

10. О А Г (Америка давлат ташкилоти) қачон тўзилган?

- А) 1948
- В) 1924
- С) 1939
- Д) 1946

Саволлар.

1. «Мехрибон қўшни» сиёсати қайси давлатга тегишли?

2. «Американ халқ инқилобий альянси» (АНРА) партияси қачон ташкил топган?
3. Л. Америкасида 1945-1954 йиллар оралиғида неча марта давлат тўнтариши бўлди?
4. Фуқароларни сайловда ихтиёрий қатнашмаслиги нима дейилади?
5. «Деворнинг ҳам қулоғи бор» деган нақл қайси давлатда бўлган?
6. 1908-1915 йилда давлат тўнтариши бўлган давлат?
7. Л. Америкасида Мексика инқилоби қачон бўлган?
8. Мексикада аграрислохот яъни эхидос ўтказган президент?
9. 1917 йил қайси давлатда конституция қабул қилинган?
10. Мексикада янги конституция қачон қабул қилинган?

Таянч иборалар:

1. «Америка американлар учун»- ақш президенти Монро илгари сурган, Л Америкасидан бошқа давлатлар сиқиб чиқариш учун.
2. Абсентизм-фуқароларнинг сайловда ихтиёрий қатнашмаслиги.
3. «Деворнинг ҳам қулоғи бор»-Гватималада длитатура тоталитаризм пайтида мавжуд бўлган ибора.
4. Эхидос-майда мулкка асосланган ер эғалиги шакли.
5. Ампаро-инсон ҳуқуқларини давлат органи ва қонун хусусиятлари орқали бўзулиши.
6. И И П -Инститицион инқилобий партия (1929-йилда) Мексикада ташкил топган.
7. О А Г- Америка давлати ташкилоти 1948-йил тўзилган.
8. А Н Р А-Америка халқ инқилобий альянси 1924-йил ташкил топган.

14-мавзу: XX асрда хорижий мамлакатларда давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг асосий тенденциялари.

РЕЖА

1. XX аср давлатлари умумий ривожланиш хусусиятлари.
2. XX аср давлатлари давлат бошқарувида ҳокимиятлар бўлиниши тамойили ва президент бошқаруви. Маҳаллий бошқарув хусусиятлари.
3. XX аср давлатларида конституционализм – ҳуқуқ тараққиёти.
4. XX аср давлатларида халқаро ҳужжатларнинг тутган ўрни.

1. XX аср давлатлари умумий ривожланиш хусусиятлари.

Давлат ва ҳуқуқ тарихида янги ва энг янги даврлар цивилизациянинг юқори даажада ривожланган даври ҳисобланиб, бу даврда давлат бошқаруви ва ҳуқуқ нормалари такомиллашуви юқори даражага кўтарилди. Энг Янги давр хусусиятлари қуйидаги белгиларга эга:

1. Давлат ижтимоий тузумида капиталистик муносабатларнинг қори даражада такомиллашуви;
2. Давлат бошқарувида қонунчилик ҳокимиятининг юқори ваколатга эгаллиги;
3. Давлатлар парламентлаининг икки палатали тарзда шаклланиши;
4. Давлатларда ҳукуматлар ваколатларининг такомиллашуви.
5. Президент бошқаруви такомиллашуви;
6. Давлат ҳокимиятлари ваколат бўйича бўлиниши;
7. Судлар мустақиллиги;
8. Ҳуқуқ нормаларида халқаро ҳуқуқ нормалари устунлиги;
9. Давлат асосий қонуни сифатида конституциянинг такомиллашуви ва бошқалар

2. XX аср давлатлари давлат бошқарувида ҳокимиятлар бўлиниши тамойили ва президент бошқаруви. Маҳаллий бошқарув хусусиятлари.

Ҳозирги кунда хорижий мамлакатлар асосий қонунларида ҳокимият ваколати бўйича бўлиниш тамойилига асосланган.

Парламент халқ томонидан сайланадиган, олий қонун чиқарувчи ҳокимияти амалга оширувчи органдир. Парламент депутати ҳам дахлсизликдан фойдаланади. Парламент депутатининг қуйидаги имтиёзлари бор:

- овоз бериш ва нутқ эркинлиги(индемнитет)
- парламент дахлсизлиги(иммунитет)

Парламент кўп давлатларда икки палатадан иборат бўлади. қуйи палата сайланади, юқори палата эса ё мерос ҳуқуқи бўйича ё давлат бошлиғи томонидан тайинланади ё сайланади. Британияда лордлар палатаси мерос ҳуқуқи бўйича тузилади.

Парламент иш фаолиятининг асосий шакли – сессиядир. Сессия деб палаталарнинг пленар йиғилишлари бўладиган даврга айтамыз.

Қонунда бир йилда нечта навбатдаги сессиялар бўлиши мустаҳкамланади. Шундан ортиқ сессия навбатдан ташқари сессия деб аталади. Белргия, Буюк Британияда сессияни давлат бошлиғи чақиради. АҚШ, Францияда сессия чақирилиши муддати қонунлар белгилаб қўйилган.

Парламентни ишини ташкил этиш учун регламентдан фойдаланилади. Парламент бошқарув органларига унинг раиси киради. Раис парламент томонидан, парламент ваколат муддатининг, охиригача сайланади. Йиғилиш қарорларини имзолайдиган котиб ҳам булиши даркор. Парламент ишида комиссия ва қўмиталар ахамияти каттадир. Қўмиталарда қабул қилинган қарорлар кўпинча парламент сессияларида ўз тасдиғини топади. Комиссия ва қўмиталар доимий ва вақтинчалик бўлади. Вақтинчалик комиссия ва қўмиталар маолум бир муаммони ечиш учун тузилади ва муаммо ечилгач тарқатилади. Доимий комиссия ва қўмиталар эса парламентнинг бутун ваколат муддатига сайланади.

Парламентнинг ваколатлари:

- конституция қабул қилиш,
- қонун чиқариш ваколати,

- резолюциялар (қонундан фарқи шундаки, уни битта палата қабул қилади, президент тасдиғига кўйилмайди) қабул қилиш,
- бюджетни тасдиқлаш,
- ҳукумат ишини назорат қилиш,
- бошқа давлат органларни шакллантириш.

Қонунчилик ташаббусига қуйидагилар эга:

- парламент аозолари,
- давлат ва ҳукумат бошлиғи,
- халқ, (Италияда –50 000 киши, Австрияда – 200 000 киши ташаббус билан чиқиши даркор, АҚШда 2-3% сайловчилар)
- олий суд органлари.

Парламент фаолиятида бюджетни тасдиқлаш муҳим аҳамиятга эга. Давлатнинг кирим ва чиқимлари бюджет деб аталади. Бюджет тўғрисида қонун лойиҳасини ҳукумат киритади.

Парламент яна бир вазифаларидан бири ҳукумат ишини назорат қилишдир. Назоратни олиб боришда парламент депутатлик сўровидан фойдаланади. Сўров оғзаки ва ёзма бўлади. Ёзма сўров кўпинча давлат оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилади. Назоратнинг яна бир тури интерпелляциядир. Сўровдан интерпелляциянинг фарқи шундаки бунда мансабдор шахс жавоби парламент муҳокамасидан ўтади. Парламентларда парламент комиссари (омбудсман) институти ҳам мавжуддир. Булар қонун бажарилиши устидан тушган шикоятларни кўриб чиқади ва шу масала бўйича текширишлар ўтказади.

Ҳукумат асосан вазирлардан ташкил топган бўлиб, у вазирлар кабинети, вазирлар маҳкамаси деб аталиши мумкин. Президент республикаларида ҳукумат бошлиғи – президентдир, парламентар республикаларда эса премьер-министр. ГФР, Австрияда уни канцлер, Норвегияда давлат министри деб аташади. Ҳукумат йиғилишлари ёпиқ эшик йиғилишлари дейилади, чунки унда четдан ҳеч бир кимса қатнашмайди.

Министрлар президент қарори билан тайинланади ва озод этилади. ГФР, Япония, Испания, Италияда ҳукумат бошлиғини парламент сайлайди. Ҳукумат қуйидаги ишларни амалга оширади:

- қонунчилик ташаббуси,
- давлат аппарати ишларни олиб боради,
- ички ва ташқи сиёсатни амалга оширади,
- норматив ҳуқуқий актлар қабул қилади.

Ҳукумат парламент олдида жавобгардир. Жавобгарликнинг икки тури мавжуд:

- сиёсий,
- суд.

Парламентнинг аозоси ўз ваколатларидан четга чиққанлиги учун парламент розилиғи билан жавобгарликка тортилиши мумкин.

Сиёсий жавобгарлик деганда, парламентнинг министраг бўлган ишончсизлиги-«ишончсизлик вотуми» билдирилган тақдирда, министр ишдан бўшаши тушунилади.

Давлат администрацияси ўз ичига турли органларни олади. Уларнинг ичида министрликлар аҳамияти каттадир. Министрликлар руйхати конституцияда берилмайди.

Мансабдор шахслар Англияда 3 рангга, Францияда-4, Японияда –15 рангга бўлинади. Шундай бўлсада биз мансабдор шахсларнинг уч гуруҳини кўрсатишимиз мумкин:

- куйи мансабдор шахслар,
- ўрта мансабдор шахслар,
- олий мансабдор шахслар.

Мансабдор шахсларни ишга тайинлаш ижроия ҳокимият ваколатидир. Мансабдор шахслар танлов асосида ишга тайинланадилар.(АҚШ,Англия, Франция, Италия) Мансабдор шахслар номуайян муддатга тайинланадилар. Мансабдор шахслар партияларга аозо бўлиши, сайловларда қатнашиши маоқулланмайди.

Давлат органлари қаторида армия муҳим ўрин тутди. Армия – давлат томонидан таоминланадиган, босқинчилик ёки мудофаа урушларини олиб бориш учун керак бўлган, қуролли кишиларнинг ташкилий бирлиги.

Полиция - жамоа тартибини сақловчи малакали мансабдор шахслар категориясидир. Полициянинг ташкилий шакллари қуйидагилар:

- бошқарув полицияси, санитар ҳолат, йўл ҳаракати устидан назорат олиб боради,
- хавфсизлик полицияси, жамоа йиғилишлари, матбуот устидан назорат олиб боради,
- жинойт полицияси, жинойтларни фoш этиш билан шуғулланади,
- маомурий полиция, полиция кадрларини тайёрлаш, жинойтчиликка қарши курашнинг янги йўллари ишлаб чиқади
- ҳарбий полиция, қўшинлардаги полиция.

Бу органларнинг аҳамиятми жудда каттадир.

Давлат бошлиғининг ваколатлари:

А) давлат бошлиғининг давлат бошқаруви соҳасидаги ваколатлари.

Давлат бошлиғининг ҳукуматни тузишдаги роли: парламентар монархияда, парламентар республикада президентлик республикасида.

Давлат бошлиғининг фавқулодда ваколатлари. Давлат бошлиғи қуролли кучларнинг олий бош қўмондони.

Б) давлат бошлиғининг қонун чиқариш соҳасидаги ваколатлари. Парламентни сессияга чақириш. Парламентни тарқатиш ҳуқуқи. Сайловларни тайинлаш. Давлат бошлиғининг қонун чиқариш жараёнидаги иштироки. Қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқи, парламентга мурожаатлар. Вето ҳуқуқи ва унинг турлари. Қонунларни промулғация (эолон қилиш учун қўл қўйиш) қилиш.

Давлат бошлиғининг парламентар монархияда, парламентар республикада ва президентлик республикасида қонун чиқариш соҳасидаги ваколатларининг умумий ва махсус хусусиятлари.

В) давлат бошлиғининг ташқи сиёсат соҳасидаги ваколатлари. Ташқи ишларда давлат номидан иш кўриш. Дипломатик ваколатхона вакилларини тайинлаш ва чақириб олиш. Халқаро шартнома ва битимларни тузишда қатнашиш. Давлат бошлиғининг ташқи сиёсий соҳасидаги ваколатларининг умумий ва махсус хусусиятлари.

Г) давлат бошлиғининг бошқа ваколатлари. Авф этиш ҳуқуқи. Ордон ва медаллар билан тақдирлаш ҳуқуқи ва бошқа ваколатлар.

1. Ҳукумат тушунчаси, Ҳукуматни тузиш тартиби. Парламентар монархия ва парламентар республика ва президентлик республикасида ҳукуматни тузиш тартибининг ўзига хос хусусиятлари.

А) ҳукумат бошлиғи, уни тайинлаш ва унинг мақоми. Ҳукумат бошлиғининг парламентар монархия , парламентар республика ва президентлик республикада ва прездентлик республикасида тутган ўрни, унинг ҳуқуқий мақоми.

Б) ҳукуматнинг давлатни бошқариш соҳасидаги ваколатлари. Ҳукумат фаолиятини тартибга солиш. Қарорларни қабул қилиш тартиби. Ҳукумат комитетлари ва бошқа ёрдамчи идораларнинг (АҚШ президенти қошидашги бошқарув аппарати, Буюк Британия бош вазири девонхонаси ва бошқалар) ҳукуматнинг давлат аппаратларига раҳбарлиги.

В) ҳукуматнинг қонунчилик соҳасидаги ваколатлари. Қонунчилик соҳасидаги бази бир ваколатларни бериш (делегированние законодателрство) , унинг моҳияти, турлари ва унинг устидан назоратни амалга ошириш усуллари. Парламентар монархия, парламентар республика ва президентлик республикасида ҳукумат ва парламентнинг ўзаро муносабатлари.

Г) ташқи сиёсат соҳасидаги ҳукуматнинг ваколатлари. Қуролли кучлар ва ташқи ишларга раҳбарлик қилиш.

2. парламент – давлатнинг умуммиллий вакиллик идораси. Парламент ва парламентаризм.

А) парламентларни тузиш тартиби. Парламентдаги ўринларни сайлов йўли билан, тайинлаш йўли билан ва ворислик тартибида эгаллаш.

Депутатларнинг ҳуқуқий мақоми. Депутатлик мандати мазмуни. Иммунитет ва индუმнитет.

Б) парламентларнинг тузилиши. Икки палатали парламентлар. Палаталарнинг ҳуқуқий мақоми. Қўйи ва юқори палаталар. Икки палатали парламентларда юқори палатанинг ҳуқуқий мақоми.

В) парламентларнинг ваколатлари. Ваколатлар ҳажми бўйича парламентларни таснифлаш. Мутлоқ аниқланмаган ваколатли парламентлар (Буюк Британия, Янги Зеландия) .мутлоқ аниқланган ваколатли парламентлар (АҚШ, Франция). Нисбий аниқланган ваколатли парламентлар (ГФР).

Г) парламентларнинг ички тузилиши. Парламентларнинг мансабдор шахслари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми. Партиялар фнақийлари ва уларнинг қонун чиқариш жараёнида тутган ўрни. Палаталарнинг регламентлари.

Д) парламентлар томонидан қабул қилинадиган меоёрий ҳужжатлар. Хусусий ва оммавий биллар. Молияга оид қонунлар.

Е) парламентларда қонун қабул қилиш жараёни. Қонун қабул қилиш жараёнининг асосий босқичлари; қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқий субъектлари; қонун лойиҳасини парламнтга киритиш, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва музокараларни тартибга солиш; қонун лойиҳасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби; қонун лойиҳасини қабул қилиш ва уни овозга қўйиш турлари; қонун лойиҳасини бошқа палатада кўриб чиқиш; қонун

лойихаси бўйича палаталар ўтгасида вужудга келадиган тафовутларни ҳал қилиш тартиби; қонун лойиҳаларини тасдиқлаш. Қонунларнинг кучга кириши.

Ж) парламентар давлатларда ҳукумат устидан парламентларнинг назорати. Ишонч вотуми ва ишончсизлик вотуми. Конструктив ишончсизлик вотуми. Танбеҳ ҳақидлаги резолюциялар, интерпелляция. Ҳукуматга киритиладиган парламент сўровлари. Текширув комитетлари.

З) парламентларнинг бюджет соҳасидаги фаолиятлари ва ваколатлари. Молиявий қонун ҳужжатларини қабул қилишда ҳукуматнинг раҳбарлик роли.

И) парламентларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ваколатлари.

Давлат бошлиғи - ҳалқаро муносабатларда давлат номидан иш кўрадиган ва олий давлат актлари ижросини таоминлайдиган орган. Бу орган вазифасини монархияларда – монарх, республикаларда – президент бажаради.

Монархнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у ҳокимиятни меорос ҳуқуқи бўйича олади. Монархни кўпинча махсус унвонлари бўлади (император, қирол, буюк герцог), ва унда олий ҳокимиятнинг ташқи рамзлари—давлат регалиялари (скипетр, тахт ва тож) бўлади. Монархга шахсий ва ўзга харажатларга маолум миқдорда, сивил варақаси деб аталувчи, пул маблағлари берилади. Монарх ўз ҳаракатлари учун ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди. Унинг шахси «дахлсиз» деб эотироф этилади. Агар монарх айрим сабабларга кўра (рухий касаллик, балоғат ёшига етмаганлик) ўз вазифаларини адо эта олмаса, махсус қонун билан регент ёки регентлар мажлиси тайинланади. Регент давлат ишларини монарх номидан олиб боради.

Президент лавозимининг бошқалардан фарқи- у сайланади. Президент бўлиш иштиёқда бўлган ҳар бир шахс, сайлов цензларига жавоб берса, бу лавозимга сайланиши мумкин. Франция, Австрия, Ирландия, Мексикада президент тўғридан тўғри сайланади. АҚШ, Аргентина, Финляндияда эгри сайлов орқали амалга ўтиради. Исроил, Ливан, Малртада президентни парламент сайлайди. Президент ваколат муддати турлича. (Франция, Италияда –7 йил, Аргентина, Мексикада – 6 йил, ГФР, Хиндистонада- 5 йил, АҚШ, Колумбияда – 4 йил) мексика конституцияси бўйича бир шахс президент лавозимига тақроран 2 бор, АҚШ, ГФР да- 3 бор сайланиши мумкин эмас. Францияда, Италияда бундай чеклашлар мавжуд эмас. Президент шахси дахлсиздир. Заир, Тунисда президент умрбод сайланади.

Давлат бошлиғи қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ҳалқаро муносабатларда давлат номидан иш кўради,
- элчиларни тайинлайди ва лавозимидан озод этади,
- дипломатик вакилларни қабул қилади,
- парламент сессияларини чақириши, парламентни тарқатиши, парламент сайловларини белгилаши мумкин,
- қонунчилик ташаббуси билан чиқиш, қонунлар қабул қилиш,
- вето ҳуқуқи, яъни парламент қабул қилган актларни тасдиқламаслик, қайта кўришга юбориш. Вето 2 хил бўлади: 1) абсолют, яъни давлат бошлиғининг қарори қатой хисобланади, 2) нисбий давлат бошлиғи қарори мутлақ қатой хисобланмайди,

- турли хил норматив ва норматив бўлмаган актлар қабул қилиш,
- министрларни тайинлаш ва лавозимидан озод этиш,
- бош харбий қумондон бўлиш,
- жинойтчиларни авф этиш.

1. Маҳаллий бошқарув ва ўз-ўзини бошқариш тушунчаси ва моҳияти. Хорижий давлатларда маомурий-худудий бўлинишнинг асосий хусусиятлари. Маҳаллий ҳокимият идоралари тизими. Ўз-ўзини бошқариш идоралари фаолиятини тартибга солиш, уларнинг тузилиши ва фаолият шакллари.

2. Ўз-ўзини бошқариш идораларининг марказий ҳокимият вакиллари билан ўзаро муносабати. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларининг ваколатлари ва уларнинг молиявий ҳаражатлари асослари.

Маомурий васийлик.

Муниципиал ҳокимият идоралари ва уларнинг хорижий давлатлар идоралари тизимида тутган ўрни.

Маҳаллий бошқарув идоралари фаолияти устидан марказий бошқарув идоралари назорат шакл ва услублари.

3. Буюк Британия маҳаллий бошқарув идоралари тизими (графиклар кенгашлари, округлар кенгашлари, кенгашлар комитетлари). Франция маҳаллий бошқарув идоралари тизими (префектлар ва генерал советлар: мерлар ва муниципал кенгашлар).

4. АҚШ маҳаллий бошқарув идоралари тизими (мер–кенгаш: кенгаш бошқарувчи ва бошқалар).

5. Маҳаллий органлар тизимида марказдан тайинланадиган ва шу ерли аҳоли томонидан сайланадиган органларини фарқлаш мумкин.

6. Регионлар администрацияси давлатларда турлича тузилган. Уларнинг турларини санаб ўтамиз;

7. маҳаллий вакиллик органлари йўқ, ҳокимият марказдан тайинланган мансабдор шахс кўлида (Финляндия, Исландия, Люксембург), у губернатор, префект, комиссар деб аталиши мумкин,

1) тайинланган мансабдор шахс билан бир қаторда аҳоли томонидан сайланган вакиллик органлари ҳам мавжуд. Бу тизим Франция, Италия, Белгрияда тарқалган. Маҳаллий вакиллик органлари маҳаллий бюджетни қабул қилади, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал этади. Марказдан тайинланган шахс кўпинча бу ерда маҳаллий вакиллик органлари устидан назоратни олиб боради.

2) Бунда фақат аҳоли томонидан сайланган вакиллик органлари ҳокимиятни амалга оширадilar. Бу тизим АҚШ, Япония, Буюк Британияда амал қилади.

Маҳаллий жамоалар сифатида аҳоли пунктлари тушунилади. (шаҳар, қишлоқ) Франция, Италия, Белгрияда жамоа администрацияси бир хилда бошқарилади. АҚШ, ГФР да улар катталиги ва аҳамиятига қараб бошқарилади. юридик шахс мақомига эга жамоалар муниципалитет деб аталади. Унинг вакиллик органи муниципалитет йиғилиши деб аталади. Муниципалитетнинг юқори мансабдор шахси мэр деб аталади. (Европа мамлакатларида – бургомистр, Лотин Америка давлатларида- алркарлд) Мэр маҳаллий аҳоли томонидан

сайланади.(Белргияда, Норвегияда у марказдан тайинланади) Муниципалитет махаллий бюджетни қабул қилади ва бошқа масалаларни хал этади. Мэр айрим давлатларда ижроия хокимиятни амалга оширса, айрим давлатларда у вакиллик органи бошлиғи сифатида тан олинади холос.

Марказ махаллий органлар устидан қуйидаги назоратни олиб боради:

- хар доим махаллий органларни текшириб бориш,
- махаллий органлар қабул қилган ҳуқуқий актларни назоратини олиб боради ва қонунга хилофларни бекор қилади,
- қонунда назарда тутилган ҳолларда махаллий органларни тарқатиб юбориш,
- молиявий назорат, давлат ажратган маблағлар қай тарзда ишлаётганлигини назорат қилиш.

Англосаксон ҳуқуқ тизими амалда бўлга давлатларда(Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия) марказ махаллий орган фаолиятини суд органлир орқали ҳам мувофиқлаштириб туради.

3.. XX аср давлатларида конституционализм – ҳуқуқ тараққиёти

Конституциянинг амалда қўлланилиши қонунлар қабул қилиш ижро этувчи хокимият органларининг актлари, давлат органлари фаолияти, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ва жамият ҳаётининг бошқа жабхалари билан белгиланади.

Конституциянинг олий юридик кучга эга эканлиги унинг химояланганлиги ва амалда қўлланилишини назорат қилиш билан белгиланади. Назорат қилишнинг бевосита усули мавжуд, бунда фуқаролар томонидан унга амал қилиши тушунилади; иккинчидан мансабдор шахсларнинг конституцион нормаларга амал қилмаслиги оқибатида жавобгарлиги; учинчидан: алоҳида белгиланган давлат органларининг назорати тушунилади.

«Constitutio» - лотинча сўздир. У айнан - “тузиш”, “тузук”, “низом”, “тузилиш”, “яратиш” деган маъноларни англатади.

“Конституция” атамаси ўзининг узоқ тарихига эгадир. Масалан, қадим замонларда сўзи сиёсий тузум маъносини билдирган. XVII асрда Францияда бу сўз билан рентани, рента шартномасини ифодалашган. Сўнг яна унинг қадимги юнонча маъносига қайтишган ва бу атама билан ҳуқуқ томонидан белгилаб бериладиган давлат тузилишини ифодалай бошлаганлар. Буюк француз инқилоби арафасида «конституция» атамаси билан «давлатнинг ҳолати» ни акс эттира бошлаганлар.

Тарихий эволюция жараёнида Европа цивилизациясихозирги кунда амалда бўлган конституцияларнинг гуруҳини вужудга келтирди.

Биринчи гуруҳ - булар ҳозирги замон шароитларидан кескин фарқ қилувчи шароитларда қабул қилинган эски конституциялардир. Бу хилдаги конституцияларга 1787 йилги АҚШ Конституцияси, 1874 йилги Швейцария Конституцияси энг яққол намуна бўлади.

Иккинчи гуруҳ - XX асрнинг иккинчи ярмида қабул қилинган “Янги авлод” конституциялари киради. “Янги авлод” конституциялари дастлабки конституциялардан ҳуқуқ ва эркинликлар институтининг, конституциянинг химоя қилиш механизмлари ва

ижтимоий муаммоларга муурожаат қилиш механизмларининг кенгайиши натижасида конституциявий бошқарув хажмининг кўпайиши билан фарқ қилади.

Хорижий мамлакаларининг давлат тузумининг асосий принциплари, шу мамлакалар асосий қонуний бўлмиш конституцияда мустақамланган. Конституциялар давлат ҳуқуқининг асосий манбаси ҳисобланади. Конституциялар давлат ҳокимиятини тартибга солувчи ижтимоий муносабатларни ўрнатади ва назорат қилади. Конституция деб давлат ҳаётининг асосий таянч томонларини қайд этувчи ягона асосий норматив ҳуқуқий актга айтилади. Конституцияни иккига бўлиш мумкин: 1. Юридик конституция — расман қабул қилинган амалдаги конституция. 2. Фактик конституция — сиёсий тузум асосларини кўрсатувчи ҳақиқий тартибот. Бундай тартибот конституцияга мос келиши, мос келмаслиги ҳам мумкин. Конституция кўп асрлик тарихга эга, буржуа инқилобларидан кейин конституциялар бирмунча кўпайди. Унинг сабаби шундаки, конституция феодал тузумга қарши кескин курашди. Конституциялар буржуа демократия ва қонунчиликни ўрнатишда катта ролр ўйнади. Мустамлакачилик зулмидан ҳалос бўлган мамлакатларда конституциялар пайдо бўлиши давлат мустақиллиги билан боғлиқдир. Ҳозирги даврда эса мутлоқ кўпчилик давлатлар ўз конституциясига буржуазиянинг ҳокимият учун курашдаги натижаси ҳисобланади. Буржуазия конституция қабул қилингандан сунг ўз ҳокимиятини мустақамлаш учун барча мумкин булган хийла найрангларни ишга солади. Масалан: 1848 йилда Франция конституцияси, бу конституция ўзида турли қарама қрашиликларни жамлаган. Хар бир модда ўзини-ўзи инкор қилади. Озод бўлган мамлакатлар конституцияси ўз характериға ўтмиш даври конституциялари дейилиши мумкин. Буржуа конституциялари ўзининг конкрет мазмуниға кўра ўтмиш даври конституциялари ўзининг мазмуниға кўра ҳаммаси буржуа конституциялари ҳисобланади.

Конституциянинг юридик функциялари орасида қуйидаги функциялар энг муҳим ҳисобланади:

Биринчидан, конституцион нормалар амалдаги ҳуқуқнинг юқори моддий мезони ҳисобланади; бу ҳуқуқда мавжуд бўлганва унда пайдо бўладиган барча нарсалар конституцион нормаларға мос келиши лозим.

Иккинчидан, конституция матнида ҳуқуқнинг асосий тамойилларига доир кўрсатмаларнинг мавжудлиги

Учинчидан, амалдаги ҳуқуқ мансаблари тизимининг конституцион таҳрифи

Тўртинчидан, конституцион нормаларнинг ўзи асосан бевосита амалдаги ҳуқуқ ҳисобланади, яҳни судлар ва бошқа юридик органлар томонидан тадбиқ этилиши лозим. Конституциянинг юридик табиати ва функциялари норматив ҳужжатлар тизимида устун мавқеда туриши билан ҳам жуда яққол намоён бўлади.

Ер юзида 200 дан ортиқ мустақил суверен давлатлар мавжуд. Бу давлатларнинг давлат ҳуқуқини умумий ва ўзига хос конституциялари аниқлаш учун маолум бир классификация тасвирлаш талаб қилади. Давлатларни гуруҳға ажратиш, маолум бир андозаға ўлчов, баҳо асосида олиб борилади. Масалан, давлатнинг бошқарув шакли ва тузиш шакллари давлат ҳуқуқи, миллий ҳуқуқий системанинг таркибий қисмидир. Давлат ҳуқуқи норматив характерға эга, яони ҳамма давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган принцип, кўрсатма ва қоидалар

йиғиндисидан иборат бўлади. Бу ҳол давлатнинг мустақиллигини таъминлайди. Давлат ҳуқуқининг нормалари шу мамлакатда яшовчи фуқароларга фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқароларига ҳам, фақатгина вакилларга тадбиқ этилмайди. Давлат ҳокимиятини амалга оширишда вужудга келадиган муносабатлар энг муҳим сиёсий соҳалардан. Сиёсий соҳасига эса давлат фаолиятини ташкил этиш вазифаларини белгилаш давлат фаолиятининг шакллари аниқлаш ва бошқа давлат йиғинларида иштирок этиш киради.

Италия, Япония, Португалия, Испания конституциялари демократик эркинликлар билан биргаликда фуқароларнинг ижтимоий - сийсий ҳуқуқлари санаб ўтилган. Конституция таосис кенгаши мажлиси партиялар иштироки синфий курашни кўрсатади. 1947 йилда Италия, 1976 йил Португалия, 1978 йил Перу парламенти конституция ишлаб чиқиш ваколатига эга. Хорижий мамлакатда конституция ижтимоий ва давлат тузумининг ҳуқуқий базаси саналади. Уларнинг фикрича конституция тасодифий ўзгартиришда бўлиши керак. Мураккаб ўзгартиришлар парламент томонидан киритилади. Австрия, Белгия, Италия мутлақ кўпчилик овоз керак. Конституция бекор қилишнинг 2 йўли бор ;

- фавқулодда
- оддий

оддий; Янги конституция қабул қилиниши билан эскиси бекор бўлади. Олдинги конституция бекор қилиш тўғрисида ҳе қандай ҳужжат қабул қилинмайди.

Фавқулодда; Давлат тўнтаришидан сўнг қабул қилинган конституция фавқулодда конституциядир. Лекин 1949 йил Германия конституцияларга бир неча антидемократик моддалар киритилган. 1968 йил Германия фавқулодда конституция ислохот ўтказилди. Бу ислохотга кўра баози бир демократик эркинликлари ҳаракати тўхтатилди. Жисмоний шахснинг эркинлигини мантиқий шахсий эркинлик деб аташ мумкин. Бунга қуйидагилар киради.

1. Шахсий хавфсизлик ва эркинлигини кириш кафолати хусусий ҳаётнинг эркинлигини яшаш жойни танлаш турар-жой ва ёзишмалар дахлсизлиги яна бир шахсий ҳуқуқлар гуруҳини мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқи танқид этади. Бунга сиёсий эркинлик деб атаймиз ва уларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: а) фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи; б) ташкилий бирлашиш эркинлиги; в) митинглар ўтказиш; г) фикр эркинлиги, матбуот эркинлиги, радио, телевидение эркинлиги.

2. Яна бир фуқароларнинг ҳуқуқлари гуруҳи ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар гуруҳи деб аталади. Уларга қуйидагилар киради: а) эркин касб танлаш, ижод эркинлиги, ишсизликдан ҳимояланиш эркинлиги, қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқи; б) касаба уюшма ҳуқуқи.

Ҳамма ҳуқуқий эркинлар учун фуқароларнинг тенглик принципи амал қилади. 1787 йил ҳуқуқлар декларацияси бу принципни тантанаи равишда эолон қилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига кўра Ўзбекистон фуқароси жинси, ирқи, миллати, дини, эотиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, жамиятдаги ижтимоий мавқеидан қатой назар тенг ҳуқуқлидир ва бу конституция билан кафолатланган. Жаҳонда кўп мамлакатлар ўз конституцияларида ирқий, миллий камситишлардан воз кечади. АҚШнинг конституциясида бундай ҳаракатлар амалга оширилган. 1) 1865 йил 13-тузатиш. АҚШда

хамда унинг таосири остидаги бошқа давлатларда кунлик ва мажбурий ишлатиш бўлмаслигини таъкидлайди. 2) 14-кўшимча АҚШда туғилганликларини ва шу мамлакатларда натурализация қилинганликларини АҚШ фуқароси деб эълон қилиш таъкидланган. 3) 15-тузатиш фуқароларнинг ирқига, терининг рангига қараб сайлов ҳуқуқини чеклашни бекор қилиш тўғрисида. Ҳа бундай мисоллар жаҳон тарихида кўплаб учрайди ва албатта умумбашарий аҳамиятга моликдир.

5.4.. XX аср давлатларида халқаро ҳужжатларнинг туганган ўрни.

Инсон ҳуқуқлари муҳим конституциявий институт бўлиб, у бутун инсониятни интилишларини, орзу умидларини ўзига жамлаган кенг қамровли тушунчадир. **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси** 1949 йил 10 декабрда қабул қилиниб, барча аҳзо давлатлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Ушбу декларация инсон ҳуқуқлари борасидаги асосий ушжат ҳисобланади. У ҳозирги тараққиётнинг асоси ва давр талабидир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланганлик даражаси ҳар бир мамлакатдаги сиёсий тузумнинг характерини, давлатнинг қанчалик демократлигини кўрсатади. Инсон жамиятнинг фаол бўлагидир ва у иқтисодий муносабатларнинг, сиёсий ҳамда маънавий ҳаётнинг бевосита иштирокчисига айлантирилмас экан, ижтимоий жараёнларга ўзвий жалб этилмас экан, давлатнинг равақи, жамиятнинг маънавий тараққиёти ва келажаги ҳақида гапириш мумкин эмас.

Инсон билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳуқуқий асосларнинг қарор топтирилиши жамият демократлашувининг жиддий кўрсаткичидир. Инсон ҳуқуқлари фақат шахс эркинлиги ҳақиқий бўлган шароитдагина тўлақонли бўлади.

Халқаро миқёсдаги ташкилот БМТ томонидан бир неча устувор кучга эга бўлган инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳужжатлар қабул қилиндики, бу ҳужжатлар барча аҳзо давлатлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Улар:

Инсон ҳуқуқлари умумжаон Декларацияси;

Бола ҳуқуқлари Декларацияси;

Инсон ва фуқароларнинг сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари тўғрисидаги пактлар ва зкравонликни баргараф этиш тўғрисидаги бир неча халқаро актлар.

Ҳозирги кунда давлатлар ўз конституцияларида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим қоидаларни мустаҳкамлаганлар:

1.Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш – бу давлат мажбурияти.

2.Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари каталоги халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устиворлиги.

3.Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб таалуқлидир, яъни табиий ҳуқуқ ғоясини, назариясининг эҳтироф этилиши.

4.Хамма ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар таалуқлилиги.

5. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этилиши.

6. Фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши.

7. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш бошқа шахслар ҳуқуқларини бузмаслиги зарурлиги.

Дунё давлатларида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими қуйидаги беш таркибий қисмдан иборат:

1. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар – виждон эркинлиги, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, судга шикоят қилиш ҳуқуқи

Шахс ҳуқуқий мақоми тушунчаси. Шахс ҳуқуқий мақоми хорижий давлатлар ҳуқуқининг алоҳида ҳуқуқий институти сифатида.

1. Фуқаролик тушунчаси. Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари. Сиёсий ҳуқуқ лаёқати ва сиёсий муомала лаёқати.

2. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни таснифлаш. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар. Фуқароларнинг бурчлари.

Кўпгина четмамлакатларда фуқароликка олиш туғилиши билан «қон ҳуқуқи» асосида вужудга келади. Бунда ҳар бир шачс, агарда унинг ота-онаси тегишли давлат фуқароси бўлса, қаерда туғилишидан қатойи назар, шу давлат фуқароси бўлади. Лотин Америка давлатларида (Бразилия, Аргентина) иммиграцияни қувватлаш учун, «ер ҳуқуқи» жўлланилади. Бунда ҳар бир шахс, унинг ота-онаси қайси давлат фуқароси бўлишидан қатойи назар, қайси давлат ҳудудида туғилса, ўша давлат фуқароси ҳисобланади. АҚШ, Буюк Британия, Индия, Кенияда аралаш ҳуқуқ амалдадир.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини бир неча турларини санаб ўта оламиз;

- ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар (хусусий мулк ҳуқуқи, дахлсизлик ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи ва б.),

- сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар (сайлов ҳуқуқи, матбуот эркинлиги, сўз эркинлиги, уюшмалар тузиш ҳуқуқи),

- шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (яшаш ҳуқуқи, уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқи, ёзишмалар дахлсизлиги, виждон эркинлиги ва б.).

Хозирда энг долзарб мавзулардан бири тенглик принципи бўлиб келмоқда. Бу айниқса ривожланаётган давлатларга тегишли. Хиндистонда касталар орасидаги курашни бартараф этиш мақсадида конституцияда бу ҳол кўрсатиб ўтилган.

19 асрда аёллар камситилар эди. Бу ҳолат хозирда йўқ қилинди. Улар хозирда сайлаш, сайланиш, мулк ҳуқуқга эгадирлар. Шундай бўлсада аёлларнинг сиёсий ҳаётда иштироки суст. Аёллар АҚШ Конгрессида 4 фоизни, ГФР бундестагида 5,8 фоиз, Италия парламентида 3,8 фоизни ташкил этади.

Ирқий, миллий дискриминация иллатлари яқинларгача мавжуд бўлган. Уларнинг энг оғир шакли резервация, яъни маолум этник гуруҳга тегишли шахсларни маолум ҳудудга кўчириш. Бундай ерлар асосан хосилсиз, камунум бўлиб, бу ерда яшаш шароитлари жуда паст даражада. 19 асрда резервациялар АҚШ, Канадада хиндулар учун, Австралияда

аборигенлар учун яратилган. Эндиликда шундай одамлар резевация худудларидан чиқиб кета олади. Буларнинг номи турлича Исроилда «хафвсизлик зоналари», ЖАРда «хоумленд, бантустана».

Ирқий-миллий дискриминация яна бир тури сеграгациядир. Сеграгация бу жамоат жойларидан (транспорт, мактаб, библиотека) фойдаланишда ирқий хусусият буйича фарқлаш.сеграгация икки ури мавжуд;

- сеграгация де-юре, (бунда чекланишлар қонун билан мустахкамланади)
- сеграгация де-факто, (жамоат жойлари эгалари ўз иродаси бўйича маолум ирқ вакилига хизмат қилишдан бўйин товлайди).

Сеграгация де-юре (апертейд) ЖАРда, АҚШда 1960-1970 йилларгача сақланиб келди. Сеграгация да-факто эса хозир ҳам мавжуд.

Асрлар давомида ишчилар ўз ҳуқуқлари учун курашиб келди ва маолум ютуқларга эришди. Курашнинг асосий турларидан бири митинглар, иш тўхтатишлардир. Иш тўхтатишлар нафақат иқтисодий балки сиёсий ҳуқуқлар учун курашларда ҳам қўлланилмоқда. Дунёнинг айрим мамлакатларида (Покистон, Чили) иш тўхтатишлар таоқиқланган. Мексика,Италия, Францияда иш тўхтатишларга бўлган ҳуқуқ конституцияда белгиланиб, унга қонун чегарасида рухсат берилган. Қонун чегарасидан чиққан иш тўхтатишлар ноқонунийдир ва жазога лойиқдир. АҚШда «миллат, давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи» иш тўхтатишлар 80 кунга кечиктирилади. Францияда иш тўхтатишни бошлашдан 5кун олдин маоумуриятни огох этиш керак.

Чет мамлакатларда ижтмий химоянинг асосий тури ижтмий суғурталашдир. Аммо бунинг бир қатор камчиликлари бор;

- ижтмий суғурта қишлоқ хўжалиги ходимларига тарқалмайди,
- ижтмий суғурта фондлари, асосан, ишчиларнинг ўз хисобидан ташкил этилади,
- пенсия ёши 60-65 ёш,
- мечнат қобилиятини вақтинча йўқотганда, касалликнинг 2-7 кунларига пул тўланмайди (кутиш даври),
- ишсизлик нафақаси ишни ўз хохиши билан тарк этганва иш тўхтатиши натижасида хайдалган шахсларга тўланмайди,
- ишсизлик нафақаси тўлаш даври чекланган (Австрия-12 хафта, АҚШ-13 хафта, Канада-8 ой, Буюк Британия, ГФР-1йил).

Медицина соҳасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. АҚШда либерал тиббий хизмат кўрстиш йўлга қўйилган, унга кўра мижоз шифохона билан шартнома тузиб,унга келишилган нархда маблағ бериши керак. Бу эса хар кимнинг кўлидан ҳам келмайди. Европа кўп мамлакатларида суғурта медецинаси амалда. Суғурта компанияси ўз мижози номидан шифохона билан контракт тузади. Ишчи даволашнинг бир қисмини тўлайди. Буюк Британия, Янги Зеландияда соғлиқни сақлаш давлат томонилан таъминланган.

Билим олиш ҳуқуқини амлга оширишда ота-оналарга эркинлик берилган, улар хохласа фарзандини давлат ёки шахсий мактабларга беради. Шахсий мактаблар пулли(Англияда –500 фунт стерлинг) . АҚШда талабанинг бир йиллик коллежда ўқиши ўртача 10 000 долларга етади.

Мажбурий ўқиш чегараси ҳам ҳар хил .(Дания-7 йил, Италия, Финляндия, Белгрияда-8 йил, Япония, Франция, Швецияда-9йил).

Виждон эркинлиги чет мамлакатларнинг кўпида конституцияда мустахкамланган. Шундай бўлсада айрим давлатларда расмий(давлат) дини институти мавжуд. Англияда – англикан дини, Швеция, Норвегияда, Данияда, Исландияда-лютеранлик, Испания, Парагвай, Коста-Рикода - католицизм, Эрон, Марокашда - ислом. АҚШда, Франция, Мексика, Бразилияда дин давлатдан ажратилган.

Англиянинг давлат ҳуқуқи

Буюк Британияда консерваторлар партияси муҳим урин тутади. У монополистларни ва йирик ер эгаларини манфаатларини қувватлайди. Бу партия ўз орқасида ишчиларни ҳам эргаштира олди. Консерваторлар партияси аъзолари бадаллик тўлоқларини тўламайди. Бу партияни молиявий жихатдан монополистлар таъминлайди. Бу партиянинг қарийб 9 млн. аъзоси бор. Улар хусусий тадбиркорликни маъқуллайди.

Консерваторлар партияси асосий рақиби либераллар партиясидир. Бу партия 20 аср бошларида қасаба уюшмалар ёрдамида ташкил этилган. Бу партияга бутун бир ташкилот ёки жисмоний шахслар ҳам аъзо бўла олади. Хозирги кунда лейбористлар партиясига 280 минг аҳоли, 6.5 млн. одамлар қасаба уюшма орқали 43 минг одам бошқа ташкилотлар орқали аъзо бўлган. Бу партия ишчилар партиясидир. 1983 йилги сайловларда бу партия йирик мағлубиятга эришди у 27.6 % овоз олди ҳолос. Буюк Британия ҳаётида неофашистик партия, «Миллий фронт », ўз ўрнига эга. бу партия 19767 йили тузилган.

Либераллар партияси 1877 йили ташкил топган. 20 аср бошларида консерваторлар билан қураш олиб борган, аммо кейинчалик ўз ахамиятини йўқотди.

Германиянинг давлат ҳуқуқи

Германия давлатида партиялар бошқа давлатларга қараганда мураккаброқ институтлаштирилган. Германия конституциясида «Партиялар ҳалқни иродасини намоён этади»деб кўрсатилган.

Сайлов қонуни эса ҳар бир партия ўз номзодларини сайловга қўйилиш мумкинлигини кўрсатади, партиялар бевосита конституция билан тартибга солинади.

Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунга кўра партиялар юридик шахс мақомини регистрациядан ўтгандан сўнг олади. Шу билан бирга ҳокимиятга устав ва программаларини тақдим этишлари даркор.

Партиялар тўғрисидаги қонунда Ички Ишлар министрига шундай тақиқланган партиялар фаолиятини тўхтатиш ваколати берилган (1956 йили Германия коммунистик партияси фаолияти тақиқланган). Германиянинг асосий партияларидан бири Христиан демократик иттифоқ бўлиб, у бевосита ҳарбий саноат билан боғланган. Бу партия 1945 йили тузилган бўлиб, 735 минг аъзоси бор. Бу партия хусусий тадбиркорликни маъқуллайди. Ташқи сиёсатда қуролланиш, НАТО блокига аъзо бўлиш тарафдори.

Германияда яна Христиан социал иттифоқ партияси бордир. Бу партия Христиан демократик иттифоқдан ажралган бўлсада, парламентда битта фракцияни ташкил этади.

Германиянинг энг йирик партияларидан бири Социал демократлар партияси бўлиб, уни 1 млн.га яқин аъзоси бор. Бу партия асосан ишчилар синфи ва ўртахоҳ аҳолини ўзининг орқасидан эргаштирган. Бу партиянинг программаси 1959 ёилда қабул қилинган. Бу партия ҳам НАТО блокага аъзо бўлиш тарафдори.

Либерал партиялардан бири, Озод демократлар партиясидир. У асосан ўртахоҳ аҳолини бирлаштирган. 1960 йили Миллий демократлар партияси катта муваффақиятларга эришди.

1980 йили атроф муҳитни химоялаш мақсадида яшиллар партияси ташкил этилди. Бу партия ядровий қуролланишга, АҚШ қуролларининг Германияда сақланишига ҳам қарши.

Германияда ишчилар синфини бирлаштирган Германия коммунистик партияси 50 минг аъзоси бор.

Германия конституция 1949 йил 24 майда қабул қилинган. У Германия бўлинишини расмийлаштириш учун қабул қилинган. Парламенткенгаша Боннда чақирилган ва бу ерда конституция маъқулланган. Кейинчалик Бавария ўлкасидан ташқари барча ўлкаларда бу конституция маъқулланди.

Конституцияда инсон ҳуқуқ ва бурчлари эолон қилинган. Жумладан, қонун олдида тенглик, йиғимлар эркинлиги, иттифоқларга бирлашиш эркинлиги. Шу билан бирга бу ҳуқуқлар давлат томонидан чеклаб қўйилиши мумкинлиги қайд қилиб ўтилган. 1968 йили конституцияга бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Германия давлат бошқарувига кўра парламентар республикадир, давлат тузилишига кўра эса федератив республикадир. Унинг таркибига 10 ўлка киради. 1990 йили иккала Германия бирлашгандан кейин ўлкалар сони 30тага етди.

Германия конституциясида Бундестаг ва Бундесрат парламентнинг икки палатаси деб кўрсатилмаган. Шунинг учун баози немис ҳуқуқшунослари Бундесратни парламент палатаси эмас, балки ҳукумат комиссияси деб кўрсатади. Аммо Бундесрат иштирокисиз Бундестаг ҳеч қандай қонун қабул қилолмайди, яони парламентнинг асосий функциясини бажара олмаслиги сабабли Бундесрат ҳам парламент палатасидир.

Бундестаг тўғридан тўғри сайловлар билан 4 йил муддатга 496 депутат таркибида тузилади. Бундестаг депутатини сайлаш ҳуқуқига 18 ёшга тўлган Германияда камида 3 ой яшаган фуқаролар эга. Сайланиш ҳуқуқига эса Германияда камида бир йил яшаган 21 ёшли фуқаро ҳақли. Бундестагга сайловлар аралаш системада ўтказилади. Судрлар, амалдорлар Бундестагга сайланадиган бўлсалар ўз лавозимидан воз кечиши шарт. Депутатларнинг ярми бир мандатли округлардан сайланса, қолганлари партия рўйихати асосида сайланади.

Хар бир сайловчига овоз бериш учун бюллетенр берилади. Бунда сайловчи иккита белги билан иккита жайда овоз беради; биринчи овози номзод учун, иккинчи овози партия рўйихати учун берилади.

5%дан кам овоз олган ёки 3тадан кам бўлган депутатларнинг ўтказган партия умумгерман миқёсида натижаси ҳисобга олинмайди.

Бундесрат ўлкалар ҳукуматлари аъзоларидан тузилади. Ўлкаларни ҳукуматлари Бундесрат аъзоларни сайлаш билан бирга уларни мажбурий йўриқномалар билан таъминлайди ва истаган пайтда бу аъзони чақириб олиши мумкин.

Хар бир ўлкада камида 3 вакил қайнашади. Агарда ўлканинг аҳолиси 2 млн.дан кўп бўлса, 4 киши катнашади, агар 6 млн.дан кўп бўлса 5 киши катнашади. Хар қайси палата керагича доимий қўмита тузиши мумкин. бу қўмиталар 4 йилга тузилади. Бундестагнинг қўмиталар партия фракциялари сонига мослаштириб хар биридан тенг сонда олиниб тузилади. Бундесратнинг қўмиталари эса ўлкаларнинг тенг ҳуқуқли вакилликка асосланади. Қонунчилик ташаббуси ҳукуматга, Бундесрат ва Бундестаг депутатлирига бериш энг камида 15та депутат қонун ташаббуси билан чиқиши мумкин. ҳукумат қонун лойихаларин биринчи галда Бундесратда 3 хафта ичида кўриб чиқилиб ўз хулосасини Бундестагга бериши керак. Хал қилув сўзини хар икки патлатани 3 марта ўқишида айтилади ва овозга қўйилади. Бундестаг томонидан қабул қилинган қонун лойихаси Бундесратда ўтмай қолиши мумкин. бунда Бундесрат икки хафта ичида келишув қўмитаси талаб қилишга ҳақли. Бунда хар икки палатадан 11 вакилдан олинади.

Франция

Сиёсий партиялар ҳақида Франция конституциясида ҳам, қонунларида ҳам айтиб ўтилмаган. Фақатгина партиялар тузиш ва уларни фаолиятини олиб бориш ҳақида ассоциация тўғрисида қонун қабул қилинган. Унга кўра ассцияция юридик шахс мақомига эга. Монополистик буржуа партия Шарлр де Голр даврида «Республикага ёрдам бирлашуви» деб номланди. 1958-1967 йиллар бу партияни номи «Янги республикага ёрдам иттифоқи» эди. «Янги республикага ёрдам иттифоқи» партиясининг аъзолари 700 000дан ортиқ. Партиянинг асосий мақсади давлатни иқтисодга аралашуви, монополиялар манфаатини химоя этиш. Ташқи сиёсатда Францияни энг юқори кўрсаткичга олиб чиқиш.

Яна «Франция демократияси учун иттифок» партияси мавжуд. Бу ташкилотга 3та партия аъзодир.

1972 йили радикал чап ҳаракат пайдо бўлди. Асосий мақсади ўрта хол аҳоли манфаатини химоя этиш, атроф табиатни муҳафаза этиш, ташқи сиёсатда тинчликни сақлашдир.

Франция социалистик партияси 1969 йили ташкил топган бўлиб, унга хизматчилар ва майда буржуазия киради. Уларнинг асосий мақсади кредит-банк ва йирик ишлаб чиқаришни национализациялаштириш, ижтимоий химояни яхшилаш, ишсизлик билан курашиш, ташқи сиёсатда тинчлик тарафдори.

1981 йили шу партия аъзоси Франсуа Миттеран президентлик сайловларида ғалаба қозонди.

1960 йилдан бери Францияда Бирлашган Социал партия мавжуд, унга асосан ёшлар киради. Франция коммунистик партияси ҳам анча кучлидир. У ишчи синф манфаатларни химоя этади. 1958 йил 5 октябрр Франция конституцияси қонуний кучга кирган. Конституция лойихаси де Голр ҳукумати томонидан тайёрланган бўлиб, у конституцион консулртатив комитет томонидан кўриб чиқилган.

Конституцияда инсон ҳуқуқларига оид бшлим йўқдир, аммо кириш қисмида, преамбулада, «Инсон ҳуқуқлари ва миллий суверенитет» принциплари ҳақида сўз юритилган.

1946 йил конституция преамбуласи ҳозирги конституцияда сақланиб қолган.

Франция конституциясининг 2-моддасига асосан «Франция бўлинмас, демократик ва халқ республикасидир.» Франция давлат бошқарувига кўра парламентар республикадир. Хозирги Франция давлатини 5чи республика деб аташади. Давлат тузилишига кўра эса Франция унитар давлатдир.

Франция парламенти икки палаталидир:

- миллий йиғин(5 йил муддатга сайланади,577та депутатдан иборат),
- сенат(304та сенатордан иборат, 9йилга сайланади).

3. Америка кўшма штатларнинг давлат ҳукуқи

АҚШда партиялар фаолиятини тартибга солиб турувчи қонунчилик тизими мавжуд. Бу қонунчиликни асосий қисмини штатларнинг алоҳида қонунлари ташкил этади. АҚШда 2 та асосий партия қолган партиялардан устунликка эга.

Бу партиялардан бири «Республика» партияси бўлиб, 1854 йили ташкил топган. «Республика» партияси фаолияти АҚШ халқининг турли табақаларни ўз орақасидан эргаштирса ҳам, асосий мақсади монополиялар манфаатини химоя этиш.

«Республика» партияси рақиби «Демократик» партиядир. У 1928 йили ташкил топган, халқ орасида катта эотиборга эга. Асосий мақсади миллатни ривожлантириш учун, тадбиркорликка қаратилган. Тадбиркорларга шароитлар яратиб бериш, бунинг учун хар хил кўринишлар ўтказиш кераклигини талаб қилинади. Уларни сайлов пайтида айниқса уюшмалар қўллаб қувватлайди. Ташқи сиёсатда харбий устунликка эришишни мақсад қилиб қўйган.

Иккала партия ҳам кучли бўлиб, АҚШ Конгрессида ўз фракцияларига эга. Айнан шу иккала партия орасидан президентликка номзод қўйилади. Бу партиялар бир бирига жуда ўхшаш. Бу партиялардан ташқари бошқа партиялар ҳам мавжуд. Масалан, прохибиционистлар партияси(алкогол ичимликлар савдосини тақиқлашни мақсад қилиб олган). Яна учта партия бор(социал демократ, ишчилар социалистлар, социалистик лейбористлар партияси), аммо улранинг мавқеи баланд эмас.

АҚШ конституцияси 1787 йили конституцион конвентда, Филадельфияда қабул қилинган. 1787 йили қабул қилинган конституция жуда қисқа эди. У преамбула ва 8 моддадан иборат эди. Бу конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида ҳеч нима дейилмаган. 1791 йили булар конституцияда акс эттирилди. Конституцияга конгресс қонун чиқариши, виждон эркинлиги, сўз ва эотиқод эркинлиги, митинглар ўтказиш, айибсизлик презумцияси кабилар киритилди.

АҚШ конституциясида ҳокимиятнинг бўлиниши акс эттирилган(қонун чиқарувчи – Конгресс, ижро этувчи – президент, суд ҳокимияти – суд органлари).АҚШ бошқарув шаклига кўра президентлик республикасидир, тузилишига кўра федератив республикадир. АҚШ 50та штатга бўлинган. Колумбия штати алоҳида ўрин эгаллайди, унинг мулкидан конгресс тўла фойдалана олади.

Таянч атамалар.

Парламент – қонунчилик органи.

Президент- давлат бошлиғи

Штаг- худуд
Конституция- ҳуқуқ нормаси

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. — Т., “Адолат”, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., “Адолат”, 1998.
3. Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. — Т., “Адолат”, 1998.
4. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллр. — Т., 1992.
5. Бобоев Ҳ.Б., Рамазонов И. Инсон ҳуқуқлари. Т., 1997 й. Ўқув кўлланмаси.
6. Одилқориев Х.Т. Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси, Ўзбекистон давлат органлари тизимининг такомиллашуви. — Т., 1995.
7. Азизхўжаев А.А. Ҳокимият тақсимланиши таомилининг амалий ифодаси. — Т., 1994 йил, “Ҳаёт ва қонун”, 2-сон.
8. Файзиев М.М. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзоларининг ҳуқуқий статуси. “Ўзбекистон Республикаси — мустақил давлат”. — Т., “Адолат”, 1995.
9. В.Е.Чиркин. Конституционное право зарубежных стран. М. Юрист 1997 год
10. В.Е.Чиркин. Конституционное право зарубежных стран. М. Юрист 2002 год
11. У.Тожихонов, А.Х.Саидов Жаҳон конституциялари Т. 2001 йил